



ЏАВОЛЛАРГА

ЖАВОБЛАР

ЁХУД ТАРОВАДА
ЧИҚҚАН

МУАММОШЕР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2015

УЎК: 821.21-31

КБК: 84(5Инд)

С – 37

Сваруп, Викас

Саволларга жавоблар ёхуд харобадан чиққан миллионер: роман / Викас Сваруп. Инглиз тилидан Шаҳноза Раҳмонова таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 360 б.

ISBN 978-9943-27-615-4

Илк дебют роман бўлишига қарамай ушбу асарнинг катта муваффақиятга эришиши муаллифни ҳам ҳайратга солди. Икки кун ичида босмадан чиқарилган роман ниҳоятда қисқа вақтда шуҳрат қозониб, дунёнинг 14 та тилига таржима қилинди ва Лондонда «Exclusive Books Boeke Prize» номли адабий мукофотни қўлга киритди.

Муаллиф сценарийси асосида суратга олинган «Харобадан чиққан миллионер» фильми 8 йўналиш бўйича Оскар мукофотини қўлга киритди. «Олтин глобус»нинг 7 мукофоти ва «BAFTA»нинг 7 та совринига сазовор бўлди. Айни дамда ушбу фильмнинг мусиқий кўринишлари ишлаб чиқилмоқда. Бу асар чин маънода Викас Сварупни миллионерга айлантирди, десак муболаға бўлмайди.

«Саволларга жавоблар» Мумбай харобаларида яшаган 18 ёшли йигит Рам Муҳаммад Томас тилидан ҳикоя қилинади. Унинг барча ташвишлари «Ким миллиардер бўлишни истайди?» кўрсатувида голиб чиққанидан сўнг бошланди. Телевизион шоу ташкилотчилари унинг қобилиятига шубҳа қилиб, йигитни қаллоблиқда айблаб қаматишади ва пулдан махрум қилиш йўллари ахтаришади.

Панжара ортидаги Томас ўз ҳақгўйлигини қандай исбот қилди? Харобада яшаб, ҳатто мактаб таълимини олмаган ўсмир илмли кишини иккилантирадиган саволларга қандай жавоб топди?

Ушбу асар мутолааси давомида етимликнинг аччиқ аламини тотган Рам Муҳаммад Томаснинг кемтик юрагидаги галаёнлару кечинмалар билан танишасиз...

Инглиз тилидан
Шаҳноза РАҲМОНОВА
таржимаси

ISBN 978-9943-27-615-4

© Викас Сваруп, «Саволларга жавоблар ёхуд харобадан чиққан миллионер». «Янги аср авлоди», 2015.

*Ота-онам Виноду ва Индра Сваруп,
шунингдек, бувамнинг отаси
Шри Ягадши Сварупнинг ёрқин
хотирасига бағишлайман.*

МУҚАДДИМА

Мени қамашди. Телевикторинада ғолиб бўлганим учун. Пусиб ётган исқирт кўппак ўтлар орасидан сапчиб чиққани каби улар ҳам қуюқ туманли кечада қаердандир пайдо бўлишди. Эшикни синдириб, қўлимга кишан тақишди-ю, қоронғида чироқлари тинмай ёниб ўчаётган қора «Жип» томон олиб боришди. Тинчгина, тўс-тўполонсиз, бақир-чақирларсиз... Маҳаллийлардан бирортаси ўз кулбасидан, ҳатто бурнини ҳам кўрсатмади. Фақат қайсидир дарахтнинг шохида қуюқ барглар панасида ўтирган бойқушгина сирли сайраб қўйди.

Ўғри-киссавурлар қўним топган Дхараванда бугун тундагига ўхшаб пусиб келиб, қамоққа олишлар одатий ҳолга айланганди. Шаҳарнинг бу гадойтипмас, жин кўчаларида яшириниб ётган бирорта безорини қўлга тушириб, полиция идорасига олиб кетилмаган кун бўлмаса керак. Баъзи полициячилар жиноятчиларни кулбасидан судраб чиқишар, улар эса ўз навбатида йўл бўйи бақир-чақир қилиб, қайсарлик билан қонун ҳимоячиларига қаршилиқ кўрсатишарди. Бошқалари эса тинчгина кетишарди. Шундайлар борки, қамоққа олишларини кутиб яшайдилар. Тунда қизил чироқларнинг милтилашини кўришлари билан фурсат етиб келганини англайдилар ва энгил

нафас ола бошлайдилар. Мен ҳам бақирим, қаршилиқ кўрсатишим, қўшниларимни уйғотиб, ўзимнинг айбсизлигимни исботлашга уринишим мумкин эди, албатта. Бироқ нима фойда? Бу ерлик одамларнинг бирортаси мени қутқариш учун, ҳатто бармоғини ҳам қимирлатмаслигига ишончим комил. Улар ўз кулбаларининг остонасида уйқусираган кўзларини ишқаб, бир муддат навбатдаги бепул томошадан баҳра олиб, қараб туришади. «Мана, яна битта бетайинни қўлга туширишди!» – бу ерда яшайдиган мингларнинг оғзидан чиқадиган гап шу. Менинг айбдорманми, айбсизманми, сариқ чақалиқ аҳамияти йўқ, қайтага тинчини бузганим учун маза-бемаза гаплар билан каминанинг ўзи ҳеч қачон кўрмаган-билмаган фақат фариштамисол сиймоси хаёлларидагина яшайдиган онасини аямай сўкишади ва қулочларини кенг ёйиб, беписандлик билан бир тиришиб олишади-да, сўнг яна уйқуни қолган жойидан давом эттиргани кириб кетишади. Сизни ишонтириб айтишим мумкинки, менинг фавқулодда ғойиб бўлишим Осиёнинг мана шу улкан харобаларида яшайдиганлар учун у қадар катта йўқотиш эмас ва бу уларнинг фақирона ҳаётларига сира таъсир кўрсатмайди. Ит эгасини танимайдиган азим шаҳарнинг ғариблари тикилиб яшайдиган гадейтопмас жин кўчаларда ҳаёт ҳар тонг азонлаб доимгидек сув тўлдириш учун навбатга туриш билан бошланади. Соат етти яримдаги шаҳарга қатнайдиغان поездга улгуриш мақсадида одамлар олдинга ўтишга интилар ва навбат таллашиб, жанжаллашиб қолишарди. Аниқ биламан, бу минглаб одамларнинг ҳеч бири мени нима учун қўлга олишгани ҳақида жиддий бош қотириб кўрмайди. Ишонсангиз, ярим тунда хароб кулбамнинг кичкинагина эши-

ги қаттиқ зарбалардан сўнг буткул синиб, узилиб тушгунига қадар, нима сабабдан қўлимга кишан тақишгани, ҳатто ўзимнинг ҳам етти ухлаб тушимга кирмаганди. Шаҳар ҳудудида бир қарич ерни қўлга киритиш учун аёвсиз, ҳаёт-мамот жанги кетаётган бир пайтда, бутун умр сассиқ ахлатхонада яшашга маҳкум этилганингга ақлинг ега бошлагач, бундан тушкунликка тушиб, фақат бойлар манфаати учун хизмат қиладиган қонунларга итоат қилмоқликдан бўйин товласанг, охирги манзил – қамоққа олиб бориши табиийдек, назаримда. Умидсизлик гирдобидида алаоқибат ўзинг ярим тунда бўлса ҳам хароб кулбанг ёнида қора жипнинг қизил чироқлари милтилаб нур сочишини кутишни бошлайсан. Хуллас, нега бақир-чақир қилиб оламни бошимга кўтармаганимни энди англаб етгандирсиз... Мабодо, аксини бажарганимда, ўша викторинага қатнашиб, оғримаган бошимга бало сотиб олганимни тап тортмай, юзимга айтгувчи одамлар ҳам топилади.

Ниҳоят, нутқларининг охирида кўрсаткич бармоқларини бигиз қилиб, маҳаллий донишмандларнинг сўзларини эслатиб қўядилар: «Бу жамиятда бойлар ва камбағаллар ўртасидаги чегарани бузишга асло рухсат берилмайди!» Чинданам, чўнтагида ҳемири ҳам йўқ менга ўхшаган ғариб официантни бу викторинага иштирок этишга нима мажбур қилди? Ахир, курашдан иборат шафқатсиз ҳаётда тинч яшаш учун қўл-оёқдан фарқли ўлароқ, аввало, бошни бошқаришда эҳтиёткор бўлишимиз талаб қилинади-ку! Қанийди, қўшниларим менинг шоуда саволларга қандай жавоб берганимни атиги бир бора кўришса эди!.. Афсуски, кўрсатув ҳали эфирга узатилмаган-да! Аммо миш-мишлар алақачон тарқалиб улгурганди. Узун-қулоқ гапларга қараганда, мен

викторина голиби бўлибман... Бу худди лотереяга ўхшайди. Миллиард рупий соҳиби...

Янгиликни эшитган официант ўртоқларим ресторанда ажойиб кеча уюштиришди. Биз тун яримлаб қолгунга қадар еб-ичиб, рақсга тушдик. Илк марта кечки овқатга Рамцанинг бемаза бўтқаси йўқ эди. Биз бешюлдузли Марин-драв меҳмонхонасининг ошхонасида тайёрланган овқатлар – товукли ош, сих-кабоб, буғда ҳил-ҳил пишган қўй гўштини буюртгидик. Барменимиз қадаҳ сўзи айтаркан, ҳаяжонлаганидан титраб, дудуқланиб, она сути оғзидан кетмаган ёшгина қизига уйланишимни сўради. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, вайсақи хўжайиним ўша тун тинимсиз иршайиб, мендек содиқ қулига анчадан буён берилиши пайсалга солинаётган ойлик маошимни охирги чақасигача санаб, олижаноблик билан қўлимга тутқазди ва энг ҳайратланарлиси, ўша тунда у каминани илк маротаба «онгсиз махлуқ» дея ҳақоратламади, бироқ ишонтириб айтишим мумкинки, мен фақирнинг бу қувончи ҳеч ҳам узоққа чўзилган эмас.

Ҳозир Годбоул каминани шундай масхара қилади. Камерада оёқларимни қучоқлаб, олтмиш фунт келадиган эшикдан кўзларимни узмай тикилиб турибман. Қаршимдаги кичкина тирқишдан қуёш нури тушяпти. Камера дим ва зах. Оёқ остида мангонинг қолдиқларига минглаб ғужғон ёпишиб олган чивинлар ғунғиллаб, асабимга тегаетгандилар. Ҳолсиз ва ғамгин митти суварак оёғимга чиқишга зўр бериб тиришарди. Мени эса очлик қийнай бошлаганди. Ошқозоним тинмай фарёд чекарди. Ҳойнаҳой, мени иккинчи марта сўроқ қилишади. Мана, ниҳоят чексиздек туйилган кутиш онлари охирлаб, каминани олиб кетгани келишди. Бошқа биров эмас, яна муҳтарам

инспектор жанобларининг шахсан ўзлари. Аслида бу қонун ҳимоячисига муҳтарам деб эмас, балки бу сўзга бир оз ўзгартириш киритиб муттаҳам, дея таъриф берсам тўғрироқ бўлади-ю, бироқ минг афсуслар бўлсинким, бундай ўйларни сиртга чиқариш яхшиликка олиб бормаслигини бизга болаликдан уқтиришган-да! Годбоул унчалик қари эмас, нари борса қирқ ёшлар атрофидаги одам эди. Сочи сийраклашиб, кал бўлиб бораётганди. Пўрсилдоқ бўлка нонни эслатувчи лўнда юзида велосипеднинг рулига ўхшаб қайириб қўйилган қалин қора мўйлови бор. У йўлак бўйлаб оғир-оғир қадам ташлаб, у ёқдан бу ёққа юрганида катталашиб қолган қорни шими устида осилиб турарди. «Яшамагур чивинлар!» Инспектор жиғибийрон бўлиб, юзи атрофида айланиб юрган чивинни қўли билан ҳайдайди. Аммо фаросатсиз чивин ҳадеганда ортга чекинмайди. Мўйловли инспекторнинг чинакамига жаҳли чиқди. Уни тинчитмаса бўлмайдигандек, вужудидаги бутун қаҳр-ғазабини йиғиб, йиртқич шер каби ўкирганча унинг ортидан югурди ва уни қўли билан уриб ўлдирмоқчи бўлди, бироқ чивин тушмагур ҳам пишиқ чиқди-да. Бунақа хавф-хатардан қочиб, кўзи пишиб кетган шекилли, чаққонлик қилиб, ҳужумга чап бериб қолди.

Годбоулнинг бугун чиндан ҳам кайфияти йўқ эди, нафақат чивинлар, балки жазирама иссиқдан ҳам хуноби ошаётганди. Инспектор ҳар замон ҳар замонда пешанасидан оқаётган терни енглари билан артиб қўярди. Жаҳлдор қонун ҳимоячисига ҳаммасидан ҳам кўра кўпроқ менинг исмим ёқмаётганди.

– Рам Муҳаммад Томас, қандай бемаънилик? Ҳамма динларни қўшиб ташлашибди! Наза-

римда, онажонинг отанг кимлигини англолмаган кўринади? – дейди у баттар жиғибийрон бўлиб.

Қоним қайнаса-да, ноилож ҳеч қачон кўрмаган онам шаънига айтилган бу ҳақоратни эшитиб, эшитмаганга оламан. Миршаблар тергов хонаси олдида бир қатор бўлиб тизилиб туришарди. Бу ичкарида катта мансабдаги шахс ўтирганидан далолат берарди. Бекорчи лаганбардорлар тўдаси еганини ҳазм қилолмай, кавш қайтараётган молга ўхшаб, эрталабдан паан¹ чайнашарди. Формадаги бу қўғирчоқлар ифлос кўзларини каминага қадашганди. Годбоул мени тергов хонасига худди мажбурий олиб кираётгандай, остонага қадам босишим билан кутилмаганда ортимдан хона ичкарисига томон итариб юборди. Йил давомида содир этилган қотилликлар, ўғриликлар, сони қайд қилинган плакат ёнида икки киши тик турибди. Улардан бирини – аёллардек, тўғрироғи, рок юлдузларига ўхшаб сочларини ўстириб олган эркакни илгари кўрганман. У телевикторинани ёзиб олишда иштирок этганди. Ўша куни қулоғига махсус мосламани тақиб, бошловчига зарур кўрсатмаларни бериб турганди. Иккинчиси – тақир бошли, оқ танли кишини эса мутлақо танимайман. У эгнига бинафшаранг костюм кийганди, бўйнига эса сабзиранг галстук таққанди. Фақат оқ танлиларгина нафас олиб бўлмайдиган ёзнинг ҳозирги иссиқ жазирамасида ҳам костюм кийиб юришади. Зап одатлари бор-да бу ажнабийларнинг! Хонанинг тепасидаги вентилятор бор кучи билан ишлаётган бўлса-да, дераза йўқлиги сабаб, ичкарида

¹ Паан – ҳазм қилиш тизимини яхшилайти. Бу усул Ҳиндистонда кенг тарқалган. У чайналадиган ёнғоқ ва аччиқ таъм берадиган бошқа фойдали доривор ўсимликлардан тайёрланади.

тоза ҳаво тақчил эди. Қўнгилни айниладиган зах ва нам ҳиди ҳукмрон бўлган хонада тезроқ ҳаммаси ниҳоясига етишини интиқ кутаётгандим. Бузуқ ҳаво фақат ўртада турган жонсиз стол ва унинг атрофидаги учта стулгагина таъсир этмаётганди. Годбоул нотаниш оқ танлининг юзига тикилиб, мени худди цирк сахнасига олиб чиқаётган шерни таништиргандай, исмимни баланд овозда эълон қилди:

– Мана у, сэр, Рам Муҳаммад Томас!

Ўз навбатида ҳалиги одам ҳам пешанасидан оқаётган терни рўмолчаси билан эринмай ҳафсала билан артаркан, худди маймуннинг фанга номаълум турини илк марта кўраётгандай, менга бошдан-оёқ шошмасдан синчиклаб разм солди.

– Бизнинг фолибимиз топилди! Тан олишим керакки, у мен ўйлаганимдан кўра анча каттароқ кўринаркан.

Унинг галати шевада сўзлаётгани диққатимни тортди. Шунга ўхшаш ёқимсиз сўзлашиш услубини мен Аграга Бостон ва Балтимордан келган сайёҳларда учратганман. Америкалик қаршимдаги курсига чўкди. Ажнабийнинг юз терисида бўртиб чиққан яшил томирлари эса дарахт шохларини эслатарди. Оқ танли пиёнисталарникига ўхшаш қип-қизил беўхшов бурнини ҳар замон бир рўмолчаси билан артиб қўяркан, кўмқўк кўзларини каминага қадади.

– Салом, яхшимисиз? – шундай деб мурожаат қилди у менга. – Мен Нейл Жонсон, телевикторинани рўйхатдан ўтказган «Нью эйж телемедиа» компаниясининг вакилиман. Бу Билли Нанда – продюсер.

Мен эса сукут сақлаб турибман. Ахир маймунлар гапирмайди. Бунинг устига инглиз тилида.

Америкалик Нандага қайрилди:

– У бизни тилимизни тушунадими?

– Қандай қилиб? – ноқулай аҳволга тушди Нанда. – Нейл, эсингиз жойидами? Ахир қаршингизда ташландиқ бир емакхонанинг оми официанти турибди!

Ташқаридан сиренанинг ваҳимали овози эшитилди. Миршаблардан бири хонага югуриб кирди ва Годбоулнинг қулоғига нимадир деб шивирлади. Инспектор яшин тезлигида гавдасига ярашмаган бачкана ҳаракатлар билан ташқарига ўқдай отилди ва жамиятнинг энг паст табақа вакиллари ёнига мамлакатнинг формадаги энг обрўли кишисини олиб келаётгандек сариқ тишларини кўрсатиб, ясама табассум ҳамда виқор билан ортига қайтди.

– Мистер Жонсон, комиссар соҳиб ташриф буюрдилар!

Америкалик жойидан қўзғалди.

– Комиссар соҳиб, келганингиз учун ташаккур. Билишимча, сиз Билли билан танишсиз.

У қиёфасига жиддий тус бериб, бошини қимирлатиб тасдиқлайди..

– Мен вазир жанобларининг шахсан ўзларидан топшириқ олишим билан йўлга тушдим.

– Вазир? Ҳа... айтгандай вазир жаноблари мистер Михайловнинг эски дўсти-ку... бутунлай ёдимдан кўтарилибди.

– Ҳўш, менга нима хизмат?

– Комиссар, сизнинг «КМИ»га ёрдамнингиз керак.

– «КМИ»?

– «КМИ»?

– «Ким миллиардер бўлишни истайди?»нинг қисқартма номи.

– Тушунмадим?

– Телевикторинамиз шундай деб номланади. У Компаниямиз томонидан дунёнинг ўттиз беш мамлакатига юборилапти. Рекламалари бутун Мумбай қўчаларини безаб турибди. Қўрмадингизми?

– Эътибор бермабман. Нимага миллиардер?

– Номи шунақа. Агар миллиард ўрнига ўн мингни қўйсак одамларни қизиқтира оламизми?

– Менимча йўқ...

– Ана кўрдингизми? Ҳамма мантиқ кўрсатувнинг номида. Одамларни ҳозир муҳаббат эмас, балки пул қизиқтиради. Ўйинга тикилган пул қанча кўп бўлса, иштиёқ ҳам шунча юқори бўлади.

– Тушунарли. Бошловчингиз ким?

– Прем Кумар – кўрсатувчимизнинг юзи ва юлдузи.

– Прем Кумар? Ахир у иккинчи даражали актёр-ку? Демокчиманки, бошловчингиз Ҳиндистонда у қадар ҳам таниқли эмас. Амитабх Баччан бўлганда бошқа гап эди.

– Қувиб етади, ташвиш тортманг. Тўғриси айтсам, Ҳиндистондаги «Нью эйдж телемедиа» компаниямизнинг йигирма беш фоиз акциясига эга кичик шўъба корхонаси раҳбари сифатида уни танлашга мажбур бўлганмиз.

– Ҳа мана энди тушунгандай бўляпман. Бироқ бу боланинг нима дахли бор? Унинг исми нима эди ҳали... адашмасам Рам Муҳаммад Томасиди?

– Шундай. У шу викторинанинг ўн бешинчи сониди қатнашди.

– Ҳўш?

– Йигитча ўн иккита саволнинг барига жавоб топди ва миллиард рупий ютиб олди.

– Бўлиши мумкин эмас! Ҳазиллашяпсизми?

– Бу ҳазил эмас. Биз ҳам худди сиздек ҳайратдамиз. Бу йигит компаниямиз тарихидаги энг

катта ютуқ, жек-потни қўлга киритди. Кўрсатув ҳали эфирга берилганича йўқ. Шундай экан, бу янгиликни биладиганлар оз.

– Сиз ютди деётган бўлсангиз, демак, ютган, аммо муаммо нимада?

Жонсон жавоб беришга шошилмайди.

– Агар мумкин бўлса мен ва Билли сиз билан холи гаплашсак...

Комиссар инспекторга «Кет!» дегандай қўли билан ишора қилди. Годбоул менга ўқрайиб тикилди-ю, ноилож ташқарига чиқди. Мен эса қолдим, бироқ бунга ҳеч ким эътибор қаратмайди. Оддий официат ким ўзи у? Унинг, ҳатто инглиз тилини билиши ақлга сифмайди.

– Мана энди айтаверинг, – дейди комиссар соҳиб.

– Биласизми, комиссар, жаноб Михайлов бунча пулни ҳозирнинг ўзида тўлашга қодир эмас.

– Ие, қанақасига, ваъда қилинган ютуқни бериши керак-ку? Пул йўқ экан, бу ўйинни бошлаб нима қилади?

– Бу бизнес. Шунчаки ўйин.

– Шошманг, шошманг, мен бари бир англолмаяпман. Агар голиб ютуқни олса кўрсатувингиз икки карра оммалашади-ку? Бир вақтлар «Ким миллионер бўлишни истайди?» кўрсатувида бир киши ютса, мухлислар сони икки бараввар кўпаярди.

– Ҳаммаси вақтнинг иши, вақтнинг иши комиссар. Бизнинг кўрсатувимизда бари ҳисоб-китоб билан. Ҳисоб-китобларимизга кўра, голиб етти-саккиз ойлардан кейин пайдо бўлиши керак эди. Яъни лойиҳага кетган пулнинг ўрнини рекламадан келадиган фойда орқали қоплашга эришгунимизга қадар. Мана шу она сути оғзидан кетмаган гўдак – Томас бизнинг барча режаларимизни чиппакка чиқарди!

Комиссар бошини қашиб:

– Тушунарли, аммо мендан нима истайсиз? – деб сўради.

– Сизнинг ёрдамингиз билан биз йигитни қаллобликда айблаймиз. Унинг шериги бўлмаганда ўн иккита саволнинг ҳаммасига бари бир жавоб тополмаган бўларди. Ўзингиз мантиқан ўйлаб кўринг. Мактабда тўғри ўқимаган, қўлига газета ва китоб олмаган одам қандай қилиб бош ютуқни қўлга киритади?

– Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин... – деди ўйга чўмиб қолган комиссар соҳиб бошини қашиб қўяркан. – Мактаб кўрмаган бола ҳам вақт ўтиб, билимдонга айланиши ҳеч гап эмас. Ахир ўз вақтида Эйнштейнни ҳам ўрта мактабдан ҳайдашмаганми?

– Шошмай туринг, жаноб комиссар, қаршингиздаги Эйнштейн эмаслигини исботлаб бераман.

Жонсон Нандага ишора қилди. Ўз навбатида рок юлдузи ҳам дарҳол қаршимга келди ва қалин сочларини орқасига ташлаб қўяркан, менга ҳинд тилида шундай деб мурожаат қилди:

– Жаноб, Рам Муҳаммад Томас, сиз ўзингизни қанчалар билимдон эканлигингизни кўрсатдингиз. Ҳозир бизга кўрсатувда айтган жавобларингизни тасдиқлаб берасиз. Дейлик, бу ҳам қисқагина викторина. Топшириқлари жуда оддий.

У қаршимдаги курсига чўкди:

– Тайёрмисиз? – деб сўради. – Биринчи савол Франциянинг замонавий пул бирлиги номини айтинг. Вариантлар: а) доллар, б) фунт, с) евро ва d) франк.

Мен индамайман. Кутилмаганда комиссар соҳиб лунжимни қаттиқ сиқиб:

– Нима бало, кар бўлиб қолганмисан, итвачча? Саволга жавоб бер, бўлмаса тишларингни синдираман! – дея пўписа қилди.

Нанда рок юлдузларига ўхшаб, турган жойида одамнинг энсасини қотирадиган ғалати ҳаракатларни бажаради.

– И-и-илтимос, ўзингизни маданиятли одамлардек бир оз эркин қўйинг, жаноб Томас! Менга қаранг, – деди у кўзларини лўқ қилиб. – Хўш, жавоб қандай?

– Франк, – дея қатъий жавоб бераман мен.

– Хато. Тўғри вариант: евро эди. Майли иккинчи савол. Ким биринчи бўлиб ойга чиққан? а) Эдвин Алдрин, б) Нейл Армстронг, с) Юрий Гагарин ёки d) Джимми Картер?

– Билмайман.

– Бу Нейл Армстронг. Учинчи савол. Эҳромлар қайси шаҳарда жойлашган: а) Нью-Йоркда, б) Римда, с) Қоҳира ёки d) Парижда?

– Билмайман.

– Қоҳирада. Учинчи савол. Ҳозир Америкада ким президент? Вариантлар: а) Билл Клинтон, б) Колин Пауэлл, с) Жон Керри ва d) Жорж Буш.

– Билмайман.

– Жорж Буш. Афсуски, жаноб Томас, сиз барча саволларга нотўғри жавоб бердингиз. – Соҳибга қайрилиб, Нанда инглизча сўзлашишга ўтди. – Кўрдингизми? Мен айтгандим-ку, у ғирт нодон. Қаршингиздаги йигит – қаллоб.

– Хўш, уни қаллоб ҳам дейлик, лекин у буни қандай амалга оширганини оз бўлса ҳам тасаввур қила оласизми? – қизиқиб сўрайди комиссар.

– Ҳамма гап ҳам шунда-да. Экспертларимиз кўрсатувни микроскоп билан кўздан кечиргандай кузатишди, бироқ буни исботлайдиган бирорта далил ҳам топишгани йўқ. Ўйлайманки, ахири ҳаммаси юзага чиқади, бари бир.

Очликдан нафақат ошқозоним, балки томоғим ҳам қирилишга тушди. Бошим айланаётганди.

Кўз олдим қоронғилашиб, қаттиқ йўтал тутди.

Тақир бошли америкалик Жонсон бирданига мен томонга қараб:

– Жаноб комиссар, бундан бир неча йил аввал Лондондаги ўша воқеани эслаб кўринг. «Ким миллионер бўлишни истайди?» кўрсатувида голиб чиққан ҳарбий майор-чи? Компания унга ютуқни беришдан бош тортган. Полиция тергов ишларини бошлаб юбориши билан қаллоб ўз айбига иқроор бўлган. Маълум бўлишича, у бир профессор билан тил бириктирган экан. Ҳар гал тўғри вариант янграганда шериги йўталиб қўйиш ишораси билан иштирокчига ёрдам берган. Биз ҳам ҳозир шунга ўхшаган қаллобга учраганга ўхшаймиз.

– Балки ёзувларни қайта кўриб, залда ортиқча овозлар бор ёки йўқлигини текшириш керакдир-а?

– Шарт эмас, аллақачон тит-питини чиқарганмиз. Ҳаммаси тоза. Ўйлашимча, йигит бошқача усуддан фойдаланган бўлиши керак.

– Пейжер ёки уяли телефон ёрдамидир-а?

– Йўқ. Бундай буюмлар унинг ёнида йўқ эди. Устига-устак пейджер ва уяли телефонлар студияда ишламайди.

Комиссар соҳиб чигал жумбоқ ечимини топган одамдай бирдан юзи ёришиб кетди.

– Балки унинг миясига хотира кристали жойлаштирилгандир-а?

Жонсон енгилган одам каби чуқур уҳ тортиб қўйди.

– Жаноб комиссар, фантастик фильмларнинг ҳақиқий ишқибозимисиз, дейман? Нима бўлган тақдирда ҳам, бу муаммони ечишга бизга фойдангиз тегади, деб ўйлайман. Бу турқи совуқнинг шериги маълум эмас ва унинг қандай

сигнал юборганига ҳам сира ақлимиз етмаяпти. Бироқ мен йигитча қаллоблик қилганига юз фоиз аминман.

– Бошқача йўл билан вазиятдан чиқиб кетишга уринмадингизми? – умид билан сўзлайди суҳбатдоши. – Балки бу турқи совуқ миллиарднинг ортида нечта ноль борлигига ақли етмас. Қўлига бир неча минг рупийни тутқазинг, олам гулистон. Телевикторина ютиб чиқдим, деб қувониб юраверади.

Комиссарни шу гапи учун тутиб олиб, бир таъзирини бергим келди-ю, аммо бундай қиладиган вазиятда эмасман-да, аттанг. Қўлимни юрагим устига қўйиб, тўғрисини айтишим керакки, викторинага қатнашгунга қадар миллиарднинг ортида нечта ноль бўлиши ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаган эканман. Лекин ҳозир бундан хабарим бор ва ўз ютуғимни қўлга киритиш учун охиригача курашаман. Ўша барча тўққизта нолнинг бари каминага керак. Америкалик Жонсоннинг жавоби мени бир оз тинчлантирди.

– Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Унда бизни қаллобликда айблашади ва компаниямизнинг қонун олдида жавоб беришига тўғри келади. У ўйинни чиндан ютган ёки қаллоблик қилган. Ё миллиард, ё қамоқ. Ёрдамингиз билан иккинчисига эришамиз, деб ўйлайман. Учинчи йўл эса йўқ. Ҳа бунча пулни тўлаш Жаноб Михайловга ҳақиқий зарба бўлади.

Комиссар соҳиб тақир бошнинг кўзларига тик боқди.

– Нимага ишора қилаётганингизни яхши англадим, – дона-дона қилиб маъноли сўзлайди у. – Аммо бу ишга аралашиш менга қандай наф келтираркин?

Жонсон комиссар соҳибни хонанинг бир бурчагига етаклаб борди. Эркаклар ўзаро келишиб

олдилар. Қулоғимга фақат «ўн фоиз» деган икки сўз чалинди, холос. Комиссар сезиларли даражада ўзгариб, ҳатто кўзлари қувончдан порлаб кетди.

– Э, шунақа демайсизми, мистер Жонсон. Бу ишни мана биз дўндирамыз-да. Уни бажарилди, деб ҳисоблайверинг. Энди менга Годбоул юз-ма-юз гаплашиш сира зарар қилмайди, деб ўйлайман.

Инспектор чақирилди. Номи янграши билан мулла минган эшакдай хўжайин қаршисида тўхтаган Годбоулга комиссар соҳиб синовчан назар ташларкан:

– Бу галварсдан бирор нимани билиб олдингизми? – деб сўради.

Ўз навбатида инспектор каминага қаҳр билан назар тикилди.

– Ҳеч нарса, комиссар соҳиб. Бу итвачча фақат бир гапни қайтарди: «Жавобларни билардим». Менимча, қаршингиздаги галварсга чиндан ҳам омад кулиб боққан, назаримда.

– Омад кулиб боқибдими? – тўнғиллайди тақир бошли америкалик.

– Ҳа, сэр. Биз ҳали терговнинг учинчи даражасини қўллаганимиз йўқ-да. Шу усул билан сўроқни қўлласак, тўтиқушдай сайрамаса исмимни бошқа қўяман. Рухсат беринг, сэр, сиз кўзингизни пирпиратишга улгармасингиздан шерикларининг номини билиб бераман.

Комиссар соҳиб Жонсон ва Нандага маъноли қараб қўйди.

– Қаршимасмисиз?

Продюсер юзини тириштирди ва сочларини силкитиб:

– Энди шуниси етмай турганди. Мухбирлар алақачон уни қамоққа олинганидан хабар топишгандир? Агар махбус билан ёмон муносабатда

бўлишаётгани ҳақидаги хабар уларнинг қулоғига етиб борса, ҳолимизга маймунлар йиғлайди. Шундоғам ишим бошимдан ошиб ётибди. Энди бир камим инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бекорчилар билан ош-қатиқ бўлишим ва уларга ҳисобот беришим қолганди.

Комиссар секингина унинг белига ниқтайди.

– Билли, қачондан бери сиз америкаликлардек фикрлайдиган бўлдингиз? Хавотир олманг, Годбоул – ўз ишининг устаси ва бу ишни қойилмақом қилиб бажаради. Танасида изи ҳам қолмайди.

Менинг ҳолсизланиб, ўтирган жойимдан полга қулаб тушишимга оз қолди. Комиссар соҳиб эшикка қараб юрди.

– Годбоул, ҳозир мен жаноблар билан бирга кетаман ва эрта тонгда шерикларининг номи эшитишни истайман. Қандай бўлмасин менга керакли бўлган маълумотларни суғуриб олинг. Албатта, эҳтиёткорликни унутмаган ҳолда. Бундан сизнинг эртанги келажагингиз ҳал бўлади-я. Балки, мансабингиз ё унвонингиз ошиб қолар.

– Раҳмат, сэр. – Инспектор ясама табассум билан миннатдорчилигини билдирди. – Хавотир олманг, сэр. Агар жиддий ишга киришадиган бўлсам, бу йигит, ҳатто Махатма Гандини ўлдирганман, деб тан олади.

Чинданам уни ким ўлдирган экан-а? Фақат ўлими олдидан «Сен томон кетаяпман, Рам!» деб бақирганини эшитганман, холос ва Тимоти отанинг Махатма Ганди ўн тўрт йилга қалин жунгли ўрмонларига сургун қилинган ҳиндиларнинг худоси бўлган Рамни чорлагани ҳақидаги тахминини хотирлайман.

Бу орада Годбоул комиссар соҳиб ва унинг ҳамроҳларини кузатиб чиқди-ю, зум ўмай қар-

шимда пайдо бўлди. У эшикни қаттиқ ёпди-да, қўлини бигиз қилиб:

– Қани итвачча, ечин! – деб буюрди.

Кучли зарбалардан бутун баданим зирқираб оғрирди. Қўлларим тўсинга чилвир билан маҳкам боғлаб қўйилганди. Тўсиннинг баландлиги тўққиз фут келади. Оёғим ҳавода тебраниб турганидан, худди белимдан узилиб тушадигандек эди. Камина қип-яланғоч. Африканинг оч боласи каби эгим қорвурғамга ёпишиб, ниҳоятда хунук кўринаётганди.

Годбоул бир соатдан бери мени қийнайди, лекин қийноқлар ҳали ҳам ниҳоясига етганича йўқ. Энг ёмони ҳар ярим соатда қийнаш усуллари ўзгариб борди. Аввалига у қизил қалампир сурилган таёқ билан орқамга урди. Калтакларнинг дастидан танам ёниб бораётгандек, ичимда эса илон ўрмалаётгандек туйилди. Терим ачишни бошламасидан иккинчи калтак келиб тушди. Кейин у сочимни чагаллаб, бошимни сув тўлдирилган челакага тиқиб, то нафас ололмай қолгунимча тутиб турди. Энди инспектор қўлида Дивали¹ байрамидаги каби қайишни сиқиб, худди бенгаль олови атрофида гир айланаётган маст жангчи сингари атрофимда айланаркан, баланд овозда бақирганча гоҳ чап томондан, гоҳ ўнг томондан зарба берарди. Энг ёмони – электр токи билан қийнаш усули бўлди. У ичимдаги барча аъзоларимни бўлақларга ажратиб юборадигандек титратди. Мен эса тишимни-тишимга қўйиб, бар-

¹ Дивали (Дипавали) – Ҳиндистонда ўтадиган энг катта фестиваллардан бири. Бу байрам Рамнинг 14 йиллик сургундан эсон-омон қайтгани шарафига ўтказилади. Минглаб чироқлар, шамлар ва гулхан атрофида одамлар тўпланиб базм қиладилар. Одамлар бир-бирига ширинликлар улашадилар ва ранглари бир-бирларининг кийимларига сепишади. Кўчалар ва уйлар гуллар ҳамда гулчамбарлар билан безатилади.

ча азобларга чидадим. Годбоулнинг энди чиндан ҳам жаҳди чиқди:

– Айт, итвачча! Қандай қилиб сен телешоуда голиб бўлдинг? Сенга ким жавобларни айтиб турди? Агар унинг номини айтсанг, тушликка сени иссиққина тансиқ таом билан сийлайман ва уйингга бемалол кетаверасан.

Бироқ уй олисда ва унга соғ-саломат етиб боришим ҳақидаги гап эса чўпчаклигини биламан. Бунинг устига оч қоринга ейиладиган иссиққина овқат дарров кўнглимни айнитади. Агар узоқ вақт овқат емасангиз, очлик ошқозонда қуруқ оғриқ қолдириб, ўз-ўзидан йўқолади. Ниҳоят, чанқоқ азоби ҳам илк нишонаси кўрсатди. Ҳушимни йўқота бошладим. Қалин туман ортида сочлари ёйилган узун бўйли аёлни кўраётгандим. Шамол унинг қалин сочларини ўйнар, қора сочлар эса эгасининг юзини кўрсатмасди. Аёлни эгнидаги нафис матодан тикилган оппоқ сари шамолда ҳилпирарди ва у олисдан ҳавода ҳаракатланаётган илонни эслатарди. «Ўғлим... – қўлини мен томон чўзиб, ўкиниб йиғлайди аёл. – Болажоним... Улар сени не аҳволга солиб қўйишди, виждонсизлар!»

– Ойи, ойижо-о-он! – дея бақираман ва қуюқ туман орасидан у томон талпинаман.

Бироқ инспектор қўйлагимнинг ёқасидан маҳкам тутди. Мақсадимга етолмай, унинг ортидан судралиб юришга мажбур бўламан.

Годбоулнинг навбатдаги кучли зарбасидан сўнг бир дақиқада йўқолган ҳушим қайтиб жойига келди.

Инспектор яна қора ручкани қўлига олди.

– Қани, имзо чек! – мажбурлайди у.

Қоғозда оддий сўзлар ёзилганди: *«Мен Рам Муҳаммад Томас, чинданам 10 июль кунини «Ким*

миллиардер бўлишни истайди?» телешоусида иштирок этдим. Кўрсатувда голиб бўлиш мақсадида қаллоблик қилганимни тан оламан. Тўғриси айтганда, берилган ўн иккита саволнинг бирортасига жавобни билмасдим. Шу сабаб ўйинга қўйилган ютуқдан воз кечаман. Мен бу аризани ҳеч кимнинг тазйиқисиз ўз хоҳишим билан ёзаялман. Эс-ҳушим жойида. Имзо: Рам Муҳаммад Томас».

Яна озгина шундай қийнаганида, аниқ айта оламан, шубҳасиз, мен ўша лаънати қорозга имзо чеккан бўлардим. Ахир бизни болаликдан полициячиларни ғазаблантирмасликка ўргатишган ва бу қоидаларга кўникиб қолганмиз. Менга ўхшаган дайди кўча болалари занжирнинг энг охирида туради. Биздан юқорида майда киссавурлар. Улардан сўнг безори ва тамагирлар. Кейин ёлланган қотиллар ҳамда энг қабиҳ ишлар ва офир жиноятларни содир этаётган номдор уюшган гуруҳлар, бироқ ана шу занжирнинг энг юқорисида бари бир полициячилар туришини биз каби дайди кўча болалари яхшилаб уқиб олишган. Уларнинг қўлларида ҳақиқат ниқоби остидаги қонун бор. Қонун ҳимоячисини ўзларидан бўлак ким ҳам жазолай олади? Аммо бундай воқеа ҳар доим ҳам содир бўлавермайди. Шундай экан, имзо чекишга мажбурман. Офир калтаклар оқибатида бутун танамни эзаётган огриқдан тезроқ халос бўлишни истаётганим учун ҳам қўлимга ручкани олдим. Кутилмаганда йўлакдан шовқин эшитилди. Миршабларнинг бақариб, баланд овозда сўзлашаётганлари терговни бир муддат тўхтатиб қўйди. Эшик очилди ва ичкарига ёшгина, қомати келишган, ўрта бўйли қиз кириб келди. Унинг қалдирғочнинг қанотини эслатувчи қайрилма қошлари ва чиройли тишлари одам-

нинг эс-ҳушини ўғирларди. Пешанасининг ўрта-сида катта хол қўндирилганди. Эғнидаги кийими оқ камеез,¹ кўк дупатти² ва чарм нимча ўзига ниҳоятда ярашганди. Нотаниш қизда ғайритабиий нимадир борга ўхшарди. Годбоул ўзини йўқотиб қўйганидан қайишни қаттиқ сиққанини сезмай қолди ва оғриқдан инграб юборди. У кутилмаган меҳмонни тепиб бўлса ҳам ташқарига қувиб юборишга тайёр эди, бироқ қаршисида аёл турганини англаб, бу ниятидан тийилди.

– Жин урсин! Кимсиз? Нима сабабдан рухсатсиз бостириб кирасиз? Нима ҳақингиз бор? Кўрмаяпсизми, бандман, ахир!

– Исм-шарифим Смиа Шах, – тортиниб ўтирмай жавоб қилди аёл. – Мен жаноб Рам Муҳаммад Томаснинг оқловчисиман.

У менга бир қараб олди-да, кейин кўзларини олиб қочди.

Инспектор жойида тош қотди. Чунки у ҳайратда эди. Годбоул, ҳатто менинг жонлаганимни сезмади ҳам. Тўғриси айтсам, бу Смиа Шахни биринчи марта кўриб турибман. Чўнтагимда таксига тўлаш учун бир рупий топилмайди-ю, ўзимга бу қадар гўзал ҳимоячини ёллаш ҳақида-ку изоҳ бермасам ҳам бўлади.

– Кечирасиз, тушунмадим? – бўғилиб сўзлади Годбоул. – Оқловчиман, дедингизми?

– Ҳа. Огоҳлантириб қўяй, менинг мижозимга бераётган қийноқларингиз қонунга мутлақо зид! Бу жирканч ишларингизни ҳозироқ тўхтатишингизни талаб қиламан! Ҳиндистон Республикаси жинойат кодексининг ўттиз ва ўттиз биринчи параграфларига мувофиқ, у сизни судга беришга

¹ Камеез – ҳинд аёлларининг миллий кенг шими.

² Дуппати – бисер қадалган бутун танани ўрайдиган ёпинчиқ.

ҳақли. Уни қамоққа олиш ҳақидаги қоғозларни тақдим этишингизни талаб қиламан. Терговнинг протоколини ким тузяпти? Мен бу ерда сиздан бошқа одамни кўрмаяпман. Конституциянинг йигирма иккинчи моддасига мувофиқ, уни қонун доирасида қамоққа олмагансиз! Бундан ташқари, сиз, жинойт кодексининг эллигинчи параграфида қайд қилинган талабларини ҳам бузгансиз! Уни бу ерда тутиб туришга ҳеч қандай ҳужжатингиз ва асосингиз йўқлигини ҳисобга олиб, миждимни ҳозирнинг ўзида бўшатишингизни талаб қиламан ва йигитчани шахсий консултация учун ўзим бирга олиб кетаман.

– Шошманг... шош...манг... мен... мен комиссар соҳиб билан гаплашиб олишим керак.

Сувга тушган мушукдай ювош бўлиб қолган Годбоул нима қилишни билмай бир муддат ўзини йўқотиб қўйди. Инспектор қаршисидаги қизнинг юзига иложсиз тикилди ва истамайгина хонани тарк этди. Камина эса ҳайратда. Оқловчилар полициячиларнинг бурнини ерга ишқашга қодир шахслар эканлигини тасаввур қилмагандим. Болаликдан биз тўғри деб билган ҳаёт занжирини қайта кўриб чиқиш керакка ўхшайди. Инспектор қачон ортига қайтиб, оқловчимга нима деганини ё оқловчим унга қандай жавоб қилганини билмайман, чунки мен бундан илгарироқ ҳушимни йўқотгандим. Оғриқдан, очликдан ва бахтдан...

Қора чарм диванда ўтирибман. Қўлимдаги бир финжон чойнинг буғи ҳавога кўтариляпти. Тўртбурчак стол устида турли-туман газеталар ёйилиб ётибди. Чиннигулнинг рангига бўялган деворларга қарайман. Ҳамма ёқда гувоҳномалару дипломлар осилиб турибди. Жавонларда эса қалин китоблар тартиб билан териб қўйилган.

Смита хонага қўлида ликопча ва стакан кўтариб кириб келди. Егуликнинг ёқимли ҳиди димоққа урилди.

– Оч бўлсангиз керак. Сизга озгина салат ва кола келтирдим. Ҳозирча, музлаткичда топилгани шу.

Унинг қўлидан тутдим. Кафти нозик ва иссиқ.
– Раҳмат.

Ҳалигача қаршимдаги фаришта қиёфасидаги гўзалнинг энг офир вазиятда нима учун ва қандай етиб келганини англаб етганимча йўқ эди. Қамоққа олинишим ҳақидаги хабарни газеталардан ўқиб билганини ва ёрдамга шошилганини айтди. Камина унинг Бандрадаги уйидаман. Яхшиси, бу гўзал аёл мени нима учун ва қачон бу ерга олиб келганини сўрамаслик керак, деган қарорга келдим. Мўъжиза бу мўъжиза. Бунга ортиқча саволу изоҳларнинг ҳожати йўқ. Овқатланишга тушдим. Айни дамда салат ва чапати мен учун дунёдаги энг тотли таомдай туйилди. Ярим тун... овқатланиб бўлгач ухладим. Кенг ўриндиқда кўк ёпинчиққа ўраниб ётибман. Ажабо, собиқ бекам Неелима Кумарининг уйидагидек ҳис қиляпман ўзимни, бу ерда фақат ётоқхона бошқача. Улкан деразалару қимматбаҳо жиҳозлар ўрнида китоблар, ташаккурномалар, фахрий ёрлиқлар ва шиша кўзли катта юмшоқ айиққа термилиб, гўё жаннатга тушиб қолгандай ҳис қиламан ўзимни. Лекин худди актрисанинг ётоғида бўлгани каби бу хонада ҳам «Сони» телевизор ва, ҳатто, DVD-плейер бор эди. Диваннинг нариги бурчагида Смита ўтирибди. У қўлидаги дискни кўрсатиб:

– Мен сен иштирок этган телешоудан битта нусха топишга эришдим. Биз уни диққат билан ўрганиб чиқамиз. Менга ҳаммасини бошдан-оёқ оқизмай-томизмай очиқ-ойдин сўзлаб берасан.

Лекин ҳақиқатни сўзлашинг шарт! Қандай қилиб саволларга жавоб топганингни айтасан. Билиб қўй, фақат ҳақиқатни сўзлашинг лозим, – деди.

– Ҳақиқатни?

– Уларни алдаган бўлсанг ҳам, менинг вази-фам сени ҳимоя қилиш. Сўзларинг ўзингга қар-ши судда ишлатилмаслигига кафилман.

Юрагимга илк шубҳалар оралайди. Ҳозир кўз олдимда юз бераётган бу ажойибу гаройиб воқеа-лар тушим эмас, ўнгим, ёлғон эмас, чинга айла-ниши учун керагидан ортиқ у жозибалию жўн-дай кўринди, назаримда. Бу қизни Жонсон ти-лимдан илинтириш ва ўша шармандали иқрорни олиш мақсадида юборган бўлиши ҳам мумкин, деб ўйладим. Унга ишонса бўладими? Қарор қа-бул қилиш вақти етди. Чўнтагимдан тангани ола-ман. Бургут тушса, у билан ҳамкорлик қилишга розиман. Акси бўлса, бир оғиз гапирмайман.

Танга ҳавога кўтарилди. Бургут. Демак, бу ёғи мурсоёу мадора. Бошга тушгани кўз кўради. Бари пешанадан.

Мен ундан сўрайман:

– Альберт Фернандесни биласанми?

– Йўқ. Ким у?

– Унинг Дхаварида кичик корхонаси бор. Со-атлар учун турли хил илгагу тасмалар чиқаради.

– Ҳўш?

– У қимор ўйнашни яхши кўради.

– Қимор? – ҳайратини яширмайди Смига.

– Аҳволингни тушуниб турибман. Тўғри, бу қо-нунан тақиқланган ўйин, аммо одамлар бари бир ундан воз кечмайдилар. Яширинча бўлса ҳам ўй-наб туришади.

– Тушунарли.

– Демак, ўша Альберт Фернандес ҳаётини шу ўйинсиз тасаввур қилолмайди. Ўтган сешанбада мўъжиза содир бўлди.

– Нима экан?

– У қаторасига ўн беш марта ютиб олди. Тасаввур қилипсанми, бир кечада эллик минг рупий.

– Нима бўлибди? Сўзларингдан ишга алоқадор ҳеч қандай боғлиқлик кўрмаяпман.

– Наҳотки? Унга қиморда омад келди. Менга эса шоуда.

– Айтмоқчисанки, сен тасодифан, яъни шунчаки бахтли тасодиф туфайли ўн икки саволнинг ҳаммасига тўғри жавоб топдинг, шундайми?

– Йўқ. Мен жавобларни билардим.

– Сен жавобларни билардинг?

– Ҳа. Ҳар бир саволга.

– Унда бу ерда омаднинг нима кераги бор?

– Каминанинг омади шундаки, улар фақат мен жавобини аниқ билган саволларнигина сўрашди!

Унинг юзидаги норозилик аломатлари менга ҳаммасини айтиб турарди. Қизнинг нигоҳидан ҳозир сафсата деб ўйлаётган каминанинг гапларини эшитишга тоқат қилолмаётганлигини уқдим.

– Нима деб ўйлаётганинг яхши тушуниб турибман. Годбоул ҳам қандай қилиб ўша викторинага бориб қолганимни ҳеч фаҳмига етолмади. Сен ҳам унга ўхшаб мени фақат ўргатилганидек, одоб билан бир қадаҳ вискию қовурилган жўжани ёнингга қўйиб, итоаткорлик билан оғзингга тикилиб туришгагина қодир оддий официант деб ҳисоблайсан. Назарингда, мен умр бўйи итдай яшаб, ҳашаротга ўхшаб чириб кетишга маҳкум одамларданман. Шундайми?

– Йўқ, Рам, – у менинг қўлимдан тутди. – Мен ҳеч қачон бундай деб ўйламайман. Аммо тушун, сенга ёрдам бермоқчиман ва ютуқни қандай қўлга киритганингга ойдинлик киритмоқчиман, хо-

лос. Тўғриси айтсам, мен ҳам бу саволларнинг ярмига ҳам жавоб тополмасдим.

– Чўнтагида пули йўқ одамлар ҳам савол беришни билишади. Гаров бойлайман, шунга ўхшаш викторинани бирор камбағал одам ташкил қилганида борми, ўша бойларнинг бирортаси унинг саволларига жўяли жавоб топа олмай, биринчи турнинг ўзидаёқ йиқилган бўлишарди. Тўғри, мен ҳозир Франциянинг миллий валютаси қайсиллигини билмайман, бироқ Шалини Таининг қўшнисидан қанча қарздорлигини айтиб беришим мумкин. Ойга ким биринчи бўлиб чиққанидан сира хабарим йўқдир, лекин Дхаварада ким илк марта қароқчиликка ундайдиган фильмларни олиб келганини айта оламан. Қани, энди, сен менинг саволларимга жавоб топиб кўр-чи!

– Кечирасан, Рам, асабийлашма. Сени сира хафа қилмоқчи эмасдим, аксинча, ёрдам бермоқчиман. Агар алдамаётган бўлсанг, жавобларни қаердан била қолдинг?

– Билмайман.

– Нега?

– Сен ҳар бир нафас олишингни изоҳлай оласанми? Йўқ, албатта, лекин нафас олаётганингни ҳис этасан. Мен мактабда таълим олмаган ҳамда китоб ўқимаган бўлсам ҳам билардим.

– Демак, бу жумбоқнинг тагига етишим учун бутун ҳаётингни ўрганишим керакка ўхшайди.

– Балки шундайдир.

Смита бошини қимирлатиб тасдиқлайди.

– Мана барча жумбоққа калит ҳам топилди. Тан олишим керакки, викториналарда қанча нарсани билишинг муҳим эмас, балки хотиранинг мустаҳкамлиги катта аҳамиятга эгадир. Ўтмишингни эшитишга тайёрман. Ҳаммасини бир бошидан бошла!

- Туғилган кунимданми?
- Йўқ, илк саволдан бошлай қол. Бироқ Рам Муҳаммад Томас менга фақат ҳақиқатни сўзлашга ваъда бериши керак.
- Майли. Кинолардагидек «Ҳақиқат, фақат ҳақиқатни сўзлайман!» деб қасам ичишим керакмиди?
- Худди шундай.
- Мен чуқур уҳ тортдим.
- Келишдик, ваъда бераман. Қани ўша китоб? Бхагавадгита, Инжил ёки Қуръон. Фарқи йўқ, қайси бўлмасин қасам ичишга тайёрман!
- Бунга сира ҳожат йўқ. Мен сенга гувоҳман. Сен эса – менинг гувоҳимсан.
- Смита ялтираб турган дискни DVD плейерга жойлаштирди.

МИНГ РУПИЙ: ҚАҲРАМОННИНГ ҶЛИМИ

Учинчи кўнғироқ чалинди. Парда кўтарилишга тайёр. Чироқлар аста-секин ўчди. Фақат «Чиқиш» деб ёзилган қизил ҳарфлар кўзга ташланади. Бодроқ ва яхна ичимликлар сотувчилари аста-секин тарқалишди. Салим ва мен олд қатордан ўрин эгаллаймиз. Салим – менинг энг яқин ва қадрли дўстим. Биз у ҳақда билишимиз керак бўлган биринчи маълумот. Иккинчиси, у ҳинд киноларини ёқтиради. Бироқ ҳаммасини эмас, Арман Али ўйнайдиган фильмларнигина томоша қилади. Айтишича, илгари Амитабх Баччаннинг мухлиси бўлган. Ундан сўнг эса Болливуд шоҳ-супасига Шохруҳхон чиқди. Мана энди – Арман Али. Миллионлаб юракларни эгаллаган эркатой. Бугунги куноюлдуз. Салимга у ниҳоятда ёқади. Тўғрироғи, йигит Арманнинг санъати олдида бош эгади. Дўстим ва менинг атиги бир хонадан иборат чайламиз таниқди актёрнинг шарофига айлантирилган ибодатхонага ўхшайди. Деворларда унинг расмлари ёпиштирилган, ҳатто чарм курткасининг орқасида ҳам унинг сура-ти туширилган. Мотоциклда ҳам Арман. Арман отда. Арман қўлида қурол билан. Арман гўзаллар қуршовида ҳовузда мамнун жилмайиб турибди. Биз «Тўкис ҳаёт» номли Бандрадаги энг катта кинотеатр айвонининг олд қаторидаги А-йигирма бир, А-йигирма иккинчи ўриндиқларида ўтириб-миз. Аслида бу жой бизларники эмас. Чипталарда «Айвон – нархи эллик рупий» деб ёзилганди, холос. Рақамлар кўрсатилмаганди. Бугун чипта сотувчи бизни сийлади. Айвонда истаган жойи-

мизда ўтиришимиз мумкинлигини айтди. Бари бир кинозал тўлмагани. Пастда ҳам юқорида ҳам айтарли одам йўқ эди... Одатда, биз дўстим билан орқа ўриндиқда ўтирардик. Сабаби, у ердан ҳуштак чалиб, икки қисмни ҳам маза қилиб томоша қилиш мумкин. Салимнинг экранга яқин ўтирса, фильмнинг асл моҳиятини англо-маслигига ишончи комил. Тўғрироғи, камбағаллар ўйлаб топган бу ақидага дўстим кўр-кўрона ишонади. Унинг сўзларига қараганда, экранга қўл чўзса етадиган даражада яқин ўтирса, севимли қаҳрамонининг мўйлови остидаги тиртигини ё бурнидаги нўхотдай келадиган холини ёки унинг хатти-ҳаракатларидаги камчиликларни кўриш мумкин экан. Бироқ Салим уни бундай тасаввур қилмайди. Унинг хаёлида Арман – бадастир қаҳрамон. У камчилигу нуқсонлардан холи. Ҳа, беғубор, содда, самимий дўстим Армanning ана шундай ашаддий мухлиси эди... Каминанинг фикрига келсак, у ўртамиёна актёр, барча фильмларида бир хилда ўйнайди. Лекин буни Салимга айтиб кўр-чи, нақ балого қоласан-а. Шунинг учун мен дилимдагини сиртимга чиқармай, тилимни тияман. Бироқ каминага Салимдан фарқли ўлароқ катта экранга яқин ўтириб, кино кўриш ёқади. Айвондан қаҳрамоннинг кўкраги ҳаддан ортиқ каттароқ кўринади, бу эса менга эриш туйилади.

Парда кўтарилгач, зал жонланди. Аввал рекламалар кўрсатилди. Тўртта шахсий реклама ролигининг ҳаммасини бир киши эълон қилди. Бизни ҳар эрталаб нонуштага «Корн-флейк» пишириқларини еб турсак, крикетда ҳавас қилгулик омадга эришишимиз ва, ҳатто, чемпион бўлишимизга ишонтириб, роса қулоғимизга лағмон иддилар. «Спайс колон»дан фойдаланиш орқали қандай

тезюрар машиналарда юриш ва кетворган гўзалларнинг қалбини забт этиш мумкинлигини айтишарди («Арманда худди шунақасидан бор!» – дея шивирлайди Салим). «Рома сойп» оқартирувчи воситаси билан қай тариқа кийимларнинг жилосини сақлаб қолиш ҳақидаги маслаҳатлар. «Ред энд уайт» вискисини бир марта ичган одам эса ҳақиқий шоҳона ҳаёт таъмини татиб кўриши ва лаззатини туйишига ишонтирувчи сафсаталар. Бир кунда нечта тамаки чекса, саратонга олиб боришини маълум қилишади.

Реклама роликларидан сўнг қисқа жимлик. Катта экранда пайдо бўлган ёзувлардан фильм тасмасининг бир минг олти юзу ўттиз сантиметр эканлигини билиб оламиз. Сертификатни қандайдир миссис М.Кейн тасдиқлаган. Салим ҳаммиша ўша аёлга чин маънода ҳасад қилади. Сабоби – битта. Арман иштирок этган барча фильмларни биринчи бўлиб у томоша қилади, ахир. Ниҳоят, титрлар бошланди. Азиз дўстим съёмкаларда қатнашган барчанинг ҳам исм-шарифини ёддан билади. Дизайнердан тортиб, гримчи, сартарошу стилистларнинг номларини кўзини юмиб айта олади. У инглизчани яхши билмайди, бироқ ҳарфларни кўшиб ўқийди. Йигит фильмни саккиз марта кўрган ва шунинг учун аҳамиятсиз митти ёзувларгача ёд олган.

Икки дақиқадан сўнг экранда Арман Али кўринди. У оппоқ вертолётдан учиб тушди. Салимнинг кўзлари ўтган йили илк марта қаҳрамони билан юзма-юз учрашиб қолганидаги каби порлайди. Эсимда, ўша куни дўстим хонамизга телба болаларга ўхшаб югуриб кирганди.

– Салим! – унинг қўққисдан чайлага учиб киргани мени ташвишлантириб қўйди. Ҳовлиқиб, бирор нохуш воқеа содир бўлмадимикан, деб

хавотирланиб сўрайман: – Салим!.. Бирор нима бўлдимиз? Ярим тунда уйга бундай бостириб кирмайдилар, ўтакамни ёрдинг, ахир!

– Биласанми, кутилмаган ҳодиса юз берди. Бугунги кун ҳаётимда энг бахтли ва унитилмас хотира бўлиб қолади.

– Лотереянгга ютуқ чиқдимиз?

– Йўқ. Нега сен нуқул шу ҳақда гапирасан-а? Ундан ҳам яхшироқ нарсалар бор дунёда ахир. Мен Арман Алини учратдим.

У ҳаяжондан гапиролмай қолди. Кўзлари эса ҳозирги каби қувончдан порлайди. Мен ундан воқеа тафсилотларини сўрайман. Салим ўз қаҳрамонини одатдагидек Гаткопар кўчалари бўйлаб, овқат тарқатиб юрганида «Мерседес»дан тушиб, беш юлдузли меҳмонхонага кириб кетаётганида кўриб қолибди. Дўстим охири буюртмачига қадоқланган кечки овқатни етказиши керак экан. Тасодифан севимли қаҳрамонини учратгани сабаб дунёдаги барча ташвишларини унутиб, зудлик билан автобусни тўхтатган. Оёғи ерга тегмай, автобусдан шиддат билан тушиб, киноюлдузнинг ортидан ўқдай отилган. Йўлни кесиб ўтаётганида уни машина уриб юборишига сал қолибди. Соддадил дўстимни Худо бир асрабди-да. Севимли қаҳрамонини «тирик» кўраман, деб ҳаёт билан видолашишига атиги бир баҳя қолганига ҳам парво қилмай, бари бир йўлида давом этибди. Меҳмонхонага кираверишда йигитни баланд бўйли, бақувват эшик оғаси тўхта-тибди.

– Арма-а-ан! – бечоранинг умидсизликка тушиб чақирган овозини эшитган актёр ортига ўгирибди.

Бу ҳақиқий бахт! Қаҳрамон ашаддий муҳлисига сезиларли даражада бошини чайқаб,

миннатдорчилигини билдирибди, қўшимчасига жилмайиб ҳам қўйибди ва яна йўлида давом этибди. Салим ўзини оламдаги энг бахтли инсон деб билиши учун шунинг ўзи кифоя эди. У шу оннинг ўзидаёқ, бу қувончли хабарни каминага етказиши кераклигини англабди ва уйга томон шошибди. Мана қаршимда у самоларда учиб, қаҳрамони билан бўлган илк учрашуви ҳақида сўзларди. Менинг эса охириги буюртмачига раҳмим келаётганди. Бечора ўша кунни чиндан ҳам кечки овқатсиз қолди.

– Хўш, у қандай экан? Экрандагидан фарқ қиларканми? – сўрайман мен.

– Йўқ, бироқ ҳаётда Арман экрандагидан чиройлироқ. Ҳеч бўлмаса, атиги бир мартагина у билан қўл бериб кўришсам қанийди, ўлсам армоним қолмасди. Бу – ягона орзуим.

Ҳа, бу каби оддий ва маънисиз орзуга эга бўлиш лотереяга ютуқ чиқишини сўраб, бир зумда бойиб кетишни ният қилишдан яхшироқдай туйилди.

Уч нафар полициячи қуршовидаги Арман қўлидаги тўпшончасини маҳкам сиққанча бизга қараб турибди. Унга бу фильмда жиноятчи образи текканди. Бойларни қийратадиган, камбағалларни ҳимоя қиладиган олтин қалбга эга безори. Йўл-йўлакай у онасининг орзусини амалга ошириш учун қўшиқчи бўлишни ният қилган қиз ролида чиққан актриса Прияни севиб қолади. Биринчи танаффусгача биз шу саҳналарни кўраимиз. Мухлислар бу актрисанинг чиқишини завқланиб олқишлайдилар. Баланд бўйли, гўзал, бетакрор актриса ўтган йили «Дунё гўзали» деб тан олинганди. Унинг қомати классик услубда ясалган гўзаллар ҳайкалларини эслатарди. Тик кўкраклар, ингичка бел ва айлана бўкса. Охириги пайтларда у менинг сеvimли актрисамга ай-

ланганди. Фильмда Прия тез-тез комедик роль ижрочисига «Овозингни ўчир!» деб такрорлайди. Биз эса кўларимиз ёшлангунча куламиз.

– Ҳаётингда Арманнинг қўлини сиқишдан бўлак орзуинг йўқми? – деб сўрайман Салимдан. – У нима ҳақида орзу қиларкин? Ҳеч ўйлаб кўрганмисан? Унинг пули ва обрўси, хуллас, бу дунёда бахтли бўлиши учун ҳамма нарсаси бор.

– Адашяпсан, – дейди дўстим. – Унинг Урвашиси йўқ.

Матбуотчилар киноюлдузнинг тўққиз ойлик ақлини оздирадиган даражада оташин муҳаббатидан, суюкли ёридан айрилгани ҳақида ёзишганди. Миш-мишларга қараганда, Арманнинг юраги бу айрилиқдан пора-пора бўлганмиш. Шу сабаб, ҳижрондан азобланётган қаҳрамоннинг томоғидан бир қошиқ овқат ҳам, бир чакра сув ҳам ўтмас экан. Айрилиқ азобида қийналаётган ошиқ, ҳатто томирини кесишига ҳам оз қолибди. Урваши Рандхавага эса бало ҳам ургани йўқ. Тошбағир гўзал моделлик карьерасини қолган жойидан давом эттиришга киришиб кетибди.

Дўстим йиғлайди. Унинг юзлари қизариб, покиза ёшлардан ювилади. Йигит куни билан овқатга қўлини урмайди.

– Менга қара, Салим, сен ўзингни худди ёш боладек тутяпсан, – чалғитиш учун уни койийман. – Ахир еб-ичмаганинг билан Арманингга ёрдам беролмайсан.

– Қанийди, у билан суҳбалаша олганимда эди. Мен уни овутган бўлардим. Қўлидан маҳкам тугтиб, елкамга бошини қўйиб, яшашига имкон яратиб берган бўлардим. Айтишларича, шундай қилса, одам енгил тортаркан.

– Нима фойда? Бундай қилганинг билан Урваши бари бир унинг ёнига қайтмайди.

Дўстим ҳайрат тўла кўзларини менга қадади:

– Балки ўша қизни топиб, қарорини ўзгартириши кераклигини уқтирсаммикан-а? Ажралиш хатолигини, Арманнинг қалби ҳижрондан азобланаётганини, маъюсланиб қолганини тушунтирсаммикан? Ким билади, балки ўша қиз гапларимга қулоқ солар...

Унинг бу қарорини маъқулламай, бошимни қимирлатаман. Энди бир бетайин қандайдир Урвашини Мумбай кўчалари бўйлаб тиланчиларга ўхшаб излаб юргани қолганди.

– Бировнинг ишига бурнингни суқма. Бегоналарнинг дардини бу қадар юракка яқин олиш яхши эмас, Салим. Арман Али – кап-катта одам, у бировларнинг ёрдамисиз ҳам ўз муаммоларига ечим топишига ишонаман.

– Унда мен қаҳрамонимга ҳеч бўлмаса, битта совға юбораман.

Шундан сўнг Салим ишга шўнғиб кетди. Паришонхотирлигидан иш пайтида битта гулдонни тушириб синдирди. Хўжайин билиб қолмасидан биз уни қайта елимладик.

– Бу ишора, – қувончдан сакраб юборди Салим. – Ҳатто синган юракни ҳам елимлаш мумкин. Мен унга мана шу гулдонни юбораман.

Бу совға Армангача етиб бордими, йўқми, билмайман. Актёрнинг яшаш манзилига юборилган жўнатма почтадаёқ очилган бўлиши ҳам мумкин, ё бўлмасам дарвозани туну кун қўриқлайдиган эшик оғаси, ё Арманнинг котибаси бу синган гулдон қандай мақсадда юборилганига ҳеч ақли етмай, уни ахлат қутисига ташлаб юборганлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бироқ мен бу борадаги тахминларимни сиртимга чиқармайман. Буларни эшитиб, дўстимнинг калласига яна қандай ўйлар келади, буниси ёлғиз Худого аён. Асо-

сийси, Салим қаҳрамонига юракдаги яраларини даволашга ёрдам берганига астойдил ишонади ва бундан ниҳоятда бахтиёр. Актёр ҳам худди аввалгидек кинога қайтиб, мана экранда тилла юракли жиноятчини жонлантириб турибди. Мен бу кинофильмни биринчи марта, Салим эса – тўққизинчи марта томоша қиляпти. Танаффус пайтида:

– Айтишларича, Мата Вишна Девидан астойдил бирор нима тиласанг, албатта, ниятинг амалга ошаркан, – деди дўстим гап орасида.

– Ундан нима тилаган бўлардинг? – қизиқиб сўрайман ундан.

– Сен-чи? – саволимга савол билан жавоб қилди Салим.

– Пул.

– Мен эса Арман билан Урваши ярашишини тилаган бўлардим.

Иккинчи қўнғироқ чалинди. Иккинчи қисм бошлангунча Салим мени тафсилотлардан хабардор қилиб бўлганди. Хуллас, Арман ва Прия Швейцарияда қўшиқ айтадилар. Кейин қиз йигитнинг душманлари, жиноят оламининг энг шафқатсиз қотиллари қўлида вафот этади. Бундан газабланаган Али ўз севгилисининг хуни учун қасос олади ва юзлаб ёмон болаларнинг нақ юрагига ўқ жойлаб, ер тишлатади. Безори йигитлар ҳам қараб туришмайди, албатта, улар ҳам онда-сонда қуроларини ишга соладилар. Сон-саноксиз ўқлар бўрони ёғдирилса ҳамки, Арманга тегмайди. Эпчиллик қилади қурмагур! Ниҳоят, йигит калаванинг учини топади. Жиноятлар ортида сиёсатчилару полициячилар турганлигини исботлаб, уларни муносиб жазога тортгач, ўзи ҳам мардларча вафот этади. Фильмнинг қандай

тугашили олдндан билганим учун энди уни охиригача кўргим келмайди. Шу сабаб зерика бошладим.

Кинозал яна қоронғилашди. Кутилмаганда дароз киши келиб, Салимнинг ёнига ўтирди. Юзлаб бўш жойлар турганда ўша одам негадир айнан А-йигирманчи ўринни танлади. Юзини қоронғиликда кўриб бўлмасди-ю, бироқ соқолига қараганда у қари одамга ўхшарди. Худди афгонлардек кийинганди. Бу одам негадир мени қизиқтириб қўйди. Тўғрироғи, унинг деяри фильм охирида киргани ҳақида ўйлардим. Қария ёнимизда ўтириб, оёқларини асабий ҳолда қимирлатарди. Мен фильмни эмас, фақат чолни кузатаётгандим. Салим эса Армандан бошқани кўрмасди.

Ажойиб дўстим бор-да. Бир куни ишдан қайтсам унинг янги журналнинг саҳифаларини йиртаётганига кўзим тушди.

– Муттаҳамлар!.. Итлар!

– Нима қияпсан?

– Арманни ёмонотлиқ қилган ифлослардан ўч оляпман. Қўлимга шу журналнинг қанчаси тушса ҳаммасини ана шундай қилиб йиртиб юбораман.

Нашрнинг муқовасида Арманнинг расми остига «ҚАҲРАМОН ҲАҚИДАГИ ОЧИҚ ҲАҚИҚАТ» деб ёзиб қўйилганди.

– Шошма-чи мундоқ, ахир унда суюкли қаҳрамонингнинг сурати чоп қилинган-ку! Сен бўлсанг уни ёндириясан.

– У ерда ёмон нарсаларни ёзишган.

– Сен ахир ўқишни билмайсан-ку.

– Оз-моз хабарим бор. Бундан ташқари қулоқларим бор. Миссис Барва ва миссис Ширканинг журналдаги мақолани муҳокама қилишаётганини эшитиб қолдим. Унда ёзилишича...

– Хўш? Нега жимиб қолдинг? Давом этавер...
– Бу ерда ёзилишича, Урваши Арманни ташлаб кетганига сабаб... у ... ҳалигидақаларданмиш...
– Кимлардан?
– Бесоқолбозлардан...
– Йўғ-ей? Наҳотки? Бунга ишониш қийин.
– Сен ҳақсан. Мен ҳам ишонмайман. Бу бошдан-охир уйдирма! Унинг пок номини қораламоқчи бу муттаҳамлар... Ҳозир бориб, ўша таҳририятни ёндириб юбораман!

Салим Арманнинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ азият чеккандир ўшанда. У бу ҳақоратни кўтаролмаётганди. Бунинг устига у бундайлардан ниҳоятда нафратланарди. Мен ҳам унақаларнинг ёш болачаларни қоронғи йўлақларда, жамоат жойларидаги ҳожатхонаю шаҳардаги истироҳат боғларида қандай кўйга солганликлари ҳақида кўп эшитгандим. Таҳририят келгуси сониди актёрдан узр сўраб, Армандан бундай айбловларни олиб ташлайди. Шу тариқа таҳририят ёндирилмай қолади.

Ҳалиги одам Салимга яқинроқ ўтирди ва унинг оёқларига қўлини теккизди. Биринчи марта дўстим ўзини айбдор деб ҳисоблади. Иккинчи марта эса шунчаки тасодиф деб ўйлади. Учинчи марта эса бу ерда у атайин қилаётганига ишонч ҳосил қилди.

– Муҳаммад, – деб қулоғимга шивирлайди Салим, – Худо ҳақи, агар ҳозир мана шу ёнимда турган ит бу қилиғини бас қилмаса, уриб ўлдираман!

– Тушуниб турибман, дўстим, бироқ унинг ёшини ҳам ҳисобга олгин. Атайин қилмаётгандир-а?

Шу пайт жанг саҳнаси бошланди. Бу саҳна яна дўстимни ўзига мафтун қилди. Ифлос қария бу орада Салимнинг қўлидан маҳкам тутиб олди.

Ниҳоят, экранда Арман жон бераётган сахна. У ҳамма жиноятчиларни ўлдириб, ўзи ҳам ерга қулайди. Кийимлари қонга беланган. Танасини ўқлар илма-тешиқ қилиб юборганди. Шими чанг эди. Жон бераётган қаҳрамон онаси томон эмак-лаб бораётганди. Ёш боладай йиғлаётган дўстим экрандан кўзини узмай алам билан шивирлайди:

– Онажон, умид қиламанки, мен сиз учун яхши ўғил бўлдим. Мени деб йиғламанг. Қўрқоқ бўлиб яшагандан кўра, мардларча ҳалок бўлган яхши-роқдир.

Арман бошини онасининг тиззасига қўйиб, Салимнинг сўзларини такрорлайди. Бечора аёл ишонарли қилиб, аюҳаннос салади. Ўғли унинг қўлини меҳр билан тутиб, бошини чайқайди. Ҳа, таъсирли сахна. Мен ҳам кўз ёшларимни тиемайман. Шамол аччиқланиб, ҳамма нарсани ҳар ёққа олиб отади. Ҳар галгидек кеч бўлса-да, олислардан сиренанинг овози қулоққа чалинади. Дангаса полициячилар доим шундай кечикиб юришади. Улар учун ҳамма ишни қаҳрамон бажарган бўлади. Унга эса энди ҳеч ким ёрдам беролмайди.

Соқолли қўшнимиз Салимнинг ёнига яна ҳам яқинроқ келганини сездим. У қўлини дўстимнинг оёғи устига қўйиб, секин силарди. Салим фильм томошасига шу қадар берилиб кетгандики, бунини, ҳатто, сезмасди ҳам. Бирдан нотаниш эркакнинг қўли юқорилашни бошлаганда, у сесканиб, ўша кимсани итариб юборди.

– Нима қияпсан, номард! Ифлос! Ўлдираман! – дея бақириб, ҳалиги эркакнинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

Салимнинг кутилмаган бу ҳаракатидан эсанкираб қолган қария ўрнидан туришга шошилар-

ди. Салим унинг ёқасидан тутмоқчи бўлди, бироқ адашиб соқолидан тортди. Соқол бирдан эгасининг юзидан узилиб, Салимнинг қўлида қолди. Ҳалиги одам чинқириб юборди ва эшик томонга қараб қочди. Бу орада электрга нимадир бўлди ва чироқлар ўчди. Қочоқ бир муддат нима қилишни билмай жойида қотиб қолди. Кутилмаганда яна чироқлар ёндирилди. У «ЧИҚИШ» деб ёзилган ёзув томонга қараб югурди. Ҳаммаси фавқулодда шунчалар тез юз бердики, биз ҳам ўзимизни йўқотиб қўйдик. Бироқ иккимиз ҳам унинг экрандаги каби кўк кўзларида ёниб турган газабни, бурнидаги холини аниқ кўра олдик ва кимлигини англадик.

Экранда яна аввалги каби титрлар чиқди. Салим ҳамон қўлида атир ва елим ҳиди келиб турган оппоқ соқолни сиқиб турарди. Бу сафар у дизайнер, гримчи, сахналаштирувчи режиссёрларнинг исмини кўрмайди. Дўстим ўкиниб-ўкиниб йиғлаётганди. Чунки у севган қаҳрамон ҳозиргина чиндан ҳам унинг кўз олдида вафот этганди...

Смита ҳайратдан ёқа ушлаб қолди.

– Бу қачон содир бўлганди?

– Олти йил муқаддам.

– Сен нималар ҳақида сўзлаётганингни билсанми? Бу сўзлар қанчалар жиддийлигига ақлинг етяптими?

– Тушунмадим?

– Агар бу воқеа юзага чиқса, Арман Алининг келажаги тамом деган гап. Албатта, бу ҳақиқат бўлса.

– Сен ҳали ҳам ишонмаяпсанми?

– Мен бундай демадим.

– Кўзларингдан шубҳага бораётганингни сезиб турибман. Ишонмасанг ишонма, яна ўзинг би-

ласан. Менинг исботим қўлингдаги дискда. Шундай қилиб, биринчи саволга жавобни кўрамизми?

Ҳали ҳам ўзига келолмаган ҳимоячим бошини қимирлатиб розилигини билдирди ва қўлига пульта олиб, қизил тугмачани босди.

Студия ним қоронғи. Томошабинларнинг ҳаммаси сукут сақлаб туришибди. Қаршимда Прем Кумар. Бизни айлана стол ажратганди. Бошловчининг ортида улкан маълумотлар ойнаси. Ҳозир унда жавоблар кўринади.

– Бир, икки, уч! Камералар тайёрми? Бошладик.

Ғалати мусиқа садолари остида студияда бошловчининг эътиборни тортадиган овози янграйди:

– Мана биз яна сиз билан! Бугун дунёдаги энг катта ютуқни қўлга кирита оладиган омадли инсон ким? Ҳа, хонимлар ва жаноблар, биз ана шу саволга жавоб топиш илинжида яна сиз билан экран орқали дийдорлашиб турибмиз. «Ким миллиардер бўлишни истайди?» шоуси яна эфирда.

Маълумотлар ойнасида «Олқишлар!» деган ёзув ёнади. Томошабинлар қарсақ чалишни бошлайдилар.

Мусиқа садолари тинди.

– Бугун компьютаримиз шоуда иштирок этадиган уч ўйинчининг исмини танлади. Мен уларнинг номини сизга мамунният билан эълон қиламан, – дейди Прем Кумар. – Учинчи рақам остида Мальдидан Капил Чоудари, иккинчи рақам остида эса Жанубий Бенгалиядан Хари Парикх ва ниҳоят биринчи рақам остида ўн саккиз ёшли омадли йигит Рам Муҳаммад Томас – Мумбайдан. Қани хонимлар ва жаноблар, биринчи рақамли иштирокчимизни олқишланг!!!

Қарсақлар тингач, Прем Кумар менга юзланди.

– Рам Муҳаммад Томас. Ғалати исмингиз бор экан-а? У шубҳасиз она Ҳиндистонимизнинг бой

маданиятга эга мамлакатлигини исботлайди. Нима билан шуғуллансиз, мистер, Томас?

– Мен Колабедаги «Жимминикида» ресторанида официантман.

– Официант! Наҳотки, буни қаранг-а? Бир ойда неча минг рупий ишлаб топасиз?

– Тахминан тўққиз юз рупий.

– Шугина холосми? Бугун миллиард рупий ютиб олсангиз нима қиласиз?

– Билмайман.

– Билмайсиз?

– Йўқ.

Бошловчи астойдил хафа бўлди. Сценарий бўйича мен бошловчининг ҳамма саволларига қувноқ кайфиятда жавоб беришим ва енгил суҳбатнинг олиб боришига имкон яратишим керак эди. Улар менинг самолёт, ресторан ёки орол сотиб олмақчиман, деб айтишимни кутишаётганди, ҳеч бўлмаганда катта базм уюштириб, «Мисс Индия»га уйланаман, деб мақтаниб, тўйдан сўнг Тумбуктудага саёҳатга боришни режалаштирярман, деб қўшиб қўйишимни уқтиришганди.

– Яхши. Мен ўйин қоидаларини тушунтирман. Жаноб Томас, бугун ўн иккита саволга жавоб беришингиз талаб қилинади. Сиз истаган пайтингизда ўйинни тўхтатиб, ютиб олган пулларингизни олиб, студияни тарк этишингиз мумкин. Фақат тўққизинчи саволга қадар. Кейин эса... келинг яхшиси, бу ҳақда ўша вақт яқинлашганда гаплашамиз. Агар саволларга жавоб тополмай қийналиб қолсангиз ташвишланманг. Сизда икки имконият бор. Бири – «Дўстга қўнғироқ», иккинчиси эса «Эликка элик». Шундай қилиб, биринчи савол. Биламан, ҳаммангиз уни сабрсизлик билан кутяпсиз. Тайёрмисиз?

– Ҳа, – деб қатъий жавоб бераман мен.

– Яхши, экранга қаранг, мана у: Прия Капур ва Арман Али ижросидаги қайси кинофильм таниқли актёрларнинг энг муваффақиятли картинаси деб тан олинди? Замонамизнинг машҳур қаҳрамонлари сифатида эътироф этилган бу икки истеъдод эгаси илк марта бирга суратга тушган ўша шов-шувли фильмнинг номини айтинг. Вариантлар: а) «Олов», б) «Қаҳрамон», с) «Очлик» ва д) «Хиёнат».

Юракни таҳликага солгувчи мусиқа янграйди.

– D) «Хиёнат», – дейман мен.

– Сиз кинога бориб турасизми?

– Ҳа.

– Бу фильмни кўрганмисиз?

– Ҳа.

– Жавобингизнинг тўғрилигига ишончингиз комилми?

– Ҳа.

Дўмбира садолари остида тўғри жавоб экранда пайдо бўлди.

– Тўппа-тўғри. Юз фои-и-из! – тантанавор оҳангда эълон қилди Прем Кумар. – Табриклайман! Сиз ҳозиргина минг рупий ютиб олдингиз. Кичик рекламали танаффусдан сўнг ўйинни яна давом эттирамиз.

Томошабинлар қарсак чалиб юборишди. Бошловчи менга қараб жилмайди. Мен эса йўқ.

ИККИ МИНГ РУПИЙ: РУҶОНИЙНИНГ ОФИР ВАЗИФАСИ

Агар сиз бирор марта Деҳлига поездда келган бўлсангиз, Пахарганж вокзалининг асл қиёфасини борича кўргандирсиз. Чанг ва тартибсиз вокзал, ундан чиқиб, чапга қайрилсангиз Коннаут майдони. Бу – доим одамлар билан гавжум бозор, сайёҳлар учун энг арзон меҳмонхона ва кўримсиз ресторанлар дегани... Шунингдек, ҳар қадамда тап тортмай, учраган эркакни йўлини тўсиб, танасини сув текинга пуллайдиган фоҳишаларга дуч келасиз. Агарда йўналишингизни ўнгга бурсангиз, аёллар касалхонаси ва сут дўконидан ўтишингиз билан тепасида катта хоч ўрнатилган ҳашаматли қип-қизил бинога кўзингиз тушади. Ўн саккиз йил олдин мен худди шу ерда дунёга келганман. Аниқроғи, совуқ рождество кечаси, бешинчи декабрда туғилганман ва роҳибаларнинг эски-туски кийимлари солинадиган катта сават ичига ташлаб кетилган эканман. Онам нима сабаб мenden воз кечганини билмайман. Бу фақат Яратганга ва тириклар орасида ёлғиз унинг ўзигагина маълум.

Мен тез-тез бу саҳнани хаёлимда тасаввур қиламан. Оппоқ саридаги баланд бўйли, гўзал аёл қўлидаги чақалоқни маҳкам қучоқлаб ярим тунда касалхонани тарк этади. Шамол... тўс-тўполон. Унинг узун қора сочлари шамолда ёйилиб кетади ва юзларини ёпади. Чанг тўзон... шафқатсиз шамол хазонларни эрмак қилиб, сўнг улоқтирарди. Аёл тинмай кўз ёш тўкади. Унинг йиғлаётгани тинимсиз силкинаётган елкаларидан сезилади. Боласини маҳкам бағрига босганича қучиб, ибо-

датхона томон боради. Мана, у, дарвоза ёнига яқинлашди. Аёл йиглаб, боласини юз-кўзларидан ўпади ҳамда эски кийимларга ўраб секингина сават ичига қўяди. Ёш она боласидан кўнгил узолмай узоқ вақт унга тикилиб туради ва ниҳоят ортига қарамай қочади. Зум ўтмай, аёл қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Илоҳий Мария ибодатхонасининг роҳибалари мени ўз тарбиясига оладиган ота-онани узоқ излашди. Каминага ўхшаган ташландиқларнинг барини олиб кетишди, аммо мен ҳеч кимга керак бўлмадим. Бола асраб олишга келган ота-оналар камина ётган беланчакка яқинлашиб, бир муддат юзимга қараб ва яна афтларини буриштириб, ўтиб кетишганга ўхшайди, назаримда. Негалигини билмайману, аммо шундай бўлиб қолган-да. Балки, жудаям қора бола бўлганим учундир ё унчалик ҳам чиройли эмасдирман? Балки, оёқларимни тинмай қимирлатганим учундир? Балки фаришталар каби чиройли жилмайишни билмаганим сабаб олиб кетишни исташмагандир? Нима бўлганда ҳам бўлғуси ота-онам топилавермагач, мен меҳрибонлик уйига келиб қолганман ва шу ерда икки йил қолиб кетганман. Меҳрибонлик уйининг тарбиячилари ўтган вақт давомида каминага ҳеч қандай исм қўйишмагани жуда ҳам ғалати, улар мени шунчаки болакай деб чақиришарди. Ҳеч кимга керак бўлмаган болакай...

Охир-оқибат мени эр-хотинлар Филомена ва Доминик Томаслар оиласи асраб олишибди. Улар аслида Нагеркойладан бу ерларга келиб қолишган. Миссис Томас Илоҳий Иосеф черковида фаррош бўлиб ишларди. Эри эса ўша черковда боғбон эди. Улар қирқ йил бирга яшашган бўлса ҳамки, ҳамон фарзандсиз эдилар. Рухоний ота

Тимоти Френсис бир маромда зерикарли ўтаётган оилавий ҳаётларини қувончга тўлдиришлари учун уларга бола асраб олишни маслаҳат берган. У, ҳатто бунинг учун қаерга бориш кераклигини ҳам тушинтирган. Қасам ичиб айтаманки, агар рангим Филомена хонимнинг қора терисига мос тушмаганида эди, у мени сира ҳам асраб олишга кўнмаган бўларди. Эр-хотинлар ҳужжатларни расмийлаштиришга бир ой сарфлашди, бироқ чўқинтириш маросимига уч кун қолганида Филомена хонимнинг ҳаёти камина билан эмас, балки бошқа одамнинг ташрифи билан тўлибди. Бу мусулмон одамнинг исми Мастош Шайх бўлиб, у аёллар кийимларни тикарди. Филомена қирқ йиллик эрини ва ўзининг рангига муштарак мендек янги асранди боласини ташлаб, ўша бегона эркак билан қочиб кетибди. Миш-мишларга қараганда жазманлар Бхопал томонга йўл олишганмиш... Ҳозир қаерда эканликларини эса айтиш қийин. Бу ҳақда билиб қолган алданган эр қутуриб, мени кўтариб, руҳонийнинг олдига олиб борибди.

– Бошимга келган балоларнинг асл сабабчиси мана шу бола. У келиши билан ҳаётим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Уни нима қилишни эса ўзингиз биласиз, – дебди-да, руҳонийнинг жавобини ҳам қутмай хайр-маъзурни насия этиб, қуённинг расмини чизибди.

Охирги марта мистер Томасни Бхопалга чипта сотиб олаётган вақтда кўришган экан. Шундай қилиб, руҳоний Тимоти ота каминани ўз қармоғига олди ҳамда менга овқат ва сув тутишдан илгари Жозеф Майкл Томас деб исм берди. Чўқинтириш маросими эса бўлмади. Ҳеч ким шамларни ёқмади ва мени жомга солиб, илоҳий сув билан ювинтирмади. Нима бўлганда ҳам

исмим бари бир Жозеф Майкл Томас бўлди. Нақ олти ҳафта. Еттинчи ҳафтада руҳоний отанинг ёнига икки киши келди. Уларнинг бири узун қўйлак кийган семиз эркак ва иккинчиси эса ниҳоятда ориқ, соқол қўйган киши эди.

– Биз Динлар бирлиги ташкилотиданмиз. Камина Ягдиш Шарма, – дея ўзини таништирди бақалоқ. – Қаршингизда турган ҳамроҳим эса жаноб Иноят Ҳиндиятуллоҳ. Бахтга қарши ташкилотимизнинг учинчи вакили жаноб Харвиндер Сингх – Гурудварда ушланиб қолди. Келинг, яхшиси мақсадга кўчамиз. Билишимизча, сиз бир болани асраб олибсиз.

– Ҳа. Ўғай ота-онаси бечорани ташлаб кетишди, – деди руҳоний қайғуга ботиб, ҳалигача бу ташрифнинг асл сабабини билолмай лол эди.

– Унга қандай исм бердингиз?

– Жозеф Майкл Томас.

– Бу насронийча исмми?

– Ҳа, лекин...

– Бу боланинг ота-онаси аслида насроний бўлганини қаердан биласиз?

– Билмайман.

– Нега унда болага бундай ном қўйдингиз?

– Ахир бола бутун умр беном юролмайдикун?

– Албатта, бироқ руҳоний ота бир одамнинг розилигини сўрамай, унинг динини ўзгартириш гуноҳлигини биласизми? Ҳиндистонликларнинг бу масалага жиддий қарашларидан хабарингиз бор-ку. Аслида ҳаммамиз ҳам Яратганнинг қулимиз. Бунинг англамаганлар ота-онаси йўқ болага насронийча исм қўйганингизни эшитишса, бундан ўзларича хулоса чиқариб, бошқа динларга ҳурматсизлик деб талқин қилишдан ва шу арзимас сабаб билан қон тўкишдан тоймайдилар. Яна аввалгидек ибодатхона, черкову мачитлар

ёндирилади. Бу эса сизга ҳам бизга ҳам керак эмас. Ишонч одамларни бир-биридан ажратмасин! Нима дейсиз?

– Мен ҳеч кимни бир-биридан айирмаяпман-ку.

– Биз ниятингиз холислигига ишонамиз. Лекин эртага бу черковда ҳинди бола чўқинтирилгани ҳақидаги хабарлар тарқалса борми?

– Қизиқ одам экансиз-ку, бу боланинг ҳинди эканлигини қаердан биласиз?

– Мен мисол учун демоқчи эдим. Шундай бўлса, оломон черковингизнинг кулини кўкка совуради.

– Хўш, нима қил, дейсиз?

– Болага бошқа исм қўйиш керак.

– Нима деб?

– Болани севимли илоҳларимиз шарафига Рам деб қўйсақ нима дейсиз? Ёмон эшитилмаяпти, – деб таклиф қилди Шарма.

Соқоли секингина томоқ қириб, йўталиб қўйди.

– Аралашаётганим учун кечирасиз. Бу боланинг ҳинди бўлиб турилганига ҳеч қандай исбот йўқ. У мусулмон бўлиши ҳам мумкин. Менимча, бу болага Муҳаммад деб исм қўйсақ яхшироқ бўлади.

Роппа-роса ўттиз дақиқа иноқ ташкилотнинг икки вакили каминага қайси исмни қўйса ярашиши устида баҳслашишди.

– Менга қаранглар, – деди ниҳоят донишманд руҳоний ота. Уларни мурасага келтирмаса ҳақиқий уруш-жанжал худди шу ернинг ўзидан бошланишига ақли етиб, ташкилотнинг икки вакилини тинчлантиришга тушди. – Мен мақсадингизни англадим. Жаноб Шарма, сизнинг ҳам, жаноб Иноят Ҳиндиятуллоҳ, сизнинг ҳам сазангиз ўлмасин. Келинлар, яхшиси барча динларни бирлаштириб, болага Рам Муҳаммад Томас, деб исм қўямиз. Шунда сиз ҳам қўймайди, кабоб ҳам.

Хайриятки, ўша куни сикхлар мазҳаби вакили жаноб Сингх етиб келмади. Руҳоний Тимоти ота ўрта ёшлардаги кўнглию қўли очиқ одам эди. Черковдаги энг ёруғу кенг хона уники эди. Олти йил у менга ҳам ота, ҳам она, ҳам устоз, ҳам тарбиячи ва руҳоний бўлди. Ўша йилларни хотирласам, бахтга ўхшаш бир нимани туяман. Тимоти ота шимолий Англиянинг Йорк деб аталмиш жойида туғилгани, бироқ узоқ вақт Ҳиндистонда яшаган. Унинг ёрдами билан мен ёшлик чоғларимдан ўқиш-ёзишни ва соф инглиз тилида гаплашишни ўргандим. У менга шеърлар ёдлатарди, айниқса, «Она розларим»ни кўп такрорлардик. Эсимда «Ўйна тунги юлдузча» ва «Қора қўзичоқларим», қўшиқларини отага бир олам қувончу завқ бағишлаб, кулгили тарзда гўнғир-гўнғир қилиб қуйлардим. Мен ўзимни бир катта оиланинг аъзоси каби ҳис қилардим. Бу черковда хизматчи Жозеф ва йиғиштирувчи миссис Гонсалез ишларди. Деразамиз ёнида қоровул, фаррош, этикдўз, ишчиларнинг бир тўда болалари футбол ё крикет ўйнашарди. Тимоти ота менга Исо Мəsiх ҳаёти, момо Ҳаво ва Одам ато ҳақида сўзларди. Кўчадагилар эса ўз эътиқодлари ва ҳаётнинг ёзилмаган қонун-қоидаларидан сабоқ бердилар. Шу тариқа, мен Маҳобхорат ва Қуръондан бир оз хабардор бўлдим. Макка, Мадина шаҳарлари, мусулмонларнинг пайғамбари Муҳаммад тўғрисида билдим. Вифлеем, Айодхья, Апостол, Пётр ва Хўжа чин маънода менинг қалбиму шууримни тарбиялашди. Бироқ шуни тан олишим жоизки, мен ўзимни ниҳоятда тақводору художўй эдим, деб айтолмайман. Чунки бошқа болалар каби каминани ҳам бор-йўғи уч нарса ташвишлантирарди: овқат, ўйин ва уйқу. Тушликдан сўнг, яқин дўстларим билан капалак тутардим. Жозеф

гулларнинг чангларини олаётганида, мен дарахтга чиқиб, қушларга тош отардим. Ёмғирли мавсумда эса лой эгатларда савдойи болаларга ўхшаб рақсга тушардим. Кейин Тимоти отани ранжитиб, орада йўталиб ҳам қўярдим. Баъзан эса болалар билан балиқ овлагани борардим. Тез-тез футбол ўйинларидан сўнг ҳамма ёғимни кўкартириб қайтардим.

Келгинди руҳоний фаол ҳаёт тарзини олиб борарди. У эрталаблари тонгги сайрга чиқар, гольф, теннис, воллейбол ўйнар, бўш пайтида мутолаага ташна эди. Йилига бир марта таътил олар ва Англияга қари онаси билан дийдорлашгани кетарди. Бунинг устига у туғма скрипкачи ҳам эди. Деярли ҳар кеча боққа чиқиб, ой нурида юракларни ларзага соладиган гўзал ва мунгли куйларни чаларди.

Менга авлиё Мария черковига бориш жуда ёқарди. Айниқса, унинг қадимий биносига қараб тўймасдим. У сирли ва гўзал эди. INRI ҳарфлари ўйиб ёзилган қип-қизил ёғоч меҳроб ва кўплаб авлиёлар қуршовида турган болани қучоқлаб олган аёл ҳайкалига соатлаб тикилиб турардим. Ўриндиқлар фақат дам олиш кунларидагина тўларди. Тимоти ота узундан-узоқ дуо ўқир ва маъруза қиларди. Одатда, отанинг ваъзини тинглаб, беихтиёр пинакка кетардим ва ҳар доимгидек ҳаммага майу егуликлар улашаётганларидагина кўзларимни уйқудан очардим. Биргаликда куйланадиган хор қўшиқлари, рождество арчаси, пасха байрамининг рангли тухумлари... афсуски, байрамлар жуда оз-да! Бироқ черковда никоҳ ўқитиш маросими йил бўйи бўларди. Мен бутун вужудим билан руҳонийнинг сўзларини тинглаб ёш келин-куёвларга қараб: «Энди никоҳингизни

бўса билан мустаҳкамлашингиз мумкин!» деб ай-тишини интиқлик билан кутиб турардим ва биринчи бўлиб ширинликларга қўл чўзардим.

Хўжайиним билан ўртамиздаги муносабатларни аслида қандай аталишини ҳеч ким аниқ айтиб беролмасди. Унга ким бўлишимни ўзим ҳам билмасдим. Ўғилми ё хизматкор, боқимондами ёки севимли уй ҳайвони – буни аниқ айтолмайман. Илк йилларда мен ўзимни ҳақиқий отам билан яшаяпман, деб ишонтирардим. Кейинчалик юрагимга шубҳалар илон каби ўрмалаб кира бошлади. Биринчидан, черковга келувчиларнинг бари уни ота, деб чақирарди. Бирданига шунча болага оталик қилиш ғалати эмасми, деб ўйладим. Иккинчидан, рангларимиз ҳам негадир бошқа хил эди, бу эса шубҳаларимни тасдиқларди. Бир куни ундан сўрадим. У ҳақиқатни ёпинчиққа ўраб, қалбимга озор етказмайгина атайин чиройли сўзларни чертиб-чертиб танларкан, юмшоқ оҳангда ҳаммасини ётиғи билан тушунтирди. Маълум бўлишича, мен авлиё Мария черковининг эски-тускилар солинадиган саватига ташлаб кетилган ташландиқ эканман. Ўша куни камина учун беғубор болалик кўчаларининг эшиклари ёпилди. Илк бора сени дунёга келишингга сабабчи бўладиган ота билан авлиё отанинг фақини англадим ва тунда илк бора жисмоний оғриқдан эмас, қалб дардидан, руҳий азобдан йиғладим. Шундан сўнг мен бу ерда отанинг ҳақиқий ўғли бўлганим учун эмас, балки қалби пок бир инсоннинг олижаноблиги туфайли яшаётганлигимни тушундим. Юрагимда бу мурувватга муносиб жавоб қайтариш иштиёқи уйғонди. Шу сабаб мен ҳар доим ёрдамга шошардим. Кир кийимларни топ-тоза қилиб ювадиган машинага солиб, унинг ёнида ўтирар ва жара-

ённи қизиқиб кузатиб турардим. Бир марта мен унинг ичига чанг бўлиб ётган китобларни ҳам солдим. Овқатдан сўнг идиш-товоқларни ювардим. Ошхонада меваларни майда-майда тилимларга бўлардим ва бир марта, ҳатто бармоғимни бўлаклашимга оз қолган. Тимоти ота каминани черковга келувчиларнинг кўпчилиги билан ўз яқинидай таништирарди. Масалан, ҳар қандай об-ҳавога қарамай, черковга келишни унутмайдиган миссис Бенедиктга...

Мен яна Жесиканинг тўйини ҳам яхши эслайман. Бошқа келинлардан фарқли ўлароқ, у никоҳ ўқиладиган пайтда юрак хуружидан ҳушини йўқотган отасининг боши узра чин дилдан ўкиниб йиғлаганди бечора. Мени, ҳатто Деҳлидаги машҳур полковник Воганинг уйидаги кечки овқатга ҳам олиб боришганди. Ота-бола иккаламиз бир марта жаноб Лорнсга балиқ овига ҳам ҳамроҳдик қилгандик. Бечора ўша куни ҳеч нима овлай олмаганди-ю, бироқ хотинига кўрсатиш учун дўкондан энг катта лаққа балиқларни харид қилганини яхши хотирлайман. Тимоти ота ҳамиша қайғудан қийналганларнинг барчасига ҳамдард бўла олар, уларга энг оғир вазиятларда ҳам қувонч улашишга қодир, барча саволларга жавоб берадиган чин авлиёга ўхшарди. У туғилган кунларни ҳам, никоҳ тўйларини ҳам, байрамларни ҳам, азани ҳам умуман барча маросимларни ўзига хос тарзда ўтказарди.

Бозор куни. Черков одамлар билан гавжум. Лекин бу сафар меҳроб олдида Тимоти ота ёлғиз эмас... У билан яна бир одам турарди. Нотаниш киши ҳам Тимоти ота каби кийинганди. Бироқ у кўринишидан роҳибдан кўра кўпроқ боксчига ўхшарди.

– Сизга мамнуният билан бир қувончли хабарни маълум қилгайман. Бу киши кичик Жон ота, – баланд овоз билан тантанавор оҳангда уни оммага таништирди Тимоти ота. – У бугун авлиё Иосеф черковидан менинг ёнимга ёрдамчи бўлиб келди. Кўриб турганингиздек, Жон ота мендан анча ёш, лекин етарлича тажрибага эга руҳонийлардан. Ўйлайманки, у қисқа вақт ичида қалбингизга йўл топа олади.

Кечқурун Жон ота бизнинг меҳмонимиз бўлди. Ўша тунда Тимоти отанинг мақтовига эришиш учун шўрвани дастурхонга қўймоқчи бўлдим. Етти ёшли гўдак учун ҳали бу ишларни қилиш эрта экан. Эҳтиётсизлик қилиб шўрвани меҳмоннинг устига тўкиб юборибман. У ўрнидан сакраб турди ва унинг оғзидан:

– Жин урсин! – деган ғалатию ёқимсиз сўзни эшитдим.

Тимоти ота қошини бир чимирди-ю, меҳмонга қарши бир оғиз ҳам гапирмади. Кўп ўтмай, менинг ҳимоячим таътил олиб, черковни, унга қўшиб мени ҳам Жон отанинг қарамоғига ишониб топширганича ўз ватанига кетди.

Эрта тонгда мен уни кўриб, самимий жилмайиб:
– Саломатмисиз, – дедим.

Руҳоний менга суваракка қарагандек нафратланиб, назар ташлади ва:

– Ҳа, бу сенмисан, онгсиз ташландиқ. Устимга шўрва тўкканинг учун кўрадиганингни кўрасан мендан! Овозингни чиқармай, сокин оқадиган сувдан ҳам тинч юргин, сасингни эшитсам мендан яхшилик кутма! Тимоти ота келгунига қадар шундай қилсанг, бежавотир яшайсан! Сен кузатувим остидасан, шуни унутма!

Бир куни Жозеф менга Жон отага сут олиб бориб беришимни сўради. У берилиб телевизор томоша қиларди.

– Кира қол, Томас, – таклиф қилди меҳмон. – Кино кўришни хоҳдайсанми?

Мен экранга тикилдим. Фильм инглиз тилида эди. Оқ танли ва қора танли руҳонийлар қандайдир ибодатхонада суҳбатлашардилар. Ёрдамчига эзгуликка ундайдиган фильмларни томоша қилиш маъқуллигини билиш ёқимли эди, балки у мен тасаввур қилганчалик ёмон одам эмасдир. Иккинчи кўринишдан эса бутун баданимни титроқ босди. Менинг ёшимдаги қизалоқ ўриндиқда ўтирибди, бироқ у оддий болаларга сира ўхшамасди. Кўзлари ниҳоятда совуқ эди. Овози эса эркакларникига ўхшарди. Унинг ёнига руҳонийлардан бири кирди. Кутилмаганда тенгдошим шунақанги хунук қилиқлар қила бошладики, мен уялганимдан беихтиёр кўзларимни юмиб олдим ва хонадан чиқиб кетдим:

– Онгсиз, ташландиқ! Ахир бу шунчаки кино-ку! – ортимдан Жоннинг шундай деб бақиргани эшитилди.

Туни билан ухлолмадим.

Уч кундан сўнг биз Жозеф билан дўконга бордик. Тухум, гўшт, уну мевалар сотиб олдик ва бир оз кеч қолдик. Уйга қайтаётганимизда қоронғи тушганди. Кутилмаганда ортимиздан мотоцикл келиб, мени уриб юборишига оз қолди. Унинг ортидан кўриб қолдим. Бу гавдали эркак ҳар куни мени «Онгсиз, ташландиқ», деб масхаралайдиган руҳонийга ўхшаб кетаркан.

Ҳафта ўтди. Мени Жоннинг хонасига почтани олиб бориб беришга юборишди. У ювинаётган экан.

– Стол устига қўйиб кет! – ичкаридан қичқирди у.

Кетмоқчи бўлиб ортимга ўгирилгандим, диваннинг остидаги рангли қоғозларга кўзим тушди. Оёқ учида юриб, яқинроқ бориб қарайман. Бу журнал эди. Биттасини қўлимга олдим. У ерда

бунақа журналлар кўп экан. Ҳаммасида тушунарсиз ва ғалати сўзлар ёзилганди. «Бесоқолбозлар байрами», «Бесоқолбозлар сийрати». Қизиқ, нега бунақа сўзлар ёзилган экан? Ахир журнал муқовасидаги эркакларнинг бари, аксинча, соқол-мўйловли эркаклар-ку. Кутилмаганда ичкаридан руҳоний чиқиб келди. Кўкрагига оғзини очиб турган қоп-қора илоннинг расми туширилганини кўриб, қўрқиб кетдим.

– Сен ҳали ҳам шу ердамисан? – жаҳли чиқиб сўради у. – Қани, йўқол!

Нега унинг баданида бунақа қўрқинчли сурат ва нега у бунақа журналларни олиб юрибди, бунга сира ақлим етмайди. Қаердан ҳам етсин, ахир мен онгсиз ташландиқман-ку. Руҳонийнинг ёнига кечалари ғалати одамлар келарди. Улар ҳеч кимдан изн сўрамай, тўғри ёш ёрдамчининг хонасига кириб кетишарди.

Бир кун мен меҳмонларнинг нима иш билан шуғулланишларига қизиқиб, кузатишга қарор қилдим. Жон қора камзул кийган бўйнига қалин занжир таққан йигитнинг бир марта тиқиллатганига эшикни очди. Уни дарров танидим. Бу ўша... Жозеф билан дўкондан қайтаётганимизда мени мотоцикл билан уриб кетишига оз қолган йигит эди. Мен товуш чиқармай, секингина оёқ учида юриб, болохонага кўтарилдим ва ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тирқишдан пойладим. Тимоти ота бу ишимни маъқулламаган бўларди, албатта. Аммо қизиқиш бари бир устунлик қилди. Руҳоний билан меҳмон диванга чўкдилар. Жон ота қутидан ун, тўғрироғи эзилган шакарга ўхшаган оппоқ кукун солинган кичик елим халтачани олди. Кейин икки ошна ўша кукунни бурунларига тортдилар. Руҳоний фильмдаги қизчага ўхшаб ғалати тарзда овоз чиқариб кулади.

– Ажойиб-да бу, биродар! – дейди меҳмон. –
Руҳонийга ҳам бундан воз кечиш қийиндир-а.
Нега бу черковга келдинг?

Жон яна кулди:

– Кийимларим сиқиб ташлади, – у шундай дея
ўрнидан турди ва кийимларини ечаркан, меҳ-
монга қўл чўзди: – Бу ёққа кел.

Мен қўрқувдан дағ-дағ титрайман. Икки эр-
какнинг ёқимсиз қилиғидан сесканиб кетдим ва
оёғимни қўлимга олиб, ортимга қарамай, ўз хо-
намга қараб қочдим.

Ким булар ўзи? Ҳалиги унга ўхшаган кукун
нима ўзи? Ҳеч ақлим етмайди.

Ниҳоят, Тимоти ота таътидан қайтди. Мен
бундан ниҳоятда хурсандман. Одамлар ёш руҳо-
нийдан шикоят қилиб келишганга ўхшайди. Шу
сабаб эртасига икки руҳоний қаттиқ тортишиб
қолишди. Жанжалдан сўнг авлиё Жон куракда
турмайдиган сўзлар билан сўкиниб, эшикни қат-
тиқ ёпиб чиқиб кетди.

Пасха байрами тугади. Рангланган тухумлар
ҳам қолмади. Оқсоч аёлнинг иши икки баравар
ортганди.

– Миссис Гонсалесга нима бўлди? Негадир
кўринмай қолдилар? – қизиқиб сўрайман ундан.

– Эшитмадим. Билмайман, – дея жавоб қилган
оқсоч эгилиб, қулоғимга секингина шивирлай-
ди. – Жозеф авлиё Жонни черковнинг ўзида бир
эркак билан кўриб қолибди. Бу ҳақда ҳеч кимга
айтма. Айниқса, Тимоти отага.

Оқсоч қиз қанча тайинламасин, бари бир ту-
шунмайман. Ахир, Тимоти отанинг ёнига ҳам
эркаклар келади-ку. Айниқса, ибодат чоғида.
Бугун мен илк бор иқрор бўлгани меҳроб ёнига
яқинлашдим.

– Ҳа, ўғлим нима учун келдинг? – сўради руҳоний.

– Бу менман, ота.

Авлиё Тимоти ҳайратланди.

– Томас! Мен сенга ибодат қилиш ва гуноҳлардан фориф бўлиш учун кўнгилни ёзиш ўйин эмаслигини уқтиргандим-ку, болам!

– Мен гуноҳ қилдим. Улардан фориф бўлгани келдим

– Ростданми? – авлиё ота сезиларли даражада юмшайди. – Нима гуноҳ қилдинг?

– Мен ёрдамчингизнинг қилган ишларини болохонадан туриб пойладим. Бу гуноҳ бўлса ҳам шундай қилдим ва унинг нарсаларини рухсатсиз қўлимга олиб кўрдим.

– Яхши, ўғлим. Қилмишларинг гуноҳлигини билиб, тавба қилгани келганинг яхши, бироқ ўйлайманки, бу гапларни эшитишим шарт эмасдир.

– Нима бўлганда ҳам бугун мени тинглашингизга тўғри келади, ота, – мен шундай дея журналлар, тунги меҳмонлар ва елим халтачадаги оппоқ кукун тўғрисида, ҳамма-ҳаммасини сўзлаб бердим. Тунда шунақанги жанжал бўладики, эсласам ҳали ҳам юрагим орқага тортиб кетади. Тимоти ота Жоннинг кўзларига қараб, ҳаммасини епископга етказиш билан қўрқитиб қўйди.

– Мен руҳонийман, – жиддий сўзлайди у. – Бу эса масъулиятли иш. Унинг офир юкини кўтариб юришни истамасанг, келган жойингга қайтиб кетавер!

Эрталаб черковга инглиз сайёҳи кириб келди. Ёш боланинг келиб чиқиши аслида Йоркдан эканлигини эшитган ота ёш йигитчани меҳмонга таклиф қилди.

– Ян, таниш, – дейди у. – Бу Томас, у биз билан яшайди. Сен мenden туғилиб-ўсган юртим ҳақида сўзлаб беришимни илтимос қилгандинг. Мана шу йигитча сенга ҳаммасини айтиб беради.

Ян менга ёқди. У ўн олти-ўн етти ёшларда эди. Йигитнинг юзи оппоқ, кўзлари мовий, сочлари эса тилла рангда, сап-сарик эди. Сайёҳ Йоркнинг суратларини кўрсатди. Маҳобатли черковлар, гўзал боғлар, музей ва театрларнинг суратларини завқланиб томоша қиламан.

– Сен Тимоти отанинг онасини кўрмаганмисан? – сўрайман ундан. – У ҳам ўша ерда яшайди.

– Йўқ, лекин энди, албатта, у билан кўришман. Авлиё ота менга манзилни берди.

– Сенинг онанг-чи, у ҳам Йоркданми?

– Ҳа, лекин у ўн йил олдин вафот этган. Мотоцикл уриб кетган.

Ян ён чўнтагидан сурат чиқарди. Унда хушсурат аёл жилмайиб турарди. Аёлнинг кўзлари ўғлиники каби мовий эди.

– Нега Ҳиндистонга келдинг? – сўрадим ундан.

– Отамни кўрмоқчи эдим.

– У нима қилади?

Ян жавоб беришга шошилмайди.

– Дехрадундаги католик мактабида сабоқ беради.

– Нега бирга яшамайсизлар?

– Чунки мен Йоркда ўқийман.

– Унда нега отанг сен билан яшагани келмайди?

– Шунга мажбурмиз, аммо биз йилига уч марта кўришиб турамыз. Бу сафар ўзим отамни кўргани келдим.

– Уни яхши кўрасанми?

– Ҳа, жуда ҳам.

– У билан сира ажрашишни истамасанг керак-а?

– Албатта. Сенинг ота-онанг-чи, улар нима иш қилишади?

– Менинг ота-онам йўқ. Мен онгсиз ташландикман, – деб жавоб бердим.

Ян эса индамади.

Уч кун ўтиб, авлиё Тимоти Ян билан бирга Жонни ҳам кечки овқатга таклиф қилди. Улар кечгача суҳбатлашиб ўтиришди. Поп, ҳатто скрипка ҳам чалди. Ёрдамчи кетди. Ян эса Тимоти отанинг ёнида қолди. Мен уларнинг қувноқ суҳбатларини ва самимий кулгиларини анча вақтгача эшитиб турдим.

Негадир сира ухлолмаётгандим. Вақт алламаҳал бўлганида ўрнимдан туриб, деразадан боққа қарадим. Кечани ойнинг ёрқин шуъласи ёритиб турарди. Ҳожатга чиқмоқчи бўлдим. Унга йўл Жоннинг хонаси жойлашган йўлакдан ўтганди. Қандайдир шовқин эшитилди, худди икки одам бир-бирови билан олишаётганга ўхшарди. Азбаройи қизиқиш устунлик қилганидан гуноҳлигини билсам ҳам яна болохонага чиқдим. Ёш ёрдамчининг яланғоч гавдаси кўзга ташланди. У Янни бўйсундиришга интиларди. Ҳатто мен, онгсиз бир ташландиқ бўлсам ҳам ичкарида қандайдир ёмон ва хунук иш бўлаётганига ақлим етиб, авлиё Тимотининг хонасига қараб югурдим. У қаттиқ уйқуда эди.

– Ота, ота, туринг! Ёрдамчингиз Янни нимадир қияпти!

– Ким? Ян?

Руҳоний дарҳол ўзига келди ва яшин тезлигида Жоннинг хонасига отилиб кирди. У ҳам мен кўрган ишни кўрди-ю, шу оннинг ўзида жаҳдан кўкариб кетди. Боши айланаётган одамдай гандираклаганича эшик тутқичидан маҳкам тутиб, аранг мувозанатини сақлаб қолди. Уни бундай ҳолатда сира кўрмагандим. Руҳонийнинг лаблапри билинадиган даражада титрарди.

– Ян, хонангга бор! – отанинг овози бўғилиб чиқди. – Томас, сен ҳам!

Эргалаб икки марта чалинган қўнғироқ овозидан чўчиб уйғондим ҳамда галати кайфиятда жойимдан турдим. Юрагим безовта урарди, ички бир ҳиссиёт билан фожиа юз берганини сезаётгандим. Ўша тонг бутун шаҳар аҳолиси аянчли ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Авлиё Тимотининг жонсиз танаси меҳробга сажда қилган куйи тош қотиб қолганди. У ўлими олдидан Яратгандан тиз чўкиб, тавба қилганга ўхшайди. Авлиё отадан ўн қадам нарида эса қонга беланган Жоннинг танасини кўриб, бақириб юборишдан аранг тийилдим. Унинг боши бўлак-бўлак бўлиб кетганди. Ёрдамчининг танасидаги қора илон сурати эса айни дамда этни жунжиктирадиган даражада ниҳоятда совуқ кўринарди.

Мен ўкириб йиғлайман. Мунгли ва дардли овозим тонг сукунатини бузаётганди. Қўрқувдан дағ-дағ титраб турган Жозеф, ўзини йўқотиб қўйган оқсоч ва овозимдан уйғониб кетган Ян тепамда қотиб туришарди. Авлиё Тимотининг совуқ танаси узра бошимни қўйиб, дунёдаги энг қадрли кишисини йўқотган саккиз яшар бола қандай йиғласа, мен ҳам худди шундай фарёд чекардим. Малласоч, мовий кўзли йигитча ёнимга яқинлашди ва у ҳали ҳам нима бўлганига ақли етмай, меҳмондўст руҳонийнинг танасидан кўз узмасди. Кейин Ян ҳам каминага қўшилиб, овоз чиқариб йиғлади. Эртасига у мендан:

– Нега сен бунча узоқ йиғладинг, Томас? – деб сўради.

– Чунки мен кеча чиндан ҳам етимга айландим, шунга, – мен ҳали ҳам авлиё Тимотининг ўлганига ишаноолмасдим. – У менга отамдек азиз бўлиб қолганди. Бу ерга келадиганларнинг ҳаммаси уни шундай деб атарди. Сен-чи? Сен нега йиғладинг?

– Мен ҳам худди сен каби ҳаммасидан айрилдим. Энди иккимиз ҳам етиммиз.

– Ахир сенинг отанг тирик-ку! У Дехрадунда!

– Мен алдагандим, – жавоб берди Ян ва давом этди. – Бугун тўғриси айтишим мумкин. Қолаверса, бу сирни яширишдан энди фойда йўқ. Тимоти Френсис сиз учун авлиё ота бўлган бўлса, менинг падари бузрукворим, яъни ўз отам эди...

Смита қайғуга ботиб қолди.

– Ғамгин ҳикоя экан, – дейди у. – Тимоти отанинг руҳонийнинг оғир вазифаси ҳақидаги гапларини энди тушунгандай бўляпман. Бечора руҳонийга икки хил ҳаёт тарзини олиб бориш осон кечмагандир? У бир аёлга умр йўлдош бўлганини ва бир болага оталигини шунча йил ҳаммадан яшириб яшашига тўғри келган. Янга нима бўлди?

– Билмадим. У Англияга, ўз амакисиникига қайтган бўлса керак.

– Сен-чи?

– Мен яна меҳрибонлик уйига қайтдим.

– Тушунарли. Иккинчи саволга жавобни кўрамиз. Ҳимоячи пулт тугмачасини босди.

Рекламали танаффус тугаганди. Бошловчи мен томонга эгилиб:

– Келинг яхшиси, сизга кейинги саволни айтаман. ФТБ, бу ташкилот ҳақида эшитганмисиз? Унинг тўлиқ номини айта оласизми?

Мен бош чайқаб қўяман:

– Йўқ.

Прем Кумар норози бўлиб юзимга тикилади.

– ФТБнинг қандай ташкилотлигини билмасам-да, бироқ INRIни яхши эслайман.

– Ҳўш нима у?

– Меҳробнинг тепасида шундай ҳарфлар битилганига кўзим тушганди.

Бошловчи жилмайди:

– Қизик, жаноб Рам Муҳаммад Томас, сиз қайси дин вакилисиз? Ибодат қилгани қаерга борасиз?

– Бунинг учун мачитга ё ибодатхона ёки черковга бориш шартмикан? Мен Кабирнинг¹ сўзларига ишонаман. «Хари – Шарқда, Аллоҳ эса – Жанубда. Юрагингга назар сол ўшанда сен Рам ва Каримни кўрасан».

– Ажойиб, жаноб Томас. Сиз дин таълимоти бўйича мутахассисга ўхшайсиз. Шундай экан, иккинчи саволимиз сизни қийнаб қўймаса керак. Иккинчи савол. Ютуқ эса икки минг рупий. Черков меҳробида битилган ҳарфларни топинг. Жавоб вариантлари: а) IRNI, б) INRI, с) RINI ва ниҳоят, d) NIRI. Савол тушунарлими, жаноб Томас?

– Ҳа.

– Яхши. Хўш, жавобингиз?

– В) INRI.

– Ишончингиз комилми?

– Шубҳасиз.

Яна ўша таниш мусиқа садолари янграйди. Таблода эса тўғри жавоб кўринади.

– Сиз ҳақсиз! Жавоб: б) INRI, сиз икки минг рупийга эга бўдингиз. Бугун шоуда ютишингизга ишонасизми?

– Иншаоллоҳ, – дейман мен.

¹ Кабир – ҳинд шоири (1440 – 1518).

БЕШ МИНГ РУПИЙ: ОФАЛИК ҚАСАМИ

«Қарор қабул қилишдан олдин муаммони ҳар томондан яхшилаб ўйлаб кўринг. Нимадан воз кечаётганингизни ҳам. Янги қўшнилари билан ўрнатилган илиқ муносабатлар ҳаётингизни ўзгартириб юборади. Сиздан то маслаҳат сўрамагунларича, билганингизни ичингизда сақлаганингиз маъқул».

«Махараштра таймс» газетасининг бугунги сонида менга ўхшаб декабрь ойида туғилганларга юлдузлар башорати рукнида юқоридаги сўзлар чоп қилинганди. Умуман олганда мен «Махараштра таймс» газетасини ўқимайман. Бошқа газеталарни ҳам. Аммо вақти-вақти билан миссис Барвенинг ахлат челагидан уларни ташийман. Қоғоз билан печкани ёқиш осонроқ-да. Баъзан бекор қолганда ёниб кул бўлишга улгурмаган саҳифаларга кўз югуртириб чиқаман. Башоратларга эса умуман ишонмайман. «Пандит рамашанкар шастри»нинг башоратларига ишонадиган бўлсам мен алақачон ўлишим керак эди. Бу сафар эса истисно тариқасида газеталарда ёзилганларини тўғри чиққанини тан олишим керак. Буни қарангки, ён қўшнилари ўрнига янгилари кўчиб келишди. Ўша куни хунук воқеадан сўнг кинотеатрдан қайтишимиз билан қутуриб кетган Салим уч йил хонамизни безаб турган машҳур Арман Али суратларининг ҳаммасини жойидан қўпориб олди ва ўйлаб ҳам ўтирмай ёндириб юборди. Қаҳрамоннинг расми туширилган куртка ҳам соғ қолмади. У қийма-қийма қилиб ташланди. Мотоциклдаги актёрнинг сурати ўт-кир тиф билан қириб олинди.

Газетада ёзилган башоратга қарамай, мен бари бир маслаҳат беришдан ўзимни тиёлмайман:

– Кўрдингми? Ўн ой олдин сен Арман билан Урвашини яраштиришга шошганингда айтган гапларим ёдингдами? Хўш, оз бўлса ҳам ҳақ эканманми? Бошқаларнинг ишларига аралашма, уларнинг ташвиши билан яшаш яхши эмас, демаганмидим. Бу сенга бир умрга етарли сабоқ бўлди.

Дўстим индамай, Арманнинг гўзаллар билан тушган суратини оловда ёндираётганди. Девор ортидан эса оёқ товушлари ва овозлар эшитиларди. Қўшни хонага янги ижарачилар келганга ўхшайди. Қандай яхши! Янги одамлар билан танишишни ёқтираман. Уларнинг биз қатори ўғиллари борлигига умид қиламан. Путул ва Ганеш ҳам яхши ўртоқларим, аммо ота-онаси биз билан ўйнагани болаларига камдан-кам ҳоллардагина, шунда ҳам фақат дам олиш кунлари рухсат беришарди. Дам олиш куни эса менинг ягона ишсиз куним. Неелима Кумариникида ишлаб, чайлада кун кечиришни бутунлай унутиб юборибман. Хонимнинг тоза-озода, саранжом-саришта уйида яшаш Дҳарава харобаларида истиқомат қилишдан минг марта яхшироқ. Миссис Барве бир гал шу сассиқ, қўланса ҳид анқиб турадиган кўчалардан ўтишга аранг тоқат қилишини айтганди. Биз эса шу ифлос жойда яшаймиз...

Бу ернинг одамлари бир-бирини яхши танишади. Ҳамма бир хил шароитда, минглаб одамлар битта том остида яшайди. Тўғри, биз бойларга ўхшаб, олий насабларнинг кечаларида йиғилмасак-да, ҳар тонг қўл-юзларимизни ювиш учун навбатда турганда кўришамиз. Кўпчилик айнан шу ерда ўз муҳаббатини топади. Мен бошқаларга ўхшаб харобаларда яшайдиган қизларни се-

виб қолмайман. Улар семиз ва хунук бўлишади. Қалбимни эгаллаган гўзал актриса Прия Капур эса сира уларга ўхшамайди. Бунинг устига бу оми қизларда ақл деган нарса ҳам бир оз тақчил, деярли йўқ деса ҳам бўлади. Ўзини ақлли ва тарбияли деб билган одам бокс ва кабаддига¹ ўхшаган қизиқарли ўйинлар турганида ёввойиларга ўхшаб, тупроққа беланиб олишмайди-ку! Менда бундай ўйинларга вақт ҳам топилмасди. Чунки кун бўйи метал қуйиш цехида қуювчи бўлиб ишлаш осон эмасди. У ер ниҳоятда иссиқ эди. Ташқарига чиққанимда кўзларим олдида узоқ вақт юлдузчалар айланиб юрарди.

– Томас! – кимдир эшикни тақиллатиб, мени чақирди.

Бу жаноб Рамакришна, чайлаларнинг бошқарувчиси эди. У чиндан ҳам харобалардаги энг обрўйли одам. Хонамизда чироқ ўчиб қолса ё сувнинг босими камайганида, унинг ортидан югурамыз. Ижара пулини бериш вақти яқинлашганида эса у бизни изма-из таъқиб қилади. Охириги пайтларда бошқарувчидан иккинчи қаватни аранг тутиб турган устунларни қайта таъмирлаб беришини илтимос қилиб юрибман. Омонат турган ёғоч тиргаклар тунда қуласа борми, биз харобалар остида қолиб, ўлиб кетишимиз ҳам ҳеч гап эмас, ахир. Йўлакка чиқдим. Жаноб Рамакришна каминани бир пакана одам билан таништирди. Ўсиб кетган соч-соқолига ва тиришган башарасига қараб, у худди бир ҳафта юзини юлмаганга ўхшарди.

– Томас, бу жаноб Шантарам, у сизнинг янги қўшнингиз. Қизи ва хотини билан яшайди. – Ўз ўрнида бошқарувчи мени ҳам масъулиятли ва суянса бўладиган йигит деб мақтаб қўйди. – Жаноб

¹ Кабадди – Ҳиндистоннинг жамоавий ўйини.

Шантарам, мен сизларни ёлғиз қолдираман. Кечиктириб бўлмайдиган ишлар турибди. Японлар айтганидек, вақт пул туради. Ҳе-ҳе-ҳе. Хуллас, икки қўшни келишиб оларсизлар-а...

Яна бир ўғил фарзандсиз оила. Қия очик эшикдан тўшакда ётган қари бемор аёлга, унинг ёнида эса мендан каттароқ қизга кўзим тушди. Қўшни дарровгина эшикни ёпиб қўйди.

– Нима иш қиласиз, жаноб Шантарам?

– Мен астроном олимман. Сен бари бир буни тушунмасанг керак. Айни дамда илмий фаолиятимда бир оз узилиш бўлди. Вақтинча «Вимал» дўконида ўринбосар вазифасида ишляпман. Бу ерга ҳам кўпга келмадик. Худо хоҳласа, биз яқинда яна аввалги каби Наримон-Пойнтга кўчиб ўтамиз.

Ёлғон. Наримон-Пойнтда яшаган одам харо-баларда кўним топишга ҳеч қачон кўнмайди.

Хоналаримиз ўртасидаги девор қоғозга ўхшаган майин эди. Гўё картондан қилинган дейсиз. Қулоғингизни деворга қўйиб, эшитсангиз, қўшнилари уйда нималар бўлаётганини билиш қийин эмас. Салим ва мен баъзан чап томонда яшайдиган қўшнилариимизнинг қандай ишлар билан шуғулланишларидан оз-моз бўлса-да хабардор эдик. Мистер ва миссис Бапат ёш эмасдилар. Биз эр-хотинларнинг майда-чуйдалар учун ҳам тортишишларини эшитиб, кулардик.

Бугун мен Шантарамлар оиласи жойлашган хона деворига шиша идишни тираб, унга қулоғимни кўяман. Оила бошлиғи тинмай вайсарди:

– Э, Худойим, хароба... бу ерда яшаш мен учун ҳақорат. Янги иш топмагунимча, сизни деб, мен бу аччиқ қисматга кўнишга мажбурман. У қулоғингиз билан ҳам, бу қулоғингиз билан ҳам эшитиб қўйинг, мен бу кулдада кўчадаги бола-

лардан бирортасини кўрмай! Ким билади уларнинг авлод-аждоди ким? Масалан, мана шу девор ортидаги йигитчаларнинг ҳам бетайинлиги шундоққина юзидан кўриниб турибди. Гудия, қулоғингга яхшилаб қуйиб ол, эсингдан чиқарма! Агар маҳаллий ўспирин болалар билан дўстлашадиган бўлсанг, нақ терингни шиламан!

Мен кўрққанимдан шиша идишни оламан.

Бир неча кун Шантарамни учратмайман. Уйдагилари эса сира кўчада кўринмайдилар. Қизи коллежга ўқишга қатнардди, аммо мен ишдан қайтганимда, у доим уйда бўлар ва умуман ташқарига чиқмасди. Эшик ҳар доим ичкаридан тамбалаб қўйиларди. Дўстимга келсак, у янги қўшнилари билан бошини оғритмайди. Бечора тиним билмай, тонг саҳардан ярим тунгача, одамларга овқат ташийди. Шу сабаб, у эрталаб соат етти бўлмасдан уйғонади. Оппоқ кўйлак ва кенг шалварини кийиб, бошига одамларга овқат етказиб берадиган фирманинг махсус белгиси босилган кепкани қўндирганича ишга жўнайди. Унга ўхшаганлар Мумбайда беш мингдан ортади. Дўстим ҳар куни ўртача йигирма бешта хонадонга буюртма асосида овқат етказди. Овқат тарқатиш ҳам масъулиятли иш. Махсус белгиларга қараб, қадоқланган таомларни буюртмачига вақтида етказиш зарур. Айнан ўша белгиларга эҳтиёткору этиборли бўлиш талаб қилинади. Худо кўрсатмасин, гўштли овқатни ҳиндига, ўтти таомни мусулмонга бериб, адашсангиз борми? Нақ тириклайин ерга кўмишади.

Кечқурун соат тўққиз. Салим кино янгиликларини билиш учун журнал варақларди. Мен эса деворга қулоғимни қўйиб, қўшнилари билан нима билан шуғуланётганларини билишга қизиқаман.

– Гудия, яқинроқ кел, қизим, – деб чорлайди Шантарам. – Телескоп ёрдамида осмонни кузатишни истайсанми? Ҳу, ана, у қип-қизил сайёрани кўряпсанми? Бу – Марс.

– Салим, шиша идишни от, мен бу гапларни эшитишдан қуруқ қолмайин тагин!

Дўстим ҳам каминага қўшилиб, деворга ёпишади. Ўттиз дақиқа ичида биз осмон ҳақида жуда ажойибу фаройиб маълумотларни билиб оламиз. Шантарам ўзи беҳабар ҳолда қизи билан бирга бизни ҳам галактикалар, кометаалар, юлдуз туркумлари ҳақида хабардор қилаётганди. Шантарамни тингларканман, қалбимни негадир соғинч ҳисси ўртайди. Нега мен юлдузлар ва сайёраларнинг нималигини тушунтириб берадиган отасиз улғайяпман-а? Дарс якунига етиши билан деразадан бўйнимизни чўзиб, осмонга кўз тикамиз. Қўшнимиз айтганларини кўрмоқчи бўламиз. Телескопсиз кўзларимизга оқ нуқталардан бошқа ҳеч нарса кўринмайди.

Тунда тушимда оқ сари кийган фаришта-сифат аёлни кўрдим... Сатурн айланаси ҳамда Юпитер ва Ойни ҳам... Ҳафта ўтди. Бир куни Шантарамларнинг хонасидан эшитилган кутилмаган товушдан чўчиб тушдим.

– Миёв!

Худога шукрки, эшитиш мосламам ҳамаша қўлимда.

– Дадажон, қаранг, – дейди Гудия. – Рохининг дугонаси менга ўз мушугининг боласини берди. Чиройли-а? Уни олсам майлими?

– Фақат ҳайвонлар етмай турганди, – тўнғиллайди ота.

– Илтимос, ойижон, ахир бу мушук миттигина-ку. Дадажон, йўқ деманг! – дея ялинади қиз.

– Майли, Гудия, – юмшайди Шантарам. – Уни уйда сақлашинг мумкин. Фақат мушукчага бирорта исм топиб қўй!

– Дадажон, раҳмат! Мен уни Томми деб ата-саммикан, – деб ўйлагандим.

– Бу жуда оддий исм. Астроном оиласида яшайдиган уй ҳайвонларига бирор сайёра шарафига атаб ном қўйилиши керак.

– Балки Юпитер деб атармиз?

– Йўқ, бу жажжи мушукчага энг кичик сайёранинг исмини берамиз, Плутон.

– Ажойиб! Менга Плутон жуда ҳам ёқди! Қани кел-чи, Плутон, сутингни ича қол.

– Миёв! – овоз чиқаради мушукча.

Ана шундан сўнг каминанинг жаноб Шантарам ҳақидаги фикрларим ўзгарди. У мен ўйлаганчалик ёмон одам эмасга ўхшайди. Ўша куни илк бора биринчи тасаввур алдамчи бўлишига иқроор бўлдим. Ёруғлик ва зулмат ўртасида адашиш қанчалар осон-а.

Бир куни қўшнимиз уйга ичиб келди. Ундан арзон вискининг ҳиди келарди. Эркак оёқда аранг турарди. У зинапоядан судралиб, ичкарига кирди. Эртасига ҳам, ундан кейин ҳам у шундай аҳволда уйга қайтди. Жаноб Шантарамнинг ичкиликка ружу қўйган пиёнисталиги ҳақидаги миш-мишлар харобалар бўйлаб тарқалди. Ҳинд фильмларида пиёнисталар шунақанги кулгили бўлишадикки, юракдан кулиш учун Кешто Мукхержининг шишани қучиб турганидаги башарасини бир эслашнинг ўзи кифоя, бироқ арақни суяги йўқ қўшнимизнинг ҳаёти кулги эмас, фақат даҳшат уйғотарди одамда. Шантарам кулбасининг эшиги ёнига келиши дунёдаги энг қўрқинчли овоз билан энг ифлос сўзларни айтиб сўкинарди. Мен билан Салим бу сўзлар худди

бизга айтилаётгандек, қўрқувдан дағ-дағ титрардик. Вақт ўтиши билан овозлар тинарди. Қўшни уйдан пиёнистанинг хуррак отишини эшитганимизга қадар мижджа қоқмай ўтирардик. Энди биз қўшнимизнинг ишдан қайтишини даҳшат ичра кутамиз. Унинг жағи тинишига эса ҳамма бирдай интиқ эди, бироқ аҳвол кундан-кунга ёмонлашиб бораётганди. Шантарам кўпроқ ичадиган ва буткул эс-ҳушини йўқотиб, қўлига тушган буюмларини отадиган одат чиқарди. Аввалига деворларга пластик идишлар, кейин китоблар келиб уриларди. Кейин эса сопол буюмларнинг деворларга урилиб, полга тушиб, чил-чил синишини эшитардик. Жаноб Рамакришнага қўшнимизнинг юриш-туришидан шикоят қилиш эса бефойда эди. Ким ҳам ўн уч ва ўн бир ёшли болаларнинг дийдиёсига қулоқ соларди? Шундай экан, ҳар куни деворимизга отиладиган пластик идишларнинг тўқиллаган товушидан, шишаю сопол буюмларнинг синишидан юрагимиз безиллаб қолган бўлса-да, тинглаб ҳеч нима билмагандай яшайверардик. Тўғрироғи, шунга мажбур эдик...

Бундай олганда, булар ҳали ҳолва экан. Кўп ўтмай Шантарам, қўшниларнинг буюмларини ҳам отадиган одат чиқарди. Яна ҳамманинг кўз ўнгида. Ниҳоят, бу қутуриш саҳнасининг энг аччиқ тепкилари ҳамиша хотинига насиб қиларди.

– Жин урсин, сен ажинани! Сен мени шу ерга олиб келдинг. Нафсинг бизни шу кўйга солди. Ҳеч нарсага ярамайдиган, туну кун бировларнинг гийбатини қиладиган бекорчи уй бекаларининг даврасида ўзингни кўз-кўз қилиб, ҳар куни қиммат сарию, қимматбаҳо кийимлар олганинг, пулни ён-веринга қарамай ишлатганинг учун ҳам биз камбағаллик ботқоғига ботдик! Сени кўргани кўзим йўқ... – у тиним билмай вайсар ва

қўлига тушган буюмларини ё хотинига, ё қизига, ёки уларга қўшиб, мушугига қараб ҳам отарди.

Бир кун тунда отанинг майнавозчиликлари барча чегаралардан ўтиб кетди. У аёлига қараб пиёладаги иссиқ қайноқ сувни отиб юборди. Гудия онасини ҳимоя қиламан, деб ўртага тушди ва сув унинг юзини куйдириб юборди. Қизча оғриқдан чинқирди. Бадбахт қизни тез ёрдам машинаси олиб кетди. Миссис Шантарам ҳам у билан бирга кетди. Пиёниста ота эса нима қилиб қўйганини ҳам фаҳмламайди. Икки кун ўтгач, Гудиянинг онаси унинг ёнига касалхонага боришимни илтимос қилди.

– Қизим ёлғизликдан қийналяпти. Балки ёнида бир оз ўтириб суҳбатлашарсиз? – деди.

Мен ҳали бирор марта касалхонада бўлмагандим. Шу сабаб, азбаройи қизиққанымдан аёлга бемор қизидан хабар олгани ҳамроҳлик қилишга кўндим. Бунақа жойларнинг ҳавоси негадир менга ёқмади. Дори-дармонларнинг ғалати ҳиди кўнглимни айнитди. Чиркин палаталардан эса қўланса ҳид келарди. Ҳатто харобалар ҳам бунчалик сассиқ эмас. Яна мени ҳайрон қолдиргани атрофда бирорта кулиб турган чехрани учратмадим. Беморлар яшил ўриндиқларда узала тушиб ётар, ҳамшира ва шифокорлар касалларни йўқлаб келгувчиларга норози қиёфада назар ташлаб қўйишарди. Энг ёмони – бефарқлик. Бу ерда ҳеч ким ҳеч кимга керак эмас. Ўзимча, бечора Гудиянинг атрофида сон-саноксиз шифокору ҳамширалар гирди-капалак бўлса керак, дея тасаввур қилгандим. Қиз куйганлар бўлимида ёлғиз ётарди. Унинг юзи дока билан ўралганди, фақат қора кўзларигина кўринарди, холос.

– Қара, Гудия, ким келди? – жилмаяди миссис Шантарам.

Мен секингина юриб бориб, қизга яқинлашдим. Биз деярли таниш эмасмиз. Атиги бир неча бор кўрганман, холос. Лаблари кўринмаса ҳам келганимдан хурсанд бўлиб жилмайганини қора кўзларининг бир оз қисилганидан билиб олдим. Бу табассум ўртамиздаги музни эритиб юборди. Мен унинг ёнида уч соат ўтирдим. Гудия кутилмаганда:

– Нега сенинг исминг бунақа ғалати. Рам Муҳаммад Томас? – деб сўради.

– Бу узун ҳикоя тузалиб чиққанингдан сўнг айтиб бераман.

Қизча ўзи ҳақида сўзлаб берди. У университетга ўқишга кириш учун ҳужжат топширган экан. Гудиянинг шифокор бўлиш орзусидалигини ҳам билиб олдим. Кейин у менинг ҳаётим билан қизиқди. Мен Тимоти ота ҳақида ҳеч нарса айтмадим, аммо харобаларда ўтаётган куним ва темир қуйиш цехидаги ишим ҳақида сўзлаб бердим. Гудия қалбимда кимгадир керак бўлиш ҳиссини уйғотиб, мени диққат билан тингларди. Бу орада шифокор келиб, миссис Шантарамга қизига бу сафар омад кулиб боққанини, юзида ҳеч қандай доғ қолмаслигини маълум қилди. Бир ҳафтадан кейин у уйга қайтиши мумкинлигини ҳам қистириб ўтди.

Уч соатлик суҳбат давомида мен Гудиянинг отаси ҳақида бор ҳақиқатни билиб олдим. Қизнинг онаси ўз хоҳиши билан ҳаммасини айтиб берди:

– Менинг эрим – машҳур олим. Институтда ишлаб, телескоп ёрдамида осмон жисмларини ўрганарди. Биз катта академиклар шаҳарчасининг ҳашаматли уйларида бирида яшардик. Уч йилдан сўнг у янги юлдузни кашф қилди. Эрим учун унинг очилиш маросими жуда муҳим эди,

бирок ҳамкасбларидан бири бу кашфиётни ўзлаштириб, тақдимотни ўтказди. Ҳа, шу воқеа эримни бутунлай синдирди. У ичишга тушди. Бир гал аччиқ устида бошлиғини ўласи қилиб калтаклагани учун ишдан ҳайдалди. Уни қамашлари ҳам мумкин эди, бироқ директордан илтимос қилганим сабаб бу ниятларидан қайтдилар. Ундан сўнг эрим яхши бир мактабда физика ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. Аммо ичишни ташламади. Бечора ўқувчиларни оддий хатолари учун ҳам аёвсиз жазолагани туфайли ярим йилга бормасдан ҳайдалди. Ўшандан бери қаерда тўғри келган бўлса, шу ерда ишлаб келяпти. Ошхона бошқарувчиси, заводда ҳисобчи, ҳозир эса кийим сотиладиган дўконда ёрдамчи. Охирги жамғармаларимиз тугагандан сўнг биз шу харобаларга қўчиб келдик.

– Балки бир кун чиндан ҳам ичишни ташлар-а? – дейман мен умид билан.

– У ичмасликка ва шишани қўлига олмасликка ваъда берганди. Мен ҳам ишонгандим. Мана, ҳаммаси нима билан якунланганини кўриб турибсан.

– Илтимос, сендан, Томас, – дейди Гудия. – Уйга қайтгунимга қадар Плутонга қараб тургин.

– Албатта.

Кутилмаганда қиз қўлимдан тутиб:

– Сен менинг ҳеч қачон бўлмаган укамсан, тўғримми, ойижон? – деди.

Миссис Шантарам бошини чайқайди.

Бу қандайдир янги туйғу... мен, ҳатто нима дейишни билмайман. Илгарилари ўзимни кимнингдир ўғли дея тасаввур қилардим, бироқ укаси... бу хаёлимга ҳам келмаган экан. Ўртамизда менга ҳали номаълум бўлган ғалати, бироқ ёқимли ҳислар ва кўринмас ришталар пайдо бўлганини сезиб, унинг қўлини сиқиб қўяман.

Кечқурун тушларимга боласини бағрига босанча бир аёл киради. Ортидан кучли шамол эсади ва ёйилган сочлари унинг юзларини ёпади. Хаёлларимда яшаётган бу аёл ўша боласини кийимлар солинадиган сават ичига ташлайди-да, ўзи қаергадир ғойиб бўлади. Унинг ортидан бўйи баланд, бироқ юзи дока билан боғланган бир қиз келади. У болани қўлига оларкан ва юз-қўзларидан ўпиб:

– Укажоним, – дея эркаларди.

– Опажон! – унга жавобан шивирлайди бола.

– Миё-ё-в!

Мушукнинг қичқириғи тун сукунатини бузди. Қўрққанымдан уйғониб кетдим ва нега бундай туш кўрганимни англашга уринаман. Эрта тонгда одатда мен «Махараштра таймс» газетасининг эски сонларини оладиган Барве хонимнинг ахлат челагидан бўйни синдирилган мушукчанинг ўлик танасини топдим. Ундан арзон вискининг ҳиди келарди. Шантарам хотинини мушукчани қочиб кетганига ишонтиришга интиларди. Ҳақиқат менга маълум бўлса ҳам уни исботлаш бемаънилиқ бўлгани учун бундай қилишга уринмайман. Бошқа томондан қараганда Плутон чиндан ҳам қочиб кетди. Биз билмаган ва кўрмаган тозароқ, ёруғроқ оламга равона бўлди. У шафқатсиз одамлардан яширинди.

– Менга Гудия жуда ҳам ёқди, – дея ёриламан мен яқин ўртоғимга. – Отаси унга зиён етказишига йўл қўймаслигим керак.

– Қўлингдан нима ҳам келади? Ахир, у ўз уйида.

– Биз қўшнилармиз. Қўшнинг тинч – сен тинч, дейишади-ку...

– Эсингдами, мени нимага ўргатганинг. Бошқаларнинг ташвишини ўз елканга ортма. Бегоналарнинг ишига бурнингни суқма, шундагина тинч

яшайсан, деганингни унутдингми, Муҳаммад? – дея оғзимдан олиб, ёқамга ёпиштирди Салим.

Бу чиндан ҳам менинг сўзларим эди. Шунинг учун ҳам унга нима деб жавоб беришни билмайман. Гудия уйига қайтди, аммо биз кўришмаймиз. Жаноб Шантарам аввалги каби қўшни йигитчаларни ичкари киришларига йўл қўймайди. Хотинининг айтишича, у ўзгаришга ваъда берган экан. Аёл қалбида бу сўзлар ёлғонлигини биледи, аммо чиқмаган жондан умид. Ҳинд аёллари ҳамиша яхшиликка ишониб яшайдилар.

Ҳафта ўтмай, у қизига яна озор берди. Бу сафар жаноб Шантарам ўз фарзандига отаси каби эмас, бошқа ниятда яқинлашди. Бошида мен унинг мақсадини тушунмайман. «Гудия, моҳтобим менинг!» аёл сочларини юлиб, чинқаришга тушди. Қизча эса йиғлаб, унинг бир бурчагига суқилди:

– Дада, тегманг, тегманг, дадажон, илтимос!

Унинг ялинаётганини эшитиб қоним қайнайди. Қўшни хонага кириб, Шантарамни бурда-бурда қилиб ташлашни истайман. Ичкарига киришга чоғланганим ҳамоноқ, эркак кишининг хурраги эшитилди. Гудия ҳамон йиғларди. Менга нимадир бўлди. Тушунарсиз ҳислар гирдобидаман. Ахир, ука сифатида нимадир қилишим керак-ку? Опамни бу азоблардан қутқаришим шарт, ахир... Ўртадаги бизни ажаратиб турган майин деворни сичқонлар тешиб каттагина кавак очишганди. Йиғлаётган қизни қандай овутишни билмайман. Бу борада тажрибасизлигим панд беради-да бари бир.

– Опажон, йиғлама! – кўзларимдан беихтиёр ёш қуйилади. Иложсизликдан кавакка бармоғимни суқдим. – Қўлимдан тут, опажон.

Қиз бармоғимни маҳкам сиқиб йиғлайди. Ўша оннинг ўзидаёқ Гудиянинг дарди меникига ай-

ланди. Уни қандай аташингизни билмайману, аммо бу буюк муҳаббатнинг кучи, жон-жигарларнинг бир-бирига меҳри эди.

Эртасига қўшнимиз яна маст аҳволда уйига қайтди ва кечаги каби қизига тегинишни бошлайди.

– Сен барча юлдузлардан ва сайёралардан гўзалроқсан. Менинг моҳтобим, менинг қўғирчоғимсан!

– Бас қил! – чинқирди хотини.

Эри эса унга эътибор қилмайди.

– Қўрқма, азизам, муҳаббатимизнинг ёмон томони йўқ. Ҳатто буюк император Шоҳжаҳон ҳам қизи Жаханарани севган экан.

– Сен иблиссан! – бақирди аёл ва Шантарам уни яна урди ва шишанинг сингани эшитилди.

– Йў-ўқ! – қўрқинчли овоз билан қичқирди Гудия.

Миямни бир киши ўткир тиф билан ўяётганга ўхшарди. Бошқа чидаб туролмадим ва мистер Рамакришнанинг ёнига қараб югурдим. Унга қўшнимиз хотинию қизига нисбатан ёмон муносабатда бўлаётгани ҳақида айтдим...

– Менга қара, Томас, – қовоғи ўйилди Рамакришнанинг, – оила – бу оила. Уларнинг шахсий ишига аралашишга ҳақимиз йўқ. Сен ҳали мурғак гўдаксан ва ҳаёт ҳақида ҳеч нима билмайсан. Мумбайда минглаб эркаклар ўз аёлини ўласи қилиб уради, болаларини аёвсиз калтаклайди. Бунга қарши ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Эр-хотиннинг орасига тушишдан ёмони йўқ. Шундай экан, кўзларингни юм, қўлларингни қулоқларинг устига қўй, оғзингни ёп ва шунда менга ўхшаб ҳаётдан мамнун бўласан. Энди эса ухлайдиган вақтинг бўлди, бориб ёт!

Мен умидсизликка тушиб ортимга қайтдим. Шантарам хуррак отарди. Гудия эса бетиним йиғларди.

– Менга ҳеч ким тегмасин! – дерди у.

Қизча ақлини йўқотаётганди. Камина ҳам эс-ҳушидан айрилганди.

– Йиғлама, опажоним, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, – дея яна кавакдан бармоғимни узатаман.

Гудия бу сафар бармоғимни янада маҳкамроқ сиқди.

– Мен яқинда ўламан, – ўксиб-ўксиб йиғлайди қиз. – Томиримни кесаман, лекин унга ўзимга қўл теккизгани қўймайман.

– Ҳеч қачон! Ҳеч қачон бундай бўлмайди! – тилимдан бу аламли сўзлар қандай чиққанини билмайман. Бутун баданим музлаб, гўё илон ўрмалаётганга ўхшарди ва шу оннинг ўзида қоним кўпириб, миямга ураётганга ўхшарди. – Чин укалик сўзим!!!

Салим каравотидан эгилиб, нафрат билан ёнаётган кўзларимга боқди. Унинг қарашларидан «Эсингни еб қўйибсан!» деган маънони уқиш мумкин эди. Каминага эса ҳаммаси бари бир эди. Айни дамда Гудияни бу дўзахдан қутқаришни истардим. Қизнинг нозик қўллари вужудимга улкан жасоратни жойлаганди. Ягона айбим – етимман. Шу сабаб бу шафқатсиз ҳаётда шунча азобларга гирифтор бўляпман. Аммо Гудия-чи, унинг гуноҳи нима? Фақат қиз болалиги учунми ё шундай отанинг қизи бўлиб туғилганидами айби?

Мен ўз ваъдамни эртасигаёқ бажардим. Рамакришна таъмирламаган эски устунлар остида Шантарамнинг ишдан қайтишини кутиб турдим. У яна маст эди. Мен ортидан секингина ва ўзимга ишонмай қадам ташлаб бораётгандим. Бир неча қадам наридан ҳам қўшнимнинг кийимидан арзон вискининг ҳиди келарди. Зинапоядан кўтарилаётганда, кутилмаганда ортидан

ташландим. Шантарам мувозанатини йўқотиб, пастга қулади. Омонат турган устунлар эса унинг устига тушди.

Фильмларда ёвуз қаҳрамонлар пастга қулаганларида ҳар доим: «А-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а!» деб бақирадилар. Ҳақиқий ҳаётда эса ҳаммаси бошқача бўларкан. Шантарам нима бўлаётганига ақли етмай, бир оғиз ҳам сўз айтишга улгурмай, у дунёга равона бўлди. Жони чиққан тана тепасида қотиб турарканман, нима юз берганига энди ақлим етаётганди ва бу ишнинг оқибатини нималарга олиб боришини англаётгандай эдим.

Қизил чироқларини милтилатиб, яна қора жип пайдо бўлади. Полициячилар бўр билан мурда ётган жойни чизадилар. Суратга олаётган фотоаппаратларнинг шиқиллаши эшитилади. Мурда қаердан қулаганини ўзларича чамалайдилар. Бир-бирлари билан гаплашиб, воқеа тафсилотларини тасаввур қилишади ва юқорига кўзларини қадаб, иккинчи қаватда тошдай қотиб турган каминага кўзлари тушади.

– Марҳумни ана у бола итариб юборган. Уни ҳозироқ қамоққа олинглар!!! – бақиради инспектор. Қўлларимга кишан солиб олиб кетишади.

Тергов пайтида мени аёвсиз калтаклайдилар ва ниҳоят мен суд курсисиди ўтираман. Қаттиққўл қораловчи вентилатор олдида ўтириб, ўткир нигоҳларини менга қадайдди. Satyameva Jayate дея исми ёзилган тахтачанинг тепасида зарҳал сўзлар билан шундай сўзлар битилган: «Ҳақиқат ҳамиша ғолиб!» Судья, ҳатто юзимга ҳам қарамай, ҳукмни ўқийди:

– Рам Муҳаммад Томас, сиз жаноб Шантарамни қасддан ўлдирганликда айбланиб, жиноят кодексининг ўттиз иккинчи бандига мувофиқ, дорга осиб йўли билан қата қилинаси!

– Йў-ўқ! – деб бақираман ва қочишга ҳаракат қиламан. Оҳ-воҳларимни ҳеч ким эшитмайди. Залдагилар бари тезроқ тугашини кутадилар. Мени кишанлаб, ўлимга ҳукм қилинганлар хонасига олиб боришади. Бўйнимга сиртмоқ тақилганини ҳам аниқ тасаввур қиламан. Мен бўйнимни арқон сиқаётганидаги оғриқни ҳис этаман. Жон ҳолатда оёғимни типирчилатаман ва ожизлар каби тақдирга кўнаман. Мана, чексиз қоронғилик ортида нур кўринади. У ер ниҳоятда тоза, гўзал ва бетакрор. Баланд зинапоялар орқали юқорига кўтариламан. Улар харобаларнинг омонат зиналарига сира ўхшамайди.

Итга ўхшаб қимирламай ўлиб ётган қўшнимнинг мурдаси олдида одамлар тўпландилар.

– Полицияни чақиринглар! – дейди кимдир. Шу сўздан сўнг ўзимга келдим. Тасаввурларим ўнгимда рўй беришидан кўрққаним учун, ўйлаб ҳам ўтирмай, зиналардан юриб эмас, учиб тушдим ва ўнг-сўлга ҳам қарамай, харобалардан олисларга қочиб кетдим. Болалигим ўтган шаҳарни ортда қолдириб, оёқларим бошлаётган томонга йўл олдим. Тезюрар поезда ўтириб, Виктория бекатигача келдим. Шу тариқа мен Мумбайни, Гудия ва Салимни ташлаб, ўзим билган ягона шаҳар Деҳлига келдим.

Суҳбат давомида Смитанинг юзидаги зоҳир бўлган ҳайратдан унинг ниҳоятда таъсирланганини ҳис этдим. Қизнинг қоп-қора кўзларида эса ёш ялтирарди. Балки ожиза Гудиянинг аянчли тақдири ҳимоячининг қалбида раҳм-шафқат туйғусини уйғотгандир. Бу вазиятда қўлимга пультни ўзим олишимга тўғри келди:

– Хўш, давомини кўрамизми? – дедим ва керакли тугмачани босдим.

Прем Кумарнинг айланма курсиси мен томонга қайрилди.

– Мистер Томас, сиз топшириқни бажариб, икки минг рупий соҳиби бўлдингиз. Кўрамиз, беш минг рупий ютиб олармикансиз, тайёрмисиз?

– Тайёрман, – дея жавоб бераман мен.

– Яшанг! Учинчи савол...

Бу вақтда асосий чироқ ўчди ва биз бошловчи билан қоронғиликда қолдик.

– Хьюстон, бизда муаммолар пайдо бўляпти, – дейди Прем Кумар.

Томошабинлар кулиб юборишди. Бу ҳазилни фақат камина тушунмайман ва шу сабаб:

– Нима деддингиз? Мен эшитмай қолдим, – деб қайта сўрайман.

– Бу «Апполон ўн уч» киносидаги энг машҳур ибора. Аниқ биламан, инглиз фильмларини жуда оз кўргансиз. Ҳозиргига ўхшаб кичик муаммолар бўлганда ўша фильмда шундай дейишади. Чироқ тузатилишига қадар сабр қиламиз.

Электриклар муаммони ҳал қилгунга қадар Прем Кумар телефонда гаплашиб бўлгач, менинг қулоғимга шивирлайди:

– Мана, ковбой, етиб келдинг энди. Бу саволга оддий официантнинг тиши ўтмайди. Бу сафар ҳам жон деб ёрдам берган бўлардим-у, аммо продюсер профессорга навбат беришимни сўраяпти-да. Кечирасан, биродар, бутун сенинг кунинг эмас экан!

У шарбатини охиригача симириб, лабларини ялаб қўйди. Асосий чироқ ёнди. Томошабинлар чапак чалиб, ўйинни давом эттиришларини сўрашди.

Бошловчи менсимай менга назар ташлайди:

– Мистер Томас, сиз иккинчи саволга жавоб топишни уудаладингиз. Учинчисига жавоб беришга тайёрмисиз?

– Тайёрман!

– Жуда яхши. Навбатдаги саволимиз астрономия соҳасига тегишли. Айтинг-чи, мистер Томас, қуёш системасида нечта сайёра борлигини биласизми?

– Вариантлари борми?

– Бу савол эмас, мистер Томас. Мен шунчаки, бундан хабарингиз борми ё йўқ, шу билан қизиқяпман.

– Хабарим йўқ.

– Чиндан-а? Ҳеч бўлмаса қайси сайёрада яшаётганимизни биларсиз?

Бутун аудитория кулгига тўлди.

– Ер, – дедим унинг нописандлик билан сўзлашаётган оҳангидан астойдил хафа бўлиб.

– Ажойиб, ҳарқалай, шуни биларкансиз. Демак, учинчи савол: қуёш системасидаги энг кичик сайёра номини айтинг. Жавоб вариантлари: а) Плутон, б) Марс, в) Нептун ва д) Меркурий.

Ҳали мусиқа янграмасидан лабларим орасидан:

– Миёв! – сўзи отилиб чиқди.

– Кечирасиз? – ҳайратланди Прем Кумар. – Нимадир дедингизми?

– Мен «А» дедим.

– А?

– Ҳа, жавоб: А. Плутон.

– Ишончингиз комилми?

– Ҳа.

Яна ногоранинг овозлари эшитилди.

– Сиз мутлақо ҳақсиз! Юз фоиз! Ҳақиқатан Плутон қуёш системасидаги энг кичик сайёра саналади. Мистер Томас, сиз беш минг рупий ютиб олдингиз.

Каминадан бўлак барча ҳаяжонда. Томошабинларнинг айримлари мени ўрниларидан туриб олқишлайдилар. Смига эса индамайди.

ЎН МИНГ РУПИЙ: НОГИРОНЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛА

Қуёшнинг нури чехраси қорайган, қушлар бундан қайғуга ботгандек ниҳоятда ғамгин сайрашар, ҳаво ҳам ғалати, чанг-тўзоннинг дастидан нафас олиш қийин, осмонда эса қоп-қора булутлар сузиб юрарди. Охирги олти ойдан бери тўшакка михлаб қўйилгандекман... Тимоти отанинг вафотидан кейин ўз хоҳишимга қарши черковдан олиб кетишган кундан бери шундай ётибман. Улар мени қизил чироқлари ўйнаётган қора жип билан эмас, балки деразаларига майин панжара ўрнатилган кўм-кўк фургонда олиб кетишди. Одатда, кўчадан тутиб олинган дайди итларни ана шунақа машиналарда ташийдилар. Фақат буниси етим болаларни олиб юришга мўлжалланганди. Агар озгина кичик бўлганимда, аниқ биламан, камина яна болаларни асраб олишда одамларга кўмаклашадиган ташкилотга қайтарилган бўлардим ва сотувга чиқарилардим. Аммо мен саккиз ёшдаман, бунга энди бир оз кеч бўлди. Шунинг учун ҳам мен Деҳлининг Туркман-Гейт туманида жойлашган етимхонага жўнатилдим. Тиқилинч, тўполон ва ҳамма ёқ ифлос. Икки ҳожатхона ҳам тозаланмаганидан ивирсиб ётибди. Зах ҳаво ва қўланса ҳид кўнгилни айнитади. Йўлаклару ошхонада сичқонлар бемалол югуриб юришарди. Синф хонасида эса синиқ парта ва стулчаларнинг бари омонат. Ҳали ўзи ўқишни тугатмаган ёки саводи чиқмаган ўқитувчилар бизга сабоқ беришади. Турниклар қўйилган спорт майдончаси эса худди чакалакзорга ўхшарди. Майдон ҳар бири футбол тўпи-

дай келадиган тошларга тўлиб кетганди. Оппоқ футболка ва кенг шим кийган мураббийимиз крикет ва бадминтон учун керакли спорт жиҳозларини шиша жавон ичида асрайди. Уларга қўл теккизишимизни ҳам истамайди. Катта ошхонада ҳар куни арзон масаллиқлардан овқат тайёрланади. Қаллоб ошпаз ҳеч кимга билдирмай, тухуму гўштни ресторанларга арзон-гаровга сотади. Бизни эса вегетарианлар парҳезида тутиб туради. Ҳар куни бир хил овқат еймиз. Сабзавотлардан иборат шўрва ва куйдириб пиширилган чандир чапати. У қорни тўймай, қўшимча овқат сўраганларни уришиб берарди. Ошпаз доим асабий юради. Бу меҳрибонлик уйидаги ягона оқ кўнгил одам шубҳасиз, назоратчи жаноб Агнихотри. Бироқ бошқарув бу меҳрибон қари чолнинг эмас, балки ёрдамчиси махлуқ Туркман-Гейт лақаби билан машҳур жаноб Гуптанинг қўлида эди. У бу ердаги энг ёвуз инсон. Қабиҳлиги юзига урган, жундор киши эди. Ўрта ёшлардаги эркак кун бўйи паан чайнади. Юрганида бўйнидаги қалин тилла занжирлари ялтираб, кўзга ташланади. Бамбукдан тайёрланган калта хивични қўлидан қўймас ва у билан бизни истаган вақтда калтакларди. Кечқурунлари эса Гупта болаларни ўз хонасига чақириши ҳақида миш-мишлар юрарди, бироқ бу муҳокама қилинмасди. Биз яхши нарсалар ҳақида суҳбатлашишни ёқтира-миз. Масалан, катта залда телевизор кўришга рухсат беришлари ҳақида... Ҳар тун катта экранли телевизор қаршисида ўтириб, бешинчи каналдан ҳинд кўшиқлари ва фильмлари ҳақида маълумотлар кўрсатиладиган «Дурдашин» кўрсатувини мириқиб томоша қиламиз. Айниқса, яқшанба кунги киноларни охиригача кўришга рухсат берилганда қувонамиз. Ахир бу фильмлар

оппоқ хаёлларнинг бўйлашига имкон яратади. Ота-онаси ва ўзларининг ҳақиқий туғилган кунлари бор болаларнинг ширин ҳаётига, ёруғ уйларида яшайдиган, тоза ўринларда ётадиган ва энг сўнгги русумдаги қиммат машиналарда юрадиган ҳамда катта совғалар оладиган одамларга чин маънода ҳавасимиз келади. Бадавлат оилаларда улғаяётган болаларнинг беташвиш дунёси бизни ҳар қанча ром этмасин, ҳақиқатни жуда яхши англандик. Етимхонадаги бирорта бола Ами табх Баччан ё Шоҳруххон каби машҳурликка эришишга умид ҳам қилмайди. Энг катта ютуқ – ҳозир бизга ҳукмронлик қилаётганлар устидан бошқарувни қўлга киритиш ё уларнинг ўрнини эгаллаш! Шундай экан, ўқитувчиларнинг: «Келажакда қайси касбни эгалламоқчисан?» – дея берган саволига ҳеч ким: «Учувчи, бош вазир, банкир ё актёр бўламан», – дея жавоб бермасди. Бири ошпаз, бири фаррош, мураббий, нари борса назоратчи бўлишини айтарди. Бизни ўраб турган муҳит баримизни келажакка реал қарашга ўргатганди. Мен бу ерда кўпчилик билан тил топишиб кетдим. Мунна, Каллу, Пьяре, Паван, Жашим, Ирфан... Тимоти отанинг ўлиmidан сўнг етимхонага келганимда осмондан пастга қулагандай бўлдим. Сабаби, бу ерда тарбияланаётган болалар дунёси билан танишар эканман, илгариги ҳаётлари билан солиштирганда, улар учун бу жой уй эмас, ҳақиқий жаннат эканлигини ангаддим. Мен эса аксинча, меҳрибонлик уйига келгунимга қадар, беҳиштда яшадим. Болалар асосан Бихара ва Деҳлиннинг ташландиқ харобаларидан келишганди, баъзилари эса Непалнинг ўзидан эди. Мен уларнинг танасида бахил амаки ё суюқоёқ холаларининг аёвсиз калтакларидан қолган изларни кўриб, даҳшатга тушардим. Шафқат-

сиз оилалардаги болаларни қўлдай ишлатишларини билиб олдим. Полициячилардан қўрқиш кераклигини англадим. Чунки улар болаларнинг аксариятини битта нон ё чапати ўғирлагани учун шу ерга олиб келишган экан. Мунна ўтай онасининг тазйиқлари ва калтакларидан безиллаб яшаган. Жашимни эса юраксиз акаси азоблаган. Паванани полициячилар бир қариндошининг ёрдами билан кичик меҳмонхонага энди ишга жойлашган вақтида тутиб олиб келишган. Шунча азобланганларига қарамай, болалар бари бир ўз оилаларида тинч яшашни орзу қилишарди. Камина уларга сардорман. Бошқалардан кучли, жасур ё шафқатсизлигим учун эмас, балки онасининг тайини йўқ мендай онгсиз ташландиқ инглиз тилида ўқиш-ёзишни билганим боис шундай даражага эришдим. Бу гўё мўъжизага ўхшарди. Бош назоратчи бошқа болаларга нисбатан менга кўпроқ илиқ муносабатда эди. Баъзи-баъзида ҳол-аҳволимни ҳам сўраб қўярди. Мураббийимиздан астойдил илтимос қилгандим, спорт залда крикет ўйнашга ижозат берганди, ammo Мунна бехосдан деразани синдириб қўйгани сабаб бу имтиёздан ҳам айрилдик. Ҳатто шафқатсиз ошпазимиз ҳам қаршисида турганимда кўнгли ийиб, озгина қўшимча овқат сузиб берарди. Гупта мени бирор марта кечқурун чақирмаган. Шифокор эса сариқ касали билан оғриганимда алоҳида хонада ётиб, даволанишимга изн берди. Албатта, етимхонага оғир аҳволда янги бемор бола олиб келингунига қадар, икки ҳафта тенгдошларимнинг юракни эзувчи, маҳзун чеҳраларига боқишдек азобдан ва Гуптанинг қаҳрли нигоҳлари таъқибидан холи бўлиб, алоҳида хонада маза қилиб ҳордиқ чиқардим. Болани санитарлар кўтариб, олиб киришди.

Унинг эғнида йиртиқ сариқ нимча, чиркин калта шим, бўйнида эса сариқ тумори осиглиқ эди. Камина Салим Илёсни худди шундай вазиятда учратди. Бу болада ўзимда бўлмаган фазилатларни кўрдим. Эгилувчан қомат, жингалак қора сочлар ва фариштасифат табассум... У жилмаганида икки лунжида ажойиб кулгичлар пайдо бўларди. Салим етти яшар бола учун бир оз кўплик қиладиган ўткир ва гаройиб ақл соҳиби эди. Меҳмон ўзи ҳақида ийманибгина, қисқа иборалар билан ҳикоя қилди. У Бихара яқинидаги ҳаддан ортиқ мулк эгалари-ю, уларнинг ерида тиним билмай ишлаб, бир бурда нонга аранг етказа оладиган камбағал деҳқонлар яшайдиган қишлоқда туғилган. Маҳаллий аҳоли ҳиндилар, бироқ улар орасида бир нечта мусулмон оилалар ҳам бор экан. Унинг отаси қора ишчи, онаси уй бекаси, акаси эса катта бир чойхонада хизматчи бўлган экан. Салимнинг ўзи эса кундузи мактабга ўқишга қатнар, шомга яқин тағин Заминдор қишлоғи чеккасидаги кулбасига қайтаркан. Бироқ ўтган ҳафта совуқ январ кунларида Хануман¹ ибодатхонасида фожиа юз берибди. Кечқурун кимдир ибодатхонага кириб, илоҳий маймуннинг ҳайкалини ифлос қилибди. Коҳин ибодатхона яқинида ёш мусулмон йигитлар айланиб юрганини айтибди. Қишлоқда тартибсизликлар бошланишига шу гапнинг ўзи етарли бўлган экан. Ҳиндилар ўша заҳотиёқ қўлларида катта-катта таёқлар билан мачитга борувчиларнинг уйини бузгани шайланибдилар. Қутурган оломон етти яшар Салимнинг кўз ўнгида кулбани ёқиб юборибди. Бу пайтда унинг яқинлари уйда чой ичиб ўтирган бола эса кўчада ёлғиз ўйнаб юрган экан. Онасининг

¹ Хануман – ҳинд халқ эпоси «Рамаяна»даги маймунлар бошлиғи.

аюҳаннос солиб йиғлаётганини, отасининг қич-қириқларини, акасининг фарёдини эшитиб, бироқ ожизу ҳимоясизлиги боис уларни қутқариб қололмаган. Қутурган оломонни етти яшар бола қандай тўхтатсин? Бу вазиятда у вокзалга қараб қочишдан ўзга чора топмаган. Салим биринчи учраган поездга сакрабди. Ўша поезд уни ҳеч бир чақасиз ўзи танимаган одамлар орасига, бошию охири номаълум катта шаҳар кўчаларига, умрида ҳеч қачон кўрмаган Деҳлига олиб келибди. Қочоқ темир йўл бекатида икки кун оч-наҳор боши айланиб, ҳушидан кетгунга қадар дарбадар кезиб юрган. Миршаблардан бири уни шу ерга олиб келган. Салим ҳамон кечалари ўша ёвуз одамларнинг юзларини тушида кўришини, яқинларининг дод-фарёдини эшитишини айтарди. У акасининг олов ичра ёниб, жон талвасасида югураётганини тасаввур қиларди. Шу сабаб Салим ҳиндилардан нафратланадиган ва улардан кўрқадиган бўлиб қолибди.

– Исминг нима? – деб сўрайди у.

– Муҳаммад, – дея жавоб бердим мен. Биз у билан тезда дўстлашиб кетдик. Ўхшаш жиҳатларимиз ҳам кўп экан. Иккимиз ҳам фирт етиммиз, иккимиз ҳам шар ўйнашни ётирамыз, кино томоша қилиш иккимизнинг ҳам севимли машғулотимиз. Палатани тарк этиш пайти келганда мен тарбиячилардан у билан каравотларимизни бир жойга қўйишларини илтимос қилдим. Бир куни кечқурун Салимни назоратчининг ёрдамчиси чақирди. Гупта – бева эди...

– Унга нима керак экан? – тушунмайди дўстим.

Елкамни қисаман:

– Билмайман. У мени сира чақирмаган. Мана бугун биламиз-да, – дедим қувлик билан дўстимга кўз қисиб қўярканман.

Ошнам пастга тушди, мен эса секингина унинг ортидан бордим.

– Кир... киравер Салим, – дейди Гупта секингина тақиллатилган эшикка жавобан.

Ёрдамчи ўз ўрнида ётарди. Қўлида ялтираётган суюқлик солинган қадаҳни тутиб турарди. Унинг кўзлари катта қора тугмани эслатарди. Камина секингина эшик тирқишидан пойлайди. Гупта боланинг юзини силади ва секингина лабораторига қўл теккизди. Кейин бирданига:

– Шимингни еч! – деб буюрди.

Салим нима қилишни билмасди.

– Айтганимни қил, итвачча, бўлмаса, мендан кўрадиганингни кўрасан! – дейди у.

Бу пўписадан кейин дўстим дағ-дағ титраб, ноилож буруққа бўйсунди. Салим шимини ечаётганида, мен эса кўзларимни олиб қочдим. Гупта тилла занжирларини силкитиб, болага яқинлашди.

– Ана шундай, – шивирлайди у, кейин камарини ечиб, ўзи ҳам шимини туширди. Салим ҳали ҳеч нимани англагани йўқ. Камина онгсиз ташландиқ эса Жоннинг хонасида ўша даҳшатли кечада юз берган воқеанинг тафсилотларигача тиниқ эслайман. Ундан кейинги фожиани ҳам. Мени титроқ босди, аъзойи баданимдан совуқ тер чиққанини ҳис этдим.

Даҳшатли қичқирим худди тинч-осуда тунда портлаган бомбага ўхшарди. У ширин уйқудаги болаларни, ошхонада хуррак отаётган ошпаз ва, ҳатто, назоратчини ҳам уйғотиб юборди. Боғдаги дайди итлар ҳам қутургандай тинмай акиллашарди. Ўзини йўқотиб қўйган Гупта Салимни итариб юборди, бироқ кеч эди. Назоратчи, ошпаз ва кўриқчилар унинг хонасига кириб улгургандилар. Ёрдамчининг ифлос сири очилди (ҳеч ким бунга қарши ҳеч қандай чора кўр-

мади, албатта). Лекин жаноб ёрдамчи каминага энди яна ҳам кўпроқ аҳамият берадиган бўлди. Тирқишдан пойлаганим учун биз ашаддий душманларга айландик. Салим ҳамон ҳайратда эди, бироқ болага зиён етмаганди. Тўрт мучаси соғ, асосийси, у зўравонликдан қутқариб қолинди. Бечора бир муддат ҳиндиларни ёмон кўришини ҳам унутиб юборди. Аммо бутун умр зўравонлардан қўрқадиган бўлди.

Эрта баҳорнинг ғаройиб куни, етимхонадан ташқарига чиқиш эса ундан ҳам ажойиб эди. Халқаро фирмалардан бири бизни Деҳли шаҳри кўчалари бўйлаб, саёҳатга олиб чиқди. Барчамизни ҳайвонот боғига бордик. Биз илк бора гепарт, кенгуру, жирафа ва ялқовларни¹ кўрдик. Кейинги бекат – Қутб-Минор, Ҳиндистоннинг энг баланд минораси. Бир-биримизни итаришиб, миноранинг юқорисига кўтарилдик. Юқоридан пастга қарасангиз одамлар ниҳоятда кичкина кўринардилар, бир қарашда гўё чумолиларга ўхшашарди. Биз тиним билмай кулиб, бақир-чақир қиламиз. «Эҳе-ҳе-ҳе-ҳей!» ва шу билан бирга қайтариладиган акс садонинг сўнишини тинглаймиз. Бизни Ҳиндистонда карнаваллар ўтказиладиган дарвозаларга² олиб боришди. Ҳар биримизга майда-чуйда чиқимлар учун ўн рупийдан берилди. Мен чархпа-лакда учишни истайман, бироқ Салим қўлим-

¹ Ялқов – Мексика жанубидаги ўрмонларда яшаб, да-рахтда ўрмалаб юриб, барглар билан озиқланадиган сут эмизувчи ҳайвон.

² Ҳиндистон дарвозалари – 1919 йилда тикланган. Бу тарихий дарвозалар муҳим аҳамиятга эга. Британиялик ҳарбийлар айнан шу дарвозалардан ўтиб, мамлакатни тарк этган.

дан тутиб, «Пандит¹ Рамашанкар Шастри, бутун дунёга машҳур башоратчи битта сеанс атиги ўн рупий» деб ёзилган томонга судрайди. Ичкарида хоти куртага² ўранган бир чол ўтирарди. Унинг соқоли оппоқ эди, пешанасидаги ёрқин қизил рангли тилак³ кўзига эса семиз кўзойнак қўндирилганди. Елкаси оша майин соч ўрами кўзга ташланарди.

– Келажагимни билишни истайман, – дўстимнинг кўзлари порлади.

– Телбамисан, шуларга ишонасанми? Ахир уларнинг бари алдамчи бўлишади. Келажагимизда қизиқарли нимаям бўлиши мумкин, – дейман дўстимни фикридан қайтаришга уриниб.

– Бари бир истайман!

– Майли, – унинг шаштидан қайтмаслигини сезиб, ноилож таслим бўлдим. – Ўн рупийни унга беришга ачинаман.

Салим ўн рупийни ўз ихтиёри билан пандитнинг қўлига тутқазди. У бошини чайқайди:

– Йўқ, чап қўл эмас, ўнг қўлинг билан узат. Чап қўл билан бериш қизларнинг иши.

Дўстим шошганидан дарҳол пулни ўнг қўли билан пандитнинг кафтига қўйди.

Башоратчи лупасини қўлига олди. Чол худди харитадан йўқолган хазинани топишга интилаётган одамдай дўстимнинг ўнг кафтидаги чизиқларни синчиклаб кўздан кечирди. Ниҳоят,

¹ Пандит (санскр. Пандита – зиёли, донишманд, муаллим) – Ҳиндистонда брахманларнинг илмий даражаси. Пандитлар санскрит ва ҳиндиларнинг фақат иботхона қонунқоидалар асосида яратилган адабиётни яхши билишлари талаб қилинган.

² Хотин курта – Ҳиндистонда кенг тарқалган эркаклар кийими.

³ Тилак – қизил қумдан тайёрланадиган ҳинд диндорларининг пешанасига тортиладиган чизиқ.

юзимизга тик боқиб, мамнуният билан жилмайди ва секингина «ух» тортди.

– Ажойиб тақдир қутяпти сени, ўғлим. Бу яқин орада ҳали ҳеч кимни келажақда бунчалар бахт битилганини кафтидан кўрмагандим. Шубҳасиз, сенинг ёрқин келажагинг бор, – дейди у.

– Чинданми? – севинганидан терисига сиғмай кетди Салим. – Ким бўларканман?

Шастри бундай саволни қутмаганди, шекилли, бир муддат ўзини йўқотиб қўйди. Кейин дўстимнинг юзига тикилиб:

– Сен жуда чиройли боласан. Келажақда машҳур актёр бўласан, – дея эълон қилди у.

– Шоҳруххонга ўхшабми?

– Ундан ҳам машҳурроқ, – жавоб берди пандит ва айёр нигоҳларини каминага қадади. – Сен-чи, қисматингни билишга қизиқмайсанми? Ахир бор-йўғи ўн рупийга келажагингни айтиб бераман.

– Йўқ, раҳмат.

Мен кетмоқчи бўлдим, аммо Салим йўлимни тўсди:

– Сен ҳам шундай йўл тутишинг керак, Муҳаммад, мен учун, илтимос...

Юрагимнинг дупур-дупурини эшитиб турибман. Бор-будидан айрилган одамдай тақдирга қўниб, ноилож қўлимни узатдим. Башоратчи кафтимдаги чизиқларга яхшилаб тикилди. Беш дақиқа нималарнидир чизиб, қандайдир белгилар билан қоғозни қоралайди.

– Нима бўлди? – ташвишланиб сўрайди дўстим. Пандитнинг башараси буришди ва бошини қимирлатиб қўйди:

– Ақл чизиги кучли, бироқ юракдан келаётган чизиқ ниҳоятда ожиз. Юлдузлар билан боғлиқликда бир оз муаммолар бор. Сайёраларнинг

жойлашуви унча яхши эмас. Юпитер тоғи ўз ўрнида, бироқ Сатурн унга муносиб қаршилиқ кўрсатяпти. Олдинда жуда кўп тўсиқлару муаммолар учрайди. Ҳаёт йўлингни юмшатиш учун нимадир қилишинг керак? Аммо, бу арзонга би-тадиган иш эмас.

– Қанча?

– Икки юз рупий. Ана у катта автобуснинг хўжайини бўлган дадангдан сўраб кўр, балки берар? Мен беихтиёр қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордим.

– Қизиқсиз-а, Пандит-жи, ёлгон башорат тўқигандан кўра, ўлма эшагим арпа пишади, денг. Лақиллатишдан аввал, олдингизда аслида ким турганини аниқ билишингиз керак эди. Биздан бунча пул ундиролмайсиз. Чунки биз фирт етиммиз. Ана у автобус ҳам бизники эмас. Сиз эса охирги пулимизни ҳам олдингиз. Шунча вақтни беҳуда сарфлаганимиз етади, қани юр, Салим, – дедим аччигимдан.

Кетаётган чоғимизда ёлгончи қўлимдан тутди:

– Каминага ёқиб қолдинг. Мана бу мендан сенга туҳфа.

У кафтимга бир рупиялик тангани тутқазди.

– Бу нима, Пандит-жи?

– Омад келтирувчи танга. Уни кўз қорачиғингдай асра, керак бўлади.

Индамай уни кафтимга маҳкам сиқаман.

Салим музқаймоқ ейишни истайди, аммо бир рупийга ҳеч нима бермайди-да. Энди бошқа болаларнинг атракционларда маза қилиб учаётганларини томоша қилиб туришдан бўлак иложимиз йўқ. Танга қўлимдан секингина тушиб кетди. Уни олиш учун ўриндиқ остига эгилиб қарайман. Танганинг бургут расми туширилган томони турарди. Ёнида эса кимнингдир тушириб қолдирилган ҳамёни. Топилмани қўлимга олдим, ичи-

да ўн рупий бор экан. Ҳақиқий мўъжиза. Биз бу пулга музқаймоқ сотиб олдик. Мен тангани чўнтагимга авайлабгина солиб қўйдим. Ана холос, Пандит-жи алдамабди, чиндан ҳам омад келтираркан!

Салим менинг тақдиримдан ташвишда, ахир келажаким уники каби юлдузли эмас экан. Мана энди у машҳур кино актёри бўлишни умид билан кутади. Қаршимиздаги «Яқинда экранда» деб ёзилган катта афишага кўзимиз тушди. Унда эса қаҳрамонларнинг суратлари чизилган. Ёвузлар қўлида тўппонча, очиқ кўкраклариди қон, аёл қаҳрамонларнинг қомати эса ниҳоятда чиройли.

Дўстимнинг афиша ёнида бир муддат қотиб қолганига қизиқиб:

– Нима топдинг у ердан, Салим? – деб сўрадим.

– Менга қора нимча ярашармикан ё йўқми, шу ҳақда ўйлаяпман, – дейди у соддадиллик билан...

Мистер Жоши негандир бугун дарс ўтиш кайфиятида эмас, шунинг учун у дарслик ичидаги қандайдир романи ўқирди. Биз эса самолётчалар ясаб, синфда учирамиз, партага суратлар чизамиз ёки қўлимизни унинг устига қўйиб, шунчаки бошимизни қўйиб ухлаймиз.

Кутилмаганда Мунна ичкарига отилиб кирди. Биз уни йўлакда қоровуллик қилишга қўйгандик.

– Мастер-жи, мастер-жи, Соҳиб келаяпти! – деб огоҳлантирди ҳовлиқиб.

Мистер Жоши баланд овозда томоқ қириб, дарҳол китобни бир чеккага яширди. Кейин бармоқлари билан столи чертиб қўйди-да, ўрнидан турди.

– Демак, болалар, нимада тўхтаган эдик. Ҳа, айтгандай, улғайганингизда ким бўлишингиз ҳақида сўраётган эдим-а? Хўш, яна ким жавоб беради?

Дўстим ўрнидан турди. У илк марта шундай қилаётган эди.

– Эшитаман, Салим? Нима ҳақида орзу қиласан?

– Мастер-жи, мен машҳур актёр бўламан, – фахр билан эълон қилди болакай. – Башоратчи шундай деди.

Бутун синф болалари қоринларини тутиб куладилар...

Бу катта одам ҳақида бутун етимхона бўйлаб миш-мишлар оёқлаб қолганди. Кимлардир уни меросхўри йўқ олмос қирол, деб ўйлайдилар, шунинг учун ҳам вақти-вақти билан у ҳеч кими йўқ бўз етимларни асраб оларкан. Бошқалар эса: «Мумбайда унинг ўғил болаларни ўқитадиган ўз мактаби бор», – дейди. У ерда махсус билим бериларкан ва шу сабаб мактабга болалар саралаб қабул қилинаркан. Нима бўлганда Сетх-жи кимга эътибор қаратса, ўшанинг омади келди ҳисоб. Салим биринчи навбатда ҳаммага ишониб бўлмаслиги ҳақидаги қоидани унутган, бу тўғрида ортиқча бош қотирмайди, унга бари бир. Муҳими, ўша инсон кино ўчоғи – Болливуд жойлашган шаҳар – Мумбайда яшайди. Сетх-жининг етимхонага келганининг ўзи бу – тақдир. Башоратчининг гаплари гўё ўз исботини топаётгандек туйилади.

Барчамизни ошхонага йиғишди. Салим ювенишга ҳам улгурибди. Йигитча чиройли кийинибди. Сочини ҳам тарабди. Хуллас, бугун у етимхонада энг келишган ва намунали болага айланибди. Катта одам бошқа бола ёнида тўхтаса, оқибати нима бўлишини ўзимча тасаввур қиляпман.

Ниҳоят, кутилган меҳмон икки нотаниш одам ҳамроҳлигида келди. Негадир Сетх-жи сира олмос қиролга эмас, тўғрироғи, ёвузга ўхшарди.

Балки барча олмос қиролларнинг башараси уни-ки каби тиришгандир. Ахир аслини олганда, олмос қиролларни ҳеч биримиз кўрмаганмиз. Шу сабаб, билмасдан бир нима дейиш қийин. Қоп-қора тери, Веераппанга¹ ўхшайдиган қора мўйлов ва оппоқ костюм. Бўйнида узуну қалин тилла занжир осилиб турарди. Қўлларида эса қизил, яшил, кўк рангли кўзлар қўйилган узуклари-ни қатор қилиб таққанди. Орқасидаги ҳамроҳла-ри ҳам кинолардаги жиноят оламининг малайла-рига икки томчи сувдек ўхшашади. Кейин мен уларнинг исмини билиб олдим.

– Мустафо ва Пуннооза. Гупта олдинда келар-ди. Унинг олтин занжири меҳмонникининг ёни-да ҳеч нарса эмас.

– Сетх-жи, бизни анчадан бери йўқламай қўй-гандингиз, ҳатто бутунлай унутиб юборгансиз деб ўйлабмиз, – таъна қилади у. – Бу вақт мобай-нида янги болаларни олиб келишди. Ўйлайман-ки, улар сизнинг дидингизга тўғри келади.

Ниҳоят, кўрик бошланди. Бизнинг юзлари-мизда бахтли жилмайишга ўхшаш ясама та-бассум зоҳир эди. Олмос қирол ё махсус мак-табга эга бўлган одам ҳаммамизни бошдан-оёқ кўздан кечирди. Қизиқ, у негадир ҳеч қандай савол бермайди, фақат бўй-бастимизга ва ба-шарамизга синчиклаб боқади, холос. Меҳмон болалар ёнидан бир-бир ўтиб боради, менга эса ўгирилиб қарамайди ҳам. Мана, мўъжиза содир бўлди. Олмос қирол кутилмаганда дўстимнинг қаршисида тўхтаб:

– Исминг нима? – деб сўради.

– С... Салим Илёс, – ҳаяжонланиб жавоб берди у.

¹ Кооса Мунисвами Веераппан – Ҳиндистондаги жино-ят оламининг афсонаси. Юзлаб қотилликларда айбланган. Контранбанда қироли. Унинг қалин қора мўйлови бўлган.

– Уни қачон олиб келишди? – Сетх-жи Гуптага мурожаат қилди.

– Ўн бир ой муқаддам. У Бихаром яқинидаги қишлоқдан.

– Неча ёшда?

– Саккизда.

– Қариндошлари борми?

– Ҳеч қанақа қариндошлари йўқ, Сетх-жи. Оиласи диндорларнинг тўқнашувида ҳалок бўлган.

– Қайғули, – дейди меҳмон. – Бироқ менга айнан шунақалари керак. Ҳужжатларни тўғрилашинг мумкин.

– Бир офиз сўзингиз. Кўз очиб юмгунингизча, Мустафони унинг амакиси сифатида расмийлаштирамиз. Қонун билан ҳеч қандай муаммо бўлмайди, деб ўйлайман. Тўғриси айтганда, ижтимоий ташкилотларнинг бари уларни асраб олишларини исташади.

– Ажойиб. Бугуннинг ўзида бу бола бизники бўлади.

Гупта Салимга бир бор назар ташлаб қўйди-да, кейин менга кўзи тушди.

– Бунисига нима дейсиз? – сўради у ялтоқланиб.

Сетх-жи каминага тикилиб, бошини чайқайди:

– У улғайиб қолган.

– У атиги ўн ёшда. Исми Томас, инглиз тилида яхши сўзлайди.

– Менга бари бир, бошқа болани олишни истайман.

– Бироқ уларни бир-биридан айириб бўлмайди. Салимни олсангиз, Томас ҳам у билан бирга кетади.

Қора танлининг жаҳли чиқди.

– Керак эмас менга ҳеч қандай Томас-Хомас!.. Биттаси ҳам етади!

– Кечирасиз, Сетх-жи, бари бир уни асраб олишингизни талаб қиламан. Буни мажбурий товар деб тасаввур қилинг.

– Мажбурий?

– Ҳа. Иккитага битта. Биттасини бепул бераман. Бу бизнинг сизга совғамиз. – Гупта тилла тишларини кўрсатиб иршайди.

Катта одам ҳамроҳлари билан маслаҳатлашиб олди:

– Келишдик, Гупта. Иккисининг ҳужжатларини ҳам расмийлаштиринг. Болаларни душанба куни олиб кетаман.

Салим қувончдан сакраб, мени қучоқлаб олди. У еттинчи осмонда учиб юрарди. Дўстим тонггача ухлолмай, Мумбайдаги бахтли ҳаёти ҳақида ўйларди. Марин-драйвдаги олтин уфқ, Амитабх Баччаннинг компанияси, Чоупатти соҳилидаги гўзал салқину сокин саҳарлар... Табиийки, у соҳилда Шоҳруххон ҳамроҳлигида сайр қилади ва шаҳар кўчаларини кезади. Мен ҳам мижжа қоқмадим. Тонггача ҳамма жойимга игна санчилгандай тўлганиб чиқдим. Негадир кўз ўнгимда сира ёрқин юлдузлар нур сочиб турган жаннат гавдаланмасди. Саҳарга яқин кўзим илинибди. Тушимда юриш қийин бўлган йўл бўйида ўтириб, мева сотаётган эканман. Қора танли одам меваларни бир-бир кўздан кечираркан. Унинг бўйнида қалин тилла занжир. Харидор менга чақаларни ташлайди. Мен унинг сумкасига энг сара мангони соларканман, ириган бананни олиб, бу сизга совға, дея тиқиштирар эканман.

Мумбайгача бўлган саёҳат саргузаштсиз кечди. Сетх-жи, Мумбайгача самолётда биздан олдинроқ етиб боришини маълум қилди. Бир неча соатдан кейин биз ҳам йўлга тушдик. Унинг

ҳамроҳлари Мустафо ва Пунноза поездда биз билан бирга кетишди. Улар эгнига лунга¹ кийишган ва тинмай биди² чекишарди ва ора-орада катта одамнинг фазилатлари ҳақида сўзлаб боришарди. Маълум бўлишича, олмос қиролнинг асл исми – Бабу Пиллаи. Бироқ ҳамма учун у – Маман (Малайзия тилида амаки дегани). Маман асли Малайзиянинг Керал-Коллама деган жойидан экан, аммо анчадан бери Мумбайда яшайди. У жуда ҳам бой ва меҳрибон одам экан, агар шундай бўлмаганда у ногирон болалар учун мактаб қурдирармиди? Маманнинг назарида кичкина ногиронлар осмонларга яқинроқ экан, уларга яхшилик қилса, бир кун Худодан қайтишига ишонаркан... Болаларни жонидан ортиқ кўраркан ва уларни меҳрибонлик уйдан айнан ёрдамга муҳтож, меҳрга ташналарини саралаб оларкан.

Мустафо ва Пунноза эса туғма савдогарлармиш. Саёҳатимизнинг охиригача, лотерея чиптасига ютуқ чиқди, деб ўйладим.

Поезд харобалар ёнидан ўтади. У худди кино тасмаси каби кўз олдимдан ғир-ғир айланади. Ярим яланғоч болалар бизга қўлларини силкитадилар, ўз навбатида биз ҳам уларга худди шундай жавоб қайтарамиз. Мумбайнинг кўриниши ва шовқини бизни ҳайратга солади. Черчгейт вокзали машҳур «Бомбейдаги ҳаёт» фильмдаги кабидир. Салим чиндан ҳам Говиндани³ кўриб қоладигандай атрофдан кўз узмайди. Мустафо бизга Марин-драйв соҳилини кўрсатди. Мен худди музлаб қолгандек чексиз уммонга боқа-

¹ Лунга – эркакларнинг миллий кийими, узун юбканинг давоми икки оёқнинг ўртасидан боғланади.

² Турли ўту никотин аралаштириб, тембурни баргига ўралган, қўлда тайёрланган тамаки.

³ Говинда – 2000 йилнинг энг яхши актёри деб тан олинган.

ман. Улкан тўлқинларнинг катта-катта харсанг тошларга урилишини ҳайрат ичра кузатдим, бироқ дўстим ҳеч нарсани кўрмасди. Унинг кўзлари соҳилда дам олаётганлар қўлидаги егуликлару шарбатларига қадалганди.

– Мана бу ерда Говинда Равинани¹ бхелпури² билан меҳмон қилганди! – дея қувонч билан қичқирди у.

Хўжа Али³ мақбарасини яқинидан ўтиб кетаётганимизда, Салим «Зўравонлар» картинасида Амитабх Баччан каби Аллоҳга ҳамду сано ўқийди. Ворли, Дадар ва Махим туманларидан ўтдик. Йўл-йўлакай ҳамроҳларимиз бизга қизиқарли жойларни кўрсатиб келишди. Махим-Фортга етганимизда дўстим ҳайдовчидан бир муддат тўхташни илтимос қилди.

– Нима бўлди? – сўрайди Мустафо.

– Шунчаки, «Мафия» фильмида жинойтчилар ўз хомашёларини ортган жойни кўриш ниятида эдим.

Бандра Жуху ва Андхерига яқинлашдик. Баланд деворлар махсус форма кийган сон-саноқсиз қўриқчилар... Салимнинг кўзларида ёш титрайди... Машинанинг қора деразаларидан оғзимиз очилиб, одамлар яшайдиган баланд уйларга тикилдик. Мумбай гўзал ва рангин кўринди кўзимизга. Қуёш нурлари яна ҳам ёрқин, шамол ва бир оз салқин... Бу шаҳарнинг одамлари омадлироқ ва бахтлироқдай туйилди. Бошқача бўлиши мумкин эмас, ахир улар Болливуд юлдузлари билан бирга яшайдилар! Бутун шаҳар бахтиёрликдан қайнайди...

¹ Равина Тандон – актриса ва продюсер.

² Бхулпури – ҳиндларнинг мазали ширинлиги.

³ Хўжа Али мақбараси – Макка сафарига йўлга чиққан мусулмонларнинг авлиёси Хўжа Али шарафига тикланган.

Мана, биз Кореагонга яқинлашдик. Сетх-жининг ҳашаматли уйи саройни эслатарди. Унинг атрофи баланд деворлар билан ўралган, юқорисига ўткир учли симлар ўрнатилганди. Остонада қоп-қора бақувват йигитлар ўтирар, қўлларида эса бамбукдан ясалган қалин калтаклар. Эркаклардан араканинг¹ ҳиди келарди. Пунноза улар билан Малайзия тилида гаплашди. Мен фақат битта сўзни илғайман «Маман». Қоровуларни мистер Бабу Пиллаи қўйганга ўхшарди. Ичкарига кирдик.

– Мана у, ногирон болалар мактаби. Улар шу ерда яшайдилар, – дейди Мустафо.

– Нега болалар кўринмайди? – сўрайман ҳайратимни яширмай.

– Улар ҳозир амалиётга кетишган. Хавотир олма, кечқурун ҳаммаси билан танишасиз. Қани, юринглар, сизга ўз ётоқхонангизни кўрсатаман.

Хона кичкина ва оддий эди. Икки қаватли каравот, узун дераза ва қалин деворлар. Салим каравотнинг юқорисини эгаллайди.

– Ювиниш хонаси ертўлада жойлашган. Ундан бемалол фойдаланишингиз мумкин. Бешюлдузли меҳмонхонаники каби деёлмайман-у, аммо ёмон эмас.

Бу уйда ёлғиз ўзимиз бўлсак керак. Оқшомга яқин Маман бизни кўргани келди. Дўстим болаларча соддалик билан Мумбайда яшаётганидан бахтиёрлигини ва машҳур актёр бўлишни орзу қилаётганини айтди. Катта одам жилмайди.

– Қуйлашни биласанми? Бу ишда биринчи бўлиб шу иқтидор инобатга олинади.

– Йўқ, – дейди Салим қайғуга ботиб.

– Хафа бўлма. Мен сен учун энг яхши мусиқа ўқитувчисини топиб бераман. Яқин орада сен

¹ Арака – гуручдан тайёрланадиган спиртли ичимлик.

Кишор Кумардан¹ ҳам яхшироқ куйлайдиган бўласан.

Салим баланд бўйли одамнинг бўйнига осилишига озгина қолди, аммо йигитчанинг ўткир ақли худди шу ерда панд бермади. Худога шукрки, у бундай қилишдан ўзини аранг тийди. Кечга яқин мактаб ошхонасига овқатлангани бордик. Бу ернинг ошхонаси ҳам етимхонаникидан сира фарқ қилмайди: полда арзон линолеум, узун тахта столлар, ҳатто ошпаз ҳам қўрсу бахил. Меҳрибонлик уйдаги эски танишимизнинг ўзгинаси. Мустафо иккимизни ҳам ўзи ўтирган столга таклиф қилди. Бизга ҳаммадан илгари хизмат кўрсатилди. Бу ернинг овқати иссиқ ва мазали экан, ҳарқалай, Деҳлидаги сабзавотли шўрвадан яхшироқ. Ниҳоят, бири иккинчисини етаклаб болалар кириб келишди. Менинг бу жой ҳақидаги тасаввурим дарҳол ўзгарди. Йўлини ҳасса таёқ ёрдамида аранг топиб юраётган сўқирларни, шафқатсизларча калтакланиб, кейин танасининг деярли ҳамма жойи дока билан ўраб ташланган тенгдошларимни, оёқлари ўрнида махсус сунъий оёқ ўрнатилганларини, ё ҳасса таёқлар ёрдамида судралиб келаётганларни, оғзи йиртиб ташланган, бармоқлари узилган, нонни тишлари ўрнига милклари билан шимиб, аранг чайнаётган болаларни кўриб, юрагим орқага тортиб кетди. Баъзиларининг кўзларининг ости кўкарган, юзи худди масхарабозларга ўхшаб қолган. Ногиронликлари сабаб, ҳаракатлари ҳам кулгили туйилса-да, бироқ бу менга завқ бағишламайди. Аксинча, тенгдошларимнинг аянчли аҳволига қараб йиғлагим келди.

¹ Кишор Кумар – ҳинд қўшиқчиси. Ҳинд фильмларидаги қўшиқларнинг тенги йўқ ижрочиси.

Бир чеккада сўшайиб турган уч болага ҳеч ким хизмат кўрсатмайди. Улардан бирининг сўлаги оқди.

– Ана у болалар ким? – деб қизиқиб сўрайман мен. – Уларга овқат бермайсизларми?

– Улар жазоланишган, – тушунтирди Мустафо. – Қўл учида ишлашганлари учун. Ташвишланма, уларга сал кейинроқ овқат берилади.

Эртасига мусиқа ўқитувчиси келди. Чўзинчоқ юзли, қулоқлари катта ёш муаллимнинг бармоқлари ниҳоятда майин эди. У фисгармонияни чертиб турарди.

– Мени мастер-жи деб чақиринг, – уқтирди ёш устозимиз. – Аввало, бор вужудингиз билан куйни эшитишни ўрганишингиз керак.

Биз полда ўтириб, уни диққат билан тинглаймиз.

– До-ре-ми-фа-сол-ля-си, – овоз чиқарди мастер-жи. – Етти нота. Уларсиз бирорта мусиқа асари ёзилмайди. Қани энди бирин-кетин ортимдан такрорланг. Ноталарни талаффуз қилаётганда овоз лаблар ёки бурундан чиқмасин. Яхшилаб диққат қилинг! Товушлар томоқнинг ичкарисидан чиқиши керак.

Салим бир йўталиб, овозини баландлатиб бошлади:

– До-ре-ми-фа-сол-ля-си...

Дўстим чин юракдан куйлайди. Товушлар тиниқ ва чиройли чиқади.

– Ажойиб! – дейди ўқитувчи чаппак чалиб. – Сен туғма қўшиқчи экансан-ку. Астойдил шуғулансанг яқинда учинчи диапазонгача етасан!

Мана, ниҳоят, у менга диққатини қаратди:

– Сен ҳам бир ҳаракат қилиб кўр-чи?

– До-ре-ми-фа-сол-ля-си...

Албатта, мен ҳам интиламан, аммо овозим бари бир хириллаб чиқади.

Муסיқачи қўллари билан қулоқларини ёпиб:

– Ҳей, бола, худди буйволга ўхшаб, овоз чиқар-
япсан. Сен билан жиддий шуғулланиш керакка
ўхшайди. Шунда ҳам бирор нима чиқишига умид
қилмасак бўлади, – дейди у менсимай.

– Мастер-жи, Муҳаммаднинг ҳам овози ёмон
эмас, – дея ёнимни олди Салим. – Бақирганида
овози ёмон эшитилмади-ку?

Икки ҳафтада муסיқачи бизга диний қў-
шиқларни, одамларнинг раҳмини келтирадиган
куйларни ва фисгармония чалишни ўргатди.
Энди биз дохи¹ кабираю бхажонларни² куйлаш-
ни, Тульсидаса³ ва Мирабой⁴ шеърларини қў-
шиққа солишни ўргатди. Тўғриси айтганда,
бизга ажойиб ўқитувчи насиб қилган эди. У му-
сиқани юракдан ҳис қилиш кераклигини уқти-
рарди. Менга асосан Кабирнинг сўзлари ёқди:

*Маржонларни санай-санай мангуликни ўпаман,
Хаёлларим ором билмай ҳамон дунё кезади.
Қўлингдаги ўшал оппоқ марваридинг унутгин,
Қалбингдаги маржонингни менинг қўлимга
тутгин.*

Аслини олганда, Салим – мусулмон, бхажон-
лар ҳиндилар томонидан ёзилган. Мастер-жини
бу сира ҳам ташвишга солмайди, дўстимни ҳам.
Чиндан ҳам ахир Амитабх Баччан ҳам мусулмон-
ларнинг образини яратган-ку, Салмонхон⁵ импе-
ратор ролини гавдалантирганда, актёр бўлишни
орзу қилаётган Салим Илёс ҳиндиларнинг диний
қўшиқларини ўқиса нима бўлибди?

¹ Дохи – сакраль муסיқа мажмуаси.

² Кабира ва бхажон – сакраль муסיқа турлари.

³ Тульсидаса (1532–1624) – ҳинд шоири.

⁴ Мирабой (1547–1614) – машҳур ҳинд шоираси.

⁵ Салмонхон – машҳур ҳинд актёри.

Мустафо ва Пуннозанинг айёрликларини тақиқларига қарамай, биз мактабнинг ногиронлари билан дўстлашиб олдик. Тенгдошларимизнинг аянчли қисмати билан оз-моз танишдик. Мумбай пойтахтдан сира фарқ қилмаслигини билиб олдим. Аммо қисқа ва яширинча суҳбатлардан аста-секин ҳаммаси яна юзага чиқа бошлайди.

Ашок билан бўлган гурунгда сўнг анчагача ўзимга келолмай юрдим.

– Биз ҳеч қанақа мактаб ўқувчилари эмасмиз, – дея кулиб жавоб қилди юзи калтакларнинг дастидан хунуклашиб кетган ўн уч ёшли болакай. – Биз тиланчилармиз. Поездлар, вокзалу бозорларда ўтган-кетгандан ялиниб, садақа қилишларини сўраймиз.

– Ишлаб топган пулингизни қаерга олиб келасиз?

– Хўжайинга тутқазамиз, жону овқат учун.

– Демак, Маман – шунчалар ёвузми?

– Сен нима деб ўйлагандинг? Ҳарқалай, қанотли фаришта эмас. Менга эса бари бир, ким бўлса ҳам икки маҳал овқат берса бўлгани, – дейди у.

Каминанинг барча орзуларим пучга чиқди. Салим ҳали ҳам яхшиликка ишонапти. Унинг учун бу дунёда яхши одамлар ҳам бор. Худо уларни эзгулик қилиш учун яратган, гап – тамом. Уйқу олдидан ўн ёшли сўқир Ража билан гаплашишга муваффақ бўлдим..

– Нега сени бугун жазолашди?

– Оз пул ишлаб топганим учун.

– Ҳар кун қанча берасиз?

– Қанча топсак, шунча. Юз рупийдан кам эмас, акс ҳолда кечки овқат берилмайди.

– Кейин-чи?

– Оч ётасан. Ичингни худди сичқон кемираётганга ўхшайди.

– Ма, чапатини ола қол. Сенга илиниб, озгина олиб қўйгандим, – дедим. Унга ачинганимдан йиғлагим келса-да, аранг ўзимни тияман.

Бир оёғи йўқ ўн бир ёшли болакай Раджейни ҳеч қачон жазолашмас экан.

– Сен қандай қилиб, бунча кўп пул ишлайсан?

– Жим!.. Бу сир.

– Хавотир олма. Ҳеч кимга айтмайман.

– Жуху Вила Парлада¹ бир актриса яшайди. Йигирма тўртинчи хонадон. Бир-икки рупий етмаса, доим уникага бораман. Меҳрибон ва оқ кўнгила аёл мени овқатлантириб, кейин қанча етмаса, шунча беради.

– Унинг исми нима?

– Неелима Кумари. Айтишларича, у илгари ҳақиқий юлдуз бўлган экан.

– Чиройлими?

– Ёшлигида қанчадан-қанча ошиқларнинг юрагини тилка-пора қилган бўлиши мумкин, аммо ҳозир қарияпти. Унинг уйига ҳозир хизматчи керак. Оёғим бундай аҳволда бўлмаганда бу ердан қочиб, актрисанинг қўлида ишлаган бўлардим.

Тунда тушимда мен Жуху Вила Парла, йигирма тўртинчи хонадонга бораман. Қўнғироқ тугмасини босиб, эшик ёнида кутаман. Оқ сарикийган баланд бўйли аёл эшикни очади. Шамоли унинг сочларини ўйнайди. Қора сочлари юзини яширади. Унга нимадир демоқчи бўлман, аммо аёл юзимга эмас, нигоҳларини ерга қадаганди. У нимадан кўз узолмаётганига қизиқиб, мен ҳам пастга қарайман. Бутун вужудимни даҳшат эгаллайди. Чунки оёқларим йўқ эди. Совуқ терга ботиб, кўзларимни очдим.

¹ Жуху Вила Парла – Бомбей чегараси.

Кўп ўтмай, биз Мулаем исмли ўн уч ёшли қўл-сиз бола билан танишдик.

– Бундай ҳаёт жонимга тегди, – дейди у норози бўлиб.

– Нега қочиб кетмайсан?

– Қаерга? Мумбай менинг ўз қишлоғим эмас-ку, ахир. Шаҳар катта. Унинг гадой топмас кўчаларида мендек шўрпешананинг боши сиғадиган жойнинг ўзи йўқ. Танишинг бўлмаса, ҳатто ер ости қувурларида ҳам яшагани қўймайдилар. Ким мени кўчадаги безори гуруҳлардан ҳимоя қилади.

– Кўча безорилари?

– Ҳа-да. Ўтган ой кунига уч маҳал овқатланишни истаганлар бу ердан бош олиб кетишганди, ўзлари қайтиб келишди. Бхикунинг уюшган гуруҳи ўз ҳудудида ишлагани сира йўл қўймабди. Бу ерда ҳеч бўлмаганда овқату бошпана бериларди ва бизга безорилар тегмайди.

– Йўқ, бизлар безорилар билан ош-қатиқ бўлишни истамаймиз. Кейин яна эски қўшиқ сўзларни эслайман: «Кабир бозорга келди у ҳаммага яхшилик тилайди. Дўстликни ҳам душманликни ҳам бировга соғинмайди».

Ошхонада шивир-шивирлар эшитилди. Покистондан янги бола келибди. Мустафо уни ичкарига олиб кирди.

– Бугун эрталаб уни олиб келишди! Шакила Рананинг ўзидан.

Биз уни ўраб олдик ва йиртқич ҳайвонни кўраётгандек асирга яқинлашиб, секингина бармоғимизнинг учини теккиздик. Тўғрисини айтганда, ўн бир ёшли болакай сира йиртқичга ўхшамайди. У кўпроқ Британия ширинликларининг реклама ролигида чиқадиган ўзга сайёраликка ўхшайди. Боланинг боши узунчоқ, кўзлари хитойликларни-

ки каби қисик, бурни катта, лаблари эса майин эди...

– Қаердан у? – сўрайди Пунноза.

– Айтишларича, Покистон Панжобининг авлиё Шох Дауладан¹, – тушунтирди ўртоғи. – Бу болаларни сичқончалар деб аташади.

– Нега боши бунақа узунчоқ?

– Менимча, бундайларни туфилганида боши катта бўлмаслиги учун атайин темир билан тортишган кўринади.

– Ўйлайманки, бола узоққа боради. Маман хурсанд бўлишига ишонаман.

– Сен ҳақсан, – тасдиқлайди Мустафо. – У жуда ҳам қимматли нусха.

Мен уларнинг суҳбатини эшитиб турибман, кўз ўнгимда биз Тимоти ота билан Коннаут майдонида кўрган айиқ боласини эслайман. Бечоранинг тумшуғи қора ниқоб билан ёпилганди, бўйнига эса қалин занжир осиглиқ эди. Хўжайини ўткир учли хипчин билан белига ниқтаб қўяр, собиқ йиртқич томошабинларни завқлантириш учун ўргатилган машқларни бажарарди. Ўша куни хўжайин барча пулларни тезгина йиғиб, навбатдаги томошани кўрсатиш учун йўлида давом этган эди. Мени ҳайвоннинг кўзлари ҳайратга солганди. Маъюс тим қора кўзларда ўкинч, соғинчу қайғу ниҳоятда кўп эди. Буни кўриб, Тимоти отадан айиқ ҳам йиғлаши мумкинми ё йўқми, дея сўраганим ёдимда.

Тасодифан ҳожатхонада Житуни учратдим. У оқ, сариқ рангдаги ғалати суюқлик тўлдирилган елим халтачани маҳкам сиққанича полда ҳушсиз

¹ Шох Даула мақбараси – айтишларича, фарзандсиз аёллар шу илоҳий жойга бориб Яратгандан астойдил сўраса, албатта, ниятига етаркан. Бироқ оналар тўнғич фарзандини мақбарага олиб келишлари керак.

одамдай ётарди. Житу кутилмаганда бошини кўтариб, елим халтачанинг ичини очар ҳамда офзи-бурнини тўлдириб, нафас олди. Шундан сўнг боланинг кўз қорачиқлари юқорига қараб кетди, қўллари эса титрарди. Унинг бу ҳолатини кўриб кўрқиб кетдим ва югуриб ёнига бордим. Боланинг эгнидаги кийимидан бўёқ ҳиди анқирди.

– Житу!.. Житу!.. – кучим борича елкаларидан тутиб силкитдим. – Нималар қилияпсан?

– Еттинчи осмонда учиб юрибман. Булутларда ухлагим келяпти... тегма менга, – жавоб берди у гўлдираб.

Нима қилишни билмай, юзларига шапалоқ туширдим. Бола қаттиқ йўталди ва қусди. Ичидан чиққан суюқлик эса қоп-қора эди.

– Мен елимни ҳидлаяпман, – тушунтирди у кейинроқ ўзига келаркан. – Уни этиқдўздан сотиб олдим. Елим очлигу офриқни қолдиради. Кўз олдимда ёрқин хотиралар гавдаланади. Мен, ҳатто, онамни кўраман.

Камина ҳам онасини кўришни истайди. Ундан татиб кўришга рухсат сўрайман. Житу ҳам индамай қўлимга тутқазди. Ичкарига елимни тортганимдан сўнг ер оёқларим остида айланаётгандай эди. Мен баланд бўйли оппоқ сари кийган аёлни кўраман. Мана, бола жажжи қўлчаларни унга томон чўзади. Аммо аёл қаергадир ғойиб бўлади. Чақалоқнинг ёнига териси шилинган ва юзи хунуклашган бола яқинлашади. Гўдак жон ҳолатда кўрққанидан чинқириб йиғлайди...

Ўша кундан бошлаб, мен ҳам елим ҳидлашга берилиб кетдим.

Муסיқа дарслари эса якунига етиб борарди. Мастер-жи Салимнинг ютуқларидан хурсанд.

– Сен чиндан куйлаш санъатини пухта эгалладинг, болам. Мана, ниҳоят, охиргиси қолди...

- Нима экан?
- Сурдас¹ ижоди.
- Сурдас?

– Бхактининг машҳур куйчиси, Кришна ша-рафига ёзилган юздан ортиқ қўшиқларни жам-лаган. Бир кун у ташландиқ ўрага тушиб қола-ди ва у ердан чиқолмайди. Бир ҳафта ўша ерда ўтириб, Худога илтижо қилган. Ниҳоят, еттинчи куни бир боланинг овози эшитилади. Бола Сур-дасга юқорига чиқишга ёрдам беради. Шоир но-таниш болага миннатдорчилик билдираман, деб ортига ўгирилса, у йўқ эмиш. Бу Кришна эди, яна ким ҳам бўлиши мумкин... Шу сабаб қўшиқ куйлаб, умр бўйи Кришнани мадҳ этиб ўтган. Мастер-жи куйлашга тушди: «Менинг кўзларим келишингни қўмсайди...»

- Қўмсайди? Қандай қилиб кўзлар қўмсайди?
- дея ҳайрон бўлиб сўрайман мен.
- Мен сизга айтмаганмидим? У сўқир эди.

Сўнгги кун... Мастер-жи Салимни мақтовлар-га кўмиб ташлайди. Мен эса ўзимни англайдиган аҳволда эмасман. Ногирон болалар билан мулоқот қилавериб, жинни бўлиб қолганга ўхшайман. Улар кўзимга энг мискин, энг бахтсиз ва энг га-риб болалар бўлиб кўринади. Пунноза синфга ки-риб, ўқитувчи билан шивир-шивир қилиб олди. Мастер-жи мамнуният билан у узатган пулларни олиб чўнтагига суқди. Муаллим бизга фисгармо-нияни қўйиб, ўзи чиқиб кетди.

– Нега ҳам Деҳлидан бу ерга келдим, Салим, сен-ку, қўшиқ куйлашни ўргандинг. Мен эса бу билан мақтанолмайман. Саёҳат менга ҳеч нима бермади.

Шу маҳал ерда ётган қоғозга кўзим тушди. Қа-расам юз рупий. Илк марта тақдир менга бундай

¹ Сурдас – ҳинд шоири ва қўшиқчиси (1478 – 1573). Унинг шеърлари, асосан, диний мавзуларда ёзилган.

катта туҳфа ҳадя этганди, бироқ Салим каминага топилган пулни эгасига қайтариш кераклигини уқтирди. Биз йўлак бўйлаб, Пуннозанинг ортидан бордик. У бу пайтда Маман билан ниманидир муҳокама қиларди. Суҳбатни бўлишга жазм этолмай, эшик ортида кутиб турдик:

– Бу ўқитувчи бизга бир оз қимматга тушди. У бирор нима ваъда қилдими?

– Катгаси мутлақо иқтидорсиз экан, кичиги эса ҳақиқий туғма истеъдод. Мастер-жининг айтишича, бунақа ўқувчини у илк бора учратиб турган экан.

– Сенингча, у кунига уч юз рупий келтирадимми?

– Қанақа уч юз! Бола худди Худонинг фариштасидай куйлайди. Тўрт юз-беш юз деяверинг. Кўриниши ҳам чиройли! Одамлар бу гўзаллик олдида ўзларини бошқаролмай қолишларига ишонаман. Мен тўрт юз-беш юз рупий дедим, агар ундан ҳам кўпроқ бўлмаса. Омадимиз келди, биз жек-пот ютиб олдик, Маман.

– Иккинчиси-чи?

– Менимча, у бошқалар каби юз рупийдан оширолмайдиган ёки оёғини узатади.

– Тузук, келаси ҳафтадан иккисини ҳам ишлагани юборамиз. Кечки овқатдан кейин уларни нима қилишни ўзларинг яхши биласизлар.

Бу сўзлардан сўнг бутун вужудимни совуқ тер қоплади. Салимнинг қўлидан маҳкам тутиб бор кучим билан тортиб, хонамизга олиб бордим. Дўстимни рақамлар бир оз ташвишга солганди. Каминанинг кўз ўнгига юз берадиган воқеаларнинг бир қисми гавдаланганди.

– Салим, қочиш керак. Ҳозирнинг ўзида.

– Нима учун?

– Кўнглим сезяпти. Кечки овқатдан сўнг қандайдир фожиа юз беради.

- Тушунмадим.
- Мен эса ҳаммасини англаб етдим. Бизга нега Сурдаснинг сўзларини ўргатишди биласанми?
- Чунки буюк шоир бўлгани учун?
- Йўқ, у сўқирлиги туфайли. Бугун тунда кўзларимизни аниқ ўйиб олишади. Бу ердаги болалар ногирон бўлиб туғилмаган. Уларни шундай аҳволга Маман ва унинг гумашталари солишган.
- Дўстим бу ваҳшийликка ишонишдан бош тортди.
- Истасанг ўзинг қочавер, – дейди у қайсарлик билан.
- Сенсиз кетолмайман.
- Нега?
- Чунки мен сени ҳимоя қилувчи фариштангман. Биз иккимиз бир одам.
- Салим меҳр билан мени бағрига босди.
- Кел, яхшиси, танга ташлаймиз. Бургут тушса, бу ердан туёқларимизни шиқиллатамиз. Акси бўлса қоламиз. Розимисан?
- Дўстим индамай гапларимга кўнди. Тангани отдим: бургут. Салим энди ҳозирнинг ўзида қочишга тайёр эди.
- Қаерга кетамиз? Нима иш қиламиз? Бу ерда ҳеч кимни танймаймиз-ку?
- Мен биламан. Радхей айтган актрисани ёдингдами? Унга хизматкор керак. Мен манзилни эслаб қолдим. У ерга қайси поезд билан етиб олишини ҳам сўраб билдим.
- Балки полицияга борармиз?
- Жиннимисан? Наҳотки, ҳаёт сени ҳеч нарсага ўргатмаган кўринади? Деҳлидаги гапни унутдингми? Ҳеч қачон полицияга борма! Тамом!
- Биз ертўладаги ювиниш хонасига яширинамиз. Жўмракдан бир маромда сув оқиб ётарди.

Дўстим елкамга минди. Қўлидаги пичоқча билан ташқарига қараган деразанинг панжарасидаги мурватларни ечиб ола бошлади.

– Тезроқ! – ялинаман тишимни тишимга босиб.

Юқорида Маманнинг каллакесарлари хонамизнинг тит-питини чиқариб, бизни излашаётганини сезаман. Уларнинг сўкинаётгани қулоққа яққол чалинади. Асабларимиз шундоқ ҳам таранглашган. Бечора Салим қўрқувдан дағ-дағ титрар ва тез-тез нафас оларди. Юрагининг уришини эшитиб турибман. Қадам товушлари эса яқинлашиб келаётганди.

– Бор-йўғи битта қолди, – шивирлайди дўстим. – Менимча, қўлимдан келмайди. Уни очиб бўлмаяпти.

– Илтимос... Ҳаракат қилгин! Қўлингдан келади? – далда бераман. – Яшаш жонингга тегдими?

Салим бор кучи билан мурватни жойидан чиқариб олди. Ниҳоят, панжара жойидан жилди. Ташқарида енгил елвизак кезарди. Салим эркинликка эришганда, Маманнинг одамлари ертўлага тушаётгандилар. Кейин у қўлини чўзиб, менга ташқарига чиқишга кўмаклашди. Оғир-оғир нафас оларканмиз, ахлатлар уюмидан айланиб пастга думаладик. Биз ортимизга қарамай, катта кўча томонга қочдик. Атрофдан эса ёқимли какос ифори келарди...

Поезд бизни шаҳар маркази томон олиб борарди. Кеч бўлиб қолганди. Вагонда атиги бир нечтагина одам бор эди, холос. Баъзилари газета ўқир, баъзилари эса қартабозлик қилишарди. Катта ёшдагилар ҳукуматдан нолиб, сиёсат борасида баҳслашардилар. Яхна ичимликлар сотувчиси совуткични ёнимиздан олиб ўтаркан:

– Кола, фанта, шарбат! – баланд овозда одамларни чорлайди у.

Яхна ичимликларнинг шишалари аниқ кўзга ташланади. Уларга қараб ютиниб қўямиз. Дўстим қуруқшаган лабларини бир ялаб қўйиб, чўнтақларини силайди. Сотувчи унга умид билан боқди. Салим ишонч билан бош чайқайди ва йигит ёнимиздан нари ўтиб кетди.

Унинг ортидан бўйнига кенг патнисни осилтириб олган соқолли чол пайдо бўлди. Дунёдаги бари ажойибу фаройиб буюмларнинг ҳаммаси шу патнисда жойлангандек эди гўё. Қоп-қора шишачаларда дамламалар, кичкина елим халтачаларда илдизлар, уруғлар, қуриган барглару кукунлар...

– Юсуф Фаҳим – дайди Ҳаким¹! – дея одамларга эълон қилиб борарди у. – Барча касалликларга шифодир! Саратондан тортиб, бод касалигача, қусишдан қичимагача, исталган касалликни даволайман, фақат айтсангиз бўлди.

Унинг омади келди, вагонда нуқул соғлом одамлар йиғилган экан.

Поезд одамлар тиқилиб яшайдиган баланд-баланд иморатлардан ва спорт майдончаларини ортда қолдириб, йўлида давом этди. Ёруғ деразалардан одамларнинг кўланкаси кўзга ташланади. Улар ўз хоналарида ўтириб, ишлашяпти, телевизор кўришяпти, овқатланишяпти ёки жой солишяпти. Борадиган манзилимиз томон атиги иккита бекат қолганда вагонда кимнингдир судралиб келаётгани эшитилди. Қаршимизда майин ҳассача билан йўл излаётган етти яшар бола пайдо бўлди. Унинг эғнида бинафшаранг нимча ва чиркин калта шим бор эди. Тиланчилик қилаётган болани Маманникида кўрмагандик.

Биздан ўн беш қадам нарида тўхтаб, у бор овози билан Сурдаснинг машҳур асарини куйлашни

¹ Донишманд.

бошлайди: «Мен Кришна мискинларга ёрдам беришини эшитганман».

Боланинг овозидан иккимизнинг ҳам танамизга титроқ кирди. Кўзимиз олдида Маманнинг ногирон гўдаклари гавдаланди: Ражу, Радни, Ашок ва Мули... Дўстим қўрққанидан пинжимга суқилди, мен эса бурчакка... Қўшиқ беш дақиқа давом этди. Биз ҳам, ниҳоят, бу азоблардан қутулдик. Бола қўйнидан идишни олиб, йўловчилардан марҳамат қилишларини сўрайди. Вагонда одамлар жуда оз эди. Ўтирганларнинг бирортаси, ҳатто бола томонга атиги бир бор назар ташлаб ҳам қўймайди. У бошини эгиб, вагондан қуруқ қайтаётган эди, Салим чўнтагидан қоғоз пулни олиб, фижимлаганча мен томонга гуноҳкорона тикилди. Мен индамай бош чайқайман. Кўзларидан тирқираб ёш чиққан дўстим митти тиланчининг идишчасига юз рупийни солди...

Фамгин ҳикояни эшитиб, Смига ҳам кўз ёшларини тийиб туролмади.

– Наҳотки, бизнинг замонамизда бегуноҳ болаларга шундай шафқатсиз муносабатда бўладиган ваҳший одамлар топилса? Мен буни, ҳатто тасаввуримга сиғдиролмаяпман. Ҳайвон ҳам бундай қилмайди, ахир...

– Ҳа, аянчли, лекин бу ҳақиқат. Уни тўқиб чиқарганим йўқ. Агар ўша кеча қочиб қолмаганимизда бизнинг қисматимиз ҳам ўша бахтсиз болаларники каби бўлиши мумкин эди.

– Хўш, сиз ўша машҳур актрисаникига хизматкор бўлиб ёлландингизми?

– Ҳа, бироқ фақат мен.

– Салим-чи?

– Неелима Кумари унинг учун Гаткопардаги харобалардан хона буюртирди.

– Тўхта, ахир охириги ҳикоянгда сен пўлат қуйиш цеҳида ишлаб, у билан бирга яшамаганмидинг?

– Тўғри, лекин бу мен бекамнинг уйидан кетганимдан сўнг, тўғрироғи, у каминадан воз кечганидан кейин эди...

– Қандай қилиб?

– Шошилама, бу энди бошқа ҳикоя. Сабр қилсанг, уни ҳам билиб оласан.

Ҳимоячи жилмайиб қўйди ва яна пулт тугмасини босди.

Бошловчи тўғри камерага тикилди.

– Биз тўртинчи саволга ўтамиз. Ўн минг рупий! Савол жуда ҳам оддий, агар диний қўшиқларни тушунсангиз кўп ўйлаб ўтирмай жавоб беришингиз мумкин. Мистер Томаснинг фикрича, барча динларни бир кўзда кўриб, уларга бир хилда ишониш керак экан. Кўрамиз, сизга миллий бхажонлар қанчалар таниш. Тайёрмисиз? – дейди у мен томонга қайрилиб.

– Тайёрман.

– Ажойиб. Тўртинчи савол шундай: сўқир шоир Сурдас худоларнинг қайси бирига бош эгади. Жавоблар: а) Рамга, б) Кришнага, с) Шива ёки д) Брахмага?

Баланд мусиқа қулоқни қоматга келтиради.

– В, – дейман мен. – Кришнага.

– Сиз бунга аминмисиз? – чалғитмоқчи бўлди бошловчи.

– Ҳа.

Яна ноғоранинг баланд овози янгради ва маълумотлар ойнаси ёнди.

– Ҳа, бу чиндан ҳам тўғри жаво-о-б! Мистер Томас, табриклайман, ўн минг рупий ютиб олдингиз! – эълон қилди Прем Кумар.

Бутун зал каминани олқишлайди. Бошловчи жилмаяди. Мен эса йўқ.

ЭЛЛИК МИНГ РУПИЙ: АВСТРАЛЧА ШЕВАДА ГАПЛАШИШНИ БИЛАСИЗМИ?

– Илтимос, менга ўз исмингиз, жинсингизу ёшингизни айтинг, сэр, – дейди аҳолини рўйхатга олувчи катта кўзойнак таққан, озғингина йигит.

Полковник Тейлорнинг норози қиёфасидан унга саволларга жавоб бериш малол келаётганлигини англаш қийин эмасди. Қаймоқранг костюм унинг келишган қадди-қоматига ва рангига ниҳоятда мос тушганди. Бундай олганда унга қишин-ёзин ечмай юрадиган костюмларининг ҳаммаси ярашарди. Полковник малла ранг сочларини ҳафсала билан орқага тараб қўйганди. Бутун оила ва, ҳатто, хизматқору оқсочлар оҳори тўкилмаган байрамона янги кийимларда ҳам худди бир гуруҳ бўлиб, эсдаликка тушадигандай йиғилиб туришибди.

– Менинг исмим Чарлз Тейлор, жинсим эркак, қирқ олти ёшдаман. Бу эса менинг хотиним, – дейди у узун юбка кийган гўзал қоматли аёлга ишора қиларкан. – Ребекка Тейлор, аёл, қирқ тўрт ёшда. Бу бизнинг ўғлимиз Рой, у ҳам эркак зотига мансуб, ўн беш ёшда. Рой қимматбаҳо жинси, футболка ва оёғида спортчиларга ўхшаб, кета кийиб олганди. Йигит қўлидаги уяли телефонини кавлаштириб, атрофдаги воқеаларга умуман бефарқ ўтирарди.

– Бу эса бизнинг қизимиз Мэгги, жинси аёл, ўн етти ёш.

Мэгги акаси каби баланд бўйли бўлмаса-да, ҳақиқий гўзал эди. Айлана юз, шишадек тиниқ мовий кўзлар, олтинранг малла сочлар ва ниҳоятда калта юбка.

Хўжайин ўз овозидан ўзи гурурланиб, гавдасини ғоз тутганча сўзлашда давом этди.

– Мен Австралия элчихонасида ҳарбийман. Сизнинг рўйхатингизга дипломатларнинг кириши шарт эмас, деб ўйлайман, бироқ хизматкорларни қайд қилиб қўйсангиз фойдадан холи бўлмасди-ёв. Дарвоза олдида кўриб турганингиз Бхагвати, у ҳам ҳайдовчи, ҳам боғбон, эркак, элик икки ёшда. Марҳамат, оқсочимиз Шанти, аёл, кўринишидан адашмасам ўн саккиз ёшда, афсуски, у ҳозир уйда йўқ. Бу Раму, бизнинг ошпазимиз, эркак, йигирма беш ёш ва ниҳоят Томас, у ҳам эркак, ўн беш ёшда. Шу билан тамом, қутулдимми?!

– Йўқ, сэр, хизматкорларингизга бир нечта саволларни беришимизга тўғри келади бари бир. Янги анкеталарда майда-чуйда саволлар шунчалар кўпки, асти қўяверасиз. Қайси телекўрсатув сизни қизиқтиради? Севимли овқатингиз? Қайси шаҳарларда бўлгансиз? Ҳатто, – йигит қўли билан оғзини ёпиб кулди, – ҳафтада неча марта аёлингиз билан бирга бўласиз? Шу тахлит бўлмағур саволлар бир талай.

– Чарлз, – миссис Тейлор эрининг қулоғига шивирлайди, – наҳотки, Раму Томас шу бўлмағур ишга беҳуда вақт сарфлашларини истасанг? Балки, бу тўтиқушдан амаллаб қутулармиз-а?

Полковник «Марлборо» тамакисининг қутисини қўлига олди.

– Эшитинг, мистер, исмингиз нима эди, ҳали... Саволларингиз жуда узун экан хизматкорларимизнинг эса бу сўровномани тўлдиришга вақтлари йўқ, деб ўйлайман. Мана бу сизга. Бўш вақтингизда чекарсиз. Бошқа уйга ўтиб қўя қолинг. Ўйлайманки, узун рўйхатингизда тўртта одамнинг исми қайд қилинмаса, осмон узилиб ерга тушмас.

Рўйхатга олувчи тамаки қутисига қараб қўйди.

– Сиз жуда ҳам меҳрибонсиз сэр, аммо мен чекмайман. Агар сизда «Блэк лейбл» ёки «Ред лейбл» вискиси топилса, жуда миннатдор бўлган бўлардим. Минглар орасида тўрт нафар одамнинг ҳаёти нима? Денгиздан томчи дегандек гап! – шу ерда унинг кулишида сохталик сезилди.

Хўжайин меҳмоннинг беандишаларча қилган муомаласидан оғриниб, унга худди зарарқунандага қарагандай ижирғаниб тикилди. Кўп ўтмай, у ичкаридан «Жонни Уокер»нинг «Ред лейбл» маркасини кўтариб келди.

– Мана буни ол-да ва бу ердан туёфингни шиққилатиб қол! Бошқа кўзимга кўринма!

Қайд қилувчи эгилиб, узр сўрагандай бўлди.

– Хавотирланманг, сэр, бу яқин ўн йилликда дарвозангизни тақиллатмайман.

У хурсанд бўлиб кетди. Миссис Тейлор эса ундан ҳам кўпроқ қувонди.

– Эҳ, бу исқирт ҳиндистонликлар, – деди хоним беписандлик билан лабини буриб, истеҳзоли жилмаяркан. – Бир шиша виски учун томдан ташлашга ҳам рози бўлар.

Бхагвати хонимнинг гапига кулиб қўйди. Шунчаки, у соҳиб ва унинг хотинини хурсанд кўрса ҳам қувонади. Раму ҳам тишларини кўрсатди. Фақат камина қулмайди. Хайриятки, бу хонадонда биз хизматкорларни одам қаторига қўшишади. Лекин хўжайинларимизга ўз ватанимизнинг миллионлаб аҳолиси сафида номимизнинг қайд этилиши бу энди ҳаддан ташқари ортиқ бўлиб кўринди. Қачонгача улар бизни «Исқирт ҳиндистонликлар!» деб аташаркин-а? Бунга ўхшаган сўзларни беш юз минг марталаб эшитишимга тўғри келган, аммо бари бир ҳар сафар қоним қайнайди. Электр таъмирловчи, телефон

компанияси хизматчиси, миршаб, мана ниҳоят, қайд қилувчи ҳам виски шишаси олдида суякни кўрган итдай ялтоқланиб, ўзларини тийиб туролмаслигини кўрсатиб қўйдилар. Аммо беш бармоқ баробар бўлмаганидек, ҳамма ҳам бир хил эмас. Имкон туғилганда миссис Тейлор билан суҳбатлашиб олсам ёмон бўлмасди. Тўғрисини айтганда, мен бундай аҳмоқгарчиликка сира йўл қўядиганлардан эмасман. Пойтахтнинг шоҳона жойларида яшаб, ҳар куни кунига уч маҳал тўйгунча овқат есанг ва бунинг устига ҳар ой бир ярим минг, ҳа-ҳа, бир ярим минг рупий ишлаб топсанг – жимгина аламингни ичингга ютишга рози бўласан. Начора...

Тўғрисини айтганда, Тейлорлар менга меҳрибон. Кутилмаганда куппа-кундуз куни бошига келиб урилган тошдан ҳеч ким хурсанд бўлмаганидек, кечагина Мумбайдан ташриф буюрган, келиб чиқишининг тайини йўқ дайди бир етимча йўлидан чиқиб қолса, ким ҳам қучоқ очиб кутиб оларди. Кечирасиз, яна ҳаммасини аралаштириб юбордим, шекилли. Баъзан хаёлларга берилганимда, ота-она, ака-ука, опа-сингил меҳри ҳақида ўйлаганимда доим шундай бўлади. Тейлорлар ҳам дам олиш кунлари инглиз черковига боришса-да, уларнинг Тимоти ота билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ. Шунчаки, бахтимга бу оилага хизматкор керак эди. Менинг ўрнимга ишлаганни кўчага қувиб юборишган экан. Камина бу ерда ўн беш ойдан бери меҳнат қиляпти. Шу вақт мобайнида бештасини ҳайдашди. Ҳаммаси хўжайинимиз туфайли. Чунки у ҳамма нарсани биладиган ягона одам. У ер остида илон қимирласа сезади... Боғбон Ягдиш, омборхонадан кераксиз темир-тақаларни ўғирлагани учун ишдан ҳайдалган. Оқсоч Шила бекамизнинг хонасидан билдирмай билагузук олиб чиққани туфайли эр-

тасигаёқ қувилди. Ражу, аввалги ошпаз, ҳамма ухлаганидан сўнг тунлари барга кириб, бир неча грамм виски отиб тураркан. Кўза кунда эмас, кунда синади, деганларидек, бир кун сезиб қолишди ва ишидан айрилди. Ажай, хўжайиннинг қабул қилувчи мосламасини ўғирламоқчилигини эҳтиётсизлик қилиб, дўсти билан телефонда муҳокама қилган экан, ўша куннинг ўзида итдек хўрланиб, кўчага ҳайдалди, оғайниси ҳам. Базанти, янги оқсочимиз Мэггининг кўйлагини атиги бир бора кийиб кўрмоқчи бўлибди. Шубҳасиз, у ҳам эртасигаёқ ишдан бўшатилади. Жаноб Тейлор қандай қилиб, ўғриларни олдиндан фош қилади, ҳайронман. Қоп-қоронғи тунда, қулф эшиклар ортида қилинадиган ишларни қандай илғай оларкин. Мен бу уйда шунча вақтдан бери ишлаётган ягона одамман. Баъзан хонимнинг оро берадиган стол устида турган пуллардан озгина ўғирлаш ё музлаткичда турган швед шоколадидан бир дона олиб ейиш фикри туғилади, бироқ мен шайтонга ҳай бериб, ўзимни бошқара оламан. Ахир, полковник Тейлор ҳамма нарсани билади. Бутун оила менга ишонади. Насронийча исм ва соф инглизча сўзлашишим ҳам бу ерда катта роль ўйнайди. Бир неча ой олдин ишга олинган оқсоч Шанти, баъзида ёлғиз ўзимга хўжайинларнинг хонасида телевизор кўришга рухсат беради, лекин ҳеч кимга ҳеч қандай баҳона билан ҳам мистер Тейлорнинг шахсий хонасига кириш бахти nasib этган эмас. Бу жуда кичкина ва сирли хонанинг қалин ёғоч эшиги панжара билан ҳимояланганди. Панжара ҳам қалин, мустаҳкам ва бақувват эди. Унда зарҳал ва кичкина ҳарфлар билан «Бу пўлат қоплама Америкада ишлаб чиқарилган ва у автоматик тарзда ёпилади», деб ёзиб қўйилганди. Деворда эса оп-

поқ электр панель. Унда нолдан тўққизгача бўлган ҳарфлар бор. Айёр қулф керакли кодни термасангиз очилмайди. Бу қулфни бузмоқчи бўлган одам тўрт юзу қирқ вольтли электр токи уришидан жойида тил тортмай ўлади. Эшик тепасида қизил чироқ ёнаётган бўлса хона қулфлигини билдиради. Хўжайин ичкарига кирганида эса яшил чироқ ёниб туради. У хонага бошқаларга кириш қатъий таъқиқланган, ҳатто Тейлор хоним, Мэгги ва Ройга ҳам. Бу уй Мумбайда юз берган воқеа сабаб қалбимдаги яраларни деярли даволади. Ҳар сафар қизил чироқларнинг милтилашини кўрганымда пайдо бўладиган кўрқув ва ваҳима қалбимни аста-секин тарк эта бошлади. Шантарам ва Неелима олис ва оғриқли хотира бўлиб қолди. Тўғриси, мен Гудия қандай яшаётгани ҳақида кўп ўйлардим, бироқ ҳеч қачон юзини кўрмаган одамингни доим эсда сақлаб юриш оғир, лекин Салимни сира ҳам унутолмадим. Мени виждон азоби қийнар эди. Ахир, дўстларни бундай ташлаб кетишмайди. Қизиқ, у ҳозир ҳам одамларга овқат ташиётганмикан? Салим билан боғланиш хавфли, чунки дўстим олижаноб ва ростгўй. Полицияга ҳаммасини айтиб бериши мумкин.

Тейлорларникида мен барбекю¹ тайёрлашни ўргандим. Аралаштириб тайёрланадиган ичимликларнинг билимдонига айландим. Махсус мих ёрдамида ҳар бир стаканга қанча виски қуйиш кераклигини яхши билардим. Конберридан кингуру гўштидан бифштекс, тимсоҳ гўштидан узма ошни татиб кўрдим. Мен Рой телевизорда кўрадиган регби, теннис ҳамда тушунарсиз австралча футболга² қизиқиб қолдим. Аммо каминани ҳали-

¹ Барбекю – американча кабоб.

² Австралча футбол – регби ва европа футболни қоидаларидан иборат жамоавий ўйин.

гача бир муаммо қийнайди. Бу австралча шева. Мен уни ўзлаштиролмадим. Ўз хонамда тунлари қанча машқ қилсам ҳам барибир бефойда эди. «Салом, акоси, соат саккизларда Олтин Дарвоза ёнига кел!», – бу сўзларни талаффуз қиламан-да, кейин қорнимни ушлаб маза қилиб куламан.

Ҳаммасидан ҳам каминага Тейлор хоним билан бирга харид қилишга бориш ёқарди. Уларнинг овқатлари Австралиядан келарди. Баъзи-баъзида хоним Супербозор ва Хон-маркетдан рўзғорга керакли маҳсулотларни харид қиларди. Испанча чоризо¹, ноёб пишлоқ, чилли гармдорилари, зиғир мойи... қувончли кунларда эса у Рой ва Мэггини эргаштириб, дунёдаги энг катта дўконлардан бири «Кидз-март»га олиб боради. Ака-сингиллар ўзлари кийим танлаётган вақтда мен бу ҳашаматга ҳавасланиб, атрофни маза қилиб томоша қиламан. Ҳар ой Рой ва Мэгги «Австралиан жиогрэфик» журналини олишади. Бу дунёдаги энг яхши нашрлардан бири, назаримда. Саҳифаларда жаҳондаги сўлим гўшалар тасвирлари чоп этилган, айтишларича, бу гўзал маконларнинг ҳаммаси Австралиядо жойлашган экан. Пальмалар ороли, кит ва акулаларга тўла океанлар, ўлим нафаси уфуриб турган вулқонлар, тоғли чўққилар, яшил майсалари титраб турган кенг яйловлар. Ўн тўрт ёшли болакай эса бу мўъжизаларни ўз кўзи билан кўришни истайди. Ажнабийлар хонадонидаги ҳаёт аслида камина учун ҳақиқий жаннатнинг ўзгинаси. Иш деярли йўқ. Неелиманинг уйида ёлғиз ўзим эдим. Бу ерда эса биз тўртта хизматкормиз. Раму – ошпаз. Унга ошхонанинг барча ишлари унга юкланган. Шанти чойшабларни янгилайди ва кир ювиш билан шуғулланади. Менга эса фақат уй йиғиштириш ва чангларни артиш қолади. Баъзан

¹ Чоризо – пишлоқ аралаштирилган дудланган колбаса.

бекамнинг буйруғи билан боғдаги гулларнинг ўсиб кетган таналарини қирқишга Бхагватига ёрдамлашаман.

Раму – ажойиб йигит бунинг устига унинг қўли жуда ҳам ширин. Тейлорларникида у тўрт ойдан бери ишлайди ва француз таомларини маромига етказиб, тайёрлай олиши билан гурурланади. Бу ерга келишдан олдин француз оиласига хизмат қилган. У *gateau de saumon*¹, *crepes suzette*² ва менинг севимли *crevettes au gratin*ларни³ тайёрлашни қойиллатади. Рамунинг қомати келишган ва ёқимтой йигит эди. Хонадошим ҳинд фильмлари деса, ўзини томдан ташлашга тайёр. Айниқса, бой-бадавлат қиз чўнтагида ҳемири ҳам йўқ камбағал бир йигит билан қочиб кетадиган саҳналарни мижжа қоқмай кўрарди. Шанти истеъдодли ошпазга бефарқ эмасдек туйилади менга. Қиз унга маъноли тикилади ва, ҳатто, сезиларли даражада қошини қоқиб қўяди. Бироқ Раму унга эътибор қилмайди. Ахир, у бошқасини севади-да. Фақат ишора қилишим мумкин. У ниҳоятда гўзал, мовий кўзли ва малла соч қиз.

Мен хизматкорлар хонасида яшасам-да, ўзимни шу оиланинг бир аъзоси каби ҳис қиламан. Тейлорлар ҳар сафар «Макдоналдс»га борганларида менга деб «болалар нонушта»сини сотиб олишади. «Скрабл» ўйнамоқчи бўлган ака-укалар каминани ҳам чақиришади. Баъзида Рой телевизор орқали крикет ўйинини биргаликда томоша қилишга таклиф қилади. Австралияликлар бой беришаётганда қутуради ва кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Оила аъзолари ўз ватанларига бо-

¹ Gateau de saumon – мевали пиширик.

² Crepes suzette – мевали ўрама ширинликлар.

³ Crevettes au gratin – майда балиқларни қовуриб, усти пишлоқ ва қотган нон билан безатилган таом.

риб келишса, менга «Мен Сиднейни яхши кўраман» деб ёзилган футболка ё эсдаликка совға олиб келишни ҳеч қачон унутишмайди. Қутилмаган меҳрдан кўзларимдан қуйилиб келаётган ёшларни тийиш қийин. Ана шундай онларда улар менга чиндан ҳам яқин қариндошдек туйилишади. Рам Муҳаммад Тейлор!.. Бироқ бирор ҳиндистонлик хизматкор ишдан ҳайдалиши ёхуд бирор лаганбардор амалдор ҳафсалаларини пир қилиши оқибатида «Ифлос ҳиндистонликлар!» сўзларининг янграши билан барча орзулариму ширин хаёлларим пуфакдек ёрилади. Нима бўлганда ҳам бу уйда менга тегишли бир нарса бор, бу ойлик маошим. Тўғриси, уни ҳали қўлда ушлаб кўрганимча йўқ. Сабаби, полковник Тейлор балоғатга етган куним уларнинг барини бераркан. Ҳозирча, майда-чуйда чиқимлар учун қўлимга ойига эллик рупий тутқзади. Ўшанда ҳам ўзимни яхши тутсам, бу пуллар тегади, бўлмаса маошим қулоғини ушлаб кетади. Мендан фарқли ўлароқ, Раму ойига икки минг рупий маош олади. Саккиз минг рупийни у кўз қорачиғидек асрайди. Менинг қўлимда эса атиги юз рупий. Шу кунгача Тейлорлар мендан йигирма икки минг рупий қарздор. Бу пулларнинг миқдори ҳақида ўйласам бошим айланиб кетади. Кечқурунлари тушларимга «Австралиан жиогрэфик» саҳифаларда чоп қилинган гўзал жойларга бораман. Қўшним эса мендан ҳам узоқроқни кўзлаган. У хаёлларида чиройли оқ танли қизга уйланиб, асал ойида гўзал маҳбубасини кучганича, Сидней кўчаларини кезинади.

Миссис Тейлор олти ойда йиғилган «Таймс оф Индия», «Индиан экспресс», «Ҳинду», «Фемина», «Космополитен» газеталари ва «Австралиан» журналларини чиқинди қоғозга топшириб юборишни буюрди. Уларни сотиб олишга ўн минг рупий

кетгандир, биз эса бир килограммини атиги эллик рупий эвазига топширдик. Раму билан огир боғламларни қоғоз қабул қилувчи махсус жойга олиб бордик, улар чанг тарозиларда ўлчанди. Бирдан Рой пайдо бўлди.

– Нима қилаяпсиз, ойи? – дея қизиқиб сўрайди у.

– Айтарли ҳеч нарса, шунчаки кераксиз қоғозлар уюмидан қутуляпман.

– Шунақами? – дейди бола ва «Австралиан жиогрэфик»нинг ўттизтача сонини олиб келди. Мени титроқ босди. Наҳотки, у бу бебаҳо журналларни сотмоқчи бўлса? Ҳеч нарса айтишга улгурмайман.

– Тарози олти килограмми кўрсатяпти. Тўқсон рупий бераман, – дейди қоғоз йиғувчи қария.

Рой рози бўлиб бошини қимирлатади. Келишув пишди. Мен ҳали ҳам ўша мўъжизаларни олиб кетишётганига ишонмай ўз хонамга ошиқдим.

Ахлат йиғувчилар уйни аллақачон тарк этган эди. Кўчага чиқиб уларга етиб олдим.

– Кечирасиз, соҳиб, мен журналларни қайтаришни истайман.

– Товар сотиб олинди. Бу қоғозларга яхшигина ҳақ тўлашади.

Охир-оқибат келажак учун олиб қўйилган юз рупийдан кечишга тўғри келди. Нима бўлганда ҳам бу журналлар энди меники. Кечқурун ўз хонамда ўтириб, табиатнинг гўзал манзараларига суқлананиб боқаман. Сервиқор тоғлар, мафтункор соҳил бўйлари, саккизоёқ, кингуру ва тўтиқушларни завқ билан томоша қиламан. Бу эртакнамо жойлар ниҳоятда яқиндай туйилади.

Шу ой муҳим воқеа юз берди. «Стар-ТВ» орқали илк бора саксонинчи йилларнинг сериали «Жосуслар овчиси» намойиш қилина бошланди. Бу фильм австралияликларнинг қалбини дарров

забт этди. Бу сериалнинг бош қаҳрамони, уларнинг ватандошлари полициячи Стив Нолан жосусларни қўлга тушириш билан шугулланади. Полковник Тейлор сериалнинг биринчи қисмидаёқ унга боғланиб қолди. Кечки овқатдан сўнг у бир шиша пивони эрмак қилиб, чапдаст Стив Нолан русларнинг қандайдир махфий ташкилоти аъзоларидан бўлган ифлос айғоқчиларни қўлга туширадиган саҳналарини экран олдида берилиб томоша қиларди. Менга портлаётган машиналар, турли хавфли машқлар, авторучкага ўхшаш галати эшитиш мосламалари ё сирли қурооларни кўриш ёқади. Бунинг устига бош қаҳрамоннинг кўчалар бўйлаб, худди ракетага ўхшаб қарийб учиб юрадиган қизил феррарисига ошиқман.

Ёзда очик ҳавода меҳмон кутиш одатий ҳол, бироқ бу сафар тайёргарлик бошқача эди. Эшитишимча, Австралиядан генерал ташриф буюриши, балки энг катта комиссарнинг¹ шахсан ўзи келиши мумкин экан. Шу сабаб менга, Раму ва Бхагватига тилла тугмалар қадалган оппоқ, чиройли ва тоза кийим беришди. Қўлимизда қаймоқранг қўлқоп, оёғимизда ял-ял ёниб турадиган қора туфли. Одатда куёвларни тўйларда худди шундай ясантирадилар, бироқ биз, афсуски, куёв эмас, тўғрироғи, очик ҳавода уюштириладиган байрам кечаларида хизмат қилувчи официантларга ўхшаймиз.

Меҳмонлар келишни бошлашди. Хўжайин уларни дарвоза олдида кутиб оляпти. Раму товук, балиқ ва тоза сўйилган мол гўштини ёгда қовуриб олаётганди. Бхагвати кумуш патнисларда коктейлларни тарқатяпти. Мен эса бардаман. Ичимликларни аралаштириб тайёрлаш билан

¹ Бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатга дипломатик алоқаларни йўлга қўйиши учун юборадиган элчиси.

бандман. Оқсоч Шанти эса чиройли юбкада ош-хонада ёрдам берарди. Бугунги кийими унга саридан кўра кўпроқ ярашганди. Атрофда оқ танлилар кўп. Юртдошларимиз ҳам бор, улар журнал-листлар, элчилар, ички ишлар вазири ва уларнинг ёрдамчилари... Оқ танлилар коктейл ва «Кингфишер» пивосини маъқул кўрадилар. Ҳиндистонликларга эса «Блэк лейбл» вискиси бўлса бас.

Суҳбатдошлар ҳам икки гуруҳга бўлингандилар. Бизникилар, асосан, сиёсат ва крикетдан баҳслашардилар. Эмигрантлар эса дипломатик алоқалар ва катта доира вакилларининг гийбатларини қилишарди.

– Худойим, қанчалар иссиқ! Таътилга тезроқ чиқсак яхши бўларди.

– Ишонасизми, менинг оқсочим боғбон билан қочиб кетибди. Уларнинг ойлигини оширганимдан сўнг шундай қилишибди, тасаввур қилаяписизми?

– Ҳа, бизнинг замонамизда тарбияли хизматкорни топиш амри маҳол. Кимни ишга олманг бари ўғри ва қаллоб бўлиб чиқади.

Шоҳона кийинган катта комиссарнинг етиб келиши ҳаммани бир жойга тўплади. Генерал ҳам ўша одам экан. Миссис Тейлор ҳурматли меҳмоннинг қалбига йўл топиш учун куйиб-пишиб ҳаракат қиляпти. Хўжайин юзи қувонч ва бахтдан порларди. Соат ўн бирларда боғ бутунлай бўшаб қолди. Фақат бир-иккита журналист ва ички ишлар вазири қуюқ суҳбат қуриб, ҳали ҳам қимирламай ўтиришарди. Улар «Жонни Уокер» вискисининг ўнинчи қадаҳини қўлларига олиб ичишарди.

– Нега бунақаларни чақирасан-а, Чарлз? – дейди норози бўлиб хонадон бекаси. – Ҳамиша шу аҳвол. Ҳар доимгидек энди уларни ҳайдаб ҳам чиқаролмаймиз.

Семиз ва қора танли қонун ҳимоячиси Живан Кумар уйига кетмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалди ва:

– Сизни бир дақиқага мумкинми, мистер Тейлор? – деди.

Хўжайин индамай унга эргашди.

Тун ярмидан оққанди, бироқ Раму ўз ўрнида у ёқдан бу ёққа ағанаб, ухлолмаётганди. Каравотнинг гижирлашига чидолмайман, охири:

– Нима бўлди, дўстим? Нима бало ухлолмаяпсанми?

– Қандай ухлай оламан? – шикоят қилди у. – Севимли ёримнинг сиймоси юрагимни сиқяпти.

– Телбасан. Бундай фикрларни хаёлингдан чиқариб ташла, деб сенга неча марта айтдим, ахир. Агар полковник Тейлор бу ҳақда хабар топса, қийма-қийма қилади.

– Севишганларни ҳеч қандай гап билан қўрқитолмайсан. Улар ишқ йўлида жон беришга ҳам тайёр бўладилар. Нима қилганда ҳам унинг гўзаллигини эслатиб турувчи нарсаси бор энди.

Мен ўрнимдан сакраб турдим.

– Нималар деяпсан? – дедим қўрқув остида.

– Жим... ҳеч кимга айтмайсанми? Қасам ич!

– Бўлди, бўлди, қасам ичаман.

Раму ёстиғи остидан қизил матони чиқариб, тўйиб-тўйиб ҳидлайди. Хонани эса атирларнинг хушбўй ифори тутиб кетди.

– Қани нима экан-у, бир кўрай.

Қўшним худди олтин топиб олгандай авайлабгина топиламасини ёйди. Бу қизларнинг сийнабанди эди.

– Худойим! Буни қаердан олдинг? Наҳотки, сен у билан... ҳалиги ...

Қизил тўрдан тикилган аёлларнинг ичкийими жуда чиройли эди. Ўртасидаги ялтироқ тугмачаси устида «Виктория сири» деган ёзув бор эди. Сийнабанднинг қимматлиги билиниб турарди.

– Виктория, ким у?
– Виктория? Ҳеч қандай Викторияни билмайман.

– Бу матода шундай исм ёзилган, демак, бу ўшаники. Қаердан олдинг?

Ошпаз уялиб қолди.

– Мэггининг хонасидан.

– Ё Худойим, бу қандай тентаклик, Раму! Сенга болаларнинг хонасига кириш мумкин эмас, ахир! – энди бутун танам бўйлаб илон ўрмалаётганга ўхшарди.

– Томас, мени сотмасликка ваъда бергансан. Илтимос, бу ҳақда бировга оғзингдан гуллаб қўйма!

– Майли, аммо бари бир эсингни еб қўйибсан.

Жойимга қайтиб ётдим. Кўп ўтмай хонадошим тинчгина ухлаб қолди. Унга ачинаман, ахир, мистер Тейлор – дунёда ҳамма нарсани биладиган одам. Бечорани жиддий кўнгилсизликлар кутиб турганини аниқ сезаётгандим.

Икки кун сўнг қизил чироқларини милтилла-тиб, қора жип қасрга кириб келди. Ажайни олиб кетган, қуёшдан ҳимоялайдиган қора кўзойнак таққан Тьяги исмли полиция нозири хўжайиннинг хонасида жиддий қиёфада у ердан бу ерга бориб келарди. Миршаблар йигитни ошхонадан судраб, хонамизга олиб киришди. Улар қўшнимнинг ётоғини ағдар-тўнтар қилишди. Бир даста пулу олмос тақинчоқ топиб олинди. Тақинчоқнинг қаердан келганидан хабарим йўқ, аммо Раму ўғри эмаслигини биламан. Шундан сўнг улар менинг жойимни ҳам текширишди. Журналлар, футболка ва ўша қизил сийнабандни топиб олишди, лекин у қаердан менинг ёстиғим остига тушиб қолганига ҳайрон эдим.

Ниҳоят, каминанинг қўлларини ҳам жинойтчи сингари ортига қайириб, хўжайиннинг хонасига олиб боришди.

– Тейлор соҳиб, сиз бизга бир жиноятчи ҳақида хабар бергандингиз, лекин биз иккинчисини ҳам қўлга туширдик. Мана бу митти ўғрига қаранг, нимани ўмарибди.

Инспектор журналлар устига қизил сийнабандни ёйиб қўйди.

Мэггининг кўзлари ёшланиб кетди. Рамунинг эса қизнинг аҳволини кўриб, ҳушидан кетишига оз қолди. Хўжайиннинг кўзлари ғазабдан ёнди.

– Томас, сен ҳамми? – дейди миссис Тейлор.

Унинг ҳайрати қаҳрга қоришиб кетди.

– Сиз ифлос ҳиндистонликлар! – бекам юзимга беш-олти марта тарсаки туширди. – Едирасан, ичирасан, кийинтирасан, мана, меҳр эвазига нима билан жавоб берасиз!

– Керак эмас, Ребекка, – уни тўхтатди эри. – Бу тушунмовчилик. Томас яхши бола. Бу Рамунинг иши. Менга ишон.

Хўжайиннинг олдиндан биладиган қобилияти каминани панжара ортига тушишдан қутқариб қолди. Журналлар жойига қайтарилди. Фақат Квинсленда соҳили ва Тасмания чакалакзорлари мени энди аввалги каби ром этмай қўйди.

Ошпаз айбни бўйнига олди. Қизил ич кийимни ўғирлаганидан тонмади, аммо олмос тақинчоқни олмаганини йиғлаб-йиғлаб айтиб берди. Қўрқувдан дағ-дағ титраб, ҳаммасига Шантини айбдор қилди, бироқ энди ҳаммаси бефойда эди. Инспектор хўжайин совға қилган «Блэк лейбл» вискисини олиб, бечора йигитни ҳам судраб, жипга ўтқазди.

– Миннатдорман, Тейлор соҳиб. Истаган пайтингизда қўнғироқ қилинг. Сизга бажонидил ёрдам бераман.

Хўжайинлар қизларига ит совға қилишди. Кучукчанинг думи узун ва бурни кичкинагина эди.

Мэгги уни ҳақиқий Апсо¹ дейди. Қиз яхшилаб ўйлаб кўриб, итига Ровер деб лақаб қўйди.

Қасрга янги ошпаз келди. Жай Рамунинг тирноғига ҳам арзимаслиги дарҳол сезилди. Француз ошхонаси ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмас. Мистер Тейлорга унинг оилавий аҳволи кўпроқ маъқул келган. Жайнинг хотини ва икки қизи бор экан. Мана, яна биров билан хонаминг бўлишимга тўғри келади, афсус. Қисқа вақт ичида каминага хонанинг ёлғиз эгаси бўлиш ёқиб қолганди. Жай жуда айёр одам эди. Унинг кўзлари ўйнаб турарди. Ҳамхонам каминага ўз хизматкоридай муносабатда бўларди.

– Қандай орзуинг бор? – меҳрибонлик уйидаги ўқитувчимиз каби сўрайди у.

– Қизил «феррари» сотиб олсам, дейман, – унга ишонмаганим учун атайин ёлғон сўзлайман. – Сеники-чи?

– Машиналарга техник хизмат кўрсатадиган шохобчани очмоқчиман. Фақат бунинг учун жуда кўп пул керак. Элик минг топсам, қолганини бадавлат дўстим Амар қоплашга ваъда берган. Нима деб ўйлайсан, бу ажнабийларнинг фангларни кўпми?

Ҳали тўғри жойлашишга улгурмай, хўжайинларнинг уйини ўмаришни истаяпти. Хайриятки, унга асосийси маълум эмас. Полковник Тейлор – ҳамма нарсани биладиган ягона одам. Ҳали ҳаммаси олдинда.

Эргалаблари хўжайин Лоди истироҳат боғида Роверни сайрга олиб чиқарди. Кўп ўтмай, Деҳлида хўжайинлар ўз кўппакларининг ортидан тозалашлари кераклиги ҳақида қарор чиқди. Қарорга амал қилмаганларга каттагина жари-

¹ Апсо – бундай итларнинг асл ватани Тибет. Ибодатхоналарни қўриқлайдиган қоровул итлар.

ма солинаркан. Бу вазифа менга юкланди. Итни сўкиб-сўкиб ортидан тозалайман. Ҳар тонг соат олтида иссиқ ўрнимдан уйғонаман. Бу ақдсиз ит ҳар икки дақиқада ҳамма ёқни ифлос қилади. Итнинг кетини тозалаш ёқмаса-да, эрталабки сайрлар учун қулай бўлган Лоди боғини томоша қилишни ёқтирардим. Атроф ям-яшил. Дарахтлар орасида Катта Гумбаз¹ обидаси ҳам бор. Эрта тонгда спорт билан шуғулланадиганларни кўплаб учратиш мумкин. Қариб қолган кампирлар йога, озгингина қизлар аэробика билан машғул.

Тонгги сайрлар чоғида полковник бир неча муддатга ғойиб бўлиб қолишини сеза бошладим. Қизиқиш юзасидан унинг ортидан кузатиб, қуюқ баргли дарахт орасига яшириндим. Обиданинг олдида у генерал келган кечада қасрда меҳмон бўлган ички ишлар вазири билан кўришди.

– Мистер Кумар? Кеча мен сизнинг ортингиздан уйингиз олдида кондитер цехигача кузатдим, сиз эса пайқамадингиз.

Суҳбатдоши тер остида қолиб кетди ва ташвишланишни бошлайди.

– Кечирасиз, полковник, – гуноҳқорона тикилди у. – Бундан кейин эҳтиёткор бўламан. Бизларни бирга кўрмасликлари кераклигини яхши англайман.

– Албатта, мистер Кумар. Агар сиз яна эҳтиётсизликка йўл қўйсангиз, бизнинг ҳамкорлигимиз якунланади, деб кўрқаман. ИДБЎ бу қисқа сўзларни эслаб қолинг.

– ИДБЎ?

– Албатта. Изларингни думинг билан ўчир! Шундай иборани эшитганмисиз, бу жуда оддий. Манзилга ҳеч қачон тўғри йўл билан борманг. Автомо-

¹ Катта Гумбаз (1494 й.) – илгари бу обида масжид вази-фасини ўтаган.

билларни ва қайтиш йўналишларини ўзгартиринг. Кузатувчини қийнасангиз ўзи таслим бўлади.

– Яхши, полковник, мен эслаб қоламан. Яқинда сиз кутаётган маълумотларни етказаман. Ўн тўртинчи жума кунига тўғри келади. Соат саккизларда жанубий йўлда учрашамиз. Одатда у ерда одам оз бўлади.

– Келишдик.

Суҳбат шу билан якун топди. Мен тезгина Ровернинг ёнига қайтдим.

Жума яқинлашди. Каминанинг қулоғи динг, кўзларим эса катта-катта очилган. Эрта тонгда полковник хотинига:

– Савдо-сотиқ ишлари бўйича масъул бўлган Макжил бу ерда эришаётган ютуқларимизни кўрсатиш ниятида. Уйга кеч қайтаман, Ребекка. Мени кечки овқатга кутма!

– Яхши, – дейди у. – Иккаламиз ҳам уйда бўлмас эканмиз. Катта комиссарнинг хотини мени меҳмонга таклиф қилди.

Мен дарров гап нимадалигини англаб етдим. Хўжайин тезда кўздан ғойиб бўлди. Мен алданган бекамга ачиниб кетдим.

Рамудан кейинги навбат хўжайиннинг ўғлига етиб келди. Полковник уни ётоғида оқсоч билан ўпишаётган пайтда қўлга туширди. Шанти марҳум онасининг пок хотираси билан қасам ичиб, ўрталарида ҳеч нима бўлмаганлигини ва Рой бабу ундан илк марта бўса олганлигини айтса ҳамки, ялиниб-ёлворишлари бефойда кетди. Бари ана шу илк мартадан бошланади, ахир. Алалоқибат, қизни ўша ондаёқ ишдан бўшатишди. Рой эса «ифлос ҳиндистонликлар» билан яқин алоқада бўлганлиги учун жазоланди. Қутуриб кетган полковник унга, ҳатто «Кидз-март»га боришни таъқиқлади. Икки ҳафта ўтмай, гуноҳкорлар рўйхатида Ройнинг синглиси

ҳам ўрин эгаллайди. Мэгги таъқиқларга қарамай, тамаки чекаркан.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, икки ой ўтиб полковник Тейлор яна бир ёлғончини осон фош қилди. Бу унинг хотини миссис Тейлор эди. У элчи-хонадан кимдир билан яширинча учрашар экан.

– Беҳаё, сени ўлдираман! – эр-хотинларнинг ётоғидан баланд овозлар эшитилди. – Сени ҳам, ўша жазманингни ҳам бурда-бурда қилиб ташлайман.

Чил-чил синаётган чиннилар ва аччиқ калтакларнинг овози яққол қулоққа чалинди. Кечқурун Ребекка хоним овқатланишга тушмайди. Болалар отасидан ҳайиқиб, ундан қалбан узоқлашдилар. Бечора миссис Тейлор! Қаттиққўл эри уни дарров қўлга туширди. Ўзи эса қари Кумар билан боғларнинг бурчак-бурчакларида сирли равишда учрашиб юрибди. Мени қўрқув босди. Ҳамма нарсани биладиган одам Шантарамни қандай ўлдирганимдан хабар топса-я.

Жай каминани бутунлай қийнаб юборди. Беш юз минг рупийни ўғирлаш фикри унга тинчлик бермас, у эса бу ҳақда айтиб, менга тинчлик бермасди. Бу борада хўжайинга айтмоқчи эдим, бироқ оиланинг бошига ташвиш тушди. Тўсатдан мистер Тейлорнинг Аделаида шаҳрида яшовчи онаси вафот этди. Илк марта қаттиққўл ҳарбий қалбида аслида шунчаки оддий инсон яширинганини кўрсатди.

– Бир ҳафтага кетишга тўғри келади, – деди у синиқ овоз билан. – Қаср ёпиб қўйилади. Сиз Томас билан ўз хонангизда овқатланишингиз мумкин.

Рой ва Мэгги тушкун кайфиятда, миссис Тейлорнинг кўзлари эса қип-қизил. Бхагвати ҳам ёшларини яширмайди. Фамгин қиёфаларга боқиб, мен ҳам ўзимни тийиб туролмайман. Бу

уйда ёлғиз Жайгина мақсадини амалга ошириш имконияти туғилганидан хурсанд эди.

Ўша тунда хонадошим бутун қасрни ағдар-тўн-тар қилиб чиқди ва хўжайиннинг тақиқланган хонасини топди. У биринчи бўлиб қасрда электр токини ўчирди. Кейин қулфни бузиб, панжарани ҳам қўпоришга муваффақ бўлди. Ниҳоят, ёғоч эшикни синдирди. Ярим тунда даҳшатли овоздан уйғониб кетдим. Хўжайиннинг хонасига қараб югурдим. У ерда Жай бошини деворга урганича дод солиб йиғларди.

– Ифлослар! Шоҳлардай яшашади, бироқ уйларида бир тийин ҳам йўқ.

Хаёлимда эса сиренанинг овозлари эшитила бошлайди. Бу уйда ҳаммасини олдиндан биладиган одам алақачон ошпазнинг бу қилмишидан хабар топгандир? Агар мени ўғрининг шериги сифатида қўлга олишса, нима қиламан?

– Жай, эсинг жойидами? Бу нима қилганинг? Нега? Нима учун?

– Бу ажнабийларнинг уйига бойликларини ўма-риш ниятида ишга жойлашгандим. Ахир, мен ҳақиқий ўғриман. Саккиз йил қамоқда ўтириб чиққанман. Олти ой шу хонадонга ўғриликка кириш учун ҳаракат қилдим. Демак, беҳудага уринган эканман. Бекорга вақт сарфлаганим қолди. Мен қўлимга илинган ҳамма нарсани олиб кетаман. Ортимдан йиғиштириб қўй, полицияга айтсанг, суякларингни синдираман. Эшитдингми?

Ўғри кетгач, пайтдан фойдаланиб, хонани кўздан кечираётгандим. Атрофда эса сирли нарсалар кўп эди. Микрофонлар, митти, кўзга ташланмайдиган камераларни кўрдим. Ён дафттарчаларда қайд қилинган ҳарфлар, ёзувлар ва рақамлар кўп эди. «Жосуслик санъати», «Махфий жосуслар учун зарур кўрсатмалар» синга-

ри китобларнинг сон-саногии йўқ эди. «Мутлақо сирли» ва «Фақат хизматчилар учун» сингари ҳужжатлар, қандайдир чизмалар, «Сув ости кемасининг режаси», «Ядровий қуроли чизмаси». Бунинг устига видеокассеталар жамланган кичкина қутига кўзим тушди. Улар алфавит билан жойлаштирилган. «Ажай», «Бхагвати», «Катта комиссар», «Живан», «Жонс», «Мэгги», «Макжилл», «Рей», «Рамеш», «Ребекка», «Рой», «Шанти», «Стюарт»... ва ниҳоят – «Томас». Мен ўз номим ёзилган дискни видеоплейерга қўйдим. Экранда камина пайдо бўлади. Ошпаз билан гаплашаётганим, қизил кундалигимга ёзаётганим ва, ниҳоят, ухлаётганим суратга олинганди. Бу ерда Шантарам тасвирга туширилмаганмикан, деб қарайман. Миссис Тейлорнинг дискини олиб қўйдим. Бекам оппоқ чойшаб тўшалган тўшакда ётарди. Кўп ўтмай хонага эркак киши кирди ва у аёлни қучоқлайди. Мен фақат унинг ортидан кўраман. Ошиқ-маъшуклар ўпишдилар. Бўсалар узоқ давом этди. Мана, ниҳоят, эшик тақиллайди. Нотаниш одам ўрнидан туриб, экранга қарайди. Бу ахир... ахир ўша катта комиссар-ку. Қўрқиб кетганимдан тезда плейерни ўчириб, дискни дарров жойига қўйдим. Бир неча дақиқа нима қилишни билмай, хонанинг ўртасида қаққайиб турдим. Бу ерда суратга олиш ишлари давом этаётган бўлса керак. Мистер Тейлор қандай қилиб ҳаммасини билиб олишининг сабабини энди англадим. У уйнинг барча бурчақларига қўнғизчага ўхшаш камераларини ўрнатиб чиққан. Демак, полковник – жосус. Афсуски, камина махфий айғоқчилар овчиси Стив Нолан эмас-да, камтарин қулингиз, оддий бир хизматкор. Бу оилада унга ойига бир ярим минг рупий тўланади, ҳозир бу пул қирқ уч ярим мингга етган. Улар оддий рақамларга ай-

ланиб қолишига сира йўл қўйиб бўлмайди, ахир. Ниҳоят, узоқ бош қотириб, телефон гўшагини қўлимга олдим ва хўжайиннинг уяли телефони рақамларини тердим.

– Безовта қилганим учун узр, сэр, аммо уйингизни ўмариб кетишди. Жай кўзига яхши кўринган нарсаларни ўғирлабди. Хонангизнинг эшиги ҳам синган.

– Нима?

– Ҳа, сэр. Афсусдаман.

– Гапимни диққат билан тингла, Томас. Синган қулфни ташлаб юбор. Бошқасини ўрнатиб, танбалаб қўй! Бироқ ўзинг уйдан сира ташқарига чиқма! Агар сигнализация ишлаб кетса, ноль-ноль-ноль-етти рақамларини тергин. Тушундингми? Кейин яна уч-ноль-етти босишинг билан сигнализация ўчади. Эртага кечқурунги рейс билан тезда учаман. Мен етиб боргунимча кўз-қулоқ бўлиб тур. Асосийси, хонамга тирик жон кирмаслиги керак. Полицияга хабар берма.

– Тушундим, сэр.

Полковник Тейлор ватанига онасини охири манзилга кузатиш учун борганди, бироқ бари бир уни тупроққа топширмай қайтди. Таксидан ўқдай отилиб тушди-ю, ўшандай тезлик билан кабинети томон югурди.

– Худога шукр! – деди у енгил нафас олиб. – Яшавор, Томас, сенга ишониш мумкинлигини билардим.

Орадан яна олти ой ўтди. Қасрга янги ошпаз ишга келди. Бхагвати хўжайиннинг машинасини сўрамасдан дўстининг тўйига миниб боргани учун ишдан ҳайдалди. Мэггига навбатдаги йигити билан учрашиш таъқиқлаб қўйилди. Рой гиёҳванд моддаларни қабул қилгани туфайли жиддий жазога тортилди. Мистер ва миссис Тейлор

ўртасидаги совуқ муносабат сақланиб қолган. Тахминимча, хўжайин ва Живан Кумар ҳали ҳам кўздан нари бўлган пана-пастқам жойларда яширинча учрашиб юришибди.

Ака-сингил меҳмонхонада «Скрабл»¹ ўйнашаётганда, каминани ҳам чақиринди. Мэгги ҳар доимгидек ғолиб бўлди. Унинг сўз бойлиги ниҳоятда бой. Бу учликда энг кучсиз менман. Баъзан миямга янги сўзлар келади, аммо Мэггини мағлуб қилиш осон иш эмасди. Жазо сифатида бугун эрталабдан телефоннинг ёнида ўтирибман. Меггининг навбатдаги йигити, қувилган Жеймс қўнғироқ қилиши кутилаётди. Хўжайиннинг қизи отаси ўз хонасидан гўшакни кўтармасидан илгари унга жавоб беришим кераклигини уқтирди. Ниҳоят, ўн беш дақиқадан кейин қўнғироқ бўлди. Чаққонлик билан гўшакни олдим, аммо полковник Тейлор мендан эпчил чиқди:

– Алло.

Гўшакдан оғир ва асабий овоз эшитилди. Бу Живан Кумар эди.

– Эртага Ҳиндистон дарвозалари яқинидаги музқаймоқ дўкони олдида кўришамиз. Сўраганларингизни топдим, динамитни ҳам.

– Яхши, – деди мистер Тейлор ва тезгина алоқани узди.

Кейинроқ хўжайин бир шиша пивони симириб, севимли сериалининг навбатдаги қисмларини томоша қиларди. Бу сафар бош қаҳрамонга қийин топшириқ юкланган. Унинг узоқ йиллик яқин дўсти ғанимларнинг айғоқчиси бўлиб чиқди. Стив Нолан қайғуга ботган, у бу вазиятда нима қилишни билмайди. Мана, у сувга тушган бўлка нондай бўшашиб, барменнинг қаршисида

¹ Скрабл – сўз ўйини.

ўтириб, виски ичяпти. У атрофда юзи бошқа, дили бошқа одамлар кўпайганини, дўст билан душмандан фарқлаш қийинлиги ҳақида гапирди. Барменнинг сўзлари Стивга қаттиқ таъсир қилди. Жосуслар овчиси ўрнидан югуриб турди ва қизил феррарисига ўтирди. У маст ҳолда машина бошқариш мумкин эмаслигини ҳам унутиб, дўстининг уйига борди ва юрагида йиғилиб қолган гапларини юзига айтиб ташлади. «Сен яхши одамсан, лекин ёмон ишлар билан шуғулланасан. Дўстликни қадрлайман, бироқ Ватан азизроқ. Кечир», шундай дея Стив Нолан тепкини босди...

Эртасига кечқурун соат ўнларга яқин қаср олдида қора жип машинасининг қизил чироқлари милтиллайди. Унинг ёнида эса элчихона машинаси турарди. Бир вақтлар шу уйга келиб, Рамуни олиб кетган инспектор бу сафар хўжайиннинг қўлига кишан тақди. Ўн дақиқадан сўнг катта комиссар етиб келди.

– Бу қанақаси? – бақирди у миршабларга. – Нимага асосланиб, ташқи ишлар вазирлиги полковник Тейлорни жосус деб топди ва нима сабабдан қирқ саккиз соат ичида мамлакатни тарк этиши керак, деб талаб қиляпти?

– Бизда етарлича далиллар бор. Бу одам элчи ниқоби остида ўзининг яширин фаолиятини олиб борган.

– Далиларингиз сохталаштирилган бўлиши ҳам мумкин.

– Қўлига ўта махфий бўлган маълумотларни олаётганида қўлга туширганмиз. Унинг шериги ички ишлар вазирлиги вазири Живан Кумар.

Хўжайининг башараси ўликнинг рангидай оқариб кетганди. Унинг ҳиндистонликларни

ифлос, деб мазах қилиши сира эшитилмасди. Катта комиссар оғир ва чуқур нафас олди.

– Шунча йил хизмат қилдим, лекин бирорта одамимни жосуслиқда айблашмаганди ва махфий кузатув хизматига қарши ташкилот айғоқчиси сифатида ишдан четлаштиришмаганди. Яна бир марта текшириб кўринг, Чарлз бундай ишлар билан шуғулланганини ҳеч ақлимга сиғдиrolмаяпман. Яна ўзингиз биласиз, – шундай деб у полициячининг кўлидан тутиб чеккароққа тортди. – Мистер Чопра, шу йиллар ичида сиз мендан қанча «Блэк лейбл» вискисини олганингизнинг саноғи йўқ. Атиги биттагина саволимга жавоб олсам майлими?

– Албатта.

– Чарлзни қандай қўлга туширдингиз, шуни билмоқчиман. Уни ким сотди? Шеригими?

– Живан Кумарнинг бунга сира алоқаси йўқ. Аксинча, сизникилардан кимдир эрталаб инспектор Тьягига қўнғироқ қилган. У соат саккизда мистер Тейлорни Ҳиндистон дарвозалари ёнида кутишимиз кераклигини қаттиқ тайинлаган. Сизни ишонтириб айтаманки, комиссар, бу ёлғон маълумот эмас экан. Биз чиндан ҳам зарур махфий ҳужжатларни қўлга олаётганида уни ҳам, шеригини ҳам фош қилдик.

– Ишонолмайман. Сизга хабар берган одам бизникилардан эканлигига ишончингиз комилми?

– Албатта. Элчи жаноблари, нима десам экан, у австралияча шевада гаплашди.

Эртасига полковник Тейлор Деҳлидан ёлғиз ўзи учиб кетди. Хотини ва болалари эса бир оз вақтдан кейин унинг ортидан ватанларига жўнадилар. Хайрлашиш фурсати етиб келди. Менга олтига футболка, бир нечта журнал ҳамда бели синмаган элик икки минг рупий насиб этди. Ройни таниб бўлмасди. Гиёҳванд-

ликка берилиб кетганидан озиб қолганди. Мэгги эса Жеймсни деб буткул эс-ҳушидан айрилганди. Миссис Тейлордан хавотир олмаса ҳам бўлади. Катта комиссар ундан бир қадам ҳам нари кетмайди. Мен бу оила билан хайрлашиб, Мумбайга Салимнинг ёнига жўнадим. Ажойиб учрашув бўлади-да ўзиям.

Смита соатига қарайди. Тунги икки...

– Бугунга етар, менимча? – шунчаки қизиқиб сўрайман мен.

– Иложсизмиз, вақтимиз оз. Эртага сенга расмий айблов қўйишади.

Қиз пультага қўлига олди.

Яна рекламали танаффус. Бошловчи менга луқма ташлайди.

– Биласанми, Томас, ҳамма нарсанинг ози яхши. Гаров бойлайман, кейинги саволга жавоб беришга ақлинг етмайди.

Яна мусиқа чалинди ва Прем Кумар экранга қайрилди.

– Биз бешинчи саволга ўтамиз. Хориж элчисининг махфий кузатув хизматига қарши ташкилот айғоқчиси, деб эълон қилиши қандай маънони англатади? Жавоблар: а) унга бошқача ҳурмат-эътибор кўрсатилади; б) унинг хизмати яна бир оз узайтирилади; с) эзгу ниятли дипломат; д) махфий жосус, душман, деб эълон қилинади. Савол тушунарлими, мистер Томас?

– Ҳа, – дейман мен.

– Қани, энди, жавобни эшитсак. Эсингизда бўлсин фойдаланишингиз мумкин бўлган икки имкониятингиз бор. Жавоб топишга қийналсангиз, дўстингизга қўнғироқ қилишингиз ёки эликка элик имкониятидан фойдаланишга тўла ҳақлисиз. Хўш, нима дейсиз?

- D.
- Кечирасиз?
- D жавоб – махфий жосус.
- Бу шунчаки тахминми? Демокчиманки, таваккал қиялпсизми? Битта хато ўн минг рупийга тушади, ўйлаб кўринг.
- Мен саволга жавобни биламан, жаноб.
- Залдагилар ўз ҳайратларини яширмайдилар.
- Сиз юз фоиз ўзингизга ишонасизми?
- Ҳа.
- Яна дўмбира садолари янграйди. Маълумотлар ойнасида эса тўғри жавоб ёнди.
- Сиз ҳақсиз. Жавоб тўғри, мистер То-о-мас! – қичқирди бошловчи. – Табриклайман, сиз элик минг рупий ютиб олдингиз!
- Мухлислар олқишлашди ва, ҳатто, баъзилар хуштак чалиб юборишди. Прем Кумар эса пешанасидан оқаётган терни артди:
- Ҳа, мистер Томас, индамас бўлсангиз-да, кўп нарсани биладиганга ўхшайсиз. Кесакдан ўт чиқди, деб шунга айтсалар керак-да!

ЮЗ МИНГ РУПИЙ: ТУГМАЛАРИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ

– Бўлди, бар ёпилди. Уйга қайтиш вақти бўлди, – дедим баланд овозда.

– Йў-ў-ўқ, и-и-илтимос, – мижоз ялиниб бўшаб қолган стаканини мен томонга сурди. – Яна юз грамм, йўқ деманг.

Мен соатга қарайман. Ўн иккидан қирқ беш дақиқа ўтибди. Таомилга кўра, бар соат тунги биргача ишлаши керак эди. Ноилож тақдиримга тан бериб, бир шиша «Блэк дог» ромини қўлимга олдим.

– Юз рупий, сэр.

Мижоз ташқи чўнтагидан мажақланиб кетган юзталиқни стол устига қўйди.

– Раҳмат, б-б-б-бармен.

У қадаҳдаги ромнинг бир томчисини ҳам қолдирмай охиригача симириб, бутун бўй-басти билан полга қулади. Бир йўла стол устидаги бўшаган шишаю қадаҳни ҳам тушириб синдирди. Орадан, ҳатто дақиқа ўтмасидан, хуррак отишга тушди. Мана энди бу пиёнистанинг ортидан йиғиштириш, бир-икки кўнгилли билан амаллаб оёққа турғазини, таксига ўтқазини ва уйигача соғ-саломат етказиб қўйини керак. Яхшиямки, ичимлик учун пулни олишга улгурибман, чойчақа ҳақида унутиш зарур энди. Ўзим айбдорман, мижоз исталган дақиқада ерга қулаши мумкинлигини кўриб турардим, ахир. Охирги юз граммга ошқозони дош беролмади. Ҳар доимгидек адашибман. Икки ойлик тажрибам мижозларнинг қанча миқдорни кўтара олишини аниқлашга етмайди-да, бари бир, бироқ пиёнисталарни наму-

нали классификация¹ қилишни ўргандим. Унда биринчи погонани отлар банд этади. Бунақалар саккиз қадаҳдан сўнг отга ўхшаб пишқириб, сакрашга тушади. Ундан кейин эшаклар ўрин эгаллайди. Бу акалар икки-уч юз граммдан сўнг эшакка ўхшаб, қайсару ақлсиз бўлиб қолишади. Итлар бу рўйхатнинг учинчи поғонасида. Улар қанчалик кўп баҳслашсалар, шунча кўп бир-бирларини ғажишга тайёр туришади ва бу тортишувлар кўпинча фожиа билан тугайди. Сархуш бўлиб, айиққа айланиб қолганларни эса сира тинчлантиришнинг иложи йўқ. Энг ёмони, бу чўчқалардир. Охирги қадаҳдан кейин ҳаммаси ташқарига отилиб чиқади. Камина икки ойлик барменлик фаолияти давомида отлардан тортиб, чўчқаларгача кўришга улгурди. Хайриятки, ҳозирги мижоз чўчқага ўхшаб қўсмади. Ниҳоят, охирги пиёнистани ўрнидан турғазиб, уйига жўнатиб юбордим. Соат миллари ўнта кам иккинни кўрсатарди. Бир неча соатдан сўнг тонг отади. Меҳнат таътилига чиққан Рози отаси билан Гога кетаётганидан бери Дхаварадаги кулбамга кеч қайтиш камина учун одатий ҳолга айланди. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Ичимликни тўғри тақсимлай олишимни айтишга бало бор эдими?

Колабадаги «Жимминикида» ресторани. Бу – деворлардаги нақшли суратлар, ойналар ёнидаги ҳайкаллар ва жанубий Мумбайдаги энг яхши мейнуга эга емакхона. Бу ернинг овқатлари бошқа ресторанларга қараганда анча арзон, шунинг учун ҳам мижозларнинг кети узилмайди. Иш бошқарувчи ресторан ходимларидан мижозлар билан гаплашишни ё улар билан бирга ўтириб ичишни таъқиқлаб қўйди. Бу ердаги ҳақиқий бармен бу Альфред Де Соуза, у барча ичувчилар-

¹ Классификация – табақалаштириш.

нинг номини эсида сақлай олишга ва улар билан исталган мавзуда қизгин суҳбат қуришга қодир ҳақиқий истеъдод эканлигини тан олиш керак. Қизи ҳам кетворган-да. Ҳаддан ортиқ калта юбка ва кўкрагигача очиқ кофта билан мижозлар ёнига чиқиб, бир эгилса борми, улар икки ҳисса кўп буюртма бериб юборганини ёки икки баравар кўп ҳақ тўлаб қўйганини сезмай қолишади. Баъзан Розининг бундай эгилиши каминага қимматга тушади. Ичиб олиб шерга айланган мижозлар уни осон қўлга илинадиган ўлжа деб ўйлайдилар ва менинг тез-тез ака ролини бажаришимга тўғри келади. Мистер Альфред Де Соуза мен ва ёшгина қизи ўртасида нимадир пайдо бўлаётганига ишончи комил. Шунинг учун қизи ёнимда бўлса менга кўз-қулоқ бўлиб туради, бироқ у адашади. Қизи чиндан ҳам гўзал. Навниҳолу мафтункор гўзалнинг кўкраклари ҳам эсни оғдирадиган даражада тирсиллаб турибди. Баъзан у менинг ёнимда атайин эгилиб, нимагадир ишора қилаётгандай туйилади. Бироқ камина бундай ишораларга учадиганлардан эмас. Кўзим Нитадан бошқасини кўрмайди. Шифокорларнинг айтишича, унинг соғайиб, оёққа туриб кетишига тўрт ой керак экан. Шьям бизга ҳеч қачон кўришишга рухсат бермайди. Шунинг учун ҳам мен Мумбайга қайтдим. Ўтмишдаги тиригу ўлик хотиралардан қутулиш учун... Фақат ўзингдан қандай қочасан. Хотиралар ҳар қадамда безовта қилади. Шаҳар кўчаларида омадсиз астроном Шантарам баъзан олисдан пайдо бўлиб мени азоблайди. Актриса Неелима Кумари кутилмаганда поездларда кўриниш беради. Афишаларга қарашга қўрқаман, Салимнинг кўзлари худди каминани таъқиб қилаётгандай туйилади.

Мен собиқ дўстимни ваҳима ичида яшаётган ҳаётимга ва амалга ошмайдиган режаларимга тортгим келмайди.

Мана, каминанинг атиги юз метр квадратдан иборат бўлган харобгина хонаси. Бу торгина хонага адашиб қуёш нури ҳам тушмайди, тоза ҳаво ҳам ораламайди. Ҳар сафар поезд ўтаётганида, кулбамнинг томи устимга тушиб кетадигандай қимирлайди. Қўл ювиш хонаси ҳам йўқ. Бардаги официантининг бундан ортигини эса чўнтаги кўтармайди, хуллас, ит ётиш, мирза туриш. Бироқ бу ерда ёлғиз мен бундай аҳводда эмасман. Миллионлаб камбағаллар худди шундай яшайдилар. Осие́нинг энг катта харобаларида дунёнинг турли бурчакларидан келганлар бир қарич ер учун аёвсиз курашадилар. Ҳар куни бу ерда бир қултум сув сабаб қонли тўқнашувлар, қўрқинчли тўполонлар бўлиб туради. Маҳаллий аҳоли дайди ҳайвонлар каби яшаб, худди митти сувараклардай ўлиб кетишади. Бу харобаларда қўним топиш учун қаерларданки одамлар келмайди, дейсиз, Бихара саҳроларидан ё олис Гужаротдан... Ҳамма Мумбайга бир мақсадни кўзлаб қадам босади. Бой бўлиш ва қувноқ ҳаёт бошлаш, аммо уларнинг умидлари аллақачон армонга айланган, мол-давлатга бўлган ҳавас эса юракларини тошга айлантирган. Ақллари эса чиришни бошлаган. Меникига ўхшаб...

Дхавара таъсирчан одамлар учун эмас. Деҳлидаги меҳрибонлик уйида бизни камситишарди, бу ердаги ҳаёт эса руҳимизни ўлдиришга улгурди. Дим ҳаво, сассиқ ҳид, атрофингда оч сичқонлару каламушлар... Кемирувчилар гўнгининг ҳидидан нафасинг қайтади. Қоронғи тунда қитирлашидан ўзингни еб қўймасин, деб қайғурасан. Баъзан қўланса ҳиддан бўғилиб қолмаслик учун

бурнингни ёпиб оласан. Шундай бўлса-да, омонат турган чайлалар одамларнинг аксариятига бу ҳақиқий ватан, бошпана ва ўлан тўшаги...

Савдо марказлари, баланд иморатлар, маҳобатли қасрлар орасида биз яшаётган харобалар Мумбайнинг саратонга чалинган аъзосига ўхшайди. Шаҳар шундай яраси борлигини гўё билдирмайди. Уни тан олишга-да қўрқади. Сабаби, бу ер жиноятчилар уяси. Дхаварада кулбаларнинг кўпчилиги ҳеч қандай рухсатсиз қурилган. Ҳукумат кўчада яшашингиз ёки тақдирингиз нима бўлишини ўйлаб ўтирмай истаган пайтида уларни ер билан яксон қилиши мумкин. Бу ердаги аҳолининг аксарияти қўрқмасдан ҳеч қандай рухсатсиз шундай хароб хоналарида яшайдилар, яширинча электр энергиясидан фойдаланадилар, яроқсиз сув ичадилар ва, ҳатто, таъқиқланган телеканаллар кўрсатувларини кўрадилар. Бундан ташқари ҳужжатсиз ишлашади ва чиптасиз шаҳар поездларида юришади. Кундан-кунга ўсиб бораётган саратонни тўхтатишнинг иложи йўқ. Аста-секин ўликлар кўпайяпти. Тўғрироғи, Дхаравада менга ўхшаб руҳи тарк этган жонсиз таналар кўчаларни кезиб юради, холос. Уларни сира тирик деб бўлмайди. Мен ҳар куни Дхаварадан «Жимминикида» ресторанига йўл оламан. Ишимнинг яхши томони шундаки, кун ярмидан илгари иш бошланмайди. Тонгга қадар қўпол ичувчилар, ҳушсиз пиёнисталарга хизмат қилишга сарфланган кучни тўплаш учун дам олишга вақт етади. Биласизми, мен бир ёзилмаган қоидани тушундим. Виски – ажойиб тенглаштирувчи восита экан. Сиз реклама бизнесининг энг уддабурон менежери ёки номи машҳур омадли тадбиркор ёки энг моҳир темирчи бўлсангиз ҳам виски ичишни билмасангиз, обрўйингиз бир пул.

Шантарам билан боғлиқ фожиадан сўнг, пиёнистлар билан мулоқотга киришолмасам керак, деб ўйлагандим. Бироқ шу ердан бошқа жойда иш тополмаганингдан сўнг, қисматга кўнишга мажбур бўларкансан ва охир-оқибат вискидан нафратланмай қўяркансан. Қулоқларинг сархуш мижозларнинг ҳақоратли сўкишларига кўникиб қоларкан. Ҳарқалай, бу Дхарава кўчаларида ҳар куни содир бўладиган зўравонликларни ё тўқнашувларни гувоҳи бўлишдан яхшироқдай туйилади. Мен пиёнистлар билан суҳбат чоғида, ҳатто уларнинг сўзларига ўзимни қизиқаётгандек қилиб кўрсатишга эришдим. Худди дунёда хиёнаткор аёллар, номард бошлиқлар ҳақида биринчи марта эшитаётгандай, «Наҳотки?», «Шунақаси ҳам бўладими?» деб тинимсиз такрорлаб турадиган бўлдим.

Ана шу муҳитдан сиқилиб кетдим. Ҳар куни «Ким миллиардер бўлишни истайди?» телевикторинаси ходимларидан нома келишни интиқ кутардим. Бироқ хат ташувчи бурчакдаги қайсидир қаҳвахонанинг пицца ейишга бепул таклифномасини ташлаб кетди. Ички сезги ақлимни заҳарлайди. Бу ўйинда иштирок этишдан мақсадим – оддий официант ҳам нималарга қодирлигини бир кўрсатиб қўйиш эди. Балки оқимга қарши сузаётгандирман-а. Бу ишда қудратли кучлар сафарбар этилган. Шундай экан, курашиш бефойдалигини англаб турибман. Бироқ хотираларимда Нитанинг кўз ёшлари мени қийнайди. Неелиманинг ноалари эса юрагимни эзади. Мен викторинада қатнашишим керак. Унгача эса пиёнистларнинг ҳикояларини эшитишимга тўғри келади. Ҳикоялар баъзан яхши, баъзан кулгили, баъзан қайғули ва баъзан жирканч. Улар орасида фақат биттасигина бошқаларига ўхшамайди. Тун ярмидан оққанди. Би-

роқ бир мижоз ҳеч жойидан қўзғалай демасди. Бахтимга бугун тонггача ишлашимнинг охирги куни. Эртага Рози отаси билан қайтиб келяпти. Ниҳоят, мен ҳам одамлар каби уйимга вақтида қайтаман.

Соат ўндан бери унга ўнинчисини қуйиб бер-япман. Мижоз ўз «мерседес»ида келганди. Ичида ҳайдовчи бошлиғини кутиб, мизғиб ўтирибди. Вақт – ғанимат, ахир, хўжайин ҳеч қаерга шошилмайди-да. Эркак ўттиз ёшдан ошган ва яхшигина кийинган эди. Қимматбаҳо костюм, шойи галстук ва қоп-қора чарм пойабзал.

– Менинг қадрли укам, қадрли укам! – ҳар икки гапнинг бирида шундай мурожаат қиларди у кабоб билан «Блэк лейбл» вискисини секин-секин эрмак қиларкан. Иш бошқарувчи менга қайрилиб:

– Томас, ана у жанобнинг ёнига ўтир ва укаси ҳақида сўра. Бечора жойида михланиб қолганга ўхшайди, – деди.

– Аммо, соҳиб, ярим тундан ошиб қолди, балки ундан кетишини илтимос қиларман. Менинг поездим соат бир яримда ўтиб кетади.

– Мен билан баҳслашяпсанми? Яна шунақа қиладиган бўлсанг, тишларингни санаб қўяман, – таҳдид қилди хўжайин. – Мижознинг ўз «мерседес»и бор, сен бўлсанг... Бор у билан гаплаш, қўнглининг чигили ёзилади. Одамга савоб ҳам керак... Балки, у қимматроқ ичимликларга буюртма берар.

Иш бошқарувчига ўқитувчисидан ранжиган мактаб ўқувчисидай тикилиб, истамайгина мижознинг қаршисидаги курсига чўкдим.

– Менинг қадрли укам, аввало, узр сўрайман. Узоқ ўтириб қолдим-а! – дейди у иштаҳаси йўқ одамдай товоқдаги гўштни санчқи билан айлан-тириб қўяркан.

– Укангизга нима бўлган, сэр? – сўрайман ўзимни астойдил қизиқаётган одамдек кўрса-тишга уриниб.

У секин бошини кўтариб, менга шунақанги мунгли нигоҳ ташладики, иш бошқарувчининг га-пига кириб, бу саволни берганимга афсусландим.

– Нега ярамни янгилаяпсан?

– Узр, сўрайман, сэр. Баъзан одам қалбидаги офир юқдан қутулиши учун кимгадир ёрилиб ту-риши керак, назаримда.

– Қайғу янгиланади, ҳатто виски ҳам дардни унутишга ёрдам бермайди.

– Яхши, сэр, келинг, ўзингиз ҳақингизда га-плашамиз.

– Менинг кимлигимни биласанми?

– Йўқ, сэр.

– Мен Пракаш Рао, «Сурия-индастриз» номли Ҳиндистонда тугма ишлаб чиқарадиган энг йи-рик фирманинг хўжайиниман.

– Тугма?

– Худди шундай. Кўйлак, юбка, пальто, кофта, шимлар, умуман, барча турдаги кийимлар учун тугма ишлаб чиқарамиз. Қанақа хилларини ўй-лаб топмаймиз, дейсан? Чармдан, матодан, туя суягидан, мол шохидан, чиганоқлардан ва, ҳатто, ёғочдан ҳам тугма тайёрлаймиз. Фирмамизнинг рекламасини кўрганмисан? Фақат «Сурия-инда-стриз»да, турли хилдаги кийимлар учун танлаш имкониятига эга бўласиз. Баҳс бойлашим мум-кин, эгнингдаги ана шу кўйлакнинг тугмаси ҳам фирмамиз маҳсулоти.

– Укангиз-чи, унинг исми нима?

– Арвинд Рао. Бахтсиз ва қадрли укам Арвинд! – у яна қайғуга ботди ва вискини симирди. – Мен унинг ўрнини эгалламасимдан илгари у «Сурия индастриз»нинг бошлиғи эди.

– Қандай қилиб, бундай бўлди? Рухсат этсангиз кечагина ресторанимизга Шотландиядан келтирилган «Сингл мальт» вискисидан қуйиб берсам, – вақтни бой бермай фурсатдан фойдаланиб қоламан мен ҳам.

– Раҳмат. Унинг ғаройиб ифори бор. Одамнинг иштаҳасини қитиқлайди. Буни мен Маврикияда жойлашган Порт-Луидаги соҳил бўйида илк марта татиб кўрганман.

– Укангизнинг ўрнини эгаллаганингизни айтгандингиз.

– Ҳа. У ажойиб одам эди. Кутилмаганда эсдан олиб қолди ва жойидан айрилади.

– Наҳотки? Ерэнфоқларингиз тугаётган бўлса, олиб келиб берайми?

– Бу жуда ҳам узун ҳикоя.

Худди шу ерда Розининг кўп такрорлайдиган ибораси ёдимга тушиб кетди:

– Тун эндигина туғилди. Шиша лиммо-лим. Шундай экан, бошласангиз ҳам бўлади.

– Сен менга дўстмисан? – сўрайди сархуш киши.

– Албатта, – қулоғимгача иршайиб ишонтиришга ҳаракат қиламан мижозни.

– Унда эшит. Мен бугун кўп ичиб қўйдим. Агар билсанг, маст одам ҳамиша рост сўзлайди. Гапим тўғрими, биродар?

– Сиз ҳақсиз.

– Менинг қадрли ва меҳрибон укам Арвинд, тадбиркорлик борасида омадли эди. У бу соҳага бор иқтидорини бахшида этди. «Сурия индустриз»ни нодан кўтарди, десам янглишмайман. Бошида Ҳайдарободнинг эски бозорида ковуш сотардик. Чорминор¹ яқинидаги бозорни эсла-

¹ Чорминор – бу обида Ҳиндистоннинг миллий тимсолларида бири.

санг керак. Укам бор меҳрини бериб, империя яратди ва у мерос бўлиб менга қолди.

– Сиз ишларни юритишда укангизга ёрдам бериб тургандирсиз?

– Йўқ деса ҳам бўлади, чунки мен омадсиз эдим. Ҳатто олийгоҳга кириш имтихонларидан ҳам йиқилганман. Арвинд раҳми келганидан мени қаноти остига олганди ва савдо бўлимига жойлаштириб қўйганди. Қўлимдан келганича яхши ишлашга интилдим ва укамнинг иқтидорим борлигига ишончи ортди. Алал-оқибат у мени хорижий савдо алоқалари бўлими бошлиғи лавозимигача қўтарди. Мен фирмамизнинг Нью-Йоркдаги офисида ишлардим.

– Нью-Йорк! Ахир, бу зўр-ку! Ажойиб жой бўлса керак-а?

– Сўрама, ажойиб ҳам гапми? Бироқ ишим осон эмасди. Эрталабдан кечгача тиним билмасдим. Ҳамкорлар, савдо агентлари билан учрашиб, буйруқларни расмийлаштираддим. Метрода қатнаб, буюртмаларни ўзим етказардим.

– Тушунаман. Кейин нима бўлди? Бир дақиқа тўхтаб, мен ҳозир сизга тоза кабоб олиб келаман.

– Миннатдорман, биродар. Нью-Йоркда мен Жюли билан танишдим.

– Жюли? Ким у?

– Унинг ҳақиқий исми – Эрзули¹, лекин ҳамма уни Жюли деб чақирарди. Қора танли, қомати келишган, истараси иссиқ, қўнғироқ соч ва лаблари қалин қиз. У офисда фаррош бўлиб ишларди. Жюли Гаитидан эди. Бу мамлакат ҳақида эшитганмисан?

– Йўқ. У қаерда?

– Бу Кариб оролларидаги кичкинагина мамлакат. Мексика яқинида жойлашган.

¹ Эрзули – пуду анъаналарига кўра, аёл руҳининг исми.

– Шундай қилиб, сиз Жюли билан учрашишни бошладингиз...

– Йўқ, дарров эмас. Бошида биз ҳамма каби шунчаки саломлашардик.

Қизнинг рухсатномаси йўқлиги аниқ бўлибди. Бечора ёнимга келиб унга иш берувчи сифатида кафил бўлишимни ялиниб сўради. Шундай қилсам қиз Америкада бемалол қола оларди. Оқ кўнгиллигим учун мен бу гўзалга ҳомийлик қилишга рози бўлдим. У эса каминага тўшакда ўз муҳаббатини ҳадея этарди. Тўғриси айтсам, дўстим, унга ўхшаган аёлни сира учратмаганман. Мана, кайфим ошиб қолди. Ҳозир мастман. Маст одам эса ҳамини рост сўзлайди, шундайми?

– Тўппа-тўғри, яна бир қадаҳ қуяйми?

– Раҳмат, дўстим. Сен жуда меҳрибонсан. Ҳатто Жюлидан ҳам меҳрибонроқсан. Ахир, у мени чин маънода севмаган, шунчаки мендан фойдаланган. Катта шаҳарда бутунлай ёлғиз эдим. Жюли эса каминанинг энг нозик томонларимни биларди. Охир-оқибат унга уйландим.

– Асал ойини Порт-Луи соҳилида ўтказдинглар, шундайми?

– Тўғри топдинг. Аммо қайтиб келиб ёшгина хотинимнинг мен учун қоронғи бўлган хислатларини билиб, даҳшатга тушдим. Тўйдан сўнг биз илк марта унинг уйига бордик. Хонаси ҳар хил ғалати нарсалар билан лиммо-лим эди. Нималар йўқ эди, дейсан? Ҳар хил суюқликлар тўлдирилган ром шишалари, қўлда ясалган қўғирчоқлар уюми, турли хил катталиқдаги тошлар, ҳатто илон териси ҳам бор эди. Унинг Боссу лақабли тирноқлари узун ва ваҳший мушуги юрагимга ваҳима соларди.

Вақт ўтиб, кўзларим сўқир бўлганлигини ва Жюлининг аслида кимлигини англамаганлигим-

ни тан ола бошладим. Бир гал Бронксада менга ўғри пичоқ билан ҳамла қилди. Жароҳат оғир ва чуқур эди. Хотиним мени касалхонага олиб бормай, қандайдир ўтлар ва дуолар билан даволади. Икки кун ўтмай, жароҳатдан из ҳам қолган эмас. Ўшанда у болалигидан вуду афсунгарлик сирларини ўрганганлигини айтди.

– Вуду нима у?

– Билмаганинг яхши, дўстим. Бу Гаитида кенг тарқалган дин. У ерлик аҳоли руҳларга сифинади. Уларни Лоа деб аташади. Гаитиликларнинг фикрича, дунёни руҳлар бошқариб туради. Тасодифлар бўлмайди ва иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Шаманлар ақлга сифмайдиган ишларни қилишга қодирлар. Масалан, ўликни тирилтиришни ҳам эплайдилар.

– Ҳазиллашяпсизми?

– Бу ҳазил эмас. Тирилган мурдаларни «зомби» деб аташади. Мен бугун анчагина олиб қўйдим. Маст одамлар эса ҳеч қачон ёлғон сўзламайдилар. Шундайми?

– Шундай.

Мен унинг ҳикоясига шу қадар қизиқиб кетдимки, ҳатто юклатилган вазифани унутиб қўяёздим. Қулай фурсатдан фойдаланиб, унга қимматбаҳо ичимликларни таклиф қилишни мутлақо эсдан чиқарибман.

– Жюли ҳаётимни бошдан-охиригача ўзгартириб юборди. Собиқ фаррош олий насаб давраларга интилаётганди. Афтидан у бой тадбиркорнинг укасига турмушга чиқиш бу бой тадбиркорнинг хотини бўлиш дегани, деб тушунган экан. Унга ҳамиша пул керак бўларди. Аммо бу пуллар менга эмас, балки Арвиндда эди. Ёш хотиним мени тинглашни ҳам, тушунишни ҳам истамасди. Унинг истакларини бажараман деб,

ҳатто ўғриликкача бордим. Бу, энг аввало, тангаларни ўғирлашдан бошланди. Кейин эса ўсиб борди. Ҳамма юмушларни пора эвазига қилар, маблағ сарфланадиган ишларга кетган пул миқдорини ошириб ёзадиган бўлдим. Олти ой ичида мен ярим миллион доллар ўзлаштирдим. Ниҳоят, укам Мумбайдан туриб, катта камомад борлигини англади.

– У қандай йўл тутди?

– Арвинд ўзида эмасди. Укам жаҳл отига минганди, полициячиларга бир оғиз хабар берса, бўлди эди. Мени қамашарди. Ўзимни панжара ортида кўрардим. Бироқ қондошлик деган гаплар бор. Укамдан йиғлаб кечирим сўрадим. У мени Америкадан Ҳайдарободдаги кичик идорага кўчирди. Йигирма йил ичида ўғирлаган пулларимни қайтариш шарти билан корхонада қолдим. Ўшанда мен ниҳоятда хурсанд эдим. Қаерга бўлса ҳам майли, фақат қамоққа эмас. Лекин Жюли газабдан ёнарди. «Унга ким бундай ҳуқуқ берди, сиз билан бундай муносабатда бўлишга, қандай ҳақи бор? – тўнғилларди у. – Ўз ҳақ-ҳуқуқингиз учун курашинг, сиз компаниянинг тенг ҳуқуқли аъзосисиз, ахир!»

Хотиним ҳар кун минғир-минғир қилиб миямни эговларди. Ниҳоят, унинг сўзлари мени ҳаракатга келтирди. Камина энди Арвинд қиёфасида ганим ва қаллобни кўра бошлади. Бир кун укам Ҳайдарободдаги идорага келди ва у ерда ҳам камомад борлигини аниқлади. У сабрини йўқотиб, компаниядан ҳайдаш билан қўрқитиб, ишчилар олдида мени ҳақорат қилди. Бу аламли ва қайғули эди. Илк марта ўз укамдан ўч олишни истардим. Бундан хабар топган Жюли тутаб турган чўққа батгар керосин сепди. «Бу ифлосни жойига ўтқазиб қўйиш вақти етди, – деди у. – Укамгиз

сизни ҳақорат қилди. Топталган шаънингиз учун ўч олишингиз керак. Мен эса сизга ёрдам берман, розимисиз?»

Қаҳр кўзларимни кўр қилиб қўйганди. Шу боис ҳам унинг таклифига кўндим. «Яхши! У ҳолда менга Арвинднинг ювилмаган кўйлагидан тугма ва бир тола сочини олиб келинг!» деб буюрди. «Уларни қаердан оламан?» – сўрадим мен. «Бу энди сизнинг муаммоингиз», дея елка қисди хотиним. Ҳа, у нақ иблис урғочисининг ўзгинаси-да! Қани, биродар, қуй?

Кутилмаган таклифдан руҳланиб, дарровгина унинг қадаҳни тўлдирдим.

– Хўш, у сўраганларини қўлга киритдимиз?

– Э, сўрама, бу қийинчилик туғдиргани ҳам йўқ. Дийдорни баҳона қилиб, укамни кўргани Мумбайга бордим. Кир кийимлар солинадиган қутидан кўйлагининг битта тугмасини ҳеч кимга билдирмай узиб олдим. Кейин оилавий сартарошимизнинг ҳузурига жўнадим. Арвинд сочини пастилатиши билан бир тола сочини ундан сотиб олдим. Орадан ҳафта ўтмай, Жюли сўраганларини қўлга киритди. Кейин эса ғалати воқеа юз берди. Хотиним латта қўғирчоқни олиб, унинг кўкрагига ўша тугмачани тикиб, сочни бошига ёпиштирди. Кейин эса хўрозни сўйиб, қадимий қадаҳни тозаю иссиқ қон билан тўлдирди ва бир неча бор қўғирчоқни хўрознинг қонига боши билан бўктириб, турли дуоларни ўқиди. Бу ҳол узоқ давом этди. У ўз хонасига қамалиб, қандайдир ўт-ўланлар ва илдизларни ёндириб, ҳар хил дуолар ўқиди. «Тайёр бўлди, – деди у қоп-қора тўғноғични қўлида тутиб. – Мана энди шу қўғирчоққа укангизнинг руҳи жойлашди. У билан хоҳлаган ишингизни қилишингиз ва истаганингизча ўчингизни олишингиз мумкин. Қўғирчоқ-

ни қанчалар кўп қийнасангиз, Мумбайдаги ганимингиз шунчалар азоб чекади. Агар кўкрагидаги тугма ёнига игнани чуқур ботирсангиз, худди шу ерида қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Марҳамат, ўзингиз синаб кўринг».

У худди содда эри билан ҳазиллашаётган хотинга ўхшаб туйилди, менга. Ишонқирамай қоп-қора тўғноғични тўғри оппоқ тугманинг тешигига санчдим. Кўп ўтмай, Мумбайдан қўнғироқ бўлди. Укам енгил юрак хуружи билан касалхонага тушиб қолганини хабар қилишди. «Бўлиши мумкин эмас!» – дедим ҳайратимни яширмай.

Бу янгилик мени ҳам ўша пайтда худди шундай лол қолдирган эди. Янгиликнинг ўзи эмас, балки Жюли шу қора танли қўғирчоқни ҳақиқий вудуга айлантира олганидан ҳайратда эдим...

Охирги икки ой, мен сирли равишда янги қўғирчоққа азоб етказишдан роҳатланардим. Шу йўл билан укамдан ўч олардим. Арвинднинг азоблари таҳқирланган қалбимга ақл бовар қилмас завқ бағишларди. Эсимда, Мумбайга қайтганимда мен қўғирчоқни қора тўғноғич билан қитиқлаганимда, уйимиз яқинидаги ўтзорда оғриқдан чинқириб тўлғанаётган укамнинг аянчли аҳволини маза қилиб томоша қилиб турардим. Кейин эса томошабинлар олдида бу саҳнани кўрсатсак нима бўларкин, деб ўйлаб қолдим. Бу менга ниҳоятда қизиқ бўлиб туйилди. Шу сабаб, қўғирчоқни японлар шарафига беш юлдузли меҳмонхонага ўтказиладиган учрашувга олиб бордим. Табиийки, кўздан панароққа, бир бурчакка жойлашдим. Арвинд нутқини бошлаши билан: «...Ҳа, албатта, жаноб Харада, биз сизнинг мамлакатингизда ҳам корхонамизнинг филиалини очиш ниятидамыз, бироқ бунинг учун...» худди шу ерда мен тўғноғичнинг ўткир учини

бошига санчдим. «Худойим!» – бақириб юборди укам ва икки қўли билан бошини маҳкам тутди. Ўша тунда хорижий ҳамкорларимиз овқатлангани қолишмади. Кейинги сафар қўғирчоқни Бангалордаги тўй маросимига олиб бордим. Унга иккаламиз ҳам таклиф қилингандик. Арвинд ёш келин-куёвларнинг ёнига бориб, энди бахт тилашни бошлаганди ҳамки, мен қора тўғноғични қўлимга олдим. «Худо сизга ба-а-а-ахт берси-и-и-ин!» Қутилмаганда у куёвнинг қорнига уриб юборди. Меҳмонлар бундан норози бўлишди. Кўпчилик укамнинг телба бўлаётганига ишониб, менга раҳм қила бошлади.

Худди шунга ўхшаш воқеа Арвинд бизнесда эришган ютуғи учун тақдирланаётган маросимда юз берди. Укам ялтиллаб турган шиша совринни қўлида маҳкам тутиб, ўз миннатдорчилигини билдириш учун саҳнага кўтарилар экан, «Дўстлар, мен ҳайратдаман. Мен бутун умр меҳнат инсонни улуғлашига ишонганман ва во-о-о-й, Худой-и-и-им!» деб бақирди. Шиша соврин қўлидан учиб, ерга тушди ва чил-чил синди. Бечорагина майда-майда бўлакларга бўлиниб кетган шиша синиқларига қараб, йиғлаб юборди.

Шундай сўнг, Арвинд шифокорга борди. Жиддий текширувлар унинг мутлақо соғломлигини кўрсатди. Шифокор ҳайрон бўлиб, руҳшуносга учрашишни маслаҳат берди. Охирги марта мен қўғирчоғимни акционерлар йиғилишига олиб бордим ва сўнгги қаторда ўтирдим. Укам директор ҳисоботини ўқирди: «Демак, ҳурматли акционерлар, қувонч билан сизга бу мавсумда компаниямиз иқтисодида сезиларли даражада ўсиш бўлганини эътироф этишим керак. О-о-оҳ!» – кейин ҳақиқий тўполон бўлди. Қўрқиб кетган ак-

ционерлар жинни директорни тезда ишдан олиш кераклигини талаб қилдилар. Бир ҳафтадан сўнг у ўз хоҳиши билан бўшаш тўғрисида ариза ёзди. Арвиндни жиннихонага жойлаштирдилар. Укам у ерда икки йил яшади. Бу вақт мобайнида мен ақл бовар қилмас даражада бойиб кетдим. Ниҳоят Жюли ўз истагига эришди. Биз Мумбайга кўчиб келдик. Хотиним биринчи навбатда онаси ва укасини Порт-о-Пренс шаҳридан чақириб олди. Улар бизникига кўчиб ўтишди. Ташқаридан қараганда гўзал ҳаётга қинғир йўл билан эришганимдан афсуслана бошладим. Кейинроқ мен Жотснани учратдим.

– Ким у?

– Менинг котибам. Бу гўзал аёл билан қалбларимиз гўё яқин қариндошдек. Иккимизнинг ҳам ўхшаш томонларимиз кўп. Ҳарқалай, ажнабий хотинимдан кўра анча яқинроқ-да! Жотсна кўзларимни очди. Охир-оқибат укамга нисбатан одил бўлмаганимни ва катта хатога йўл қўйганимни ангадим. Бу жиноят эди. Биринчи навбатда Арвиндни жиннихонадан озод қилмоқчи бўлдим.

– Ҳўш, кейин-чи, бундай қила олдингизми?

– Йўқ. Мен кеч қолибман. Арвиндга гиёҳванд моддалар тиқиштиришган, таҳқирлашган ва электрошок билан уриб, баттар эсдан оғдиришибди. Хуллас, жигаримни сўраб борганимда, унинг вафот этганига икки ҳафта бўлган экан.

– Нима?

– Ҳа... Менинг бахтсиз укам, бегуноҳ укам бу азобли дунёни тарк этган эди.

Мижоз йиғлашга тушди.

– Қадрлигим, меҳрибоним, ёлғизим, менинг бегуноҳ укам. Ҳаммаси мени деб бўлди, – юзларини қўллари билан ёпиб, кўз ёшларини яширди.

Бутун вужудимни қайғу эгаллади. Ўзимга келиб, миждозга нафрат билан тикилдим. Собик «эшак» энди «кўппак»ка айланиб бораётганди.

– Бу беҳаё ҳали мендан кўради! Унинг бақалоқ онасини кўчага ҳайдайман. Ҳеч нарсага ярамайди-ган укасини эса худди газандани мажақлаб ташлагандай ўлдираман. Жюлини эса Мумбайдан йўқотаман. Ўзининг Гаитисида ўлиб кетсин! Ҳайвон!

– Буни қандай амалга оширасиз, сэр?

Унинг кўзлари нафратдан ялтиради.

– Менга дўстмисан, бугун роса кўп ичдим. Маст одам эса алдамайди. Мен ҳимоячи билан гаплашдим. Ажаралиш учун барча ҳужжатларни тўғриладим. Агар уларни хотиним қабул қилса – оқ йўл, агар истамаса, у ҳолда бошқа йўллари ҳам бор, – у шундай дея шимининг чўнтагидан қоп-қора тўппончани чиқарди. Кичкинагина, ҳатто менинг кафтимга ҳам сиғади. Силлиқ металлдан ишланган ялтироқ қурол. Ҳамсуҳбатим нафис, бироқ совуқ матоҳга узоқ тикилиб: – Чиндан ҳам ажойиб-а? Мана шу билан миясини мажақлаб ташлайман ва ўша заҳотиёқ Жотснага уйланаман. Сен менга дўстмисан. Мен ичганман. Маст одам эса ҳамиша о-о-о-ҳ! – у кутилмаганда чинқириб юборди. Юрагини чангаллаганча юзи билан столга бош қўйди. Афтидан яна чойчақасиз қолганга ўхшайман.

Ярим соатдан сўнг қизил чироқларнинг милтилаши олисдан кўзга ташланди. Ресторан эшиги олдида полициянинг жип машинаси пайдо бўлди, унинг ортидан эса тез ёрдам машинаси етиб келди. Оқ халатли шифокор Пракаш Рао юрак хуружидан вафот этганини эълон қилди. Мурданинг чўнтагидан миршаблар пулларга тўла ҳамён, ёш ҳамда гўзал ҳинд қизининг сурати ва ажралиш учун тайёрланган қоғозларни топди.

Тўппонча эса топилмайди, ўлган одамга қуро
нимага ҳам керак?

Смита масхараоумуз жилмайди.

– Сен мени ўша одамнинг экзотик ҳикоясига
ишонди деб ўйлаётган бўлсанг адашасан, – деди у.

– Ишониш ишонмаслик бу сенинг ишинг. Мен
сенга шунчаки эшитган ҳикоямни ва ўз кўзим
билан кўрганимни айтиб бердим.

– Ҳа, аммо бу ерда битта ҳам рост сўзни эшит-
мадим.

– Баъзан ҳақиқий ҳаётда ақлга сиғмайдиган
воқеа-ҳодисалар ҳам юз бериб туради.

– Фақат мени Пракаш Рао вуду қўғирчоғининг
кўкрагига қора тўғнағич қадалгани учун ўлди,
деб ишонтирмагин. Менимча, бу ҳикоя – та-
саввуринг маҳсули!

– Майли, у ҳолда ишонма, аммо саволга жа-
вобимни қандай изоҳлайсан? Смита яна пультни
қўлига олди ва яшил тугмани босди.

– Хонимлар ва жаноблар! – столни шапатаилаб
қўйди Прем Кумар. – Биз кейинги саволга ўта-
миз. Олтинчи савол, унинг нархи бир лакх¹! Бу
мавзу барча викториналарда бор. Ҳа, тахмин-
ларингиз тўғри. Савол дунё шаҳарлари ҳақида
бўлади. Мистер Томас, умид қиламанки, бу бо-
рада анчагина билимга эга бўлсангиз керак-а.
Ҳиндистон пойтахти қандай аталишини била-
сизми?

Залдагилар қийқириб кулишди. Албатта, оми
официантга киндик қони тўкилган Ватанининг
асосий шахрининг номини билишига йўл бўлсин!

– Нью-Деҳли.

– Яхши. Америка Қўшма Штатларининг пой-
тахти-чи?

¹ Бир лакх – юз минг рупий.

– Нью-Йорк.
– Йўқ, тополмадингиз! – масхара қилиб кулди бошловчи. – Балки, Франция пойтахти ҳақида тасаввурга эгадирсиз-а?

– Билмайман.

– Япониянинг пойтахти-чи?

– Билмайман.

– Ҳеч бўлмаса Италиянинг пойтахтини айтарсиз?

– Йўқ.

– У ҳолда бу саволимизнинг жавобини қандай топасиз, ҳайронман. Бу ерда сизга ёрдам керак бўлиши аниқ. Ниҳоят, олтинчи савол – унга нақ юз минг рупий тикилган. Папуа – Янги Гвиниянинг пойтахти номини айтинг. Жавоблар: а) Порт-Луи, б) Порт-о-Пренс, с) Порт-Морсби ва д) Порт-Аделаида.

Яна оғир мусиқа янграйди.

– Мистер Томас, сиз аслида гап нима ҳақида бораётганини тушундингизми ўзи?

– Ҳа, менга нотўғри вариантлар маълум.

– Чинданми? – ишонмагандай сўзлайди Прем Кумар.

Аудитория шивирлашни бошлайди.

– Албатта. Порт-о-Пренс – бу шаҳар Гаитида жойлашган. Порт-Луи эса Маврикияда. Порт-Аделаида – Австралия шаҳарларидан бири... Де-мак, фақат с вариант – Порт-Морсби қолади.

– Бўлиши мумкин эмас. Ишончингиз комилми?

– Ҳа, юз фоиз.

Дўмбира овозлари қулоқни қоматга келтиради. Жавоблар тахтачасида эса тўғри жавоб кўзга ташланади.

– Ҳа, чиндан ҳам бу Порт-Морсби! Сиз юз минг рупий ютиб олдингиз. Энди сизни чин маънода

лакхпати¹ деб чақирсак арзийди! – овозини бандлатиб сўзлайди бошловчи.

Томошабинлар ўринларидан туриб олқишлайдилар. Прем Кумар терлаб кетган пешанасини ҳафсала билан артди.

– Қасам ичиб айтишим мумкинки, жавобларингизни эшитиб, мен ҳозир ҳар қандай мўъжизага ишонишга тайёрман.

– Бу мўжиза эмас, аҳмоқ, шунчаки вуду! – экранга қараб кулиб сўзлайди Смига ва кўзларини гиламга қадади. Ҳимоячим эгилиб полдан ниманидир қўлига олди. Бу тўрт тешикли оддий айлана тугма эди. Смига эътибор билан қўлагимга қарайди. Чиндан ҳам битта тугма етишма-япти. Қиз топилмасини қўлимга тутқазди:

– Марҳамат, тугмангни ол ва уларга ниҳоятда эҳтиёт бўл! – деди.

¹ Лакхпати – юз минг рупий эгаси.

ИККИ ЮЗ МИНГ РУПИЙ: ЖАНУБИЙ ЭКСПРЕССДАГИ ҚОТИЛЛИК

Нью-Дехлидаги Пахарганж вокзали. Одамлар оқими турли томонларга ҳаракатланади. Поездлар уришишга тайёр буқалардай овоз ва тутун чиқаришади. Агар сизга ана шу оломон орасидан каминани топиш керак бўлиб қолса қаердан излардингиз? Гаров бойлайманки, мени текис битон устида чарчаб ухлаб қолган дайди болалар орасидан қидирган бўлардингиз ёки «Ҳимолайнинг бой минерал суви» ёзувли ялтироқ қоғоз ёпиштирилган пластик идишларни кўтариб юрган сотувчи ўспиринга диққатингизни қаратардингиз ёхуд эгнида кирлигидан асл рангининг қанақалиги билинмайдиган кўйлак, яғирлигидан тиззалари ялтиллаб ётган йиртиқ-ямоқ шим, оёғида эса кийгулик сиёғи қолмаган шиппак илган фаррош боладир, деган хаёлга борасиз ва шу ондаёқ қўлингиздаги суви бўшаб қолган пластик идишни ахлат қутисига ташлашга эриниб, пидедалар ўтадиган йўлак томонга отиб юборасиз. «Фаррош бор-ку, бари бир унинг эртадан-кечгача биз кабиларининг кетини йиғиштиришдан бўлак иши йўқ!» – шундай дейсиз-да, хуллас, каминани фаррошлар орасидан излашингиз тайин. Бу сафар ҳам тахминларингиз тўғри чиқмади. Ҳафсалангиз пир бўлиб, энди кўзларингиз сайёҳлар ортидан ўзидан катта жомадонларни икки букилиб кўтариб кетаётган юк ташувчилар орасидан мени излайди. Охир-оқибат фаразларнинг бари ҳақиқатга сира яқин эмаслигини тан ола бошлайсиз. Яна бир оз бош қотириб кўрингчи? Мен мутлақо сотувчи ҳам, қизил кийимдаги

фаррош ҳам ва юк ташувчи аравакаш ҳам эмасман. Бугун қаршингиздаги бола барча чипта сотиб олганлар каби поезддаги энг қиммат вагоннинг йўловчисидир. Эгнимда тоза ипак матодан тикилган оппоқ қўйлак, Тибет бозоридан сотиб олинган американча жинси. Камина Мумбайга олиб борадиган экспрессгача дадил қадам ташлаб боряпман. Ёнимда юк ташувчи бола ҳорғин одимларди. Фурур билан айтишим керакки, мен уни ёлладим. Бола ёрқин жигарранг жомадонимни бошига қўтариб олганди. Унинг ичида бир нечта кийим-кечак, эски-тускилар, «Австралиан жиогрэфик» журналлари ва Салим учун электрон ўйин бор, холос. Жомадонда бир рупий ҳам йўқ. Тейлорлар уйида орттирган бойлигимни келиб-келиб қандайдир жомадонга ишониб топшираманми? Ифлос ва ичи қора ҳамроҳларнинг аввал сизга гиёҳванд моддани тиқиштириб, сўнг юкларингизни олиб қўйишлари ҳақидаги ҳикояларни кўп эшитганман. Шундай экан, эликта бели синмаган мингталикини хатжилдга солиб, ишончли жойга яшириб қўйдим. Улар ич кийимимда. Буни биров етти ухлаб тушида кўрмаса ҳам, хаёлига келтирмаса ҳам керак. Қолган пулларни саёҳатга тайёргарлик ва дўстимга совғага сарфладим. Ҳали юк ташувчига ҳақ тўлашим ва овқатланиб олишга ҳам пул зарур бўлади. Бунинг учун қўйлагимнинг чўнтагида майда рупийлар етарли. Асосийси, бу майда пуллар Бандра вокзалидан Гаткопардаги Салимнинг чайласигача етиб олгани йўл кирага етса бўлгани. Дўстим, электрон ўйинни кўриб, бахтдан ўлиб қолмаса эди.

Бешинчи платформада одам, ҳатто бозордиган ҳам кўп эди. Сотувчилар учун айланишга ҳам жой йўқ. Йўловчилар чипталарга қараб, ўз жойларини излашаркан, худди пештахта олдида

имтиҳон жавобларини кўздан кечираётган талабаларга ўхшаб ҳаяжонланишади. Маълум бўлишича, темир йўл вокзалида мени адаштириб, «мистер Т.М.Рам» деб, рўйхатдан ўтказишибди, шундай бўлса-да, камина ниҳоятда бахтли. Учинчи рақам остида пастдаги ўриндиқ, еттинчи купе, ажойиб!

Бизнинг купе узун поезднинг думида жойлашган. Фурурланиб ўз жойимга ўрнашдим ва чўнтагимдан йигирма рупий чиқариб, юк ташувчига тутқаздим. У узоқ кўтариб юришига тўғри келганини айтиб баҳслашмоқчи эди, яна иккита қоғозчани қўшдим. Ниҳоят, боланинг жағи тиниб, индамай кетди. Купеда мен жойлашган жойдан ташқари еттита ўриндиқ. Иккитаси ён томонда, иккитаси қаршимда, биттаси эса тепамда. У ерда икки боласи билан бир оила жойлашганди. Ўғли менинг тенгдошим, қизи сал каттароқ. Отаси – ўрта ёшлардаги эркак, эғнида нимча, бошида эса махсус бош кийимни қўндириб олганди. У худди марварларга¹ ўхшарди. Қошлари қалин, мўйлави қалам билан чизиб қўйилгандай туйиларди, башараси ўта жиддийу вазмин. Хотини ҳам ўрта ёшларда. Кўриниши ёқимсиз. Купега кирганимдан бери шубҳали назарини мендан узмайди. Эғнида яшил сари ва сариқ нимча. Баланд бўйли, бесўнақай йигитча одамохун ва киришимли эди, бироқ диққатимни деразага кўзларини тиккан гўзал қоматли қиз оҳанрабодай ўзига тортаётганди. Чиройли катта кўзларга сурма сурилганди. Бенуқсон чеҳраю нозик лаблар. Бир сўз билан айтганда, анчадан бери бундай гўзал

¹ Марварлар – Ражпудлар султонлиги даврида Ҳиндистонда савдо-сотик билан шуғулланишган. Бугун Ҳиндистонда марварлар Бирла, Жайн ва бошқа катта компанияларнинг манфаатлари учун хизмат қилишади.

ни учратмагандим. У қайрилиб қарашга арзирди ва, албатта, бир марта эмас. Шу гўзалнинг кўзлари тубида чўкишга розиман. Шу пайт ширин хаёлларимни бемаврид эшитилган гўдак товуши тўзғитиб юборди. Қўшни ўриндиқда икки ойлик чақалоғини тиззасига ётқизиб олган ғамгин аёлга кўзим тушди. Қизил сари кийган ёш онанинг сафарга ёлғиз чиққанини сезиш қийин эмасди. У боласини тинчлантиришга уринар, секингина бошини қимирлатиб, паст овозда алла айтарди. Бола ҳадеганда жим бўлавермади. Ниҳоят, у қўйлагининг тугмасини ечди ва чақалоғига кўкрагини тутди.

Купенинг эшиги очилди. Бизга чой таклиф қилишди. Таклифга қувониб бош чайқаган ёлғиз менман. Унинг ортидан эса газета сотувчиси пайдо бўлди. Жиддий эркак «Ҳиндистон таймс» газетасининг янги сонини сотиб олди. Ўғли «Арчи» комиксларини, мен эса «Старбест»нинг сўнгги сонига қўл чўздим. Шу билан майда пулим адоғига етди.

Поезд хайрлашув ҳуштагини чалди ва белгиланган соатдан тўқсон дақиқа кечикиб йўлга тушди. Вокзалдаги соат ўн саккизу ўттизни аниқ кўрсатяпти. Мен эса ўз соатимга қарайман. Ҳамроҳларимнинг, айниқса, қизнинг диққатини тортиш учун қўлимни силкитаман. Наҳотки, ҳеч ким эътибор қилмаса? Ахир соатимнинг устида ҳар хил безаклари бор, Япониянинг «Касо» фирмаси маҳсулоти! Мен уни Палика бозоридан икки юз рупийга сотиб олганман.

Тадбиркор газетага берилиб кетди, ўғли эса комикслардан бош кўтаролмаяпти, хотини кечки овқатга тайёргарликни бошлаб юборди. Гўдак кўтарган аёл чақалоғини кўкрагидан айирмай ухлаб қолди. Мен эса журналга қизиқиб қол-

гандек ўзимни кўрсатаман. Нашрнинг ўртасида янги юлдуз Пунам Синхининг ярим яланғоч сурати босилган. Тўғриси айтганда, бу беҳаё сурат ва машҳур бўлиш учун ёлғон-яшиқлар қалаштириб ташланган актрисанинг ҳаётини ўқигандан кўра, деразадан табиат манзараларига маҳлиё бўлиб, хаёллари чегара билмай қаерлардадир учиб юрган гўзал ва ёқимли ҳамроҳ қизни кузатиш қизиқарлироқ эди. У эса менга қиё ҳам боқмайди. Соат саккизларда темир йўл ходими келиб чипталаримизни кўрсатишни талаб қилди. Мен мағрур қиёфада чиптамни кўрсатдим, бироқ текширувчи унда нима ёзилганини ўқиб ҳам кўрмайди, ҳатто. Шунчаки қўлига олиб қайтиб, яна ўзимга тутқазди. Қовурилган пури¹, тузланган бодрингчалар, ширинликлар... Купени уйда қилинган гулоб жамун² ва барфининг³ ёқимли ифори тутиб кетди. Менинг ҳам сўлакларим оқди. Негадир буфетчи биздан буюртма олишга шошилмаяпти.

Тадбиркорнинг оиласи иштаҳа билан овқатланяпти. Ота газетадан кўзини узмай, қовурилган пуриларни бирининг кетидан иккинчисини ямлайди. Она ялтироқ бодринг билан картошкага қўл чўзди. Ўғил эса юмшоққина гулоб жамун билан шакар чой симирарди. Қиз ҳаммасидан оз-оздан чўқиган бўлди. Камина индамай, лабларимни ялайман. Кутилмаганда бола менга қовурилган пуридан таклиф қилди. Уларни олишни истасам-да, воз кечишга ўзимда куч топдим. Айтишларича, ўғрилар ўзларини киришимли ҳамроҳлардек кўрсатиб овқатга гиёҳванд модда қўшиб, сизни ухлатишаркан ва пулларингизни олиб, ўз-ўзидан ғойиб

¹ Пури – ёғда қовурилган нон.

² Жамун – ёнғоқли юмшоқ пишириқлар.

³ Барфи – сутли қатлама.

бўлишармиш. Комиксларга муккасидан кетган қаршимдаги тенгдошим ҳам жинойтчи бўлиши эҳтимолдан холи эмас, ахир. Бироқ ана у гўзал қиз таклиф қилса, балки... йўқ... аниқ унинг қўлидан овқат олиб еган бўлардим.

Кечки овқатдан сўнг ака-сингиллар «Монополия» номли стол ўйинини олдилар. Бу сира Рой ва Мэгги ёқтирадиган «Скрабл» ўйинига ўхшамайди. Эр-хотинлар паст овозда ўзаро охирги опера асарлари ва қандайдир кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар ҳамда Гоадаги таътилни қандай ўтказишни муҳокама қилишарди.

Мен секингина пулимни яширган жойимни силаб қўяман. Бу бели синмаган мингталикларда қандайдир сеҳр борга ўхшайди. Унинг кучи жигар, ошқозон, юракдан ўтиб, миягача етиб боради ва азоб бераётган очлик ҳисси бир муддат изсиз йўқолади.

Оддий ва бахтиёр оила аъзоларини кузатарканман, улар орасида ўзимни бегона каби ҳис қилмайман. Темир йўлдаги саёҳат доим саргузаштларга бой бўлади. Ҳаётингизда, албатта, ўзгариш юз беради. Янги танишлар орттирасиз ё эски ганимларингизга дуч келасиз, ё муддати ўтиб кетган маҳсулотни еб, ичбуруғ бўласиз ёки чиркин сув ичиб сурункали қорин оғриқ касалини юқтириб олишингиз ҳам, балки янги муҳаббатингизни учратишингиз ҳам мумкин. Мана, мен учинчи рақамли ўриндиқда ўтирибман. Ич кийимимда элик минг рупий, бошим айланяпти. Юрагим ўзимга бўйсунмаяпти. Шу гўзални чиндан ҳам севиб қолсам нима бўлади? Ҳозир бениҳоя чиройли актрисага бўлган ўткинчи ҳавас ҳақида эмас, балки ҳақиқий муҳаббат ҳақида ўйлаяпман. Бу туйғуни туйган юрак эгаси бедор кечаларда ёстиқларни ҳўл қилади. Бахтли, адоғи

йўқ муҳаббат – тўйга, сўнг бирин-кетин ширин болааларнинг дунёга келишига ва, ниҳоят, Гоада оилавий таътилни ўтказишга олиб келади.

Шу онда ичимдаги эллик минг рупий эллик миллионга айланди ҳамда мен тасаввурларим оламига бутунлай фарқ бўламан. Қанийди, шу бахтли дақиқалар сира яқун топмаса... Хом хаёлларга бериладиган одамларнинг аксарияти ўзларига келгач, буларнинг бари шунчаки сароблигини англаганларидан кейин қандай аҳволга тушишини яхши биладилар. Кўпчилик алам билан хаёл бошқа-ю, ҳаёт бошқалигини англайди. Бир неча дақиқадан сўнг опа-укалар ўйиндан зерикдилар. Бола менинг ёнимга ўтирди. Қизиқ суҳбат бошланди. Мен йигитчанинг оти Акшай, қизнинг исми эса – Менакши эканлигини билиб олдим. Улар Деҳлида яшайдилар. Мумбайга амакиларининг тўйига боришаётган экан. Ҳамроҳим ўз қизиқишлари ҳақида мақтаниб сўзлайди. Кейин эса мусиқий каналларнинг бутунги юлдузлари ҳаёти ва интернетнинг сайтларида улар тўғрисидаги маълумотлар ҳақида кулиб ҳикоя қилди. Мен эса инглиз тилида бемалол сўзлаша олишимни, бўш вақтимда «Австралиан жиогрэфик» журналини ўқишимни ҳамда «Скрабл» менинг энг севимли машғулотим эканлигини, Мумбайга дўстимни кўргани кетаётганимни, Бандра вокзалидан таксига ўтириб, Гаткопарга йўл олишимни ҳам айтишни унутмадим. Ўн олти ёшли ўспириндан кўра, олти миш ёшли қарияни алдаш осонроқ. Айнан шу ерда менинг мақтанчоқлигим панд берди. Ҳамроҳим мақтангани сабаб мен ҳам компьютерни яхши биламан, деб алдадим. Уйимда «Пентиум»нинг тўртинчи авлоди бор, деб юборибман.

– Ёлғон, бу матоҳни яхши тушунмаслигинг кўриниб турибди. Ҳали сен айтган компьютер-

ларнинг тўртинчи авлоди яратилган эмас! – дейди у менинг жаҳлимни чиқариб.

Менинг сабрим тугайди.

– Ишонмайсан-а? Демак, ҳаммасини тўқиб чиқарибманми? Унда рухсатингиз билан жаноб Акшай, ҳозир айнан шу ерда чўнтагимда эллик минг рупий бор, десам ишонасизми? Қачондир сен шунча пулни кўрганмисан ўзи?

Тенгдошим яна ишонмайди. Кўрсатишимни талаб қилди. Шунчалар унинг бурнини ерга ишқаб қўйгим келдики, бир сафар ақлимга эмас, истакка бўйсунаман. Ўгирилиб, камаримни ечдим ва хатжидни қўлимга олдим. Секингина оғзини очиб, янги мингталикларни кўрсатдим. Қўлимнинг титраётганини сезиб турибман, юрагимни хавотир тарк этганича йўқ. Кейин ўгирилиб, яна пулларни жойига қўйдим.

Акшайнинг ҳасаддан ёнган кўзларини бир кўрсангиз эди. Қорачиғи катталашиб, қинидан чиқиб кетай, деди. Фалаба онларини бутун умр эслаб юрса арзийди. Илк марта каминага ҳурмат билан қарайдиган бўлишди. Бу Акшайга ҳақиқий сабоқ эди. Бир муддат шу эллик минг рупий яна эллик миллионга айланиб қолганини хаёлан тасаввур қиламан...

Кечқурун соат ўн бўлди. Ҳамроҳларим аста-секин орқа томонга ўгирилиб ухлагани тайёргарлик кўрадилар. Тадбиркорнинг хотини оппоқ чойшабларни олиб, барча оила аъзолари учун жой тайёрлайди. Ён томонимда ёшгина аёл гўдаги билан алақачон ширингина уйқуга кетганди. Менакшининг отаси ҳам хуррак отишни бошлаганди. Қиз юқорига жойлашди. Пастда эса онаси. Акшай мен ўтирган ўриннинг юқорисига чиқди. Каминада чойшаб йўқ эди. Шу боис, уйқу ҳадеганда келавермайди. Дераза олдида ўтириб-

ман. Салқин шабада юзимни сийпалайди. Поезд зимзиё қоронғилик ичра юриб борарди.

Оиланинг онаси чойшабга ўралиб, деворга ўтирилди. Мен бўйнимни чўзиб, гўзал қизни кўрмоқчи бўлдим. Фақат ўнг қўлидаги тилла биллагузугига кўзим тушди, холос. Кутилмаганда у мен томонга қайрилади. Оёқ кийимини ерга қўйиш учун эгилди. Елкасидан ёпинчиғи тушиб кетди ва кўкрагининг юқори қисми кўринди. Бутун вужудимни енгил титроқ босди. Менакши нигоҳимни сезиб қолди ва дарровгина ёпинчиғини ўради ҳамда хафа бўлгандай бошини қимирлатиб, мен томонга норози тикилди.

Кўп ўтмай, сукунат ичра бир маромда эшитилиб турган поезд филдиракларининг товуши каминани ҳам аллалади ва барча ҳамроҳларим каби пинакка кетдим. Тушимда ҳар хил нарсаларни сотиб оламан. Қизил «феррари»ни ҳам. Ичида кўк кўйлакли гўзал ҳам бор. Бунинг ҳаммаси ёнимдаги эллик минг рупий учун эди...

Нимадир қорнимга қаттиқ тиралди ва мен кўрқиб уйғондим. Кўзларимни очганимда қалин мўйловли қора танли эркак калтак билан мени ниқтарди. Бу ҳали фожиа эмас эди. Энг ёмони, ўнг қўлидаги тўппонча менга ўқталганди.

– Бўлди, етиб келдингиз! – эълон қилди нота-ниш эркак. – «Бугун чоршанба».

Эркакнинг эгнида оппоқ кўйлагу қора шим. Узун сочлари эса елкаси оша ёйилганди. У жуда ёш эди, қароқчидан кўра кўпроқ коллеж ўқувчисига ўхшарди. Бундай олганда мен ҳали умримда ҳақиқий қароқчиларни кўриб улгурмагандим. Киноларни айтмаганда, ҳаётда учрамаганман. Балки, уларнинг бари шу йигитга ўхшар.

– Аста-секин ўрнингиздан тушинг. Агар айтганимни қилсангиз ҳеч нарса бўлмайди. Ўйлайман-

ки, орангиздан қаҳрамонлар чиқмайди. Қани, тез тушинглар! – буюрди нотаниш. – Қочиб кетишни хаёлингизга келтирманг. Ёрдам берсангиз ўн дақиқа ичида бари яхшилик билан тугайди, ваъда бераман.

Бошқа купелардаги қўшнилар ҳам худди шундай қўпол тарзда уйғотилгани эшитилди. Мана, ҳаммамиз ерда ўзини йўқотиб қўйган, чалажон одамлардай ўтирибмиз. Ярим тунда, ширин уйқуда, етгинчи тушингизни кўриб ётганингизда кимдир мана шундай тўппонча тираб уйғотса, мия ишламай қоларкан. Хуллас, Акшай, отаси, мен, Менакши, онаси ва чақалоғини қучиб олган аёл билан қаршимизга жойлашдилар. Ярим тунда уйқудан уйғонган гўдак йиғлашга тушди. Онаси уни жим қилолмасди.

– Эмиз! Ўчир овозини! – деб буюрди қароқчи.

Кўрқувдан дағ-дағ титраётган аёл кўйлагининг тугмасини очаман, деб йиртиб юборди. Бечоранинг кўкраклари ташқарига отилиб чиқди. Ўғри ўзини йўқотиб қўйган аёлни масхаралаб кулди ва кўкрагига қўл теккизмоқчи бўлди. Ожиза дарров баданини яширди. Бу сафар камина аёл сийнасини кўрганда сира ҳайратга тушмади. Бошга қадалган қурол, аёлнинг яланғоч кўкрагидан кўра кўпроқ ташвишга соларкан одамни. Ниҳоят, ҳаммани бўйсундирган ёвуз ўз ишини бажаришга тушди. Ўнг қўлидаги тўппончани маҳкам сиққанча, у жигарранг қопнинг оғзини очди.

– Демак, гап бундай, барчангиз қимматбаҳо буюмларингизни шунга солинг! Эркалар чўнтагингиздаги ҳамёнларингизу нақд пулингизни, аёллар сумкаларингизни ҳамда қимматбаҳо тилла тақинчоқларни ҳам шунинг ичига солинг. Ким қаршилик қилса, пешанасидан дарча очиб қўяман!

Ёш она ва Менакши келишиб олгандай аҳиллик билан кўрққанларидан бақириб юбордилар. Вагоннинг охиридан ҳам худди шундай овозлар келарди. Афтидан вагонларда қароқчининг шериклари кезиб юришганга ўхшайди. Ўғри биринчи бўлиб ёш онага яқинлашди. Қалтираётган қўллари билан аёл сумкачасининг оғзини очиб, боласининг сўрғичли шишасини олди ва сумкачасини индамай қопга солди. Она кўкрагини олгани сабаб, гўдак яна йиғлашга тушди. Менакши ҳам титраганча билакузугини қопга солмоқчи бўлди, қароқчи унинг билагидан тутди.

– Бунча кўрқмасанг, кўғирчоқ, – суйкалди у.

Қиз худди илонни кўргандай даҳшат ичра унга тикилди ва нари кетди. Қароқчи унинг кўйлагидан тутиб қолди. Қиз қутулмоқчи бўлганди кўйлаги йиртилиб сийнабандининг орқаси кўринди. Барча даҳшатдан чинқирди. Бахтсиз ота бошқа тоқат қилиб туrolмайди.

– Инсофсиз! – деб бақирди ва ёвузга ташланди.

Бироқ уддабурон қароқчи бир муддат ўлжасини қўйиб юборди ва чаққон ҳаракат билан тадбиркорнинг бошига қуроли билан аямай туширди ҳамда ерга қулатди. Энди ҳимоячининг пешанасидан қон оқарди. Акшайнинг онаси яна чинқириб юборди.

– Ўчир овозингни! – жаҳл билан ўдағайлади ўғри. – Бўлмаса, барчангизни отаман.

Бу гап ҳаммамизни сергаклантирди ва биз худди сичқончаларга ўхшаб жимиб қолдик. Кўрқув бўғиб бораётганини ҳамда баданимдан совуқ тер чиқаётганини сезиб бораётгирман. Қўл-оёқларим музлаб қолгандай эди. Менакши секингина ҳиқилларди. Унинг онаси билагузук ва сумкачасини берди. Жиддий ота ҳам ҳаменидан айрилди ва қалтираётган қўллари билан тилла соатини ечди.

– Комикслар-чи уларни ҳам берайликми? – кутилмаганда қизиқди Акшай.

Эркак қутурди.

– Мен билан ҳазиллашмоқчимисан? – ўспириннинг юзига мушт туширди қароқчи.

У қизариб кетган юзини қўли билан тутаркан, бечоранинг кўзларидан ёш сизиб чиқди. Негадир менинг кулгим қистади. Бу худди кўрқинчли фильмлар ибтидосидаги комик саҳнага ўхшаб кетди.

– Нимага иршаясан? – сўрайди қароқчи. – Қани, борингни чиқар!

Чўнтагимда майда чақаларни чиқардим. Омад келтирадиган тангадан ташқари, албатта. Билангимдаги японча «Касио» соат билан хайрлашишга тайёр бўлиб ечаман, қора қароқчи менсимай юзимга қарайди.

– Арзимас матоҳ, уни ўзингда сақлашинг мумкин.

Қароқчи бугун қўлга киритганидан руҳланиб, эшик томонга йўналганди, бироқ уни Акшайнинг овози тўхтатди.

– Тўхтанг бир нарсани унутдингиз!

Худди шу ерда юз берган воқеалар секинлаштирилиб кўрилган саҳналарга ўхшаб, хаёлимда гавдаланди. Узун сочли эркак қайриди ва Менакшининг укаси кўрсаткич бармоғини мен томонга ниқтаб:

– Мана бу боланинг элик минг рупийси бор, – деди.

Унинг бу сотқинлигидан поезд чайқалиб кетгандек бўлди. Қароқчининг жаҳли чиқди:

– Яна ҳазиллашяпсанми?

– Йўқ, чин сўзим.

Талончи менинг ўрнимга тикилди.

– Жомадондами?

– Йўқ, тополмадингиз, – қувониб сўзлайди ҳамроҳим. – Хатжилдга солиб, ич кийимига яширган.

– Шунақами! – севинганидан терисига сиғмай кетди ёвуз.

Мен даҳшатдан титрайман. Ёнимга қароқчи яқинлашди.

– Ўз хоҳишинг билан берасанми ё сени одамлар орасида ечинтиришим керакми? Яхшиликча чиқар!

– Йўқ! Бу менинг пулим! – қичқирдим ва беихтиёр футбол майдонида пенальти уришга тайёргарлик кўраётган ўйинчидай ортга чекиндим. – Уларни ишлаб топганман! Бари бир бермайман! Мен, ҳатто сизни билмайман! Нега сизга бу пулларни беришим керак экан? Кимсиз ўзи?

Талончи беўхшов кулди:

– Бизми? Мутлақо нотаниш кишилардан ўз рози-ризоликлари билан жонлари эвазига молларини оладиган қароқчилармиз! Мана, киммиз. Хўш, ўзинг хатжилдни чиқарасанми ё ёрдам берайинми?

Қора тўппончанинг учи кўзларим ёнида ўйнайди. Айни вазиятда ожизман. Ҳатто буюк ва жасур қаҳрамонлар ҳам қурол қаршисида иложсиз қоладилар ва мағлубиятни тан олишади. Менинг қўлимдан нима ҳам келарди. Истамасам-да камаримни бўшатиб, шимимни туширдим ва бор бойлигимни, унга орзуларимнинг ҳаммасини қўшқўлаб мутлақо бегона одамнинг қўлига тутқаздим. Тўғрироғи, шунга мажбур эдим. Қароқчи қўлидан тўппончасини айлантириб, хатжилдни юлқиб олди ва ҳайрат ичра ҳуштак чалди:

– Бунча бойликни қаердан олгансан? Бирор жойни ўмаргандирсан! Нима бўлса бўлар, менга бари бир эмасми? Энди бу пуллар меники! – у

шундай деди-да, пулларни қопга солди. – Шеригим келгунича жойларингда миқ этмай ўтирларинг!

Мен фақат эллик миллионим тилла занжирлар ва қора ҳамёнлар ичида қопга фарқ бўлаётганини кузатиб турдим, холос. Қароқчи бошқа купега назар ташлайди. Бироқ бирортамиз, ҳатто жойимиздан жилмаймиз. Бунга на хоҳиш ва на куч бор эди. Худди аза маросимида ўтирган одамлардай ғамгину маъюсмиз. Бир неча дақиқадан сўнг ҳалиги эркак қайтди. Қопини елкасига боғлаб олганди. Мамнун қиёфасидан бугунги ови бароридан келганини сезиш қийин эмасди.

– Яшанглар! – деди у қароқчи тўппончасини ўйнатаркан ва гўдақдан ўйинчоқни тортиб олган безорига ўхшаб, менга тикилиб қулоғигача тиржайди. Кейин нигоҳини Менакшига қадади. Қиз йиртилган кўйлагини тутиб турарди. У баданини ҳар қанча яширишга уринмасин, бари бир сийнабандининг орқаси кўзга ташланаётганди. Талончи лабларини ялаб қўйди.

– Тайёрмисан? – қичқирди қароқчининг шериги. – Мен ишимни тугатдим!

– Тайёрман! – жавоб берди у.

Кутилмаганда поезд секинлашди.

– Тез бўл! – бақирди иккинчи ўғри ва чиқиш эшигидан ўзини ташқарига отди.

– Ҳозир! Мана, ўлжани ол! – деб қопни унга узатди бизни хонавайрон қилган қароқчи.

Барзанги эркак қора тун ичра ичра фарқ бўлди. Шу тариқа менинг эллик минг пулим ҳам кўз ўнгимда қулоғини тутиб кетди. Негадир талончи қопни шеригига бергач, ортига қайтди.

– Хайрлашув чоғларида бир марта ўпишмай-мизми? – дейди у Менакшига яқинлашиб, тўппончаси билан қизнинг юзларига тушиб турган

сочини кўтариб. – Хоҳламайсанми? У ҳолда кўйлагингни еч! Кўкракларингни бир бора кўрмоқчиман. – Қароқчи тўппончасининг тепкисига бармоғини босди ва телбага ўхшаб бақирди. – Охирги марта айтаяпман! Ҳозирнинг ўзида айтганимни қилманг, бошингни узиб оламан! Энди йўқотадиган нарсам йўқ!

Тадбиркор уятдан ерга кириб кетай деди. Унинг хотини эса ҳушини йўқотганди.

Йиғлаганидан кўзлари шишиб кетган қиз ҳиқиллаганча кўйлагининг елкасини туширди. Оппоқ ҳарир мато ортидан ялтироқ сийнабанд кўзга ташланди. Кўз олдим қоронғилашиб бошқа ҳеч нимани кўрмасдим. Хаёлимда баланд бўйли аёл гавдаланади. Унинг сочларини кучли шамол эрмак қиларди. Қора сочлари ҳамон унинг юзини яширар, оппоқ сариси эса шамолда илондай товланарди. Унинг қўлида гўдак. Қора тун қаъридан мўйловли қора эркак пайдо бўлади. Кўзлари ёвуз, сочлари узун. У гўдакни мазах қилади ва тўппончани унинг юзи атрофида ўйнатади.

– Сарини еч! – ёвузнинг овози қутурган итнинг аккилашига ўхшарди.

Аёл йиғлайди. Шамол довулга айланади. Чанг гирдобга уланади. Чиркин ҳаво нафасни бўғади. Довул хазонларни ўйнар ва ҳар томонга улоқтирарди. Олислардан шамолнинг овози бўрининг увиллашига ўхшаб эшитилади. Кутилмаганда чақалоқ онасининг қучоғидан чиқиб, унинг тиззаси узра тик туради. Зўравоннинг юзини тирноқлари билан ўйиб олади. Эркак оғриқдан чинқириб юборди, бироқ гўдак ортга чекинмай, унга яна ташланади. Ёвуз ва чақалоқ ерда ўмабалоқ ошадилар. Аёлнинг ноласи эса баттар авж олади. Мўйловли эркак тўппончани болага ўқтайди, бироқ осмон кучлари чақалоққа бутун

кучларини юборгандай эдилар. Кураш давом этади. Чақалоқ ва эркак ерда ҳали чапга, ҳали ўннга ўмбалоқ ошиб курашни давом эттиришади. Баъзан бири, баъзан иккинчисининг кучи устун келарди. Мана, ниҳоят, қора танли эркак чақалоқнинг кўкрагига тўппонча қадади. Тепкини босишга бармоқлари тайёргарлик кўради. Зум ўтмай, ўқ овози қулоқни қоматга келтиради. Чақалоқ ёвуз махлуқни устидан итариб ташлайди ва ўрнидан туради. Ерда эса забардаст қора танли эркакнинг оппоқ кўйлаги қора қонига беланганди. Унинг инграгани эшитилгандай бўлди. Очиқ қолган ёвуз кўзларида ажал олдидаги кўрқув акс этиб қолганди.

– Худойим!

Акшайнинг овози фор қаъридан чиққандек бўлди. Эшик яқинида бир неча дақиқа олдин ҳаммамизни зир титратган қароқчининг танаси ётарди. Қўлимда унинг тўппончаси. Ҳозиргина ўт чиққан қуролнинг оғзидан тутун чиққандек бўлди. Поезд яна тезликни оширгани сезилади. Мен ҳали нима бўлганини англаб етганимча йўқ. Ярим тунда туш кўраётган одамни тепиб уйғотишса, бир муддат атрофда нима бўлаётганини англолмай, гарангсиб туради. Мен ҳам худди шундай аҳволда эдим. Қўлимда тўппонча, ерда эса барзанги эркакнинг жонсиз танаси, бу ерда ўзимнинг ҳолатимни тушунтириб беришга ҳам ҳожат бўлмаса керак. Қароқчининг оппоқ кўйлаги қип-қизил эди. Бу сизга кино эмас. Кинода дарров қаердандир тез ёрдам машинаси етиб келади. Бироқ ҳаётда ҳаммаси бошқача. Ўқ танани тешиб ўтганида дарров қон оқмайди, озгина сачрайди, холос. Кейин эса аста-секин тангадай доғ катталашиб боради, оқаверади, оқаверади ва каттагина кўлмакка айланади. Мен нафас

оломай қолдим. Рангим қип-қизил қондан қолишмасди, ҳатто ҳеч нарсани эшитмас ва кўрмасдим. Худди шу ерда Акшайнинг отаси икки елкамдан маҳкам тутиб қаттиқ силкитди.

– Ҳой, йигит, ўзингни қўлга ол, болам!

Қаердандир тоза ҳаво келгандай бўлди. Мен ўриндиққа ўтирдим. Атрофда одамлар тўпланишган. Вагондагилар бизнинг купеда нима юз берганини кўриш учун йиғилишганди. Эркаклар, аёллар ва болалар бўйинларини чўзиб ичкарига нигоҳ ташлашяпти. Улар нимани кўряптилар? Ном-нишони номаълум қароқчи жонсиз танасини, пешанасидан яраланган тадбиркорни, кўрқувдан ранги докадай оқариб кетган онани, унинг кўкрагидаги сутининг охиригача сўриб олиб, тинимсиз йиғлаётган чақалоқни, поездда энди ҳеч қачон комиксларни ўқимайдиган болани, умрининг охиригача тунлари кўрқинчли тушлар қийнайдиган опасини ва қисқа вақт ичида бойиб, бир неча дақиқа ичида боридан айрилган ҳамда бутун умрга бахтли ҳаёт ҳақидаги орзулар қилишдан айрилган кўча боласининг аянчли аҳволини томоша қилишарди.

Кутилмаганда чироқ нурлари кўзларим олдидаги қоронғиликни ҳайдайди. Мен бемақсад тўппончани айлантиряпман. Мўъжазгина, қора қурол. Тепкининг олдида «Кольт» сўзи ўйиб ёзилганди. Тўппончанинг иккинчи томонини ўгириб кўраман. Унда «енгил» сўзини ўқидим. Унинг ёнида эса «Конн. АҚШ, ДР 24691» ёзувларининг маъносини уқолмайман.

Энди Менакши мендан кўзларини узмайди. Худди Салим кино қаҳрамонига ҳавасу ҳайрат билан боққани каби... У айна дамда менинг севиб қолганимни тушуниши қийин эмас. Ҳозир унга турмушга чиқишни таклиф қилсам ўйлаб

ҳам ўтирмай кўниши аниқ. Ўз хоҳиши билан менга қалбини ҳады этишга ва болалар туғиб беришга рози, ҳатто чўнтагимда элик минг ёхуд элик миллион рупий бўлмаса ҳам. Энди жойимиз ўзгарди. Бу муҳаббат тўла нигоҳларга энди мен жавоб бермайман. Қўлимда совуқ қурол. Кўз олдимда ҳеч ким исмини ҳам билмайдиган жиноятчининг сиймоси ва ёвуз нигоҳлари. У ўзига минг хил ажал танлаш имкониятига эга эди. Масалан: бозорда ўфрилик қилаётганда полициячилар қуролидан отилган ўқдан ё йўлдаги қаҳвахонада бир пиёла арақ ичаётиб, ўз шериги билан гап талашиб, биқинига санчилган тигдан ёки бўлмасам минглаб дардман инсонлар каби саратон, ОИТС, балки вабодан ўлиши ҳам мумкин эди, аммо бу уни қониқтирмади. Қароқчи айнан менинг қўлимда ўзининг қуролидан отилган ўқдан ўлим топиши керак экан. Камина, ҳатто унинг исмини ҳам билмайман. Темир йўл поездлари бўйлаб саёҳатлар инсонга жуда кўп имкониятларни тақдим этади. Аммо бу қароқчи-га нима берди. Нариги дунёга йўл. Бундайларни, ҳатто одам каби охирги манзилга кузатмайдилар. Ит каби яшаб, ит каби ўлиб кетишади. Мана, барча ўз хаёлларига фарқ бўлиб боряпти. Бизга на чой, на янги газета, на овқат таклиф қилишди. Ҳатто чипталаримизни ҳам сўрашгани йўқ. Бироқ олдинда бизни қанча янги учрашувлар кутиб турибди. Мухбирлар, полициячилар, шифокорлар билан кўришишу суҳбатлашиш на-сиб этади энди. Жамиятнинг бу вакиллари мени ким деб эълон қилишаркин? Ожиза қизнинг номусини ҳимоя қилган ва бирйўла бу дунёни ёвуз жиноятчидан халос қилган қаҳрамонми ё, ҳатто, исмини билмай туриб, тирик инсоннинг жонини олган юраксиз қотил сифатидами? Олдиндан

бир нима дейиш қийин. Бир гапни аниқ айтишим мумкин, ўз тахминларимни аниқлаш учун олов билан ўйнашишни хоҳламайман. Кутилмаганда сукунат ичра полковник Тейлорнинг сўзлари эсимга келди: «Думинг билан изларни йўқотиш керак!» Энди нима қилишни яхши биламан. Вокзал яқин. У ерда мени полициячилар қўшини кутиб турганига ишончим комил. Тўппончани тутиб, асосий чиқиш эшигига қараб йўналдим. Қарама-қарши томонга кетаётган поездга ўтирмоқчиман. Поезд гилдираклари остида кўприк кўриниши билан тўппончани дарёга отдим. Мана, темир йўл бекасти. Поезддан тушдим-да, қайсидир бошқа поезднинг вагонига қараб югурдим. Мана шундай тун бўйи вокзалдан-вокзалга, поезддан-поездга сакраб юравердим. Шаҳарлар кўз олдимда ортда қолиб кетяпти. Поезд мени қаерга олиб кетяпти: Фарбами, Шарққами, Шимолгами, Жанубгами, ҳатто, билмайман ҳам. Мен вагонлардаги тахтачаалардаги ёзувларни ҳам ўқимайман. Шунчаки, минаман тамом. Асосийси, Мумбайга қайтмаслик. Акшай миршабларга Салим ҳақида айтган бўлиши мумкин. Демак, Гаткопарда пистирма бор. Одамлар кам бўлган ифлос бекатлардан юрмаслигим керак. Бу эътиборни жалб қилади. Яхшиси, ёрқин ва тиқилинч бўлган вокзалларда тўхтаймаман. Соат тонгги тўққиз. Мен вагондан сакрайман. Эғнида тоза ипақдан тикилган оппоқ кўйлак, янги американча кўк жинси шим ва қалбаки соат таққан йигитга бу шаҳар ниҳоятда гўзал кўринади. Вокзалда қора рангда қалин ҳарфлар билан «АГРА – Денгиз сатҳидан бир юзу олтмиш тўққиз метр баландликда» деб ёзиб қўйилган ҳарфларни ўқидим.

Смита кафти билан оғзини ёпди.

– Ё Худойим! Шунча йил сен қотиллик қилдим деб юрибсанми ҳали?

– Ҳа, икки кишини. Шантарамни итарганимни ҳам унутма.

– Ҳа-а, бутунлай эсдан чиқарибман, лекин поезддаги воқеа қотиллик эмас, балки ўз-ўзини ҳимоя қилишга киради. Сени оқлашган бўларди. Бундай олганда ўша воқеа протокол қилинмагандир ҳам. Қолаверса, ҳамроҳларинг ҳам ўз ҳимоячиларини айблашмаган бўларди. Айтганча, ана у қиз – Менакши ҳозир у қаерда? Ўша воқеадан сўнг уни қайта учратдингми?

– Йўқ. Бирор марта ҳам. Кел, яхшиси, ўйиннинг давомини кўрамиз, – деб таклиф қилдим.

Студияни яна сирли қоронғилик қоплади. Бошловчи мен томонга қайриди.

– Мана, ниҳоят, еттинчи саволга ўтамиз. Унга икки юз минг рупий тикилган. Тайёрмисиз?

– Тайёрман, – деб бош чайқайман мен.

– Яхши. Диққат билан еттинчи саволни эшитинг. Дунёда илк тўппончани ким кашф қилган? Марҳамат, вариантлар: а) Сэмюэл Кольт, б) Брюс Браунинг, с) Дэн Вессон ва d) Жеймс Револьвер.

Яна юракни ҳаяжонга соладиган оғир мусиқа янграйди. Мен ўйловга чўмдим.

– Умрингизда бирор марта шундай исм-шарифларни эшитганмисиз? – қизиқиб сўрайди Прем Кумар.

– Албатта, ҳар ҳолда уларнинг бири таниш.

– Ҳўш, таслиммисиз ё омадга таянмоқчимисиз?

– Мўъжизага ишонаман.

– Яхшилаб ўйлаб кўринг. Ҳали ҳам бир лакх пулни олиш имкониятига эгасиз.

– Йўқотадиган ҳеч нарсам йўқ.

– Ажойиб. Ҳўш, сизнинг жавобингиз қандай?

– А) «Кольт».

– Ишончингиз комилми?

– Ҳа.

Дўмбира садолари қулоқни қоматга келтиради. Маълумотлар ойнасида ялтирайди.

– Юз фоиз ҳақсиз! Тўғри топдингиз! Бу чиндан Сэмюэл Кольт. У бир минг саккиз юзу ўттиз бешинчи йилда тўппончани кашф қилган эди. Ҳозиргина икки лакх рупий ютиб олдингиз! Табриклайман!

Ўзим ҳам ишанолмаётгандим. Икки юз минг ютиб олганимнинг ўзи мўъжиза ахир! Ҳозир мен ичимда ўша исмини ҳам билмайдиган қора танли қароқчига миннатдорчилик билдираман. Ахир у туфайли элик минг уч баробарга кўпайиб қайтди.

Студияда ёқимли муסיқа янграйди. Томошабинлар тинмай қарсак чалишяпти. Бироқ қулоқларим остида «Деҳли – Мумбай» поезди филдиракларининг товуши эшитилади. Кутилмаганда бошловчи ўрнидан туриб қўлини чўзди. Негадир менинг қўлим унинг қўлини сиқишга ўзида куч тополмасди. Телешоунинг ўртасида қалбимдаги оғир дард юзага чиқди. Мўъжиза олдида ақлим лол. Миям эса сира ишламаётганди.

БЕШ ЮЗ МИНГ РУПИЙ: ҲАРБИЙ ЗОВИТ ҲИКОЯСИ

Соат кечки тўққиз яримда ҳарбий ҳаво тревогаси чалинди, унга қараб соатни тўғрилаш мумкин. Харобаларда ваҳимали ва таҳликали сукунат ҳукмрон. Маҳаллий аҳоли бир ҳафта давомида радиокарнай орқали уруш бошлаганига ишониб, эълон қилинган тавсияларга қатъий амал қилишарди. Электр энергиясини ўчириш, газни узиб, ўз уйларининг эшикларини яхшилаб тамбалаб қўйиш...

Қароргоҳимиз мактабнинг ертўласида жойлашган. Оёқ остида қирмизи гилам. Эски, темир стол устида катта телевизор ва бир нечта курси. Ичкари харобалик аҳоли учун ниҳоятда иссиқ ва бир оз тор эди. Бироқ буларнинг бари бизнинг хавфсизлигимиз учун, шундай экан, нолисак гуноҳ бўлади. Эшитишимизча, Пали Хилл қароргоҳини телевизордан ташқари, ёстиқ, совуткич билан «Данлопилло»¹ фирмаси таъминлаганмиш.

Маҳаллийлар бир жойга ғужанак бўлиб олиб, экрандан кўз узмай янгиликлар каналини кўрардилар. Атрофга назар ташлайман, буни қаранг-а, чайлаларда яшайдиганларнинг аксарияти бир ерда тўпланиб, жимгина телевизор кўриб ўтиришганига ҳайрон қоламан. Мана, уруш-жанжал қилмай, мураса-ю мадора билан яшашса бўларкан-ку, дейман ичимда. Гокхейллар, Нена, Бапатлар, мистер Уагле, жаноб Кулкарни, миссис Дамле, жаноб Ширке, миссис Барве... Фақат жаноб Рамакришна етишмайди. Иш бошқарувчи

¹ «Данлопилло» – Ҳиндистонда матрас ва ёстиқ ишлаб чиқариш соҳасида етакчилик қилаётган энг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири.

ҳужжатларни эпақага келтираётган бўлса керак, ё куйиб қолган чироқни алмаштираётган, ёки бузилиб қолган жўмрақларни тузатаётгандир, балки. Ҳатто уруш вақтларида ҳам биринчи навбатда рекламага эътибор қаратадилар. Хуллас, янгиликлардан бошланишидан олдин урушда қўшинга ҳомийлик қилаётганларнинг номи эълон қилинади. Бу «Она Ҳиндистон» тиш пастаси ва «Жолли» чойи... Ундан кейин биринчи вазирнинг маърузаси бошланади.

«Бизнинг қуроли кучларимиз бор куч-қудратини душманга қарши сафарбар этган. Биз галабга эришмагунча курашамиз! – тантанали оҳангда ҳукумат бошлиғи маърузани бошлайди. – Шундай қилиб, бутун умрга терроризмни йўқ қиламиз. Очликни ҳам. Камбағалликни ҳам!»

Бош вазир томошабинларни эзгу мақсад йўлида бирлашиб, қўшиннинг Аскарлик мурувват фондига ёрдам қилишга чорлайди. Кейин сахнага ёш ва гўзал актриса чиқади ҳамда ҳозиргина эшитган гапларимизни қайта сўзма-сўз такрорлайди, бироқ ёқимли товуш билан. Аёлларнинг ҳайратдан оғизлари очилиб қолди. «Ёшгина экан! – дейишади улар. – Қандай гўзал! Қизиқ, устидаги кийими нимадан тикилган экан, сариданми ё шойиданми? Териси-чи, нақадар майину мафтункор, нафису нозик. Унга, ҳатто, ажинларни йўқотадиган крем ҳам керак бўлмаса керак».

Эркаклар эса газабдан ёнадилар. «Бу жоҳиллар бизга азият етказишгани етар! – жаҳл билан айтадилар улар. – Қачонгача чидаймиз ахир? Покистонни кулини кўкка совурадиган вақт етди!»

Жаноб Уагле – ҳарбий масалалар бўйича бизнинг мутахассисимиз. Университетда дарс беришини ҳисобга оладиган бўлсак, у харобалардаги энг ўқимишли одам. «Покистонликларда ракета-

лар, атом бомбалар бор, ҳукумат радиациядан бизни асраётгани сабаб, ертўлада яширинишни буюрган, – дея тушинтирди у. – Аслини олганда бу ҳеч кимни қутқариб қололмайди. Портлашдан кейин сув буққа айланади. Ҳаво эса оловга. Офтоб нурлари бутунлай кўринмайди. Қуёш ўлади. Осмонда қўзиқоринни эслатувчи қора булут пайдо бўлади. Натижада баримиз ўлиб кетамиз», маърузачимиз таҳликали оҳангда сўзини якунлайди.

Бироқ ўлимнинг қандай бўлишини мен каби ўн икки ёшли болага, тўққиз ёшли Путул ва ўн ёшли Ханеш ҳамда Салимга тасаввур қилиш бир оз мушкул эди. Аммо урушнинг қандайлигига қизиқиш катта эди. Бунинг устига бу бизнинг асримиздаги атом бомбаси портлатилиши кутилаётган ягона уруш эмас экан. Ҳайрат ичра баримиз ҳарбий юришлар суратга олинган кадрларни томоша қилиш учун телевизор олдида мустаҳкам ўрнашдик.

Қанийди, харобалар ёнида биттагина бўлса ҳам ракета қулаб тушса, деб шивирлаймиз бир-биримизга. Урушнинг учинчи туни. Ертўладаги ҳаёт бизни қийнай бошлайди. Аёллар вақтни беҳуда сарфламаслик учун уй ишларини худди шу ерда бажаряптилар. Аҳил-иноқлик билан кечки овқатга картошка, помидор майдалашяпти. «Эшитдингизми? Миссис Госвами янги катта экранли телевизор сотиб олганмиш... Фақат Худо билади, қаердан уларда шунча пул. Афтидан кеча кечқурун мистер ва миссис Бапат яна жанжаллашишган. Овозлари бутун харобалар бўйлаб эшитилиб турди. «Старбест»нинг охирги сонини кўрдингизми? Айтишларича, Арман Али ҳалигидақалардан экан».

Эркаклар диққат билан янгиликларни кузатиб, ҳарбий сиёсат ҳамда миш-мишларни муҳока-

ма қилишарди. Қаердандир Патханкотга бомба портлагани ҳақида узунқулоқ гапларни эшитишганини айтишади. Эсизгина, минглаб тинч аҳоли ҳалок бўлганмиш... Мехта ишончли одамларидан бензинни, ҳатто вазирга ҳам махсус карточка билан берилаётгани, бозордан эса аста-секин пиёз, помидор, озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқолиб, тақчил бўлиб бораётгани ҳақида қимматли маълумотларни эшитганмиш...

Биз болаларнинг ҳам ўз ташвишларимиз бор. Ертўлада югураимиз, бир-биримизни туртаимиз, ўмбалоқ ошиб, бақир-чақир қиламиз ҳамда аёлларнинг юрагига бир олам қўрқув бахш этиб йиқиламиз. То насибамизни олмагунимизча, «Жосуслар» ўйинини ўйнаймиз. Ундан сўнг Пу-тул янги ўйинни кашф қилди. Ўйиннинг номига борман-да, лекин: «Уруш ва тинчлик». Қоидалари ниҳоятда оддий: икки гуруҳга бўлинамиз. Бирини Ҳиндистон генерали, иккинчисини эса покистонлик бошқаради. Ҳар бир қўлга тушган рақиб асир ҳисобланади. Уларни бошқа гуруҳга асирликка тушганлар билан алмаштириш мумкин. Мабодо, генераллардан бири қўлга тушгудай бўлса, иккита асирга айирбошланади. Охирида қайси гуруҳнинг асирлари кўп бўлса ўша ғолибдир. Фақат бу ерда битта ечими йўқ муаммо пайдо бўлди. Ҳеч ким покистонлик генерал бўлишни истамайди. Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг болалар Салимга мурожаат қилишди. Унга нима фақи бор, ахир, у мусулмон-ку. Дўстим аввалига кўп қаршилиқ қилди, бироқ қўлига икки қути сақич тутқазилиши билан рози бўлиб қўя қолди. Берилган ана шу пора ҳақи-ҳурмати мен ҳам унинг гуруҳига қўшилдим ва биз ҳиндистонликларни тор-мор қилдик. Ўйиндан сўнг, итдай чарчаб, бир бурчакда ўтириб олдик ва урушни

ўзимизча болаларга хос беғуборлик ҳамда ўй-ноқилик билан муҳокама қилдик.

– Менга бундай кунлар ёқяпти, – дейман мен.
– Уруш ажойиб экан. Ахир комендатлик соати туфайли бекам Неелима Кумари мени нақ бир ҳафтага ишдан озод қилди-я!

– Ҳа, албатта, – қўшилди Путул. – Мактабни ҳам худди шунча вақтга қадар ёпиб қўйишди.

– Қанийди, катталар ҳар ой шундай уруш эълон қилиб турсалар! – дейди Ханеш.

– Бас қилинг! Бундай совуқ ният қилишни йиғиштиринг! – ортимиздан таҳдидли овоз келди.

Биз қўрқа-писа ўтирилдик. Ортимизда ҳассага таянганча кекса киши турарди. Баланд бўйли, майин мўйловли, қадди-қомати келишган. Эғнида яшил рангдаги ҳарбийлар кийими. Белида эса қалин камар. Нотаниш бизга жаҳд билан тикилиб, қўлини бигиз қилиб турарди.

– Уруш бўлишини орзу қилманглар! Бу жуда ҳам жиддий масала. Урушда одамлар ўлади!

Шу гапдан сўнг, биз унинг оёқлари йўқлигини пайқадик.

Танишдик. Маълум бўлишича, бу одамнинг исми Бальвант Сингх, у истефодаги лэнс-нейк¹ экан. Яқиндагина харобаларга келиб жойлашган, оёғини эса урушда йўқотганмиш. Бизни тартиб сақлаб ўтиришга ундаб, ўзи экран олдидаги курсига эҳтиёткорлик билан чўкди.

Телевизор орқали ҳарбий юришлардан тўғридан-тўғри репортаж берилаётганди. Аввалига тутун, кейин ракеталарнинг учишга тайёрланаётган жараёни кўрсатишади. Аскар тугмани босиши билан ракета ҳавога кўтарилади. Ҳали ярим дақиқа ҳам ўтмасдан сарғиш-қизил олов

¹ Лэнс-нейк – Ҳиндистон қўшинида сержантлик унвони.

пайдо бўлади ва портлашнинг овози қулоқни қоматга келтиради.

– Мана, марҳамат, объект йўқ қилинди, – дейди зобит иккинчи ракетани ҳавога учуришга ҳозирлик кўраркан. У иршаяди ва нотабий яшил тишлари кўринади. Ўн сониядан сўнг, бошқа ракета ҳавога кўтарилди.

Журналист камерага қайрилиб:

– Бу Ражистон¹ ҳудудидаги бешинчи ҳарбий бўлинмадан тайёрланган эксклюзив репортаж эди. Сиз билан мен Сунил Виас бўлдим. Махсус «Стар ньюс» учун. Биз билан қолинг.

Томошабинларга ракета билан қандай объект йўқ қилингани ҳақида маълум қилишмайди. Бундан нечта киши ўлди-ю, қанчаси тирик қолгани ҳақидаги хабарлар ҳам йўқ, бироқ саҳнага машҳур қўшиқчи чиқиб, жасоратга ундайдиган қўшиқни ижро этади.

Истефодаги Лэнс-нейк секин курсидан турди.

– Шу ҳам урушми? – беписандик билан сўзлайди у. – Болалар ўйини! Одамлар онгига ёқимли опералар билан таъсир қилишяпти.

Жаноб Уаглага эса бу тегиб кетди.

– Буни уруш ҳисобламайсизми ҳали? Хўш, унда сизнингча, ҳақиқий уруш нима қанақа бўларкин? – истеҳзо билан сўрайди у.

Бальвант суҳбатдошига масҳараомуз тикилди.

– Ҳар ҳолда уруш сизга бу экран орқали кўрсатилаётган чўпчак эмас. Уруш бу – қон ва жон, бирининг қўли, бирининг оёғи узилган, бири эса парча-парча бўлиб кетган сон-саноксиз мурдалар.

– Қайси жангда иштирок этгансиз? – дея сўрайди маърузачи.

– Охирги ҳақиқий урушда, – ғурур билан жавоб берди Бальвант Сингх.

¹ Ражистон – Ҳиндистон ва Покистон чегарасидаги штат.

– Ҳақиқий уруш қандайлигидан хабарингиз бўлса биз билан ўртоқлашарсиз, балки? – суҳбатга аралашди миссис Дамле.

– Ҳа, ҳа, илтимос, – қўллаб-қувватлаймиз биз. Истефодаги лэнс-нейк қайтиб жойига ўтирди.

– Демак, сиз ҳақиқий уруш вақтида одам нималарни ҳис қилишини билишни истайсиз, шундайми? Яхши, мен сизга бир ҳикояни айтиб бераман. Биз Покистонни мутлақ мағлуб этишга эришган охирги жанг, галабага йўғрилган ўн тўрт кун ҳақида.

Ҳамма қарияни ўраб олди. Қўзларини катта-катта очиб, худди неваралар ўзининг севимли бувасига боққани каби биз ҳам қари зобитга тикилиб турибмиз. Бальвант Сингх ҳикоясини бошлаши билан унинг юзидаги қандайдир чуқур қайғу зоҳир бўлди, олис хотиралар гирдобида азият чекаётган одам каби юрагини чагаллаб, аста силаб қўйди.

– Бир минг тўққиз юз етмиш биринчи йил эди. Тарихимиздаги энг муҳим саналар...

Тингловчиларнинг вужуди қулоққа айланди. Жаноб Уагле эса телевизорнинг овозини ўчирди. Ҳеч ким бунга эътироз билдирмайди ва бир сўз айтиб бошланган ҳикояни бўлиб қўйишга ботинолмайди. Тирик ҳарбий зобитнинг ҳикояси олдида кимларнингдир қўлидан олингани номаълум сохта иккинчи даражали эксклюзив репортажлар нима бўлибди...

– Сўнги ҳақиқий уруш бир минг тўққиз юз етмиш биринчи йилнинг 3 декабрида бўлган эди. Нега бу санани аниқ эслаб қолганимни биласизми? Чунки айнан ўша кун мен Патханкотдан хат олдим. Унда севимли хотиним бу ёруғ дунёга илк фарзандимиз – ўғлимиз дунёга келганлигини ҳақида хабар қилганди. «Ҳозир бирга бўлмасак ҳам майли,

– ёзарди хотиним, – Юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш учун курашаётганлигингиз ҳақидаги ўйлар қалбимни ғурур ва қувончга тўлдиради. Ҳар куни буюк осмон кучлари сизни хавфдан ҳимоя қилишини сўраб тавалло қиламан. Ғалаба билан қайтиб келинг. Мен ва ўғлингиз сизни интиқлик билан кутамиз». Ишонмайсиз, ўқиб бахтдан йиғлайман. Шундай қувончли кунларда оиладан олисда бўлиш осон эмасди. Хотинимнинг номаси ва ўғлимнинг туғилиши ғайратимга ғайрат қўшди.

– Унга қандай исм қўйдинглар? – қизиқиб сўрайди миссис Дамле.

– Бу саволни аллақачон ҳал қилиб қўйгандик. Агар қиз туғилса Дурга, ўғил туғилса Шер бўла қолсин, дегандик. Шундай қилиб, у Шер Сингх бўлди.

– Уруш бошланган тун ҳақида сўзланг, – дея илтимос қилди жаноб Ширке.

– Учинчи декабрь куни ярим тунда номард ғаним қоронғи тун чўккани ва барча ғафлат уйқусида ётганидан фойдаланиб, жанубий ҳудудда жойлашган бизнинг аэродромларимизга ҳаводан зарба берди. Бу ваҳимали ҳужумда Сринагар, Патханкот, Уттарлаи, Жохпур, Амбала, Агра ўқлар ёмғири остида қолди. Энди ғаним шимолдаги Чамба ҳарбий секторига ҳужумга ҳозирланаётганди.

– Айнан қаерда хизмат қилгансиз? – қўшилди жаноб Уагле.

– Биз ўн учинчи ҳарбий қисм билан Чамбанинг марказига жўнадик. Сикхларнинг ўн учинчи бўлинмаси. Биринчи гуруҳ таркибида каминани биринчилардан бўлиб жўнатишди. Бироқ душман нега айнан Мунавар Тави дарёсининг жанубий соҳилини танлаганини оддийгина қилиб тусунтирсам, фойдадан холи бўлмайди. Гап шундаки, айнан шу дарё орқали Акхнор ва Жауриан

туманларига асосий йўл ўтади. Шунчаки, Чамба қўлдан кетса, бу ҳукумат учун катта йўқотиш бўларди. Хўш, тахминан кечқурун соат саккизларда покистонликлар бизнинг секторга биринчи зарбани берди. Бир неча соат ичида учта чегара қўшинлари йўқ қилинди. Душман бор кучи билан ёпирилди. Мунавар-Тави дарёси яқинида атиги учта бўлинмага қарши Покистоннинг йигирма учинчи дивизияси жангга кирганди. Бутун шарқ frontiда энг кучли ҳарбийлар гуруҳи эди, десам янглишмайман. Бир юз элликта танк, тўққиз ёки ўнта артиллерия полки. Менинг қўл остимда уч киши хизмат қиларди. Патиаладан Сукхвиндер Сингх, Ҳошиарпурдан Ражешвар ва Лухианадан Карнаил Сингх. Сўнггиси ҳаммамиз учун қадрли эди. Баланд бўйли, кучли, мард, қўл жанги бўйича моҳир йигит ва у ҳамиша кулиб турарди. Уруш уни сира ваҳимага солмасди. Йигит ажал билан юзма-юз келганда ҳам қўрқмай тик юрганини кўп бора кўрганман. Аскар фақат бир нарсадан кўрқарди.

– Нимадан? – қизиқади жаноб Кулкарни.

– Номуносиб дафн қилишларидан. Миш-мишларга қараганда жин ургур покистонликлар ҳиндиларни ҳам мусулмонларнинг қонун-қоидаларига биноан кўмишаркан. Тақводор ва жасур Карнаил ҳинди каби оловда ёндиришларни истарди.

– Менга ваъда беринг, сэр, – дерди у уруш бошланмасидан бир ҳафта илгари, – агар бу оламини тарк этадиган бўлсам, ҳиндиларга муносиб тарзда мени нариги дунёга кузатинг, бўлма-са, руҳим икки дунё орасида ўттиз олти минг йил ором топмай юради!

Унга ўлим ҳақида ўйлашига ниҳоятда эрталигини қанчалик тушунтирмай, йигит айтганидан

қолмади. У бундай нарсаларга ниҳоятда жиддий қарарди.

– Майли, – дедим охири енгилиб, – сен айтганча бўла қолсин. Агар бу оламдан мендан илгарироқ ўтадиган бўлсанг, сени барча урф-одатларимизга амал қилиб, муносиб тарзда оловда куйдиришлари учун бор кучимни аямайман!»

Учинчи декабрда Карнаил, Сукхвиндер, Ражешвар ва мен қароргоҳда эдик. Кутилмаганда ҳужум бошланиб қолди.

– Қароргоҳда? – ҳушёр тортди Путул. – У ерда телевизор бор эдими?

Ҳарбий кулди:

– Ўғлим, у ерда бу ердаги каби шоҳона ҳаёт йўқ эди. На телевизор ва на гилам. Кичкина ва тор бункер, у ерга тўрт киши аранг сифардик. Бизни заҳарли чивинлар, баъзан илонлар зиёрат қилиб туришарди. Ҳа майли, бу унча аҳамиятга эга эмас... – Бальвантнинг овози жиддийлашди. – Биладим, сиз ўша ҳудуддан яхши хабардор мисиз ё йўқми? Чамба ўзининг катта кулранг харсангтошлари ва қалин, баланд ўтзорлари билан машҳур, улар орасига бемалол танкларни яшириш мумкин. Хуллас, тун зулмати ичра ана шу ўтлар орасидан бирин-кетин танклар ёпирилиб кела бошлади. Биз нима бўлаётганини англамай туриб, ҳали ўнгдан, ҳали чапдан миналар портлай бошлади. Бошпанамизга граната келиб тушди, бироқ биз чаққонлик қилиб у ердан қутулиб чиқдик. Бир-биримизнинг ортимиздан душман ҳужумининг асосий манбасини аниқлаш мақсадида қоронғилик ичра секин эмаклаб борардик. Биз қўп юрдик. Қанчалигини аниқ айтолмайман, қарийб душман бункерига яқинлашдик. Менинг ортимдан мина портлади. Ортимга ўгирилиб қарадим. Ражешвар ва Сукхвиндернинг аллақачон

жони узилганди. Карнаил эса қора қонига бела-
ниб ётарди. У қорнидан жароҳатланганди. Мен-
га эса шунчаки омад кулиб боқди. Бир-икки тир-
налган жойимни айтмаганда, жиддий яраланма-
гандим. Мен, албатта командирга йўқотишлар
ҳақида хабар бердим ва тинимсиз ҳужумларнинг
ўчоғи бўлган душман қароргоҳи олдида турга-
нимни ҳам қўшиб қўйдим. Агар зудлик билан қў-
шимча кучлар юборилмаса, бир неча соат ичида
ганим бутун бўлинмани йўқ қилиб юбориш хав-
фи борлиги ҳақида огоҳлантирдим. Зобит ёрдам
кучларини юборишни ваъда қилди. «Асосий-
си, қандай бўлмасин, бу қийин вазиятни қўлга
олишга ҳаракат қиламан», – деди у.

– Мени тўсиб тур! – сўрадим яраланган бўл-
са-да, омон қолган ўртоғимдан. – Душманни тўх-
татиб қолмасак бўлмайди.

Аммо жасур Карнаил менинг йўлимни тўсди.

– Бу ахир ўз жонига суиқасд қилиш-ку, сэр! –
қаршилиқ қилди у.

– Биладан, – қароримдан қайтмаслигимни эъ-
лон қилдим мен. – Бари бир кимдир бориши ва
шу ишни қилиши керак.

– Унда менга рухсат беринг, сэр.

Мен ҳеч қачон унинг сўзларини унутолмайман.

– Бальвант Сингх, – деганди жасур ўртоғим,
– сизнинг хотинингиз бор, мана фарзандли ҳам
бўлдингиз. Менинг эса ортимда кутадиган ҳеч
кимим йўқ. Олдинда ҳам. Балки, бу жароҳат
билан эрталабгача бардош беролмасман. Бари
бир тирик қолмайман. Шундай экан, юрт учун
жангчиларга хос ўлим топишга рухсат этинг.
Фақат ўз ваъдангизни унутманг, сэр.

Мен ҳали эс-ҳушимни йиғиб олмай туриб, у
қўлимдан қуролни тортиб олди. «Она Ҳиндистон
ғалабаси учун!» дея ҳайқириб, душман бункери-

га қараб ўзини урди. Уч нафар покистонликни ер тишлатиб, ҳужумни тўхтатди азамат, бироқ ўз навбатида пулемётнинг ўқи Карнаилнинг кўкрагини яралади ва йигит кўз ўнгимда қуролини қучоқлаганча ерга қулади. Бункер тинчиб қолди.

Зобитнинг ҳикоясини тингларканмиз, ўша олисларда қолган шафқатсиз уруш сахналарини тасаввур қилишга уринамиз. Кўз олдимизда пулемётларнинг тириллаши ва миналарнинг портлаши келади. Бальвант Сингх йўталиб қўйди ва яна сўзлашда давом этди:

– Аниқ эсимда йўқ, мен икки соат кўз олдимда юз берган воқеадан ўзимга келолмай ётдим. Командир ортга қайтишимни буюрганди, аммо Карнаилга, берган ваъдам қулоқларим остида жарангларди. Унинг танаси фаним ҳудудида ётарди. Атрофда покистонлик аскарлар кўпмиди? Буни билмасдим. Фақат яқин ўртоқларимсиз, ёлғиз қолганимни билардим, холос. Тонгги учларга яқин ҳаммаси тинди. Энди юракларга уруш ўчоғида бир муддат ҳукмрон бўлган сукунат гулғула соларди. Қадам-бақадам, ҳатто 200 фут чиқмайдиган ўша қуриб кетгур блиндажга¹ яқинлашаман. Кутилмаганда оёқ товушлари эшитилди. Юрагим шу қадар тез урардики, беихтиёр қуролимни кўтардим, бироқ ич-ичимдан ишқилиб отишга тўғри келмасин, деб умид қилардим. Бир озгина эҳтиётсиз ҳаракат ва душманга қаердалигимни билдириб қўяман. Ҳатто нафас олишни ҳам секинлаштирдим. Белимга ўткир учли нимадир тиралганини ҳис этаман. Наҳотки, бу илон бўлса, дейман ўзимга ўзим? Газандани ўлдиришни хоҳлаётгандим, бироқ қўрқув мени жим

¹ Блиндаж – уруш майдонида ерни қазиб, йўғон ходалар билан кўмиб, тупроқ, бетон ва ҳоказолар билан ёпиладиган дала истеҳкоми.

туришга мажбур этди. Чақиб олмаса гўрга эди. Газанда мени айланиб ўтгунича, орадан бир аср ўтиб кетгандек бўлди. Бутун баданимдан совуқ тер чиқаётганди. Қурол қўлимга ёпишиб қолганди. Қадам товушлари тобора яқинлашиб келарди. Мен ғанимни нишонга олмоқчи бўламан, лекин кўзларим қоронғида ҳеч нарсани кўрмайди. Ўша онда ўз қурбонини излаб, ажал кезаётганини ҳис этиб турибман. Бу жанг майдони ё мен биринчи бўлиб кимнидир ўлдираман, ё кимдир мени. Барглар шитирлайди, қулоғимга кимнингдир аранг нафас олаётгани эшитилди. Нима қилай? Балки отишим керакдир? Ёки душман эҳтиётсизлик қилиб ўзини билдириб қўяр? Қутилмаганда мендан ўн қадам нарида гугурт ёнди ва кичкина шуъла ёруғида эркак кишини кўрдим. Мен дарров ўтлар орасидан югуриб чиқиб, ғанимга ташландим. Ҳарбий зобит милтиғини тўғрилаб олишга ҳам улгуролмади. Ахири:

– Илтимос, мени ўлдирманг! – дея ялинди бечора.

Мен ундан:

– Ҳудудда неча киши қолгансиз? – деб сўрадим.

– Билмайман. Мен ўзимизникилардан орқада қолдим, уларга яқинлашиб олмоқчиман. Илтимос, менга раҳм қилинг, – ўпкаси тўлиб кетди йигитнинг.

– Нега шафқат қилишимга умид қилияпсан? Ахир биз душманмиз.

– Ҳа, лекин сиз ҳам мен каби одамсиз, – давом этди. – Қонимиз ҳам бир хил рангда. Мирпурда хотиним кутяпти. Ўн кун олдин у қиз фарзандимизни дунёга келтирди. Илтимос, боламнинг юзини кўрмай ўлиш насиб этмасин!

Шу гапни эшитгандан сўнг, юрак ийимайди, дейсизми?

– Биласанми, мен ҳам уйланганман ва тўнғичимни ҳали қўлимда кўтариб кўрганим йўқ, – дедим душманимга. Кейин қўшиб қўйдим. – Менинг ўрнимда сен бўлганингда нима қилардинг?

Эркак узоқ жим турди ва ниҳоят:

– Ўлдирган бўлардим, – деди.

– Мана кўрдингми? Биз иккимиз ҳам зобитмиз. Шундай экан, касбимизни ҳурмат қилишимиз керак. Фақат бир нарсани ваъда беришим мумкин. Сени муносиб тарзда кўмамиз, – дея ваъда бердим-у, унинг юрагини нишонга олдим ва отдим.

– Худойим!.. Ахир бу... – Миссис Дамле у ёғини давом эттиролмай, зобитнинг юзига нафрат билан тикилди. Жаноб Ширке ҳам ёмон аҳволга тушди. У Путулнинг қулоқларини ёпишга бир оз кечикди.

– Барча тафсилотлари билан айтиш шарт эмасди! Қотиллик, қон... ўғлимни кечалари кўрқинчи тушлар безовта қилиши мумкин ахир! – эътироз билдирди у.

– Ҳа! – истеҳзоли жилмайди Бальвант. – Уруш бу – ўз номи билан уруш. Сен ўлдирмасанг, сени ўлдиришади. Уруш кўнгилчанлар учун эмас. Ўспиринлар учун буни англаб етиш фурсати келди. Урушда одамлар ўлади.

– Кейин нима бўлди? – сўради жаноб Уагле.

– Кейин... кейин. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ўша бункерга бордим ва ичкарига кириб, душман аскарларининг мурдалари орасидан дўстимнинг ўлик танасини топиб, елкамга кўтардим-да, ўзимникиларнинг ёнига қайтдим. Эрталаб эса... – Қари зобитнинг кўзларида катта-катта ёшлар ялтиради. – Унинг мамлакатимиз мустақиллигини асраб қолиш учун қилган жасоратини эшитиб, жасур зобит Карнаил Сингхни МВЧ унвони билан тақдирлашди.

– МВЧ – у нима дегани? – сўрайди Ханеш.

– Маха Вир Чакра, мамлакатимиздаги ҳарбийлар учун бериладиган олий унвонлардан бири, – тушунтирди Бальвант.

– Ҳа? Энг олийси-чи?

– ПВЧ, яъни Парам Вир Чакра. Бу унвон одатда ўлганингдан кейин берилади.

– Сизни-чи? Сизни нима билан тақдирлашди? – саволга тутишда давом этди бола.

Ҳарбий кийимдаги қари зобит оғриниб:

– Ўша операция учун – ҳеч нима билан, бироқ бу ҳикоямнинг адоғи эмас. Мен сизга машҳур Мандиала кўприги узра бўлган жанг ҳақида сўзлаб бермадим.

Жаноб Уагле соатига тикилди.

– Тун яримлабди. Бугунга шунча ҳаяжонланганимиз етади. Комендантлик соати аллақачон яқунланди. Энди уй-уйларимизга жўнасақ ҳам бўлади.

Биз истамайгина айриламиз.

Эртасига яна бункерга тўпланамиз. Ўртамизда янги – Ажай деган бола ҳам қўшилди. У жаноб Бапатанинг ўғли. Йигитча кечагина бувисиникидан қайтганди. У ҳамиша ўзининг ўйинчоқлари, компьютери ва сон-саноқсиз уни ёқтирган қизлари билан мақтаниб турарди. Ажай ҳар доим бизнинг жиғимизга тегади, бироқ биз у билан тортишиб ўтирмаймиз. Кўринишидан ўн еттига ўхшайдиган ўн беш ёшли ўспирин билан бизнинг куч синашишимиз бефойда, чунки истаймизми, йўқми кучлар тенг эмас. Бугун у ўзи билан унча катта бўлмаган ён дафтар кўтариб келди. Айтишича, дастхатлар учун махсус чиқарилган экан.

– Мана бу ерга Амиабх Баччан ўз имзосини қўйган, – мағрур гердайиб ёзувга ўхшамайдиган қандайдир бўяган чизиқларни кўрсатиб, бизга

маълум қилди Ажай. – Бу – Равина, мана буниси – машҳур бэстмен¹ Сачин Малванкарга тегишли.

– Буниси-чи? – энг тушунарсиз ёзувни кўрсатиб сўради Ханеш.

Ён дафтарнинг эгаси ўйланиб тикилиб турди-да, кейин:

– Бу онамнинг имзоси бўлса керак, – деди у.

Путул ҳам дафтар кўтариб келди. Бу дастхатлар учун ён дафтар эмасди-ю, бироқ оддий дафтар эди. Отаси мактаб ёпилганига қарамай, дарс қилишини қаттиқ тайинлабди. Энди бечора ҳар кун ижодий иш ёзиши керак. Бугунги ижодий ишнинг мавзуси «Менинг сигирим» деб номланган экан. У қандай бошлашга ҳайрон, чунки биродаримизнинг ҳеч қандай сигири йўқ эди-да. Телевизор орқали катта мавқега эга бўлган ҳарбий амалдор иштирокида ўтган қандайдир матбуот анжуманини кўрсатишарди.

– Ҳарбий ҳаво орқали қилинаётган барча ҳужумларимиз муваффақиятли яқунланганини мамнуният билан эълон қиламан. Ҳиндистон кўшинлари Багхла ва Раҳимёрхонни аллақачон эгаллашди. Покистонликларнинг Бхавалпур ва Навабшоҳдаги бошланғич ҳарбий бўлинмалари бутунлай йўқ қилинди. Чамба секториди бизникилар ганимларнинг Мандиала кўпригигача етиб келишига йўл қўймай, уларнинг ҳарбий юришларини қайтаришга эришди.

Биз бу гапларни эшитиб, қувончдан чаппак чаламиз. Ҳамма ўрнидан туриб, бир-бирини қучоқлайди. Бальвант Сингх экран ёнида ўтирарди.

– Демак, яна Мандиала... – дейди собиқ зобит бошини сарак-сарак қилиб. – Покистонликлар хатоларини англаб етмайдиган кўринади.

¹ Bestman – яхши киши (инглизча).

Афтидан у биров ўша машҳур жанг ҳақида сўрашини кутарди, лекин ҳеч ким унинг бу гапларига эътибор қилмайди. Телестудияда фикр алмашишлар бошланди. Бир нечта мутахассислар ҳарбий юришларнинг кейинги босқичлари хусусида муҳокама қилишарди. Кўзойнак таққан соқолли эркак шундай дейди:

– Покистон, ядровий қурооларга эга. Элик минг тонналик атиги битта атом бомбаси ярим миллион аҳолини йўқ қилиб юборишга қодир. Агар бу бомбани Мумбайга ташлашса борми...

– Сув ҳавога айланади, – қовоғини уйиб сўзлайди жаноб Уагле. – Ҳаво алангага айланади. Осмонда эса булутлар қўзиқоринга ўхшайди ва биз ҳаммамиз ўламиз.

Жаноб Кулкарни ўрнидан туриб, ҳеч кимдан сўраб ўтирмай, телевизорнинг овозини ўчирди.

– Бундай ўй-хаёллар билан ўзимизни еб қўямиз. Келинлар, яхшиси, уруш қатнашчисининг қизиқарли ҳикоясини эшитамиз. Бальвант-жи, кеча сиз бизга Мандиала кўпригидаги жанг ҳақида сўйлаб бермоқчи эдингиз. Илтимос, айтиб беринг!

Ҳарбий кийимдаги эркак шу гапни кутиб ўтиргандай, бирдан жонланди. У биринчи навбатда енгининг тугмасини ечиб қайтариб қўйди. Кейин эса курсини биз томонга қайириб, жойига яшилаб ўрнашиб олди ва кўзларимизга тикилганча ҳикоясини бошлади:

– Мунавар Тави соҳилида баланд Мандиала Норт кўприги бор. Бу ерда ганим тўртинчи декабрь куни ўз қўшинларини юборди. У ерларда деярли Ҳиндистон қўшинлари бўлмаганлиги сабаб, покистонликлар ҳеч қийинчиликсиз Ватанимиз сарҳадларини эгаллаб олдилар. Бу вақтга қадар душманнинг асл мақсади аён бўлди. Фа-

ним кўприкни эгаллаб, у орқали дарёдан ўтиш йўлини тўсиб қўйса, биз ўз-ўзидан Чамба ва Тави жанубий соҳилини ташлаб чиқишга мажбур бўлардик. Вазият ниҳоятда қалтис эди. Бизга Акхнордан ўттиз еттинчи бўлинма ёрдамга етиб келди. Биргаликда кўприкни душман қўлидан тортиб олишни режалаштиргандик. Бироқ худди шу ерда катта ташвиш бошимизга тушди. Ҳали энди жангга кираётган пайтимизда ўттиз еттинчи бўлинма командирини душман снаряди ҳалок этди. Бу жуда ҳам қийин жанг бўлди. Тавини фақат тундагина қўлга киритдик. Қанча қурбонлар бердик-а. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ёш йигитлар Ватан учун жон беришди. Тиррик қолганлар шарқий соҳилга қараб йўл олди. Ғаним ҳам осонликча таслим бўлгани йўқ. Бешинчи декабрь соат уч кечаси покистонликларнинг икки бўлинмаси яна Тави орқали ёпирилиб кела бошлади. Улар бу сафар «Патон» Америка танклари билан ҳужумга ўтди. Уруш майдони ҳақиқий дўзахга айланди. Ҳар томонда танклар, снарядларнинг қулоқни қоматга келтирувчи овози, миналар, бомбалар... Душман ҳаво кучларимизни битта ўқ билан маҳв этаётганди. Бор-йўғи ўн беш дақиқалик душман ҳужуми барча режаларимизни чиппакка чиқарди. Ўн учинчи бўлинма қийин ғалабага эришганди, бироқ эртасигаёқ покистонликлар ўттиз бешинчи бўлинма командирини ўлдириб, қўшинни енгилга муваффақ бўлди. Бизникилар душманнинг оловли ҳужумидан омон қолиш мақсадида жанг майдонини ташлаб шунчаки қочдилар. Ғаним ўз ғалабасини мустаҳкамлаш учун яна олдинга юришни бошлади. Шу тариқа улар Мандиала кўпригига қадар ҳаракатланишда давом этди. Қуёш илк заррин нурларини ерга қадаганида ғаним кўприкни

эгаллади. Биз энди фақат мўъжиза кутардик... Бирор киши сув берсин. Ҳалқумим қуриб қолди.

Бальвант Сингх – туғма ҳикоячи экан. У қаерда тўхташ, қаерда овозини баландлатиш ва, ҳатто, қаерда сув сўраш кераклигини билади. Биз оғзимиз очилиб, вазият қайси томонга ўзгаришини кутиб турибмиз.

Кимдир ўрнидан югуриб туриб, дарровгина бир пиёла сув тутди. Тингловчилар сабрсизлик билан ҳикоянинг давомини кутишяпти. Бир қултум сув ичиб, у яна сўзлашда давом этди.

– Бизга Акхнордан ёрдам кучлари билан махсус командирни юборишди. Аскарлар ўз жонларини асраб қолиш учун жанг майдонини ташлаб подадай ҳар томонга қочишганди. Ернинг вужуди ҳар томондан ўйиб олинганга ўхшарди. Катта-катта ўралар яқинида жонсиз жасадаларни кўриб, титраб кетасан. Бизнинг танкларимиз ёниб ётибди, кўзлари ҳаётга тўймаган ҳинд аскарларининг мурдалари ачинарли аҳволда. Ўқларнинг овози ҳали ҳам тингани йўқ. Тавида сув ўрнига аскарларнинг қизил қони оқарди. Афсуски, бу дўзахни сизга телевизорда кўрсатишмайди-да. Тутмасини боссанг, ракета учирашаётгани ҳақида хабар қиладилар, сен эса ўтириб бемалол чой ичишинг мумкин. Ҳа, душманни енгишяпти. Сарҳадларимизни асрашяпти, дейсан, аммо бу ғалаба қанча қурбонлар, дарё бўлиб оқаётган ёш йигитлар қони эвазига эришилганлигини биров таъкидламайди ҳам...

Янги командир мени кўриши билан:

– Бальвант Сингх бу ерда нима бўлди? Аскарлар қани? – деб сўради.

– Кечиринг, сэр, – тушкун кайфиятда жавоб бердим мен. – Покистонликларнинг ҳужуми даҳшатли бўлди. Кўплар қочиб кетишди. Биз учта танк ва

қўшиннинг тўртдан уч қисмини йўқотдик. Аммо бу кетишда ганимни енгиб бўлмайди-ёв.

– Биз шундай фикрлайдиган бўлсак, бу жангда қандай ғалаба қозонамиз? – жавоб берди зобит секингина уҳ тортаркан. – Вазият мен ўйлагандан кўра ҳам чигалроқ экан. Ҳозирча, чекинишга тўғри келади.

– Соҳиб-жи, ахир... – дарров қаршилик қилдим мен. – Биз охиригача курашамиз, деб жангга кирганмиз. Мен урушсиз таслим бўлмайман!

– Отангизга раҳмат, мана энди ҳақиқий ҳиндистонлик бўлдингиз! – деди бошлиқ елкамга секингина шапатилаб қўяркан. – Қолган аскарларни ҳам йиғинг!

У, ҳатто каминани собиқ командири қўрқоқларча қочиб кетган бўлинмага командир қилиб тайинлади. Бўлинма шу оннинг ўзида кўприкни эгаллаши кераклиги ҳақида буйруқ олди. Бир вақтнинг ўзида гуркхларнинг¹ Дельта бўлинмаси ҳам жангга киришга тайёргарлик кўраётганди.

Тонг яна пулемётларнинг қўрқинчли овози билан отди. Атрофга назар ташласангиз ҳамма ёқ ёнарди. Снайперларнинг ўқлари нақ бошимиз тепасидан учиб ўтарди. Даҳшатли қуроолар тинмай ўқ отардилар. Қора тутун осмонга қараб бўйлаётганди. Бу сафар биз покистонликлар устига аёвсиз бостириб бордик. Сингхларнинг ҳайқириклари эса оламни бузрарди. «Jo Bole So Nihal, Sat Sri Akal!»² қўшинларимиз янги куч ва ғайрат

¹ Гуркхлар – Непалнинг жанубий ва шимолий ҳудудларида яшайдиган халқларни шундай аташади. Улар дунёдаги энг яхши ёлланма аскарлар саналади.

² Ҳиндистон қўшинида сингхлар полки ҳам иккига бўлинади. Уларнинг ҳарбий шиорлари шундай бўлган. Биринчиси: «Бизни Тангри ёрлақасин!» Иккинчиси: «Тангри – буюк. У абадий яшайди!» деб жангга кирганлар.

билан жанг майдонига тушдилар. Омад биз томонга ўтди.

Душман танкларни дарё орқали юришга қарор қилди. Асосийси, уларга кўприкдан ўтиб олишларига имкон яратмаслик керак эди. Бошланишида Ҳиндистон кучлари покистонликларга яхшигина қаршилиқ кўрсатди. Жин урсин, ўша америка танкларини! Улар ер бағрида юриб эмас, худди сузиб юргандек ниҳоятда тез ҳаракатланарди. Ғаним танкларининг иккитаси бари бир кўприкка чиқиб олди. Бизникилар эса ҳарбий машинасини ташлаб қочди. Билмадим, ўша пайтда менга нима бўлди? Орқа-олдинга қарамай, ташлаб кетилган танк томон югурдим ва люкни очиб, ичкарига ўзимни урдим. Уни бошқаришни билмайман, фақат эшитганим бор эди, холос. Бошқарувни тушуниб олишим учун бир неча дақиқа сарф бўлди. Душман ҳужумига қарамай, олдинга интилдим. Покистонликлар ўз танкларидан тушиб қочгунларига қадар тинмай отдим ва устига қараб бостириб бордим. Ғазаб кўзларимни кўр қилиб қўйганга ўхшарди. Мен жинниларга ўхшаб, ўтдан ҳам сувдан ҳам ҳайиқмай, кўприкдан душманни қувишга уринардим. Худди сут солинган коса узра учиб юрган пашшани қўл билан силтаб ташлагандек, ғаним танкларини дарёга қараб улоқтирдим. Унгача бизникилар яна дадилланиб қолишди. Танкларимиз душманга муносиб зарбаларга беришга эриша бошлади. Йигирма дақиқадан сўнг жанг майдонида охириги «Паттон» қолганди ва камтарин қулингиз унга чекинишга имкон қолдирмасликка қарор қилди. Бошида биз қаттиқ тўқнашиб кетдик. Менинг танким ёна бошлади. Аммо энди чекинишга кеч эди ва бу мен учун шармандали бўларди. Шунинг учун душманни қувишда

давом этдим. Мана, ниҳоят, унга яқинлашдим ва отдим. Душман машинаси тинчиб қолди ҳамда ёниб кетди. Рация орқали бир амаллаб командирга душманнинг саккизта танки йўқотилганини ва вазият қўлимизда эканлигини хабар қилдим. Мандиала кўпригини қарийб қўлга киритдик. Покистонликлар анча шаштларидан тушиб қолишди. Кўприкда ҳали ҳам душман байроғи хилпираб турарди. Мен энг биринчи навбатда қандай қилиб бўлса ҳам, ўша байроқни олиб ташлашим кераклигини тушундим. Душман машинаси билан тўқнашиб кетганимдан сабаб бошим лўқиллаб оғрирди. Пешанамдан қон оқарди. Кўприкда темир қолдиқлар, мурдалар ётарди, бироқ мен Бальвант Сингх қадам-бақадам душман бункерига яқинлашардим. Ўн қадам қолганида гаранатани қўлимга олдим ва ичига отдим. Портлаш қулоқни қоматга келтирди. Уч нафар аскардан бири омон қолган экан. Ўша пайтнинг ўзида отиш керак эди. Шошганда лаббай топилмас, деганларидай қуролимни қўлимга олиб ўқлашга қийналдим. Ниҳоят, отаман, дегандим, улгурмадим. Фаним вазиятдан фойдаланиб, голибона илжайди-да, тепкини босди. Ўқ ўнг оёғимни ўйиб ташлади. Мен мувозанатимни йўқотиб, ерга қуладим. Душман бу сафар юрагимни мўлжалга олганди. Хаёлан ўзимни ажал қўлига топшириб, муқаррар ўлимни кутиб олаётгандим, бироқ бу сафар қуролдан қуруқ овоз чиқди. Покистонликнинг ўқи тутаганди. У ўрнидан югуриб турди-да: «Narai Takbir – Allah O Akbar!»¹ – деб баланд овозда ҳайқариб, мен томонга ташланди. «Жай Ҳинд!»² – шундай жавоб бердим мен ҳам

¹ «Яратган Эгамга шон-шарафлар бўлсин, Оллоҳ буюк!»

² Она Ҳиндистон шарафига ҳарбий байрамларда ишлатилади. Бу Ватанга кўрсатиладиган муҳаббат ва ҳурмат маъносини беради.

ва чап бердим. Бу сафар ўқланган қуролим панд бермади. Ниҳоят, йўл очилди. Душман байроғини олиб ташлаб, ўрнига ўзимизникини ўрнатдим. Бир неча дақиқа ўша кўприк узра юртимиз байроғи ҳилпираётганда, каминадан бахтли инсон йўқ эди дунёда. Гарчи оёғимни йўқотган бўлсам ҳам, ўша ерда кечган воқеалар ҳаётимнинг энг унутилмас қувончли дақиқаларига айланди.

Бальвант Сингх жимиб қолди. Биз унинг йиғлаётганини сездик. Ҳеч ким ўз ўрнидан жиламайди ҳам. Фақат Путул собиқ аскарга яқин келиб, дафтарни тутқазди. Қари зобит кўз ёшларини артаркан:

– Бу нима? Мен сен учун уй вазифангни қилмайман! – деди.

– Кераги йўқ, – дея бош чайқайди йигитча.

– Унда бу нима учун?

– Сиз менинг қаҳрамонимсиз. Дафтаримга дастхат ёзиб беришингизни истайман. – Путулнинг бу гапидан таъсирланиб, барчамиз бараварига қарсак чалиб юбордик. Эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам кўзлари ёшланганди.

Ханеш кечаги саволини такрорлайди:

– Шу қаҳрамонлик учун сизни нима билан тақдирлашди?

Ҳарбий кийимдаги эркак қайғуга ботиб қолди. У Ханешга худди яраси янгиланган одам каби тикилиб турди.

– Ҳеч нима билан, – жавоб берди у маъюслашиб, чуқур оҳ тортаркан. – Бизнинг бўлинмадан иккитасига МВЧ берилди. Фақат икки кишигина Вир Чакра унвонига лойиқ кўрилди. Ўртоқларимдан учтаси медаль билан тақдирланди. Жаурианда бизнинг шаънимизга атаб, ёдгорлик қурилди. Мени, яъни Бальвант Сингхни, ҳатто муносиб тақдирланганлар рўйхатига ҳам киритишмади. Бироқ ғам-ғуссага ботишга сира ҳожат йўқ. Но-

маълум аскар Амар Жъоти¹ ёдгорлиги пойига қўйилган гулчамбар ва ёнаётган оловни кўрсам юрагим ором олади. Ахир, у менга ўхшаган номи ҳеч қаерда зикр қилинмаган зобитлар учун ёняпти.

Собиқ ҳарбий кутилмаганда қайта жонланди ва урдучага шундай мисраларни сўзлайди: «Кутилмаганда биз шу оламда пайдо бўлдик ва худди шундай кетамиз. Шу боис, келинг, буюк ишларни амалга оширайлик. Бугунгилар уларни билмаса ҳам, авлодаримиз унутсалар ҳам майли!»

Бошпанамизда яна жимлик ҳукм суради. Кутилмаганда миссис Дамле қўшиқ куйлашни бошлайди: «Sare jahan se achcha Hindustan hamara...»² Кўп ўтмай, бошқалар ҳам қўшилдилар. Биз ҳеч ким қаҳрамонлигини тан олмаган мард, жасур зобит Бальвант Сингхга ҳавасу ҳайрат билан тикилиб турардик. Юртпарвар, ватанпарвар...

У бизнинг қаҳрамонимиз, у энг олий унвонга лойиқ Ҳинд тупроғидаги энг жасур зобит эди. Қайғуга ботган мард эркакнинг кўнгли ийиб, йиғлашдан ийманмаётганди.

– Жай Ҳинд! – ҳайқирди у ва ертўлани тарк этди.

Жаноб Уагле муҳим гапни айтаётгандай ўрнидан туриб ўртага чиқди:

– Қадрли дўстлар, ижозатингиз билан эртага бизни Аскарлар меҳр-мурувват фонди ходимлари йўқлашмоқчи эканликларини мамнуният билан эълон қилсам. Бош вазир бутун ҳиндистонликларни уруш вақтида бирлашишга даъват этяпти. Хавфсизлигимиз, озодликни асраб қолишдек эзгу ниятда ўз ҳиссамизни қўшсак. Умид

¹ 1971 йилдаги Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қонли тўқнашувдан Ҳиндистон дарвозалари олдида номаълум аскар шарафига ёдгорлик ўрнатилди ва Амар Жъоти (мангу олов) ёндирилди.

² Миллий ҳинд қўшиқларидан бири.

қиламанки, ҳар бирингизда АМФга атаб қўйганингиз топилади.

– Янги қўшнимиз-чи? – мурожаат қилди жаноб Ширке. – Ахир, у ҳам зобит ва ёрдамимизга муҳтож!

– Албатта! Албатта! – шовқин кўтаришди бошқалар ҳам.

– Сиз ҳақсиз! Менимча, фонд ходимларига унинг 1971 йилдаги жасорати учун муносиб тақдирлашларини сўраймиз. Нима дедингиз?

Барчамизни ҳаяжон қамраб олди. Бирданига қарсак чалиб, домлани олқишлаймиз.

Эртасига уч киши келди. Бири мирзатерак, бири пакана, учинчиси дум-думалоқ бақалоқ собиқ зобитлар... биринчи денгиз, иккинчиси чегара, учинчиси ҳарбий ҳаво қўшинларида хизмат қилган экан. Пакана узундан-узоқ маъруза қилди. У одамларга ҳарбийларнинг иши буюк эканлигини таъкидлайди. Мамлакатимиз – буюк. Бош вазиримиз – буюк. Биз ўзимиз ҳам буюкмиз! Ниҳоят, ўртага катта сават қўйилди. Ҳар ким кўнглидан чиқариб, атаганини тақдим этса эди. Кимдир беш, ким юз, бир аёл, ҳатто тилла билагузугини ҳам топширди. Мен билан Салимда бир тийин ҳам йўқ. Шунинг учун у сақич ҳадя қилди. Очилмаган икки қути сақич... Бальвант Сингх орамизда кўринмасди. У кутилмаганда шамоллаб қолибди.

Катталар меҳмонларни сўроққа тутишди.

– Жангда бўлганмисиз? – сўрайди жаноб Кулкарни собиқ полковникдан.

– Ҳа, албатта, икки жангда – бир минг тўққиз юз олтмиш бешинчи ва бир минг тўққиз юз етмиш биринчи йилдаги уруш қатнашчисиман.

– Бир минг тўққиз юз етмиш биринчи йилда айнан қаерда курашгансиз?

– Чамба секторида. Энг оғир жанг бўлганди.
– Қайси полкда?
– Буюк сикхлар полкида, – дейди у ғурур билан.
– Бунинг учун сизни тақдирлашгандир-а?
– Вир Чакра унвонини беришмаган бўлса-да,
ҳар қалай қуруқ қўйишмабди...

– Қайси қаҳрамонлигингиз учун тақдирлашган?
– Мандиала кўпригидаги буюк жанг учун! Бў-
линмамиз ҳақиқатан ҳам охиригача курашганди.

– Демак, унвонларни ўзингизга олиб, ҳақиқий
жангчини қуруқ қолдирибсизларда-а? Ўша кўп-
рикни душмандан озод қилиб, бир оёғини йўқот-
ган мард зобит судрала-судрала душман байроғи-
ни олиб ташлаб, ўрнига ўзимизникини ўрнатган
асосий кишини унутибсизлар. Бу яхши эмас!

– Кечиринг, тушунмадим. Ким ҳақида сўзла-
япсиз?

– Бир минг тўққиз юз етмиш биринчи йилда
Чамба секторида катта қаҳрамонлик кўрсатган
собиқ ҳарбийнинг йўқотган оёғи учун унга ас-
лида Парам Вир Чакра унвонини топширишин-
гиз керак эди. Бечорага эса кўз ёшдан бошқа-
си насиб этгани йўқ. Биз оддий одамлармиз ва
ҳарбийларнинг қонун-қоидаларини унча тушун-
маймиз, бу ноҳақликка ҳам чидаб туролмаймиз.
Пок қалбли, ватанпарвар жасур жангчини тақ-
дирлашнинг бирор йўли борми? Муносиб одам-
ни муносиб тақдирлаш керак, назаримизда. Эзгу
ишнинг эрта-кечи йўқ, ахир...

– Буюк қаҳрамонингиз қаерда яшайди?

– Шу ерда, чайлаларда яшайди.

– Чинданми? Бу ахир ажойиб-ку. Мен уни кўр-
моқчиман ва шахсан у билан учрашишни ўзимга
фахр, деб биламан.

Биз ҳарбийларни унинг уйига кузатиб қўйдик.
Ҳамма ичкарига нима бўлаётганига ўлгудек қи-
зиқаётганди.

Ичкаридан эса баланд овозлар эшитилди. Улар қаттиқ тортишаётгандилар. Биз нима бўлаётганига тушунмаймиз. Бир неча дақиқадан сўнг Балвант Сингхнинг уйидан полковник ўқдай отилиб чиқди. У ғазабдан ёнарди.

– Шунга ПВЧ бериш керакми? Ахир, у мен дунёда учратган энг маккор ва разил одам-ку! Агар қўйиб беришса, мен бу тўнғизнинг бошини ҳозироқ олган бўлардим!

– Қаҳрамонимизни таҳқирлашга нима ҳақингиз бор? – орияти қўзийди миссис Дамленинг.

– Қаҳрамонимиз? Кулгимни қистатяпсиз, хоним! Сизнинг қаҳрамонингиз Бальвант Сингх – хоину қочоқ. У буюк полкимизнинг номига иснод келтириб, энг офир вазиятда уруш майдонидан туёғини шиқиллатиб қолганди. Ўн тўрт йиллик офир қамоқ жазоси мана унинг асл мукофоти. Афсуски, вақт ўтиб бўлди-да, бўлмаса, бу ифлосни аллақачон қамоққа олган бўлардим.

– Нималар деяпсиз, полковник? – ҳайратда қоламиз. – Қанақасига? У бизга ўша буюк уруш ҳақида сўзлаб берганди. Унда оёғини йўқотганини қандай изоҳлайсиз?

– Барча сўзлари ёлғон! Ҳақиқатни билишни истайсизми? У чиндан ҳам аянчли. Уруш бошланган кун хотини ўғил туққанди. Бальвант Сингх яхши кайфиятда эмасди. У оиласини кўриш истаги билан ёнарди. Унинг нияти шу қадар кучли эдики, у, ҳатто покистонликларнинг биринчи юришлари даврида қочиб қолди. Патханкотга қайтиши билан яқинларининг уйида яшириниб ётган, урушни бутунлай унутишни истаган. Аммо уруш ҳеч кимни аямайди. Икки кун ўтиб, покистонликларнинг ҳарбий ҳаво кучлари Патханкотдаги ерости ҳарбий базаимизни портлатиб юборди. Самолётларимизга у қадар катта за-

рар етказилмаганди, аммо иккита бомба аэродром яқинидаги одамлар яшайдиган уйларни йўқ қилиб юборганди. Аниқданишича, Бальвант Сикх айнан ўша ерда яшириниб ётган экан. Хотини ва боласи портлаш оқибатида дарров ҳалок бўлишган. Ўзи тирик қолган бўлса-да, оёғидан айрилган.

– Қандай қилиб, у ҳолда у ўша урушнинг барча тафсилотларигача билишини қандай изоҳлайсиз?

Полковник елка қисди.

– У сизга нималар деганини билмайману, бироқ йигирма саккиз йил бошқа бирор жасур аскарнинг буюк уруш ҳақидаги хотираларини тинглаб, ўзиники каби ҳақиқатга яқин даражасида сўзлаб беришга етарли муддат, деб ўйлайман. Қочоқ ва қўрқоқ тўнғиз сиз каби содда одамлар олдида ёлғон уйдирмаларни айтиб, мақтангани кўриниб турибди. Ифлос! Қаҳрамонмиш... Тўғриси айтсам, бу учрашув кайфиятимни бузди. Бугун куним хайли ўтди, деёлмайман. Яхши қолинглар!

Бошини эгиб, мирзатерак ва пакана ҳамроҳлигида собиқ зобит орқасига қарамай кетди. Биз эса бункерга қайтдик. Қизиқ, ҳозир Бальвант Сингх нимани ҳис қилаётган бўлса? У кечқурун ҳам қайтмади.

Эрталаб уни ўз хонасидан топишди. Шишадаги сутга, ҳатто қўл теккизилмаган. Остонада эса янги газеталар... Хонадаги ягона курси ерда йиқилиб ётар, шифтда эса Бальвант Сингхнинг жонсиз танаси осилиб турарди. Эркакнинг эғнида ҳарбийлар кийими...

Кўп ўтмай, қизил чироқларини милтилатиб, полиция машинаси келди. Миршаблар қочоқнинг уйига яшин тезлигида кириб кетишди. Кейин қўшнилари кўпол тарзда сўроққа тутишди. Сурагаш ҳам шошилиб-шошилиб расмга олди. Тез ёрдам машинаси оқ халатли шифокорни олиб келди.

Харобалар аҳолиси жим туриб, қўрқоқларча ўлим топган ожиз қочоқнинг мурдасини тоза чойшабга ўраб, олиб кетишларини томоша қилиб турдилар. Ханеш, Путул, Салим ва мен катталарнинг ортидан воқеани кузатиб турибмиз. Юрагимизни қўрқув, ачиниш ва уят қамраб олганди. Бу уруш биз учун биринчиси эди, шундай бўлса-да, у ҳеч кимни аямаслигини тушундик. Жанг бу – жиддий масала. Урушда одамлар ўлади.

Смита қошларини чимирди. Афтидан зобитнинг ҳикояси унда ҳам ачиниш ва уятга ўхшаш ҳиссиётларни уйғотганди.

– Уруш вақтида сен қаерда эдинг? – дея сўрадим ундан.

– Шу ерда, Мумбайда, – жавоб берди қиз чуқур ўйга толиб, секингина уҳ тортди: – кел, яхшиси, кейинги саволни томоша қиламиз.

– Жаноб Томас, сиз етти саволга тўғри жавоб бериб, икки лакх ютиб олдингиз, – дейди бошловчи мен томонга қайрилиб. – Қизиқ, саккизинчи саволга жавоб топа олармикинсиз? Унинг нархи беш юз минг. Хўш, тайёрмисиз?

– Тайёрман! – дейман мен.

– Ажойиб. Демак, саккизинчи савол. Ҳиндистон қуроли кучларининг энг олий ҳарбий унво-ни қандай аталади? а) Маха Вир Чакра, б) Парам Вир Чакра, с) Сурья Чакра ва d) Ашока Чакра.

Яна оғир мусиқа янграйди. Бошловчи мени чалғитиш учун саволни такрорлайди. Одамлар жимликни сақлаб кузатиб туришибди. Прем Кумар ғолибона тиржаяди. «Официант жаноблари, мана етиб келдингиз. Сизга астойдил ачинаман!» – шивирлайди у.

– Иккинчи вариант, – жавоб бердим мен, – б, яъни Парам Вир Чакра.

Прем Кумарнинг афти сезиларли даражада буришди. У, ҳатто, ҳайратини яшириб ўтирмади ҳам.

– Бу тахминми ё жавоб сизга танишми?

– Жавобни биламан.

– Ишончингиз комилми?

– Шубҳасиз, тўғри жавоб бердим, деб ўйлайман.

Дўмбира садолари қулоқни қоматга келтиради. Маълумотлар ойнасида эса тўғри жавоб ёнади.

– Сиз ҳақсиз! – дейди бошловчи.

Тошабинлар ҳуштак чалиб олқишлайдилар. Бутун залда «Яшавор!», «Офарин!» деган ҳайқириклар янграйди. Мен жилмаяман, Прем Кумар эса йўқ.

Смита саволга қандай жавоб топганимни энди тушунганди ва у менга мамнун ҳолатда тикилди.

МИЛЛИОН РУПИЙ: ҚОТИЛЛИККА РУХСАТНОМА

Мумбай кўчаларида тинчгина пиёдалар йўлакчасидан кетиб бораётган одамларни кутиб турган хатарлар бисёр. Мана, масалан, оддийгина банан пўстини олайлик, оёқ остига қарамасдан эҳтиёт бўлмай юрган одам унга оёғи тойиб кетиб, йиқилиб тушиши аниқ. Бундай вазиятда оёқни синдириб олиш ҳеч гап эмас. Банан пўчоғи бўлмаса ҳам оёқ остида итларга ташланган ювиндиларга тойиб кетиб, думалаб тушиш хавфи бор. Кўчаларни кезиб юрган эгасиз дайди сигирнинг иссиқ ахлатини босиб олишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас, кейин ювсангиз ҳам ҳиди тезликда оёқ кийимингиздан кетмайди. Хаёлпараст пиёдалар бир неча марта сигир ахлатининг устига юзтубан, баъзилари бор бўй-басти билан йиқилиб тушганини ўз кўзим билан кўрганман. «Омади чопмагани» эса ўша сигирнинг оёғи остида қолиб кетади. Шунингдек, бир-бирини туртиб, бораётган оломон орасидан ҳар қанча қочишга ҳаракат қилманг, узоқ вақтдан бери кўрмаган танишингиз югуриб чиқиши ва сизни қучоғига босиши мумкин. Денгиздаги тўлқинларга ўхшаб ҳаракатланиб бораётган одамлар оқими иккингишни ҳам шу туришда итариб ташласа борми, бутунлай мувозанатни йўқотиб, чўкиб кетиш, йўқ-йўқ, кечирасиз, оёқ остида эзгиланиш ҳеч гап эмас, демоқчи эдим. Оломон дўстликни ҳам аямайди.

Ўн еттинчи июнь, шанба куни. Махалаксми отчопарининг ёнида худди шундай воқеа содир бўлди. Бахту қувончдан терисига сиғмай кетган дўстим Салим Илёс кутилмаганда оломон

орасидан югуриб чиқди-да, тўппа-тўғри ўзини устимга ташлади. Беш йиллик айрилиқдан сўнг, илк бора учрашиб тургандик. Уч ой олдин Мумбайга қайтган бўлсам ҳам, эски дўстимни излаб топмасликка қарор қилгандим. Бундай қилиш мен учун осон эмасди, албатта. Деҳлидаги тен-тирашлар, Тэйлорларникидаги хизмат вақти ва Аградаги мақсадсиз ҳаёт даврида ҳам мен Салимни соғинардим... Таниш кўчаларда укам каби яқин дўстимнинг борлигини билиб туриб, у билан дийдорлашмаслик қанчалар оғирлигини соғинч изтиробидан қийналаётганини ёлғиз юрагим билади, елкамдаги бу оғир юкни кўтариб юриш мушкул, бироқ мен унга телешоу ҳақида ҳеч нарса айтмадим.

– Муҳаммад! Мумбайга қачон келдинг? – сўрайди Салим кучоғидан қўйиб юбормай. – Қайси шамол учирди, нега тагин ортга қайтдинг.

Узоқ вақт кўрмаган дўстингизни катта шаҳар кўчаларида учратиб қолиш, анчадан бери емаган севимли таомингни иштаҳа билан ейишдаги туйғуга ўхшайди. Янги масаллиқлар солинган ва умуман янгича усулда тайёрланганига қарамай, бари бир ўша аввалги таъмини сақлаб қола олган севимли таом... беш йиллик айрилиқдан кейинги дийдорлашув онларини миллион марталаб тасаввур қилганман, бироқ ҳозир қалбимда кечаётган қоришиқ туйғуларни ўзим ҳам тушунмайман. Биз яна аввалги каби қалин дўст бўлиб кетармиканмисиз? Яна аввалги каби очикча суҳбатлаша олармиканмиз? Бошланишига биз тўғри келган биринчи ўриндиққа ўтирдик. Бошимиз узра чағалайлар айланиб юришарди. Уларнинг овозларини эшитмаймиз ҳам, ҳатто. Футбол ўйнаётган болаларнинг шовқини ҳам бизга таъсир этмасди. Хўжа Али зиёратгоҳи томонга бораёт-

ганларнинг кети узилмайди. Икки етим дўстлар атрофга қарамай, қучоқлашиб тинимсиз йиғлардик... Биргаликда ҳамда ёлғиз ўтган кунларимиз ва йилларимиз кўз ўнгимиздан ўтаётганди. Ниҳоят, тил ҳаракатга келди. Салим ўзи ҳақида сўзлади. Мен тингладим...

Бу вақт давомида дўстим улғайиб, салобати ошиб, келишгану кўркам йигитга айланганди. Ўн олти ёшида ҳам у ҳар қандай кино қаҳрамонини ортда қолдирарди. Мендан фарқли ўлароқ шафқатсиз шаҳар кўчалари уни сира ҳам ўзгартирмаганди. Йигит ҳали ҳам аввалги каби соддадил ва пок. Аввалиги каби ҳинд фильмларнинг шайдоси, Болливуд юдузларини жонидан ҳам ортиқ кўради. Албатта, Арман Алидан ташқари. Жума кунлари Хўжа Алига жума намозига боришни канда қилмайди. Энг асосийси, башоратчининг башорати амалга ошаётган экан... Салим энди буюртмачиларнинг уйларига овқат ташимайди. Тасаввур қияпсизми, у актёрлик санъатини ўргатиладиган машҳур мактабда ўқиркан.

– Машғулотларнинг пулини ким тўлашини биласанми? – сўрайди дўстим.

– Йўқ. Айтмасанг қаердан биламан? Хўш, ким экан?

– Аббос Рицви.

– Машҳур продюсер. У фақат жанговар фильмларни суратга олади. Ўшами?

– Ҳа, ҳа, худди ўзи. Аббос мени бош ролга олишни ваъда қияпти. Фақат икки йилдан кейин... Мен ўн саккиз ёшга тўлганимда, албатта.

– Фаройиб, Салим! Мен сен учун хурсандман. Бироқ бунга қандай эришдинг?

– Бу узун ҳикоя.

– Биродар, мен учун узун ҳикоялар бўлмайди. Қани ҳаммасини бир бошдан сўзла-чи?

Мана сизга Салим Илёснинг ҳикояси...

– Кутилмаганда гойиб бўлганингдан сўнг, мен харобада ёлғиз ўзим қолиб кетдим. Тўрт йил аввалги ишимда ишладим. Овқат ташидим. Бироқ бир зум бўлса ҳам актёр бўлиш фикридан қайтган эмасман.

Бир куни Мукеш Равал деган буюртмачиникига борганимда хотини билан суҳбатлашиб қолдим. Уйларининг деворларида хонадон эгасининг машҳур киноактёрлар билан тушган суратлари осифлиқ турарди. Хотинидан эрининг кино санъати соҳасида фаолият юритадими ё йўқми, шуни сўрадим. «Йўқ, – деди миссис Равал. – У дорихонада савдо қилади, лекин кинода баъзан эпизод ролларда қатнашиб, бундан қўшимча даромад олади».

Бу ҳақда эшитиб, ҳайрон қолдим. Ўша Мукеш Равални излаб топдим. Ундан мени ҳам шунақа ишга жойлаб қўйишни илтимос қилдим. Буюртмачи менга қараб кулиб юборди. Унинг фикрича, жуда ёш эканман. «Балки, – ўйланиб қолди у, – ҳеч кими йўқ, дайди болакайларнинг ролига тўғри келишинг мумкин». Шундай деб у иш берувчиси ёш актёрларнинг кастингдан ўтказадиган Паппу Мастер билан гаплашиб, мен ҳақимда айтишга ваъда берди, фақат бунинг учун бир неча хил кўринишда тушган суратларимни келтиришимни сўради. Расмларим ёқса, Паппу Мастер мени ўзи топиб, эпизод ролга олишини айтди. Мукеш каминага актёр учун муҳими истеъдод эмас, балки кўриниш муҳимлигини тушунтирди. Бўйинбоғ таққанда дунёдаги ҳаммадан ақллироқ, эски-туски кийганда эса, барча тиланчилардан ҳам ғарибу фақир кўринишим керак экан. Равал мени ҳар хил кўринишда суратга оладиган ўз ишининг мутахассиси бўлган

профессионал моҳир сураткашга мурожаат қилишимни сўради. Туни билан ухлолмай чиқдим. Тонг отиши билан яқин атрофдаги студияга югурдим. Яхши суратлар жуда қиммат тураркан. Бир ой одамларга овқат таҳисам ҳам бунча пул ишлаб тополмасдим. «Ара бабу, суратларни шунча пулга чиқариш, чўнтагимга сира тўғри келмайди», – тўғрисини тан олдим мен. «У ҳолда арзонроқ бўлса ҳам бир марта ишлатиладиган камера сотиб ол, – маслаҳат берди студия хўжайини. – Йўлдан ўтаётган йўловчилардан сўрасанг, улар сени расмга олишади. Энг омадли ва чиройлиларини биз катталаштириб ишлаб берамиз». Мен худди шундай қилдим. Йўловчилар ҳам илтимосимга сира йўқ дейишмасди. Кимнингдир мотоциклига ўтириб, «Тақдир эгаси» фильмидаги каби Баччаннинг кўринишига тақлид қилиб, суратга тушдим. «Ўйин» фильмидаги Акшай Кумар сингари Чоупатти соҳилида югуриб юрдим. «Сан энд Сэнд» меҳмонхонаси эшиги олдида «Муҳаббатдан кечмайдилар» картинасига суратга тушиб, машҳурликка эришган қаҳрамон Ритик Рошандан қолишмадим. «Жони Уокер» ёрлиғи ёпиштирилган пиво шишасини тутиб тушган суратимни кўрсанг эди, мени худди «Девдас»даги Шохруххонга ўхшатардинг. Йигирматача кадр бўлди. Плёнка бари бир тўлмади. Қолганини ўзим тўлдиришга қарор қилдим. Чиройли биноларни, бахтиёр одамларнинг чеҳрасини суратга олдим. Виктория Терминус¹ ва ҳинд дарбозларининг қиёфасини плёнкага муҳрладим. Марин-драйвдаги энг мафтункор чеҳрали қизни суратга тушишга кўндирдим. Менинг охириги қаҳрамоним Махимеда эди. Ўрта ёшлардаги қора эркак боғдаги ўриндиққа ўтириб, ўйчан ҳолатда тама-

¹ Виктория Терминус – темир йўл бекати.

ки чекарди. Унинг қўлида ҳар хил рангли узуклари бор эди. Мен аппаратнинг тугмасини босгандан сўнг, кимни суратга олганимни тушундим ва қўрқувдан оёғимгача музлаб қолдим.

– Ким эди у? – ташвишланиб сўрадим. – Бирорта машҳур киноактёрмиди? Умид қиламанки, ўша сассиқ тўнғиз Арман Али эмасди.

– Йўқ, Муҳаммад, ўша одамни сен мендан ҳам яхшироқ биласан. У жаноб Бабу Пиллаи эсингдами? Бизни Деҳлидан олиб келиб, кўзларимизни ўйиб олишига озгина қолган ўша Маман.

– Э, Худойим! – Бир қўлим билан оғзимни ёпдим. Иккинчиси эса муштга айланди. – У сени танидимми?

– Афсуски, ҳа. «Салим, шундайми? – сўради у. – Итвачча! Бу сафар мендан қочиб кетолмайсан!» – У шундай дея менга ташланиб қолди.

Ўйлашга вақт йўқ эди. Оёғимни қўлимга олиб, ортимга қарамай қочдим. Биринчи учраган автобусга сакрашга улгурдим. Маман етолмай қолди.

Мен бахтли тасодифга хурсанд бўлишга ҳам улгурмадим. Светофорда тўхтаган автобусга қўлабола шамширларини кўтариб, безорилар ёпирилиб киришди.

– Кейин нима бўлди? Улар ким эди?

– Биз тартибсизликларнинг марказига тушиб қолибмиз. Автобус қаршисида машиналар ёнади. Дўконлардан фақат кул қолганди. Ҳиндилар қутурган. Пиёдалар юрадиган йўлак одамлар қонига бўялганди. Бу мусулмонларнинг қони эди. Ҳайдовчи биринчи бўлиб эс-ҳушини йиғди ва қўённинг расмини чизиб кетди. Қўрқувдан миям тормозланиб қолди. Орадан шунча йил ўтиб, яна шундай ҳодиса билан тўқнаш келаман, деб ўйламагандим. Кўз олдимда ёнаётган кулбамиз гавдаланди. Бир неча йил олдин унитилган таниш

товушлар... Онам ноалари, акам чинқириги, отамнинг иложсизликдан бақираётгани ниҳоятда яқиндан эшитилаётганди.

Бутун вужудимни титроқ босди. Каллакесарлар ҳиндиларнинг ор-номуси учун мусулмонларни сўйишларини эълон қилдилар. Кейин бу тартибсизлик харобаларда яшайдиган бир ҳинди ва мусулмоннинг жанжалидан бошлаганини эшитдим. Бу даҳшат эди. Одамларнинг қалбида ёнаётган нафрат олови ниҳоятда кучли. Кулбалар ёнар, ойналари синдирилган автобуслардан тутун чиқиб ётарди. Қутурган оломон кўчада бир-бирини сўйиб кетаётганди.

«Ҳар бирингиз ўз исминингизни айтинг. Қонга қон, жонга жон!!! – талаб қилди тўдабоши. – Ҳиндиларни қўйиб юборамиз, бироқ мусулмонларнинг қолишига тўғри келади».

Кўрқувдан титраётган йўловчилар бирма-бир каллакесарларга ўзини таништирарди. Арвинд, Уша, Жатин, Арун, Васанти, Жагдиш, Нармада, Ганга, Милинд. Автобус аста-секин бўшаб қолаётганди. Улар йўловчиларга диний саволлар берар, аёлларнинг сочлари орасига назар ташлаб, бўялгани ё бўялмаганига эътибор қилар, ҳатто бир йигитнинг шимини ечишга мажбур қилдилар. Бундай ҳолатда нима қилишни билмасдим. Қўнглим айнирди. Охир-оқибат автобусда икки киши қолди. Бири мен, иккинчиси орқа ўриндикда яна бир эркак. Фильмларда охирги дақиқаларда осмондан бир қаҳрамон тушиб, ожизларни қутқарадиган таъсирли саҳналарини жуда ҳам кўп кўрганман. У ҳиндилару мусулмонларнинг ҳам томирида бир хил рангдаги қон оқади ва ҳалигача бировнинг пешанасига мусулмон ё ҳинди, деб ёзиб қўйилмаганлиги ҳақидаги чиройли нутқ сўзлаб, қутурган оломонни инсофга чақиради.

Муҳаббат ҳамиша нафратдан устун туришига ишонтиради. Қаҳрамоннинг сўзлари кўзларига қон қайнаган одамларни аста-секин жаҳддан тушириб, меҳрибон инсонларга айлантириб қўяди. Дўстим, ҳаётда эса ҳаммаси умуман бошқача эканлигини тан олишга мажбурман. Ҳаётимни асраб қолган ҳақиқий қаҳрамоннинг сўзлари ортиқча бўёқлардан холи, тўғрироғи, дунёдаги энг шафқатсиз сўзлар эди. Уларни эшитган ҳар қандай ёвуз қотил тупугини аранг ютиб, фақат бир нарса ҳақида ўйлайди. Ҳаёт! Мен бу дунёда биргина мақсад учун яшадим. Актёр бўлиш! Орзуманд бир болакайнинг ягона ва оппоқ орзусини Мумбайдаги бир автобусда ўлдирмоқчи бўлдилар.

– Исминг нима? – тўдабоши.

Рам ё Кришна деб айтишим мумкин эди, аммо томоғим қуриб қолди-да, кутилмаганда улардан бири бўйнимдаги туморни кўриб қолди.

– Буниси аниқ мусулмон, – қувониб кетди ҳамроҳи. – Турган жойида бошини оламизми?

– Йўқ-йўқ, болани ўлдириш жуда жўн иш. Яхшиси, уни тириклайин автобусда ёқиб юборамиз. Ёш йигитнинг аянчли аҳволи унга ўхшаган уйларимизга теккан мусулмонларга етарли сабоқ бўлади. – Тўдабоши шундай деб ёвуз мухлуққа ўхшаб қаҳ-қаҳ отиб қулди.

Ёрдамчиси бензин солинган идишнинг қопқоғини очиб, автобуснинг салонига сепа бошлади. Илгари бензиннинг ҳидини ёқтирардим, бироқ ҳозир кўзимга у шайтонсифат ёвузларнинг атайин ожизларни ўтда куйдириш учун ўйлаб топган суюқлиги бўлиб туйилди. Ажал ниҳояда яқин эди. Яна таниш овозлар... Мен ҳам яқинларим каби ўлиб кетаман, деб ўйлагандим. Кутилмаганда, орқа ўриндикда ўтирган йўловчи ўрнидан турди.

– Сиз менинг исмимни сўрамадингиз, – деди у дадиллик билан. – Хўш, мутгаҳамлар, билиб қўйинг, менинг исмим Аҳмадхон. Шу болани хафа қилмоқчи бўлган ҳайвоннинг башарасини бир кўрсам, деган эдим.

Безорилар бир зум жимиб қолишди, ниҳоят, тўдабоши тилга кирди.

– Яна битта мусулмон! – бўйнини чўзиб, заҳархандалик билан илжайди у. – Мана шу автобусда иккингишни ҳам тириклайин ёндирамиз!

Эркакнинг бир туки ҳам қилт этмади.

– Гугуртни чақишдан илгари мана бунга бир қаранг! – у шундай дея чўнтагидан тўппончани чиқарди. Ишон, бу кичкина матоҳ шерга ўхшаб, автобусга ёпирилиб кирган ёвуз йиртқичларни гўштга тумшуғини теккизолмаган ифлос чиябўридай ортга чекинишга мажбур қиларкан. Тўппонча тилга кираман деганда қаҳрамоннинг таъсирли нутқига ҳам сира зарурат қолмаслигига амин бўлдим. – Агарда ҳозироқ бу ердан туёғингизни шиқиллатиб қолмасанглар, ичак-чавоғингизни каллангизга салла қилиб ўраб қўяман.

Ўша чиябўриларнинг бир башарасини кўрсайдинг! Мен ўша қиёфаларни ўла-ўлгунимча унутмайман! Улар жонларини асраш учун шамширларини ташлаб қочдилар. Шундай қилиб, мен тирик қолдим... Беихтиёр кўзларимдан миннатдорчилик ёшлари сизиб чиқа бошлади. Кўз ёшларни кўрган қаҳрамоним ёнимдан шунчаки бефарқ ўтиб кетолмади.

– Хўш, исминг нима?

– Салим... Салим Илёс, – дедим бўғзимга қадалган аламни ютиб.

– Бу қанақаси, йигитча, алдашни ҳам билмайсанми? – сўради у ҳайратини яширмай. – Мен

фавқулодда хавф-хатар туғилганда ҳам рост сўзлайдиганларни қадрлайман!

У импорт-экспорт олди-сотдиси билан шуғулланиши-ю, Бикулладаги бир ҳашаматли саройда яшашини ва айни дамда у оёқ-қўли чаққон ёрдамчига жуда ҳам муҳтожлигини айтди. Хўжайин сафарда бўлганида, ўша қасрга қараб туриш ва тоза сақлаш керак экан. Мен унинг бу таклифига кўндим. Чунки жонимга ора кирган одам менга олаётган маошимдан икки баравар кўп ҳақ тўлашни ваъда қилди.

Аҳмаднинг нақ учта ётоқхонаси бор экан. Катта ошхона ва катта экранли телевизор қўйилган меҳмонхонани тозалаш, ювиб йиғиштириш билан банд бўлсам ҳам ўз орзуим ҳақида бир муддат ҳам унутмадим. Янги жой менга жуда ҳам ёқарди. Хонадон эгаси кўп вақт уйда бўлмасди. Кундуз кунлари ҳар доим кўчада бўлар, баъзан эса ҳафталаб йўқ бўлиб қоларди. Мен бўш вақтимни студияда ўтказардим. Биринчи навбатда бир нечта чиройли суратларни ишладим ва уч-тўрттасини Муқеш Равалга бердим. У ҳам ваъдасини устидан чиқиб, уларни Паппу Мастерга кўрсатди. Ишонмайсан, уч ой ўтиб, менга илк ролга таклиф қилишди.

– Наҳотки? – таажжубландим мен. – Яхшиси, қайси фильмга суратга тушганингни айт.

– Аббос Рицвининг «Ёмон йигитлар» фильмида талаба ролини ўйнадим.

– Яшасин! Юр, ҳозирнинг ўзида бориб, ўша кинони кўрамиз! Катта экранда қандай кўришининг ва қандай монологларни ўқишининг кўришга сабрим чидамаяпти.

– Тўғриси айтсам... – дейди дўстим кўзларини олиб қочиб, негадир пойабзалини биринчи

марта кўриб тургандек, улардан кўз узмай томоша қилиб турди. – Биласанми, негадир охирги дақиқада ўша саҳнани кесиб ташлашибди. Шунинг учун мен атиги ўттиз сониягина экранда кўринаман. Аудиториядаги ўттизта талаба қуршовидаман. Ўша саҳнадаги ягона диалог ҳам бош қаҳрамон Сунил Меҳра ва ўқитувчи ўртасида.

– Бўлиши мумкин эмас! Бор-йўғи ўттиз сония, у қандай роль бўлди экан? – аламдан йиғлаб юбордим.

– Статистларга шунақа роллар насиб қилади-да. Биз қаҳрамонлар эмас, декорациянинг атиги бир қисмимиз, холос. Кино саҳналарида эсингда бўлса, бош қаҳрамонлар биринчи планда рақсга тушганида, бир чеккада уларни кузатиб турадиганлар эсингдами? Биз ана ўша одамлар эканмиз, бироқ шу иш ҳам менга орзуим учун илк қадам бўлиб туйилди. Мен еттинчи осмонда учиб юрардим. Чунки у машҳур продюсер Аббас Рицви билан танишиш имкониятини тақдим этди. Унга менинг ташқи кўринишим ёқди ва у кейинги гал бундан-да каттароқ ролни беришни ваъда қилди.

Аҳмаднинг уйида хизмат чоғида нега унга ўхшаган тадбиркор одам ўзи билан тўппонча олиб юраркин, деб кўп ўйладим. Кейин нима фарқи бор, ахир ўша тўппонча ҳаётимни қутқариб қолди-ку, деб ичимда шу совуқ қуролдан ҳам миннатдор бўлдим.

Орадан олти ой ўтди. Мен хўжайин тўғрисида керагидан ортиғини билиб олдим. Аҳмадни дунёда икки нарса қизиқтирарди. Бири – овқат, иккинчиси – телевизор. Тўғрисиани айтганда, у бор-йўғи икки кўрсатувни томоша қиларди. Крикет ўйинларию Мумбайдаги қотилликлар ҳақида маълумот бериладиган «Жиноят ва жазо» кўрса-

тувидан кўз узмасди. Уни крикет жинниси, деса-сам ҳам янглишмайман. Аҳмад каби бу ўйинга ашаддий мухлисни кўрмаганман. Бизнинг жамоамиз иштирокидаги ўйинларми ё бошқами қутқарувчим учун сира фарқи йўқ эди. Аҳмад, ҳатто Канада ва Кенияга ўхшаган янги жамоаларнинг ўйинини ҳам ўтказиб юбормасди. Бунинг устига хўжайиннинг, ҳатто статистик жадваллар чизилган алоҳида дафтарчаси ҳам бор эди. Тасаввур қиляпсанми, у ўртача ўйин кўрсатадиган барча жамоаларнинг кўрсаткич даражасини жуда яхши эсларди. Импорт ва экспорт билан шуғулландиган одам қандай қилиб, крикет тарихидаги энг паст ва энг юқори кўрсаткичларини бу қадар чуқур билади, деб кўп ўйлардим. Кейин билсам, у бу маълумотларни маълум бир мақсад йўлида йиққанини сезиб қолдим. Бу ҳақда тасодифан Англия ва Ҳиндистон ўйинлари мавсумида билдим. Хўжайин экранга тикилиб, узоқ вақт уяли телефонида кимгадир қўнғироқ қилишга уринарди. Азбаройи қизиқувчанлигимдан хонамга бориб ухлаш ўрнига унинг хатти-ҳаракатларини кузатдим.

Хўжайинимнинг «Нима қиляпсиз, Алмед бхай¹?» дея берган саволига ҳамсуҳбати «Саттани бой бермоқчиман», жавоб берди.

– Сатта? У нима дегани? – тушунмай сўрадим мен.

– Бу ноқонуний спорт ўйинлари. Мумбайда сатта билан жиддий шуғулланадиганлар кунора миллион рупийни айлантирадилар. Ҳар қандай ўйинга ҳам пул тикилади. Ҳар битта отилган тўп бир неча минг рупий туради. Қаршингда тақдир сенга энг омадли ҳамкорни жўнатганини англайсан. Аҳмадбойнинг бор давлати ана шу сатта орқали келган. Уй ҳам, совуткич, қиммат-

¹ Бхай – ака.

баҳо гиламлар, ошхона ва, ҳатто, ётоқхонанинг қимматбаҳо жиҳозларигача ўша ўйинларнинг фойдасига келган пулларга сотиб олинган. Уч ой олдин мен ҳам яхшигина пул ишлаб олдим. Ҳиндистон ва Австралия ўртасида Эден-Гарденда кечган ўйинни кўрганмидинг? Ҳисоб ўттиз иккига – тўрт бўлган эди ва жамоамизни муқаррар мағлубият кутиб турарди. Ҳиндистонга қарши тикилган пулларнинг ҳар бир рупийси минггача кўтарилиб кетди. Мен бор йиққан пулларимни ўзимизникиларга ва шахсан Лаксманга тиккандим. Ўша ўйин сабаб мен ўн лакх ютиб олдим.

– Ўн лакх?! – оғзим очилиб қолди.

– Ҳа-да. Бугунги ўйинга Ҳиндистон жамоасига ўн минг рупий тикканман! – деди у менинг ҳолатимга эътибор қилмай сўзлашда давом этди.

Инглизлар билан бўлган ўйинда жамоамиз ютаётганди, бироқ хўжайин нимадандир норози. У жаҳл билан телефонни қўлига олди. Бу сафар унга бир мартага жавоб беришди.

«Алло, Шарад бхай? АК қўнғироқ қияпти. Код – ўттиз беш, ўттиз олти. Бугунги ўйинга берилган баҳолар қандай?»

Букмернинг овози у қадар яхши эшитилмайди. Хўжайин суҳбат давомида суҳбатдошининг сўзларини такроран сўрайди. «Элликка элик денг. Ҳа, Англия бир юз етмиш беш очкода ортда қоляпти. Бу вазиятда ҳиндистонлик ўйинчиларга тикилган пуллар бирга уч бўлиб ошиши мумкин денг».

– Тушунарли, айтинг-чи, инглизларнинг ютиш имконияти қанча? – қизиқиб сўрайди Аҳмад.

– Жинни бўлганмисиз, нима бало? Бунинг иложи йўқ. Дурангга ҳам тортмайди. Майли, тахминларни сўраётган экансиз, айта қоламан. – Букмернинг овози энди тиниқ эшитилаётганди. – Саккизга бир. Хўш, ҳозир тикасизми?

– Албатта. Ҳиндистоннинг ютқазиси учун ўн минг тикаман, – жавоб қилди хўжайин.

Мен ҳайратда эдим. Ахир жамоамиз юта-япти-ку! Бироқ Аҳмадга кўп нарса маълум экан. Охир-оқибат инглизлар ютишди. Майдон узра Британия байроғи баланд кўтарилганида, хўжайин қувончдан икки қўлини мушт қилиб, «Ҳа! Ҳа! Ҳа!» дея қувончдан бутун уйни бошига кўтариб ҳайқирди ва ўша пайтнинг ўзида букмерга қўнғироқ қилиб:

«Ким ҳақ экан, Шарад бхай? Хўш, мен қанча ютиб олдим. Саккиз юз минг рупий. Ҳа! Бир неча сониялик бош қотириш ва бир соатлик иш учун ёмон фойда эмас!»

Аҳмад уйдан севинчи ичига сифмай кўчага югуриб чиқиб кетди ва бир чиройли шиша кўтариб келди. Ўша кеча мен илк бора шампань та-тиб кўрдим.

Хўжайинимнинг иккинчи кўрсатуви «Жинойт ва жазо» эканлигини айтгандим эсингдами? Бирор марта шу кўрсатувни кўрганмисан?

– Йўқ, – бош чайқайман мен. – Деҳлида бунақа кўрсатувни кўрсатишмасди.

– Ниҳоятда зерикарли кўрсатув. Худди хабарлар бериладиган ахборотга ўхшайди. Фақат гап шаҳар кўчаларидаги тартибсизликлар ё безориликлар ҳақида эмас. Унда бошловчи жуда даҳшатли ва шафқатсиз жиноятлардан сўйларди. Кимни қаерда ўлдиришгани, кимни қаерда зўрлашгани, қайси банкни ўмаришгани, қамоқдан қочишга эришган жиноятчилар ҳақида хабар берарди. Ҳар сафар хўжайин сих кабобни еб, кўрсатувни кўраркан, завқланиб куларди, аммо менинг назаримда бу кўрсатувда кулгили нарса-нинг ўзи йўқ эди. Баъзи-баъзида Аҳмадга почтачи катта сариқ хатжилд келтириб берарди.

Менга ўша хатжилдга хўжайин келгунича қўл теккизиш қатъий ман этилганди. Бир кун кечқурун чой ичаётиб, тасодифан устига чой тўкиб юбордим. Бутун вужудимни қўрқув қамраб олди. Ким билади у ерда қанча муҳим ҳужжатлар бўлса керак, деб ўйладим. Хўжайиннинг жаҳли чиқса керак, деб ўйладим ва дарҳол хатжилдни очдим. Бироқ унинг ичидан чиққан нарсалар мени ҳайрон қолдирди.

– Нимага? У ерда нимани кўрдинг?

– Ҳеч нарса. Шунчаки хатжилдда бир эркакнинг расми бор экан. Кейин оппоқ варақча чиройли қилиб ёзилган ёзувга кўзим тушди.

Исм-шарифи: Витхал бхай Гхорпаде.

Ёши: элик олти ёшда.

Манзил: 73/4 Марва роуд, Малад.

Тамом, бошқа ҳеч қандай ёзув йўқ эди.

Аҳмад шу одам ҳақида маълумот тўпласа керак, деб тахмин қилдим ва дарровгина хатжилдни қуритгач, ичидагиларини аввалгидек жойлаштириб, эҳтиёткорлик билан елимадим. Бу воқеани эсдан чиқаришга интилдим. Ўша кечқурун хўжайин ишдан келди ва хатжилдни қўлига олди. Кўп ўтмай, қўнғироқ бўлди.

«Ҳа, олдим», шундай деди-ю, гўшакни жойига илди.

Икки ҳафталардан сўнг, Аҳмад, ҳар доимгидек телевизор олдида ўтириб, «Жиноят ва жазо»ни кўраётганди. Мен эса ошхонада меваларни тозалаётгандим. Бошловчи кутилмаганда: «... Маладада рўй берган яна бир шафқатсиз қотиллик хусусида хабар берамиз. Полиция машҳур тадбиркор Витхал бхай Гхорпадени ўлдирган қотилни излаяпти. Эслатиб ўтамиз, Мумбай саноатининг етакчиларидан бири бўлган тадбиркорни Марва роуддаги уйида, ўтган кун тунда ўлдириб кетишган».

Исм-шарифи ва манзил менга танишдай туйилди. Бир муддат экранга қараб, қўлимни кесиб юборишимга озгина қолди. Бошловчи яна давом этди: «Витхал бхай Гхорпаде, элик олти ёшда эди. Бечорани ўз уйида отиб кетишган. Яқинлари эса ўша пайтда уйда эмас экан. Марҳум хотини ва ўғлини ёлғиз қолдириб кетди. Маҳалий полициянинг фикрича, уй остин-устин қилинганига ҳамда қимматбаҳо бойликлар йўқолганига қараганда жиноятчилар уйга ўғрилиқ қилиш учун киришган ва уй эгасини ўлдиришган».

Бошловчининг гапларини эшитган хўжайин маза қилиб ёйилиб кулди. Бу эса менга қаттиқ таъсир қилди. Қандай қилиб, ўзига ўхшаган тадбиркорнинг ўлимига бунчалар хурсанд бўлиш мумкин ахир?

Бир ойдан сўнг янги хатжилд олиб келишди. Аҳмад яна уйда йўқ эди. Ўша хатжилднинг ичини очиб кўришдан ўзимни тиёлмадим. У ерда яна бир сурат бор эди. Қалин мўйлов, ўнг юзида эса бурнидан то қулоғига қадар тортилган чандиқ кўзга ташланарди. У тадбиркордан анча ёш эди. Қоғозчадаги матнда:

Исми-шарифи: Жамил Кидваи.

Ёши: йигирма саккиз ёш.

Манзил: 35 Шилажит, Колаба.

Мен унда ёзилганларини эсимда сақлаб, хатжилдни аввалгидек қилиб елимладим ва жойига қўйиб қўйдим. Кечқурун уйга келган хўжайин чой ҳам ичмай, энг аввал сариқ хатжилдни очди. Яна қўнғироқ бўлди ва у яна почтани олганини тасдиқлади. Бир ҳафтан сўнг «Жиноят ва жазо» кўрсатуви орқали Мумбайнинг ёш ва иқтидорли адвокатларидан бири Жамил Кидваи Шилажитдаги офиси ёнида машинасидан тушаётганида ўлдириб кетилганини маълум қилишди.

«Қотилликда жиноятчи гуруҳларнинг қўли борлиги тахмин қилинмоқда, – дейди бошловчи. – Жаноб Кидваининг ўлимига маҳаллий жиноятчи гуруҳларнинг бошлиғини судда ҳимоя қилаётгани сабаб бўлган бўлиши мумкин, деган тахминлар бор. Полиция тергов ишларини бошлаб юборган, бироқ аввалги каби ҳали ҳеч нарса маълум эмас».

Маълумотларни эшитган хўжайин отга ўхшаб беўхшов пишқириб кулди. Бу сафар мен жиддий тарзда хавотир олдим. Нега энди менинг қутқарувчим олаётган суратлардаги одамлар ўлади? Бу топишмоқ осонларидан эмасди. Уч ой ўтиб, яна шундай навбатдаги хатжилд келди. Мен суратдаги қари одам тўғрисида ёзилган маълумотларни ёдлаб олдим ва, айниқса, унинг манзилини эсда тутдим. Уй Курледаги Премьер роуд кўчасида эди. Эртасига хўжайиннинг ортидан кузатиш фикри туғилди. У поездга ўтириб, Курлега тўғри Премьер роудга жўнади, бироқ берилган манзилдаги уйга киргани йўқ. Ўша уй атрофида суякнинг ҳидини олган итга ўхшаб айланиб юрди. Икки ҳафтаалардан сўнг, Мумбайдаги янги қотиллик ҳақида хабар бердилар. Расмдаги мўйсафид одам Курледаги Премьер роуд кўчасида жойлашган уйида отиб ўлдирилган.

Мен содда бўлишим мумкин, бироқ иккига иккини қўшишни биламан. Суратдаги одамни Аҳмад ўлдиргани аниқ эди. Мен ёлланма қотил билан бир уйда яшаётганлигимга ақлим етди. Бу ёғига нима қилиш керак? У ҳаётимни асраб қолганидан сўнг, қутқарувчимни шунчаки полицияга топшириб юборолмасдим, ахир... Бу орада Аббос Рицви мени иккинчи фильмга чақириб қолди. Янгиликни эшитибоқ, Хўжа Алини зиёрат қилгани югурдим. Аллоҳдан продюсерга узоқ умр сўрадим.

Икки ой ўзимни ҳеч нарса бўлмагандек тутиб юрдим. Бўлажак актёр – гўл хизматчи, хўжайин – ёлланма қотил эса тадбиркор ролида бир-биримизни алдаб юрдик. Мен қотилликка рухсатномаси бор бу одамни бир кун ўлдириб кетишларини аниқ билардим. Фақат ўша олов ичида ўзим қолиб кетмаслигимни Аллоҳдан сўраш қолганди, холос. Мана, ниҳоят, ҳаммаси чаппасидан кетадиган кун келди.

– Нима бўлди?

– Бу тўрт ой олдин юз берди. Аниқроғи, ўн иккинчи августда эди. Мен бу кунни жуда яхши эслайман. Ҳиндистон билан Австралия ўртасидаги охирги ўйин эди. Аҳмад бу ўйинга катта пул тикканди. Бунақаси ҳали бўлмаганди. Ахир у ҳар бир ўйиннинг тақдирини олдиндан башорат қиладиган хусусиятга эга эди-ку... Баъзан у қайси ўйин пайтида ёмғир ёғишини ҳам яхши биларди. Баъзида қайси тўп тўртталиқ, қайси олтиталиқ очкога эга бўлишини дарров чамалаб аниқ айтарди. Эрта тонгдан у ўз букмекери билан гаплашиб олди.

«Шарад бхай, менинг рақамим ўттиз бешга олтиш уч. Сизнингча, майдоннинг ўртасидаги ўйинчилар қандай ўйин кўрсатади. Кеча ҳаммаси силлиқ ўтганди. Эртага об-ҳаво яхши бўлишини ваъда қилишди. Кечга яқин ёмғир томчиламаса агар».

Шу гапдан сўнг у пул тикишга қарор қилди.

«Менимча, Сачин Малванкар бутун уч юз еттидан ортиқ очко олади, деб ўйлайман. Нима дейсиз?»

«Бутун ундан кўпчилик умид қиляпти, – жавоб берди букмекер. – Бу спортчининг имкониятларига шубҳа қилмайман».

«Яхши, – дейди Аҳмад, – Сачин Малванкарга ўн лакх тикдим».

Малванкарнинг ҳар бир тўпга зарба беришини хўжайин ҳуштак чалиб қарши оларди. Ўша

пайтда машхур спортчи қадам-бақадам Аҳмад айтган юзталиқ рақамларга яқинлашиб келарди. Очколарнинг сони Аҳмаднинг кўз ўнгида ошиб борарди. Ўйиннинг энг қизғин паллаларини у тик турган ҳолатда тирноқларини тишлаб кузатди. Сачин ниҳоятда усталик билан ўйин олиб борарди. Тўртталиқ зарба дарров ҳисобни тўқсон бешдан ошириб юборди. Кейин унинг ортидан битталиқ зарбалар тўқсон олти, тўқсон етти. Кейин Жиллесли крикет тарихидаги ажойиб тўп оширишга қарор қилди ва Малванкар ундан ҳам ажойиб зарба билан тўпни қайтариб, майдоннинг бир бурчагига улоқтирди. Хэйден у чегарани ошиб ўтмаслиги учун ортидан югурди. Сачин ва унинг ёрдамчиси Ажай Мишра дарвозалар олдида югура бошлашди. Ҳисоб тўқсон саккизга кўтарилди. Чегарадан бир неча қадам қолганда Хэйден тўпни тутиб олди ва дарвозани кўриқлаётган Адам Жилкрестга оширди. Буни сезган Малванкар Мишрега қараб: «Й-ў-ў-ўқ!» деб қичқирди, бироқ у шеригининг ишораларига эътибор қилмай, рақибнинг қаршисига югуриб чиқишда давом этди. Шу сабаб бу сафар Сачин йўлидан қайтишга мажбур бўлди. У уч очкони бой берган эди. Хэйдон узатган тўпни тутиб олишига озгина қолганди! Тўп эса дарвоза устунига тегди. Малванкар чизиқдан олти фут ташқарида қолганди. Шу сабаб судья уни ўйиндан чиқариб юборди. Ҳисоб эса тўқсон олти эди.

Сен ўша пайтда менинг хўжайиним қандай аҳволга тушганини, ҳатто тасаввур қилолмайсан. Ахир у ўн лакх тикканди-я. Мана энди у ўша пулларидадан айрилди. Битта нотўғри ҳаракат туфайли Сачинни ўйиндан чиқариб юборишди. Хўжайиннинг ҳисобига кўра, ўша куни дунёнинг энг яхши ўйинчиси ўттиз етти очко олиши керак

эди. Яна бир очко олганида хўжайиннинг ўн лак-хи ўттиз лакх бўлиб қайтарди. Мана у илк марта катта пулга куйиб ўтирибди. Аҳмад Жиллеспини қарғади, Хэйденни бўралаб сўкди. Ҳаммасидан ҳам кўра, Мишруни аямади. «Бу сотқинни ўлдирса кам!» – деди уйдан чиқиб кетаркан. Ўз қайғусини унутиш учун ташқарига чиқди назаримда.

Кечқурун яна сариқ хатжилд олиб келишди. Ўша хатжилдда машҳур спортчининг расми бормикин, деб хавотирланиб, ичига назар ташладим. Бироқ жойимда юрагим қинидан чиқиб кетай, деди.

– Нимага? У ерда нимани кўрдинг? Чўзмагин!

– Хатжилдда Аббос Рицвининг сурати турарди. Қоғозчада эса манзили ёзилганди. Бу одамни хўжайиним ўлдирса, у билан бирга орзуларимни ҳам ўлдириб юборишини англаб етдим. Мен продюсерни огоҳлантиришга қарор қилдим. Агар бу ишимдан хабар топса, хўжайиним мени ўлдириб юбориши ҳеч гап эмасди.

– Чиндан ҳам ҳавас қилгулик вазият эмас экан. Хўш, нима қилдинг? – қизиқишдан ичим ёнаётганди.

– Орзуимга етолмасам яшашимдан нима наф, деб дарҳол Рицвини излаб топдим, уни хавфдан огоҳ этдим. Продюсер ишонмади. Унга расмни ва қоғозчани кўрсатишга тўғри келди. Бу сафар унинг барча гумонлари тарқади.

«Майли, Дубайга учаман, – деди у. – Бир-бир ярим йил ўша ерда қоламан. Ҳаммаси изига тушмагунча, албатта». Миннатдорчилик билдирар экан, қайтганидан сўнг, у бирорта фильмида бош ролни менга топширишга ваъда қилди, бироқ унга қадар мен актёрлик маҳоратини ўрганишим учун мактабга қатнашимни тайинлади. Мана, шунинг учун ҳам у ўқишим учун пул юбориб туради. Ҳозир ўн саккиз ёшга тўлишимни кутиб турибман.

– Худойим, Салим, мана буни ҳақиқий ҳикоя деса бўлади! – дейман енгил тин олиб. – Ҳа, лекин Аҳмад буни сезиб қолмадими, қандай қилиб сен унга ҳеч нима билдирмадинг, ҳайрон қоляпман. Хатжилдни продюсерга олиб борганингни у сезмадими? Кечқурун унга почтани олган, олмаганини сўраб, қўнғироқ қилишмадими?

– Мен ўзимни ҳақиқий актёрларга ўхшаб тутдим. У уйга қайтгунига қадар хатжилд стол устида турарди. Яқин орадаги студияга бориб, янги сурату манзилни қўйдим.

– Фаройиб. Аҳмад қалбаки манзилни олдими? Қалбаки суратни қаердан олдинг? Наҳотки, шундай қилиш мумкин бўлса?

– Йўқ, мумкин эмас. Бунга уринмадим ҳам. Хатжилдда ҳақиқий ҳаётда бор одамнинг сурати ва манзили бор эди. Хўжайин ўша ишни охирига етказди. У навбатдаги қурбонни ўлдиришда адашганини билгунига қадар, мен Бихарга кетишим керак, деб ишдан бўшадим. Аммо қалбимда хавотир билан Бикуллада яшириниб ётдим. Хўжа Алига ҳам бормай қўйдим. Чунки у хўжайиннинг уйига ниҳоятда яқин эди. Ўтган ҳафта «Жиноят ва жазо»да Аҳмадхон исмли шафқатсиз ёлланма қотилни Черчгейт бекатида отиб кетишганини маълум қилишди. У ўлим билан олишар экан. Бугун қўрқувдан бир оз халос бўлиб, Аллоҳга шукрона келтириш учун Хўжа Али зиёратгоҳига келгандим. Тақдир мени сийлаяпти.

– Ҳа, бахтли тасодиф. Бироқ сен ўша хатжилдда кимнинг сурати ва манзилини ёзганингни айтмадинг ахир... Ким эди у.

– Ёлланма қотил томонидан ўлдирилганлар орасидан ягона одам бундай тақдирга муносиб эди, деб ўйлайман. Мен хўжайинга ҳар доимдагидек олтига саккиз катталиқдаги суратни бердим. Бу жаноб Бабу Пиллаи, яъни Маман эди!

Смита қувончдан терисига сифмай чаппак ча-
либ олқишлайди.

– Фаройиб! Мен содда кўринганинг билан ақ-
ли бола эканлигингни англаб етдим. Аммо Салим
ҳақиқий даҳо! Қотилликка рухсатномани олиши
билан бу бола мақсадини қандай йўналтиришни
ва айнан кимни йўқотишни жуда яхши билган.
Қойил! Тан олиш керакки, у истакларини, албат-
та, рўёбга чиқаради. Салим устамонлик билан фа-
ройиб, тўғрироғи, бенуқсон режа ишлаб чиққан
ва мақсадига осонгина ета олган. Ажойиб йигит.
Кейин нима бўлди? Сен дўстингга телевиктори-
нада иштирок этаётганингни айтдингми?

– Мен унга ўз режаларим ҳақида сўзлаб ўтир-
мадим. Пойтахтда бировникида хизматкор бўлиб
ишга жойлашганимни айтдим. Мумбайга эса иш
юзасидан бир-икки кунга келганман, дедим.

– Наҳотки, Салим шу чоққача ҳеч нарса бил-
майдими?

– Йўқ. Мен унга бор ҳақиқатни айтмоқчи бў-
либ тургандим, бироқ полиция келиб қолди ва...

– Тушунарли. Майли, яқин орада ҳаммасини
билиб олади. Кел, яхшиси, Салим билан бўлган
учрашув сенга қанчалик фойда берган экан,
шуни кўрамиз.

Студияда яна чироқ ўчирилган. Бошловчи ка-
мерага қарайди.

– Шундай қилиб, биз тўққизинчи саволга ўта-
миз. Унинг нархи миллион рупий. Мистер Томас,
айтинг-чи, бўш вақтингизда қайси спорт тури
билан шуғулланасиз?

– Ҳеч қайси.

– Чинданми? Камтарлик қилаётган бўлсан-
гиз керак? Қоматингизга қараб туриб, ҳеч бўлса
югуриб турсангиз керак, деб ўйлабман. Ҳар тонг
тринажёр залига бориб шуғуллансам ҳам бари
бир семириб кетяпман.

– Ўз уйингиздан ўттиз чақирим олисдаги ресторанда официантлик қилсангиз, дарров ортиқча юкдан халос бўлардингиз, – деб жавоб бераман мен.

Залда кулги кўтарилди. Прем Кумарнинг юзида эса норозилик аломатлари сезилди.

– Бўпти. Келинг, тўққизинчи савол билан танишамиз. Бу савол спорт соҳаси бўйича... тўғрироғи крикет ҳақида. Яқинда Австралия ва Ҳиндистон ўртасида ўтган крикет баҳсида Ҳиндистоннинг энг кучли ўйинчиси Сачин Малванкар нечта юзталиқни қўлга киритди? Марҳамат вариантлар билан танишинг: а) ўттиз тўртта, б) ўттиз бешта, в) ўттиз олтига ва д) ўттиз еттига.

Муסיқа садолари янгради.

– Битта савол берсам майлими?

– Ҳа, албатта.

– Австралия ва Ҳиндистон ўйинидан кейин терма жамоамиз яна бирорта бошқа мамлакат жамоаси билан куч синашдимиз?

– Билишимча йўқ.

– Унда мен жавобини биламан: в) ўттиз олтига.

– Бу қатъий жавобингизми? Унутманг ўйинга миллион рупий тикилган. Бу таваккал қилишга арзийдимиз?

– Арзийди. Аниқ эсимда ўттиз олтига.

– Ишончингиз комилми?

– Ҳа.

Дўмбира садолари қулоқни қоматга келтиради. Маълумотлар ойнаси эса тўғри жавобни кўрсатди.

– Тўғри топдингиз ва миллион рупийга эга бўлдингиз! Хонимлар ва жаноблар, рекламали танаффусдан сўнг ўйинни давом эттираемиз, биз билан қолинг.

Икки қўлимни мушт қилиб:

– Яшасин!!! – деб ҳайқирганимни ўзим ҳам сезмай қолибман.

ЎН МИЛЛИОН РУПИЙ: ТРАГЕДИЯ ҚИРОЛИЧАСИ

«Жанговар ва кулгили сахналардан иборат ҳақиқий фожиавий яқунга эга бўлган оилавий драма», – кинотанқидчилар тили билан айтганда Неелима Кумарининг уйида яшаган давримни худди шундай таърифлаган бўлардим. У актриса эди. Мен Жуху Виле Парде кўчасида жойлашган аёлнинг уйида уч йил хизмат қилдим. Ҳаммаси Салим ва мен Маман ҳамда унинг тўдасидан соғ-омон чиққан ўша тундан бошланди. Биз поездга ўтириб, Жухудаги керакли манзилга бордик ҳамда қўнғироқни босдик. Эшик очилишини анча кутдик.

– Эшитаман, – остонада баланд бўйли, гўзал аёл турарди. Бир оёқли Радхей тўғри айтган экан, аёл киноларда бош ролларни ўйнайдиган актрисага ўхшайди, бироқ ёши бир оз ўтиб қолган.

– Хоним, – дея мурожаат қилди Салим, ўзини унинг оёқлари остига таппа ташлаб.

Неелима Кумари дарҳол орқага тисарилди.

– Кимсиз? Нега ярим тунда эшигим қўнғироғини рухсатсиз босасиз?

– Биз Радхейнинг дўстларимиз, – дейман мен ва икки қўлимни бирлаштириб, ялинчоқ оҳангда сўзлайман. – У сизга хизматкор кераклигини айтганди. Шу сабаб эшигингизни тақиллатиб, тинчингизни бузишга жазм этдик. Бизни ишга олинг, илтимос, хоним. Радхей сизни меҳрибон аёл, деб айтганди. Биз бошпанасиз қолдик. Бошқа борадиган жойимиз ҳам йўқ. Нима иш буюрсангиз ҳам қиламиз, хоним.

– Хизматчи излаётганим ҳақиқат... бироқ сизлар ниҳоятда ёш экансиз...

– Хоним, кўринишимизга эътибор қилманг. Аслида биз тўрт киши учун ҳам ишлашга қодирмиз. Мен инглиз тилида сўзлаша оламан. Ҳеч бўлмаса бизни синовдан ўтказинг!

– Менга битта хизматчи керак. Икки кишига жой топилмайди.

Биз бир-биримизга тикиламыз.

– У ҳолда биттамыз ола қолинг, розимиз, – дейман мен ҳам енгилмай.

– Исминг нима? – сўрайди аёл дўстимдан.

– Салим.

– Мусулмонмисан?

– Алҳамдулиллаҳ, – дея тасдиқлайди дўстим.

– Унда кечирасан. Гап шундаки, мен қари онам билан яшайман. У эса ҳеч қачон эътиқодди бошқа кишининг қўлидан овқат емайди. Мен бундай ирим-сиримларга ишонмайман... – елкасини сиқиб қўйди аёл. – Бироқ қари аёлга нима ҳам дея оласан.

Салим бечора сувга тушган мушукдай шумшайиб қолди.

– Сенинг исминг нима? – мурожаат қилди Неелима.

– Рам, – деб жавоб бердим ҳовлиқиб.

Шундай қилиб, мени ишга қабул қилишди. Юлдуз билан яшаш – атрофдагиларга кўринганидай бахт эмаслигини англаб етдим. Санъаткор гримини ювиши билан унинг ҳам бошқалар каби оддий одамлиги сезилади. Унинг ўзига яраша ташвишлари бор, у ҳам нимадандир қўрқиб яшайди. Фарқи шундаки, биз каби оддий одамларни пул топиш ва қорин тўйдириш ғами қийнайди. Санъат аҳлини сўзлар қизиқтиради. Актёрлар шаффоф аквариумда яшашади. Шу сабаб уларнинг ҳаёти ҳамиша бошқаларнинг эътиборини тортади. Неелиманинг уйи қимматбаҳо

жиҳозлар билан безатилган. Оёқ остида қимматбаҳо гиламлар, деворларда эса табиат манзаралари чизилган суратлар осиглиқ тарарди. Уйдаги ваннали катта хона хонадон бекасига тегишли. Ундан кичикроғи эса онасига. Билишимча, юлдузнинг бошқа яқинлари қолмаган. Уйдаги энг кўркаму шинам хона актрисаники эди. Деворларда ўрнатилган ойналарда ҳар томондан ўз аксингни кўришинг мумкин. Катта экранли телевизор, видеомагнитофон, чиройли шиша қандил шифтни безаб турибди. Охирги русумдаги техника воситаларининг овози ҳам чиқмайди. Узун шафоф жавонларда ҳар хил совғалар, дипломлар, мукофотлар ва тақдирлаш маросимидан олинган суратлар териб қўйилганди. Бунинг устига китоблар сақланадиган жавонда Неелима Кумарининг суратлари босилган эски журналлар қалашиб ётарди. Бу ажойиботларни кўздан кечирарканман, шундай машҳур аёлнинг уйида ишлаётганим қалбимни гурурга тўлдиради. Бу аёл чиндан ўз даврининг машҳур актрисаси бўлган бўлса керак, деб ўйлайман.

Киноюлдузнинг онаси жуда ҳам зиқна аёл. У саксон ёшда бўлишига қарамай, қирқ ёшли аёллардай ҳали ҳам тетик ва бардам кўринарди. Бунинг устига унинг мени назорат қилишдан бошқа иши йўқ. Ахир, мен тонг саҳардан кечгача ишлайдиган уйдаги ёлғиз хизмачиман-да. Кечқурунлари Махараштрадан леди Брамин овқат тайёрлаб, идиш-товоқларни ювади. Келадиган оқсоч хоним эса кир ювиш билан шуғулланарди. Менга эса уйдаги бошқа ишларни бажариш вазифаси юклатилган. Чангларни тозалайман, полларни артаман, кийимларини дазмоллайман, чой дамлайман, сут қайнатаман ва коммунал тўловларни тўлайман, бироқ нима қилмайин, бу қари кам-

пир учун ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқман. Уни ҳамиша маа-жи, деб ҳурмат билан атасам ҳам, ҳамиша мендан норози.

«Рам, – деб бақиради у каллаи саҳарлаб бутун уйни бошига кўтарар экан. – Сен менга сут олиб келишни унутибсан... Рам, нега чойшабларимни дазмолламадинг? Рам, чангларни чала артибсан... Рам, лайлак ҳайдаб юрибсанми, нима бало? Рам, кўзинг кўрми? Чойим ҳам совиб қолибди, янгилаб қўйиш хаёлингга ҳам келмайди-а?»

Баъзан бу вайсақи кампирнинг овозини ўчиргим келиб қолади.

Неелима Кумари оқ кўнгил аёл. У менинг уйда доимий яшашимни истайди. Уйда бўш жой кўп бўлса-да, тақводор она «эркак»нинг яшашини гуноҳ, деб билади. Шу сабаб, кечалари мени Гхаткопарга ҳайдайдилар. Собиқ актриса у ердан бир кулбани ижарага олди. Бир томондан бу яхши. Ҳеч бўлмаганда кечалари ўша вайсақи кампирнинг минғир-минғирини эшитмайман. Бир томондан эса ҳар кун бир неча чақирим йўл босиб, ишга қатнаш ва ортга қайтиш бир оз қийинчилик туғдирарди. Ҳар қалай, Салим ёнимда, шунга қувонаман.

Бугун биз бозорлик қилгани жўнаймиз. Бекамнинг шахсий машинаси йўқ, шу сабаб таксига ўтирдик. Дўконма-дўкон юришни жиним суймайди. Неелима Кумари бозорлик қилиб бўлгандан сўнг, атир-упа ё кийим-кечак дўконларини айланади. Атиги битта латта ё лаб бўёғи сотиб олиш учун ўндан ортиқ дўконларни кезади, менга эса унинг ортидан зилдай офир сумкаларни кўтариб юришга тўғри келади. Қорин пиёзнинг пўсти бўлиб кетса ҳамки, пиццахона ё ошхонага бир назар ташлаб қўйиш «юлдуз»нинг хаёлига келмайди. Ҳеч бўлмаса мени ўйлаб бирор егулик сотиб олсайди.

Кейинги дўкон «Каф парэйд», у ерда сарилар сотилади. Бекам икки соат ҳар хил намуналарни томоша қилиб, беш минг рупийга учтасини танлаб олди. Мен бу пулларга эга бўлиш учун икки йил ишлашим керак. Дўкондан чиқаверишда бизни бир гуруҳ ўқувчи қизлар ўраб олишди. Ёшларнинг юзида ҳаяжон аломатлари сезиларди.

– Кечирасиз, сиз машҳур актриса Неелима Курмаримисиз? – сўрайди улардан бири.

– Ҳа, – гуруҳ билан жавоб берди бекам.

– Ана, кўрдингизми? Мен сизга айтгандим-ку! – дугоналарига голибона нигоҳ ташлайди ўқувчи. – Неелима хоним, биз ижодингизга ашадий мухлисмиз. Бугун сиз билан учрашиб турганимиз ўнгидан келган тушга ўхшайди. Марҳамат қилиб бизга дасхат беролмайсизми?

– Албатта, бажонидил, – шундай дея актриса сумкачасидан ручкасини олди. Бирин-кетин қизлар шошилиб, дафтарларини тутқаздилар. Актриса бирма-бир қизларнинг исмини сўраб, дафтарларнинг тоза варағига: «Муҳаббат билан Ритага, Неелима», «Индуга муҳаббат билан, Неелима», «Чексиз ҳурмат билан Мальтига, Неелима», деб ёзиб қўйди. Мухлисаларнинг ҳавасу ҳайратдан кўзлари чақнаб, юзлари ёришади.

Актриса кўз ўнгимда гул-гул очилиб кетди. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, одамларнинг эсидан чиқиб кетмаганига қувонади. Ахир, шунча вақт ичида уни кўчада юрганимизда ик марта таниб қолишди. Кутилмаганда актриса мен томонга қайрилди. Иссиқдан терлаб-пишиб, оғир юкни кўтариб қўллари қавариб кетган хизматкорнинг борлиги эсига тушди.

– Рам, оч қолгандирсан-а, – дейди Неелима. – Кел, яхшиси биттадан музқаймоқ еймиз.

Мана, энди менинг кўзларим чақнайди.

Вақти-вақти билан актриса кино санъати ҳақида сўзлаб берарди. Ҳар бир техникнинг иши, тасмаларнинг яратилиши тўғрисида эринмай тўхталарди.

– Томошабинлар назарида, фильмларни актёр ва режиссёрлар яратади, деб ўйлашади. Аммо кадр ортида минглаб инсонларнинг машаққатли меҳнати ётади, уларни эслаш ва ишини эътироф этиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Ахир чумолидай тинмай, меҳнат қиладиган одамлар ўз ишини яқунлагачгина режиссёрлар қўлини кўтариб: «Чироқ, камера, мотор!» деб айта оладилар.

Бекам, декорациялар, гримчилар, дизайнерлар, каскадёрлар, либосу чироқ усталари, дублёрлар иши ҳақида сўзлайди. Бир гал суҳбат мавзуи кино санъати жанрларига бориб тақалди.

– Ҳозирги суратга олинаётган картиналарга боқиб, унинг трагедиями, мелодраммами, комедиями ё жанговар фильми, аниқлаш мушкул. Ҳаммасини аралаштириб ташлашган. Кино санъатида ҳар бир жанрнинг ўз ўрни бор. Мен ҳар доим ўйлаб ва танлаб фильмларга суратга тушардим. Сценарийни ўқиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушадиган саҳналарни яхши ўрганардим. Мен ахир қўшиқни ҳам ўзим айтардим, рақсларга тушадиган саҳналарда менга дублёр керак бўлмаган. Дуч келган кинофильмда ҳам суратга тушиб кетавермасдим. Ахир ҳар бир актриса ё актёрнинг бу оламда ўзининг айтадиган сўзи бўлиши керак. «Муҳаббат юракларни боғлайди» фильми ҳақидаги мақолани ўқигандим. «Ҳиндистон вақти» журнали мухбири бош роль ижрочиси Пуджанинг ўлим саҳнасини бажараман, деб қовун тушириб қўйганини айтиб, мағзава ағдарибди. Бу Пуджа учун шармандалик. Бечора қизни энди режиссёрлар анча вақтгача ўз фильмларига таклиф қилмай қўйдилар, – дейди у қизга ачиниб.

«Бу ролда Неелима Кумарини кўришни қанчалар истардим-а, у барчанинг ишончини оқлаган бўларди. Ёш актрисаларга унга ўхшаган ҳақиқий афсонага айланиб қолган тажрибали санъат эгаларидан маҳорат борасида маслаҳатларни олишса, зарар қилмасди, албатта. Ахир у ўзининг такрорланмас услубига эга». Мақоланинг охирида ёзилган бу сўзларни ўқиб, мен ҳам унинг шу ролда ижросини кўришни истаётганимни юзига айтишдан ўзимни аранг тийганимни билсангиз эди.

– Такрорланмас услубингиз нимада? – деб сўрайман бекамдан.

У самимий жилмаяди.

– Сен ҳали бунини тушунишга ожизлик қиласан, лекин мени ҳинд киноларидаги трагедия қиролчаси, деб билишади. Юр, сенга бир нарса кўрсатаман.

У мени ўз ётоқхонасига олиб кириб, катта темир қутини очди. Фаройиб. У видеокассеталар билан лиқ тўла экан.

– Мана шуларнинг ҳаммасига мен тушган фильмлар ёзиб олинган.

– Ростданми? Уларнинг сони нечта.

– Бир юз ўн тўртта. Кино санъатидаги йигирма йиллик ижодимнинг жамланмаси, – у кассеталарнинг биринчи қаторини кўрсатиб: – бу менинг илк фильмларим. Тўғриси айтсам, уларнинг аксарияти бир оз қўпол ва арзон комедия. Бунинг нималигини биласан-а?

– Ҳа, албатта. Говинда ҳамини шундай киноларда ўйнайди.

Неелима Кумари яна икки қаторни кўрсатди:

– Мана булар ижодимнинг энг гуллаган вақти. Улар орасида «Қотилнинг исмини айт!» фильми машҳур бўлганди. «Ўттиз йилдан кейин...» даҳшатли фильмлар йўналишидаги киноларнинг

мумтоз намунаси. Мана бу тўрт қаторнинг бари трагедия жанридаги фильмлар. Мукофотларни шу киноасарлардаги ролларим учун беришган.

Улардан бирини меҳр билан силаб:

– Менинг энг суюкли фильмим.

Ялтироқ қоғоздаги ёзувни ўқийман. «Мумтоз Маҳал».

– Император Шоҳжаҳон хотинининг исми шундай бўлган. Мен тарихдаги энг бахтли аёл образини ўйнаганман. Бундай роллар ҳаётда бир марта берилади. Ўртада турган миллий мукофотни кўряпсанми? Айнан шу роль учун беришганди. Мен уни шахсан Ҳиндистон президентининг қўлидан қабул қилиб олганман.

– Демак, хоним, шуми сизнинг энг яхши ишингиз?

Неелима сезиларли даражада чуқур «уҳ» тортиб қўяди.

– Тўғриси айтсам, омма олқишласа, одамлар маҳоратингга тан берса, мутахассислар ижроингни эътироф этса, бундан роҳатланиш – ажойиб туйғу, одам яна ҳам кўпроқ ишлагиси келади ва бор вужудини бериб ролларини ижро қилади. Кейин эса бундан ҳам яхшироқ ютуқларга эришишни истаб қолади. Мени олдинда бундан-да гаройиброқ роллар кутиб турганини англадим.

Бекамнинг онаси ўзини яна ёмон ҳис қила бошлайди. У тўхтамай йўталарди. Кампир мазаси йўқлигини айтиб нолигани-нолиган. Бу шикоятларнинг охири йўқдек. У, ҳатто, Неелимани ҳам аяб ўтирмайди. Актрисага ҳар дақиқа қари онаси олдидаги бурчи эслатилади. У сабр билан узундан-узоқ таъналарни эшитиб туради-да, сўнг менга маа-жи учун дорихонадан керакли дармон-дориларни олиб келиш вазифасини юклайди ҳамда хонимнинг дориларини ўз вақтида қабул қилишини назорат этишимни сўрайди.

Бугун уйда барча ҳаяжонда. Кечқурун миллий каналдан Неелима Кумарининг машҳур трагедияларидан бири «Охирги хотин» фильмининг намоиши бўлиши керак эди. Бекам бу кинони биз билан меҳмонхонада ўтириб, томоша қилишга қарор қилди. Мана, ниҳоят, соат саккизларда, ҳаммамиз телевизор қаршисида тўпландик: мен ва ошпаз аёл гиламда ўтириб олганмиз. Собиқ актриса диванга ўрнашган, онаси эса унинг ёнида ёнбош тортди. Фильм бошланди. Кино бошига турли балолар ёрилган камбағал оила қисмати ҳақида. Қаҳрамонлар кўп йиғлайди. Воқеалар ҳақиқатдан йироқдай туйилади менга. Негадир бундай фильмларни ёқтирмайман. Одамлар нима учун шунақа мунгли фильмларни томоша қилишадди, тушунмайман ҳам. Бироқ бекам экранда ниҳоятда ёш ва гўзал кўринади. Аини дамда, кўрсатилаётган кино қаҳрамони билан бир хонада ўтириш ниҳоятда ғалати. Қизиқ, ҳозир унинг ўзи нималар ҳақида ўйлаётганикин-а? Балки кадр ортида минглаб заҳматкашларнинг меҳнати тўғрисида ҳаёл сураётгандир? Неелима Кумари таъсирли сўзларни айтишга улгуриб, жон беради. Шу билан кино тугади. Биз ўрнимиздан туриб, уюшиб қолган оёқларимизни ҳаракатга келтирамиз. Бекамнинг кўзларида эса ёш йилтиллади.

– Хоним, – ташвишланиб сўрайман мен. – Сизга нима бўлди? Нега хафасиз?

– Ҳеч нима бўлгани йўқ, Рам. Шунчаки, қаҳрамоним билан қандайдир яқинлик борлигини туяман, унинг кечинмалари менга бегона эмас.

– Барча актёрлар ҳам сиз каби бир вақтнинг ўзида ҳам кулиб, ҳам йиғлашга қодирми?

– Бу хислатга эга бўлган актёрнинг маҳорати ҳам шунда-да. Менга трагедия қироличаси мақоми нега беришганини биласанми?

– Нима учун, хоним?

– Неелима Кумари ҳеч қачон йиғлаш учун глицеринга муҳтож бўлмаган. Кўз ёшлар ўз-ўзидан келаверади.

У ўрнидан туриб кетди. Оқсоч билан иккала-миз бекамнинг ортидан елка қисиб қолавердик.

– Қизиқ, мен ҳам глицинсиз йиғлайман-ку, – деб ўйладим ичимда.

Актриса билан қанчалар кўп муомала қилганим сари уни нега трагедия қироличаси, дея эътироф этишларини англадим. У ўз атрофидаги тушқунлик кайфиятидаги одамлар ҳаётини ўрганади. Ҳатто унинг табассумида ҳам маъюслик сояси кўзга ташланиб туради. Мен аёлнинг ўтмишини ўзимча тасаввур қилишга уринаман. Нега у турмушга чиқмаган экан, деб кўп ўйлайман. Унинг ҳақиқий дўстлари ҳам йўқ. Тўғриси, баъзан Неелима Кумари сирли равишда гойиб бўлиб қолади ва кечга яқин уйга кириб келади, бироқ актрисанинг юзи собиқ дўсти ёки жазмани билан учрашган одамники каби қувончдан порлаб турмасди. У ниҳоятда тушқун аҳволда қайтар ва ўз ўрнига аза тутгандай ётиб оларди. Бу жумбоқнинг ечимини топсам эди. Яна мени бекамнинг ўз чиройини сақлаш сири қизиқтирарди. Қомати ҳам бенуқсон. Неелима Кумари жуда ҳам мафтункор кўринади. Собиқ актриса соатлаб кўзгу ёнида ўтириб, соч турмаги ва пардозини ўзгартирар, ўзига оро-торо беришдан чарчамасди. Унинг ажинларни яширадиган кремлари, атир-упалари маа-жининг дориларидан ҳам кўпроқ эди, десам янглишмайман.

– Хоним, жаҳлингиз чиқмасин, бунча пардоз энди нимага керак, ахир суратга тушмаяпсиз-ку? – охир-оқибат бир куни мен унга шу саволни беришдан ўзимни тийиб туролмадим.

Неелима Кумари кўзларимга боқди.

– Кино олами одамлари ўзини кўпроқ яхши кўради. Биз ўзимизни мафтункор чехрада кўриб ўрганганмиз. Ҳақиқий қиёфамизни, ҳатто ўзимиздан яширамиз. Шу боис, кўзгуга пардозсиз боқишга журъат қилолмайман. Бундай олганда, ҳаётда ҳам актёрлик қила олган одамгина чин актёрдир, буни унутма! Фильмлар якунига етиши мумкин, бироқ шоу давом этади, – деб жавоб берди.

Қизиқ, у буни чин юракдан айтдими ё шунчаки айтдими, билиш қийин эди. Бироқ у ҳали ҳам ўз фильмлари оламида яшаётганлигини ҳис этдим.

Эртасига бутунлай кутилмаган ҳодиса рўй берди. Маа-жи тонгда уйғонмади. У уйқусида ўлиб қолибди. Марҳума саксон бир ёшда эди....

Бекам бир оз кўз ёши қилиб олгач, яна одатдаги ташвишли ҳаётга қайтди. Кўмиш маросимига тайёргарлик кўриш керак, ахир. Неелима ғамгин қиёфада одамлар билан гавжум бўлган меҳмонхонада диванда ўтирибди. Эгнида оқ сари, у енгил пардоз қилиб олганди. Аза маросимига келганларнинг аксарияти таниш. Уларнинг қиёфалари Ҳиндистоннинг газета, журналларида чоп қилинган. Бу актёрлар, актрисалар, продюсерлар, режиссёрлар, қўшиқчи ва шоирлар эди. Мен ҳайрат тўла кўзларим билан уларга боқиб, ёнимда Салим йўқлигига афсусланаман. Бари бир у бир оз хафа бўлган бўларди. Сабаби, меҳмонлар сира ҳам катта экрандаги қаҳрамонларига ўхшамасдилар. Уларнинг эгнида ялтир-юлтир матолар йўқ эди. Гримсиз, оппоқ кийимда юдузлар оддий одамлардан фарқ қилишмасди, ҳатто комик роллар ижрочилари ҳам жиддий қиёфада.

Неелима Кумари онасининг ўлимини қанчалар юрагига яқин қабул қилганини айтиш мушкул эди. Лекин мен одамни қийнайдиган фильм

томошасидан сўнг тоза ҳавога чиққан одамдек эдим. Ўзимни қуш каби енгил ҳис этаётгандим.

Бир ойлардан кейин бекам каминага уйга кўчиб келишни таклиф қилди, мен ҳам дарров рози бўлдим. Асосийси, у Салимнинг ижара пулини беришга рози эди. Катта уйнинг бўш ётган тўртта ётоқхонаси бор уйда, менга ошхонанинг ёнидаги ашқол-дашқоллар сақланган кичкинагина хона насиб қилди, бироқ, ҳатто шу хона ҳам харобадаги қулбамиздан минг марта яхшироқ. Шундай экан, нолисам гуноҳ бўлади.

Онасининг ўлиmidан сўнг, Неелима тез-тез уйдан ғойиб бўладиган одат чиқарди. Баъзан кечалари уйга келмасди. Энди мен унинг ҳаётида чиндан ҳам бошқа одам борлигига шубҳа қилмайдиган бўлдим, ким билади, балки яқин орада тўй ҳам бўлиб қолар.

Бир тунда меҳмонхонадан келаётган шовқин мени уйғотиб юборди. Жаҳдим чиқиб, соатга қарайман. Соат тунги уч ярим. Қизиқ, бекамни нима жин уриб, шу пайтда хоналарни кезиб юрибдийкин, деб ўйладим. Бирдан балки ўша сирли дўсти ташриф буюргандир, деган хаёлга бордим. Ким экан, ўша сирли жаноб, азбаройи қизиқишдан ёниб кетяпман. Бу сафар ҳам ўзимни бошқаролмадим. Қизиқиш устунлик қилди. Мен секингина ўрнимдан турдим ва оёқ учида юриб меҳмонхонага ўтдим. У ерда қоронғида қандайдир эркак тимирскиланиб юрганини кўрдим, бироқ жазманлик лавозимига тўғри келмасди, назаримда. Бошига қора ниқоб кийиб олганди. Чап қўлида қора рангли қопча, ўнг қўлидаги жин чироқ нурлари видеомагнитофонга қаратилганди. Эркак шошиб, уни симлардан халос этди ва қопга солди. Энди аниқ биламан, бу бекамнинг жазмани эмас, балки ҳақиқий ўғри экан. Бу

вазиятда нима қилишни билардим. Ярим тунда бомбанинг портлаши каби шиддат билан янграган овозим тун сукунатини бузди. Неелима Кумари кўрқиб уйғонди ва меҳмонхонага югуриб келди. Қутилмаган меҳмон эса бутунлай ўзини йўқотиб, қўлидаги қопини тушириб юборганди. У жин чироқни бир чеккага улоқтираркан, икки қўли билан қулоқларини маҳкам ёпиб олди. Телевизор ёнидаги шиша ҳайкалча секингина ерга тушиб синди.

– Нима бўляпти? – ташвишланиб сўради актриса ва беихтиёр чироқни ёқди.

Кейин меҳмонхонада ўғри борлигини кўриб, мен билан бирга қичқириб юборди. Ўғри аниқ қар бўлиб қолди. У тиз чўкиб бекамдан:

– Илтимос хоним, тунда оромингизни бузганим учун мени кечиринг. Мен ўғри эмасман. Шунчаки қандай яшаётганлигингизни бир бора кўрмоқчи эдим, кечиринг, кечиринг, – дея ялинарди.

– Рам, телефонни олиб кел! Ҳозироқ полицияни чақираман! – қаҳр билан буюрди бекам.

Мен шу оннинг ўзида ўқдай отилиб симсиз телефонни олиб келдим. Бу пайтга қадар ўғри қора ниқобини ечди. Эски соқол қўйган ёшгина йигит экан.

– Илтимос қиламан, хоним, мен чиндан ҳам ўғри эмас, сизнинг ашадий мухлисингизман. Уйингизни ўмариш хаёлимда ҳам йўқ эди. Қаршингизда санъат олийгоҳининг охирги босқич талабаси, у ижодингиз шайдоси. Чин сўзим, мен шунчаки, қандай яшашингизни кўрмоқчи эдим, холос.

«Мухлис» сўзини эшитиб, актрисанинг кўнгли бир оз юмшагандек бўлди.

– Унга қулоқ солманг, хоним, – огоҳлантирдим мен. – Бу бола – ўғри. Агар мухлис бўлса, нима учун видеомагнитофонни ўғирламоқчи бўлди? – Неелима-жини огоҳликка чақирдим.

– Мен бир юз ўн тўртта фильмингизни йиққанман. Ҳар кун улардан бирини томоша қиламан. Кўп ишлатаверганимдан ўзимнинг видеомагнитофоним бузилиб қолди. Иштирокингиздаги киноларни кўрмасам яшолмайман. Шунинг учун ҳам шу ишни қилишга мажбур бўлдим. Қўлингиз теккан видиомагнитофондаги биттагина фильм намойишини кўрсам, мендан бахтиёр одам бўлмасди, дунёда. Текшириб кўринг, хоним, марҳум отам хотираси ҳақи, алдамаяпман. Видеомагнитофонимни уста тузатиб бериши билан қайтармоқчи эдим, – ишонтирмоқчи бўлди ўғри.

– У алдаяпти! – дейман мен. – Келинг, яхшиси полицияни чақирамиз.

– Шошма, Рам, – дейди актриса. – Балки у чиндан ҳам рост сўзлаётгандир, уни бир текшириб кўрмоқчиман. Кутилмаган меҳмонимиз бир юз ўн тўртта фильмининг барини кўрган бўлса, у саволаримга жавоб бера олади. Яхши, жаноб, айтинг-чи, қайси кино асарда мен қишлоқ қизи Чанднини ўйнаганман?

– Неелима хоним, бу ижрони унутиб бўлармиди? Бу мен севган энг яхши кўрган фильмларимдан бири-ку. «Яна қишлоққа...» фильми, тўғрими?

– Тўғри. Бу оддий савол эди. Бундай тафсилотлар ҳамманинг ёдида қолади. Қайси фильмдаги ижроим кўпчилик санъат мутахассисларининг эътирофига ва 1982 йилда кинотадқиқчилар томонидан бериладиган мукофотга сазовор бўлган?

– Бу жуда осон. «Зимзиё тун», албатта.

– Э Худойим, тўғри. Чиндан ҳам сиз ҳақсиз. Мен Манеж Кумар билан қайси кино асарда суратга тушганман?

– «Ватан кутади».

– Ҳа. Чиндан ҳам фильмларимни кўрасизми?

– Неелима хоним, мен ахир энг содиқ мухлисингизман. Фақат бир нарсага ҳеч тушунмай-

ман, нега сиздек маҳоратли актриса «Абадий муҳаббат» фильмидаги арзимас ролни ўйнашга рози бўлгансиз? Фикримча, режиссёр имкониятнингизни тўғри баҳолай олмаган кўринади.

– Бу картинадан сўз очганингиз ғалати. Мен ҳам ўша фильмда роль ўйнаганимдан ҳали ҳам афсусланаман. Шармила ўша киноасарда мақтовга эришди. Мен эса қаттиқ танқид қилишди.

– Бироқ «Бомбейда ёмғир» фильмида юдуз каби порлагансиз! Отасининг ўлимидан сўнг қаҳрамонингизнинг ибодатхонадаги монологига гап йўқ. Таъсирли сўзлар. Кинотанқидчилар «Энг яхши аёл роли учун» мукофотни айнан шу сўзлар учун беришганга ўхшайди.

– Фикрингизга қўшиламан. Тўғриси айтсам, ижодимни жуда яхши тушунаркансиз. Исмингиз нима?

– Ранжит Мистри. Ҳозир йигирма тўрт ёшдаман. Мен анчадан бери сиздан мамлакатимизнинг буюк ролларидан бири «Мумтоз Маҳал» ҳақида сўрамоқчи эдим. Сиз туғруқ пайтида жон бераётган саҳнангизни эслайсизми? Император образини ижро этган Дилип Соҳиб эса сиз ётган тўшакка бошини қўйиб, жуда ишонарли тарзда унсиз йиғлаб турибди. Сиз ундан ўша машҳур қасамни олгач, олтин занжирни ечасиз-у, бироқ бари бир эрингизнинг қўлига тутқазмайсиз. Нимага? Бу нимани англади?

– Икир-чикирларгача, эсингиздан чиқармаганингизни қаранг! Нега тикка турибмиз, балки диванга қулайроқ жойлашиб олармиз-а, нима дедингиз? Кейин саволингизга бажонидил жавоб бераман. Рам, нега оғзингни очиб турибсан? Телефонни жойига қўй-да, бизга чой билан ширинлик олиб кел! Ахир уйда меҳмон бор. Демак, бу «Мумтоз Маҳал»нинг ўзига хос қараш...

Ошхонадан қайтсам, актрисани ўғри билан меҳмонхонада худди минг йиллик қадрдонлардай кулиб, ҳазиллашиб ўтиришганини кўрдим. Бу ҳолатда бир оз ҳадик ва ҳайрат билан бош чайқашдан бошқа илож тополмайман. Бунга қаранг-а, актрисанинг уйини ўмармоқчи бўлган одам, унинг ашадий мухлиси бўлиб чиқса-я. Неелимага ҳам ҳайронман, бу йигит унинг киноларини кўргани учун ўғрилиқ қилмоқчи бўлганига кўзини юмиб, ширинлик ва чой билан сийлашга тайёр... Қизиқ-да, юлдузлар уларни сира тушуниб бўлмайди...

Триллер бўлиб бошланган бу томоша фожиа билан тугади.

Бир кун бекам мени ёнига чақирди.

– Рам, эртага сен Салимни кўргани бор ва ўша ерда қол. Бир кечага, албатта. Мен ёлғиз қолмоқчиман, – деди.

– Нима учун, хоним?

– Савол берма, – жаҳли чиққанини сездирди у. – Шунчаки, айтганимни қил, тамом вассалом!

Бунга ўхшаган воқеа уч марта такрорланди. Неелима Кумари уйга ўша сирли дўстини олиб келишини тахмин қилардим, шунчаки у бу ҳақда ҳеч ким билишини истамайди. Хуллас, кейинги гал менга Гхаткопарда тунашни буюришганда, ҳар доимгидек эрталаб соат еттида эмас, балки бешда келдим. Тахмин қилганимдек соат олтиларда оппоқ қўйлак ва кўк жинси шим кийган эркак чиқиб келди. Баланд бўйли, кўриниши зиёли одамлардек, фақат негадир кўзлари қизариб кетганди. Чап қўлида тамаки ва бир боғлам пул. Ўнг қўлида эса машина калитини ўйнатиб кетарди. Фақат бу сирли эркакни қаерда кўрганлигимни эслолмайман. У ортига қарамай, зинапоядан тушиб кетди. Мен эса соат еттидан илгари эшик

қўнғироғига қўл теккизмайман. Меҳмонхонага кириб, жойимда қотиб қолдим. Хонага қараб бўлмасди. Оёқ остида бўшаб қолган виски шишаси, стол устида тамаки кули, гиламда эса ширинликлар, ёнғоқ сочилиб ётарди. Тамаки тутуни хонанинг ҳавосини бузганди. Хуллас, меҳмонхона ит думини йўқотса, тополмас даражада тартибсиз эди. Неелима Кумарининг аҳволини кўриб, ундан ҳам баттар аҳволга тушдим. Юзи қонталаш, кўзларининг ости эса кўкартириб ташланганди.

– Бу нимаси, хоним, нима бўлди? – деб сўрадим, унинг юзидан кўрқиб.

– Ҳечқиси йўқ, Рам. Хавотир олмагин, каравотдан йиқилиб тушдим.

Ёлғон. Ҳаммасига эрталабга яқин шу уйдан чиқиб кетган эркак айбдор. Эвазига актриса унга бир қути тамаки ва пул берган. Юрагимда оғриқ пайдо бўлди ва бутун вужудимни газаб эгаллади. Уни қандай йўқотиш мумкин?

Ўша кундан бошлаб, бекамни худди алмаштириб қўйишгандек эди. У хаёлпараст ва камгап инсонга айланганди. Назаримда, у яширинча ичадиган одат чиқарганга ўхшарди. Сабаби, ундан атир ҳиди эмас, вискининг ҳиди келарди. Бир кун яна унинг кўзи кўкарганини, қўлида эса тамаки билан куйдирилган изни кўриб, ўзимни тутиб туролмадим.

– Сизни бошқа бундай ҳолатда кўришга тоқат қилолмайман. Буни ким қилди?

Бу саволимга у: «Эй тирранча, ишинг бўлмасин! Сенга ким қўйибди, бундай гапларни!» дейиши мумкин эди, бироқ бутун бекам кимгадир ёрилишни истарди. Фалсафий ўйлару фикрлар қамраб олганди уни. Ғамгин ва мунгли қиёфага қараб титраб турардим.

– Биласанми, Рам, донишмандлардан бири: «Бутунлай севмай яшагандан кўра, севиш ва уни йўқотишдан кўрқиб яшаш афзал!» деган экан. Баъзан мен бунга шубҳа қила бошлайман. Муҳаббат менга ҳам таниш. Биласанми, менинг ҳаётимда эркак пайдо бўлди. Баъзан у менга мени севадигандай, баъзан эса нафратланадигандек туйилади.

– Нега уни ташлаб кетмайсиз?

– Бу шунчаки осон иш эмас. Ҳатто азоблардан ҳам роҳат олиш мумкин, ширин энтикишни туясан. У сени тамакининг оташи билан азоблаганда, бақирнишни хоҳламайсан. Бунинг ўрнига «Аёллар» фильмининг охирги саҳнасидаги монолог эсингга тушади. Унинг сўзларини такрорлашни истайсан. «Ҳаёт, бунчалар шафқатсизсан! Ажал – менинг ҳақиқий ёрим. Ўлим, мени бағрингга бос. Қулоғимга сукунатнинг маъюс қўшиғини шивирлаб айтгин. Кейин қанотларинг устига ўтқазиб, мангу муҳаббат водийсига олиб кет!»

– Лекин, бу кино-ку, хоним! – йиғлаб юбордим мен.

– Жим! Сўзларим эсингдами? «Ҳақиқий актёр ҳаётда ҳам актёрдай яшайди». Бутун умр трагедия қироличаси бўлиб қолавераман. Мен ўз қаҳрамонларим каби яшадим. Фолиб¹ қоғозга бир нечта сўзларни қоралагани учун шеърятнинг буюк қироли бўлгани йўқ. Дардни ҳис этиш, уни ҳар кун таниш, янгидан кашф этиш керак. Қайғу чин дилдан чуқур ҳис қилсанггина, ҳақиқий трагедия қиролига айланасан.

Мен ўн икки ёшли содда бола кўзларимни катта-катта очиб, собиқ актрисанинг сўзларини англашга уринаман.

– Демак, трагедия қироли бўлишим учун мен ҳам шундай азобланишим керак экан-да?

¹ Фолиб Мирзо Асадуллохон (1796 –1869) – Ҳиндистонда яшаб ўтган машҳур шоир.

Актриса жавоб бериш ўрнига сукут сақлайди.

Бекам «Стар-бест» журналига интервью беради. Мен меҳмонхонага гулоб ва ширинликлар келтириб қўйдим.

– Жуда яхши, Неелима хоним, ўтмишингиз тўғрисида гаплашиб бўлдик. Сиздек машҳурликка эришган актрисалар кам. Келинг, бугунги кун тўғрисида суҳбатлашамиз. Нега суратга тушмай қўйдингиз?

Диктафон кўтарган журналистни кузатиш мен учун қизиқ эди. У жуда ҳам ёш ва кўриниши ҳам ниҳоятда чиройли. Қизнинг юзи бенуқсон, териси силлиғу майин, сочлари эса тун каби қоп-қора. Қимматбаҳо кофта, замонавий қора шим ва ингичка пошна қизни янада малоҳатли қилиб кўрсатаётганди.

– Сабаби, ҳозирги фильмлар сира аввалгиларига ўхшамайди. Одамлар енгил-елпи асарларга ўрганиб қолишди. Ҳозирги актёрлар тўтиқушга ўхшаб ўргатиб қўйилганини такрорлайди, холос. Биласизми, бир ишга чуқур киришмай қўйганмиз. Битта саҳнани суратга олиш учун эртадан кечгача меҳнат қилардик. Ҳозир атиги бир кунда кино олаётган режиссёрлар ҳам йўқ эмас, десам муболаға бўлмайди. Баъзан ўшанақа фильмларни кўрсам, бу қанақаси, шу ҳам киноми, дейман! Кўча болаларининг ўйинига ўхшайди, – хоним менсимамай, лабини буриб сўзлайди.

– Кечирасиз-у, лекин сиз ҳақингиздаги гап-сўзларга қараганда, режиссёрлар сизга роль бермай қўйгани учун экранни тарк этган эмишсиз...

Актрисанинг кўзларида ғазаб ялтиллайди.

– Ким айтди буни? Фирт ёлғон! Мен ўзим қанча таклифларни рад этганман. Сабаби, улар менинг персонажимга сира мос келмасди.

– Бошқача қилиб айтганда, сизга бош қаҳрамонни эмас, балки унинг онаси ё хола-си ролини таклиф қилишгани учун рад этгандирсиз, балки?

– Нималар деяпсиз? Менинг ишимни камситишга нима ҳақингиз бор? Шунисини ҳам тан олишимиз керакки, бугунги журналистларимиз одоб-ахлоқ ва муомала маданиятини умуман унутиб қўйишганга ўхшайди. Мана бу мукофотларга қаранг, уларни менга экранда жилпанг-жилпанг қилганим учун беришмагандир, ҳар қалай? Трагедия қироличаси мақомини ҳам қўшиқ айтиб, капалакка ўхшаб гулдан-гулга қўнганим учун олмагандирман?

– Узр сўрайман... суҳбат мавзуи аввалги карьера...

– Мен гап нимага бориб тақалаётганини жуда яхши тушундим. Рам, бу қизга эшикни кўрсатиб қўй ва ҳеч қачон уни ичкарига киритма!

Бекам газаб билан ўрнидан турди ва ўз хонасига кириб кетди. Ҳайратдан довдираб қолган қизни кузатиб қўярканман, бу саҳнани комедиями, драма ё трагедиями қандай аташни ҳам билмайман...

Актрисанинг хонасида юзлаб расмлар. Уларнинг ҳаммасида ўзи. Бирида Неелима Кумари мукофот оляпти. Бирида Неелима Кумари мукофот топширяпти. Бирида Неелима Кумари тасмани кесяпти. Бошқасида эса Неелима Кумари кино тақдимотида сўзляпти. Уйда бегоналарнинг сурати йўқ. Фақат хонанинг тўрида икки ёш ва гўзал аёлнинг суратидан бўлак... бири оқ танли, бошқаси эса ҳинд.

– Бу аёллар ким? – бир куни қизиқиб сўрадим бекамдан.

– Чап томондагиси – Мэрилин Монро, ўнгдагиси эса – Мадхубала¹.

– Ким улар?

– Ҳаётдан эрта кетган актрисалар.

– Уларнинг расмларини нима учун бунчалик қадрлайсиз?

– Мен ҳам ўшалардек ўлишни истайман. Кампирга айланиб қартайиб, қалтираб қолишни ва юзимни ажинлар босишини истамайман. Сен Шакееланинг расмини, фильмларда чеҳрасини кўргансан-а. Эллик йил экран юлдузи бўлган аёл айна дамда тўқсон ёшда. Мана, қара, йиллар уни кимга айлантириб қўйган. Унинг ўлимидан сўнг, ҳеч ким уни юлдуз деб эмас, балки кампир сифатида эслайди. Тобутда қандай ётган бўлсанг, шундай хотираларда яшайсан. Мэрилин Монро ва Мадхубала абадий гўзаллигини сақлаб қола олган аёллардир. Шу сабаб уларга ўхшаб бу ҳаётни ёш ва гўзал ҳолатда тарк этсам, дейман. Бу оламни тўқсон ёшда тарк этиш – йўқ, Худо асрасин! Баъзан мен дунёдаги барча соатларни тўхтатиб қўйишни ва барча кўзгуларни синдиришни истайман. Шунинг билан бирга ўз гўзаллигимни музлатиб қўйгим келади.

Бу аёлнинг қалбини ғалати қайғу эгаллаб олганди. Яхшилаб ўйлаб кўрсам, Неелима ҳам менга ўхшаган етим. Фақат каминадан фарқли ўлароқ, унинг мухлислари, продюсер ва режиссёрлари бор. Мана шу яқинлари учун актриса охирги қурбонликни қилмоқчи. Бутун умр хотираларда малоҳатлию мафтункор бўлиб қолишни истайди. Илк марта киноюлдуз бўлмаганимга қувониб кетдим...

¹ Мадхубала, Мумтоз Жаҳон Бегим – ҳинд киноматографиясининг афсонаси. Ҳинд экранининг Венераси, дея эътироф қилинган. У ўн тўрт ёшидан фильмларда суратга тушган.

Меҳмонга машҳур продюсер келиши керак экан. Неелима жуда ҳам ҳаяжонда. У яна роль олиб, экранга қайтишига ишончим комил. Кун бўйи хоним кўзгу олдидан кетмайди. Ўзига оро-торо бериб, ҳар замон кийимларини алмаштириб туради. Продюсер кечқурун келди. Бўйи паст ва тақир бошли кичкина одам экан. Актриса гулоб, жамун, ширинликлар ва шарбат олиб келишни буюрди.

– Бу роль сизга жуда ҳам тўғри келади Неелима хоним, – дейди меҳмон. – Мен доим ижодингизнинг мухлиси бўлганман. «Аёллар» фильмини ўн беш марта кўргандирман. Ўлим саҳнасидаги ҳаётдан кетаётган аёлнинг сўзларига ва ижрога ҳам қойил қоласан киши. Бош қаҳрамоннинг кўзларига тикилиб, ўзим ҳам у билан бирга ўлишга тайёр бўламан. Айни шу асар мени сизни экранга қайтаришга ундади. Биз янги асар учун энг яхши режиссёрни тайинладик. Бу фильм аёл қалби ва аёл ташвишларига бағишланади. Таклиф айни сизбоплигига шубҳа қилманг!

– Ҳўш ким экан, ўша режиссёр?

– Чимпу Хаван.

– Менимча, у комедия жанридаги фильмларни суратга олади, шекилли?

– Нима бўлибди? Ҳозир суратга олмақчи бўлган асаримиз ҳам бир оз кулгили саҳналарга ҳам эга. Бош ролларга Табу¹ ва Шоҳруххонни суратга тушишга кўндирдик...

– Шошманг, шошманг, бу фильмда иккита бош қаҳрамон борми?

– Йўқ, албатта.

– Табу кимни ўйнайди?

– Бош қаҳрамонни, албатта.

¹ Табу – 1970 йил 4 ноябрда туғилган. 2001 йилда у энг яхши актриса мукофотини қўлга киритган.

– Менга қайси ролни таклиф эмоқчисиз?

– Тушунмадингизми? Шоҳруҳ Хоннинг онасини.

Бекам шу заҳотиёқ продюсерни кўчага ҳайдайди. Ғазаб билан ташқарига чиқаётган эркак филга ўхшаб ўкиради:

– Тантиқ, беҳаё! Буни қаранг-а, ҳали ҳам бош қаҳрамонларни ўйнамоқчи! Аввал ойнага боқ! Катта бувисининг ролига таклиф қилмаганимга шукр қил! Даф бўл-э!

Менимча, бу ажойиб комедия жанридаги фильм бўларди, аммо каминанинг фикри билан ҳеч ким қизиқмайди-да.

Уйга яна ўша сирли жазман келиб-кетган. Бу сафар ҳаммаси жиддий. Неелиманинг чап қоши тепасида чуқур ёриқ пайдо бўлган, юзи эса шишиб кетганди. Бекам, ҳатто сўзлашишга қийналади.

– Хоним, полицияни чақириш фурсати етди, – ундайман унинг жароҳатига малҳам қўярканман. – Бу ҳайвонни қамаб қўйиш керак.

– Йўқ, Рам. Ҳаммаси жойида.

– Ҳеч бўлмаса унинг исмини айтинг.

Актриса ғалати жилмайди.

– Нима фойдаси бор? Хавотир олма, у энди қайтмайди. Мен ўртамиздаги барча ришталарни уздим. Шу сабаб, унинг жаҳли чиқди. Агар у яна остонамни ҳатлаб ичкарига кирмоқчи бўлса, юзига тупураман.

– Жимгина азобланасизми? Юзингизни нима қилиб қўйибди? Бунга чидаб бўлмайди, ахир!

– Юзимдаги ёриқлар ҳеч нарса.

У шундай дея кўйлагининг тугмасини ечди. Актрисанинг бадани тамаки оташида куйдириб ташланганди. Қоп-қора изларга қараб актриса қанчалар азоб чекаётганини сезиш қийин эмасди. Бўғзимга алам қадалди. Кўз ёшлар мени бўғиб қўйди.

Неелима ҳам йиғлайди.

– Юлдуз ниқобини кийиб юришдан чарчадим! Ёшартирувчи кремлар, турли атир-упалардан ҳам зерикдим. Менга уларнинг кераги йўқ. Ҳозир оддий аёл бўлиб қолишни истайман. Кела қол, бағримга, болажоним!

Шу сўзлар билан у мени қаттиқ қучоқлади.

У ўша пайтда нима ҳақида ўйлаганини билмайман-у, аммо бир неча дақиқа ўзим ҳам бу уйда оддий хизматкорлигимни унутиб қўйдим. Бир аёлнинг кўкрагига бош қўйишим билан дунёнинг барча азобларини эсдан чиқардим. Мен ёлғизлигимни унутдим. Менинг онам бор. Унинг меҳрини ҳис этишим мумкин. Унга қўл теккизса ҳам бўлади. Аччиқ кўз ёшлар, қиммат атирлар ифори, она бағрининг тафти ўн уч ёшли болакайга энг бахтли лаҳзаларни бағишлар эди. Қалбидаги йиллар давомида йиғилган оғриқ, алам, дард ва одамларнинг ҳақоратлари бир неча дақиқада арийди, тўғрироғи, изсиз йўқолади. Айни ана шу лаҳзаларни бутун умр шундай қолдириш учун дунёдаги барча соатларни тўхтатиб қўйишни истардим. Бу саҳна қанчалик қисқа бўлмасин – дунёдаги ҳеч бир актёр ўша онларда мен каби чин туйғуларни ҳис қилиб йиғламаган бўларди. Она меҳри – у етимликда ўсган боланинг орзуси, умиди, армони ҳамдир... Бу меҳр болага баъзан шунчалар керак бўладики, асти қўяверасиз. Бироқ мен тўймадим. Инсоннинг меҳрга тўймаслиги эса аслида қонида бор.

Шу сабаб, ҳаётимдаги бу саҳнани драма, триллер ёки трагедия, деб изоҳлаб ўтирмайман. У барча жанрлардан устунроқдир.

Яна тонг отди. Бу воқеа қайта такрорланмади. Биз бу ҳақда қайта оғиз очмаймиз, бироқ ҳаёти-

миз бошқа томонга бурилиб кетганини иккимиз ҳам яхши англаймиз.

Неелима ўз ниқобидан қутулишни чин дилдан истайди, аввалгидан ҳам тушкунроқ кайфиятда юради, лекин менинг ёрдамимни қабул қилишни истамайди, негадир. Бечорагина энди тез-тез ичади. У ошпаз ва оқсочни ҳам ишдан бўшатди. Уйда ёлғиз мен қолдим. Хоним ҳаётидаги ўзининг буюк ролига тайёргарлик кўришни бошлайди.

Неелима Кумари менга барча журнал ва расмларни тартиб билан жавонга териб қўйишимни буюрди. Ўз қўли билан аввал тилла, кейин кумуш, унинг ортида эса платинадан қилинган мукофотларини жойлаштирди. Энг қиммат сарисини кийиб, уч соат кўзгу олдида ўзига оро берди. Кейин у онасининг дорилари сақланадиган қутисини олиб, тинчлантирувчиларидан кафтини тўлдирди ва ҳаммасини бирданига ичиб юборди. Ниҳоят, актриса ётоқхонага кириб, ўша машҳур «Мумтоз Маҳал» фильми томошасини сукут сақлаб кўришда давом этди. Бекам менга бозорга бориб, мева сотиб олиб келишимни буюрди. Қайтганимда эса хоним ўз ўрнида ҳаракатсиз ётарди. У тўй олдидан тинчгина ухлаётган янги келинчакдек маъсум, малоҳатли ва мафтункор эди. Бекамга тегмай туриб ҳам унинг жон берганини англайман. У қўлида «Мумтоз Маҳал» фильмидаги аёл роли учун йилнинг энг яхши актрисаси Неелима Кумарига. 1985 йил» деб ёзиб қўйилган миллий мукофотни маҳкам қучганича мангу уйқуга кетганди. Ҳаётда шунга ўхшаган ҳақиқий драмани кўрмаганман.

Бу вазиятда ўн уч ёшли болакай нима ҳам қила оларди? Қаршимда мурда. Полицияни чақирадиган бўлсам, миршаблар унинг ўлимида ўзимни айблашлари мумкин ёки меҳрибонлик уйига

қайтариб юборишади. Ягона йўл бу Гхаткопарга Салимнинг ёнига бориш эди. Мен бир оз йиғлаб турдим-да, кейин уйдан чиқиб кетдим.

– Нега келдинг? – ҳайрон бўлиб сўрайди дўстим.

– Хоним барча хизматкорларни ишдан бўшатди, уларга қўшиб мени ҳам.

– Энди нима қиламиз? Ижара пулини қандай тўлаймиз!

– Хавотир олма! Бекам икки ойлик ижара пулини олдиндан тўлаб қўйди. Бу вақтга қадар бирор ишнинг тайини чиқиб қолар.

Ҳар кун мен қўрқув ичида қизил чироқли «жип»нинг милтиллашини кутаман, бироқ ҳеч нарса содир бўлмайди. Юлдузнинг ўлими ҳақида, ҳатто газеталарда ҳам маълум қилишмайди. Бу орада темир қуйиш цехида ишга кирдим.

Актрисанинг мурдасини бир ойдан кейин топдилар.

Ўшанда ҳам қўшни аёл қўланса ҳидга шикоят қилганида, қулфни бузиб ичкарига кирадилар. Юлдузнинг ётоғида яп-янги қизил сари кийган собиқ актрисани топишади. Тилла занжирлар ва сари деразадан тушаётган қуёш нурида ялтиллаб сирли нур сочарди, лекин Неелима Кумарининг юзини таниб бўлмасди. Ириган танани уйдан олиб чиқиш учун эркакларнинг махсус ниқоб тақишига тўғри келади. Энг яхши роли учун берилган мукофотга эса қайрилиб ҳам қарамай, ахлат қутисига ташлаб юборадилар.

Эртасига ўлик аёлнинг ириб кетган юзи газета ва журналларда катта қилиб босиб чиқарилди. Ва унга қуйидагича изоҳ берилганди: «Неелима Кумари – машҳур трагедия қироличаси қирқ тўрт ёшида оламдан ўтди. Маълум бўлишича, у ўз жонига қасд қилган. Машҳур юлдузнинг ўлик танаси эса тўрт ҳафтадан кейин ўз хонасидан топилди».

Одамлар энди трагедия қироличаси деганда қизил саридаги бузилган қўрқинчли башарани эсласалар керак. Мана, бу ҳақиқий трагедия, мен буни тушунаман!

Смита индамай кўзларимга тикилди ва чуқур уҳ тортиб қўйди.

– Бу санъат аҳли шунчалар таъсирчан бўлишадик... Юлдузларнинг бари шунақа, уларни тушуниш қийин, қандайдир асабий. Мен ҳам «Мумтоз Маҳал»ни кўрганман. Тўғрисини айтсам, ўша саҳнадаги занжирни нега у эрига бермаганини сира тушунганим йўқ. Қизиқ, ўша тунда актриса ўғрига бу ҳақда нима деган экан?

– Бу бари бир сир бўлиб қолса керак, деб қўрқаман. Биз эрталабгача Неелима ҳақида суҳбатлашмасак керак? Балки шоунинг давомини кўрармиз...

Қиз таклифимга бошини чайқаб қўйди ва яшил тугмани босди.

Студияда танаффус. Викторина продюсери, баланд бўйли, аёлларга ўхшаб сочларини ўстириб олган эркак бошловчига нималарнидир уқтир-япти. У билан гаплашиб бўлгач, Прем Кумар мени ёнига чақирди...

– Менга қара, Томас, бугун жуда яхши ўйнадинг. Ҳатто миллион рупий чўнтагингда. Бу ёмон эмас-ку? Бу ёнига нима қилмоқчисан?

– Тушунмадим?

– Ҳиндистонлик ёшларга яхшигина ибрат бўласан. КМИ жамоаси сенга қайишишга қарор қилди. Бу ёнига саволлар қийинлашиб боради. Битта саволга жавоб беролмасанг, бир рупий ҳам ололмайсан. Менга ёқиб қолдинг. Шу вақтгача бизнинг ўйинда ҳеч ким ютмаган. Биров охиригача борса, бизга ҳам яхшигина реклама

бўлади. Хуллас, саволларнинг жавобини айтиб тураман ва сенга голиб бўлишга ёрдам бераман. Нима дейсан? Келишдикми?

– Ғалаба нақд деётган экансиз, нега рози бўлмай, розиман!

– Ажойиб! – бошловчи чапак чалиб юборди.

– Билли! – продюсерни чақирди у. – Мистер Томас ўйинни давом эттиришга рози. – Кейин менга қайрилиб яна шивирлайди: – Демак, бундай: «Ҳиндистон ва Шри-Ланка ўртасидаги масофа қанча? Вариантлар: а) олтимиш тўрт километр, б) тўқсон тўрт километр, в) бир юз ўттиз етти километр ва д) икки юз тўққиз километр. Тўғри жавоб: С. Бир ўттиз етти километр. Тушунарлими?

– Ҳа, лекин бу тўғри жавоб ёки йўқлигини қардан биламан?

– Демак, ишонмаяпсан? Майли, сени айбламайман. Ахир миллиард рупий чакана пул эмас. Мана, марҳамат, исботлашим мумкин, – у кичкина ён дафтарчани олиб кўрсатди. Унда фақат биргина жавоб айланага олинганди – с.

– Ҳали ҳам ўйлаяпсанми?

– Бўпти, ишондим, – дейман мен.

– Яшавор. Бориб жойингга ўтир. Мен бир неча сониядан кейин қайтаман, – деди у елкамга қоқиб.

Студияда яна мусиқа янграйди. Мухлислар тинмай қарсақ чалишди.

– Хонимлар ва жаноблар! – дейди бошловчи. – Биз сиз билан тарихда муҳрланадиган дақиқаларни кўриб турибмиз. Шоу қатнашчиси, миллион рупийгача етиб келди. Қани, биргаликда уни олқишлаймиз. Кутилган дақиқалар яқинлашяпти. Мистер Томас, шунча жамғармангиз бир неча сонияда ҳавога учиши мумкин, нима дейсиз? Балки, шу ерда таваккал қилмасдан

ўйинни тўхтатиб, пулни олиб кетарсиз-а? Ахир миллион рупий ҳам ёмон эмас.

Прем Кумар менга қараб айёрона тиржайди.

– Ўйнашни давом эттираман, – қатъий жавоб бердим мен.

– Кечирасиз, баландроқ айтсангиз.

– Ўйинни давом эттираман! – бу сафар овозим жаранглади.

Мухлислар ҳуштак чалиб олқишлайди. Баъзилари «Худойим, миллион рупий! Шу пулни олмади-я», – дейди.

– Бу сизнинг охирги қарорингизми?

Прем Кумар яна жилмайди.

– Ҳа.

– Биз аниқ телешоу тарихида қоламиз. Қаршингизда қатъиятли ёш қатнашчи турибди. Уни олқишланг! – бошловчи ўзи ҳам мухлисларга қўшилиб қарсак чалади. – Хонимлар ва жаноблар, у бундан ҳам кўпроғига умид қилаётгани учун ҳам таваккал қиляпти. Бир гал қатнашчиларимиздан бири худди шундай вазиятда ўйнашга қарор қилганди, аммо ўйинни бой бериб қўйганди. Кўрамиз, мистер Томас энг катта жек-потни қўлга кирита олармикан?

Дўмбира садолари янграйди. Томошабинлар ўринларидан туриб, қарсак чаладилар. Ниҳоят, мусиқа тиниб, студияга жимлик чўкди ва Прем Кумар мен томонга қайрибди.

– Демак, мистер Томас, сизда энди ўйинни тўхтатиб, пулни олиш имконияти бошқа бўлмайди. Таваккал қилинадиган раунд бошланди. Сиз ё миллиард рупий ютасиз ё ҳаммасидан айриласиз. Марҳамат, ўнинчи савол: ўн миллион рупий. Трагедия қиролича Неелима Кумари қайси йилда...

– Ахир бу бошқа...

– Илтимос қиламан, мени бўлманг, ҳали тугатмадим, – деб узиб олди бошловчи. – Демак, савол бундай: трагедия қироличаси Неелима Кумари қачон миллий мукофотни қўлга киритган? Вариантлар билан танишинг: а) 1984 йилда, б) 1988 йилда, с) 1986 йилда ва ниҳоят, d) 1985 йилда.

Мен хоинга нафрат билан қарайман. У ўша миллион рупийни олмаслигим учун атайин мени бунга кўндирди. Ё ҳаммаси, ё ҳеч нима! Ҳаммаси тушунарли. Фақат бир кичик жиҳатни ҳисобга олишгани йўқ. Омад мен билан. Секингина каф-тимдаги тангамни сиқиб қўяман.

– Мен жавобни биламан, d) 1985 йил.

– Нима?!

Бошловчи шунчалар ҳайратда эдики, у ҳатто ўз жавобимга ишончим комилми ё йўқми сўрашни унутди. У ҳеч нарса айтишга улгурмай ёзув тахтасида тўғри жавоб ялтирайди. Охиргиси, албатта...

Прем Кумарнинг оқариб кетган юзига қараб, у арвоҳ билан тўқнашиб кетган, деб ўйлаш мумкин эди.

– Мистер... мистер Томас... ҳозиргина ўн миллионли ютуқ соҳиби бўлди! – дея эълон қилди у асабий ҳолатда.

Мухлисларнинг аҳволини, ўрниларидан туриб ўйнаб, қўшиқ айтаётганларини тасвишлаб ўтирмасам ҳам бўлади. Умидлари пучга айланган бошловчи эса ютоқиб шарбатни симирди.

Мен учун трагедияга айланиши кутилаётган эпизод, бошловчи учун саробга айланди. Ҳа, ҳақиқий мўъжиза...

ЮЗ МИЛЛИОН РУПИЙ: ЧИН МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Овқат – охирги икки соат ичида одамлар гавжум бўлган вокзалда оппоқ кўйлак ва американча жинсида ўтириб, мени ўйлантираётган ягона нарса шу эди. Агар узоқ вақт емасангиз, очлик ўз-ўзидан йўқолади, бироқ бу жараён яна ҳам узоқ давом этса, масалан, кеча туш пайтидан бери. Мия ўз-ўзидан тормозланади. Кўзлар атрофда фақат овқатланаётганларни кўрсатади. Бурун ҳам овқатнинг ҳидини яхши туя бошлайди. Бошим тинмай айланади. Чўнтагимга қўл суқаман. Омад келтирадиган тангадан бўлак ҳеч вақо йўқ. Кечагина эллик минг рупий бор эди ва мен дунёдаги энг бой бола эдим, гўё. Бугун эса... ҳа, ҳаёт тасодифларга тўла. Бир дақиқада бор давлатингдан айрилишинг ҳеч гап эмас экан. Ҳозирги вазиятда омадга ишонишим ҳам мушкул. Қуруқшаб қолган лабларимни ялайман. Очликни қандай ўлдириш мумкин? Бирдан кўзим вокзалдаги кичик тамаддихона қаршисида симёғочга илинган тахтачадаги ёзувга тушди. Унда шундай сўзлар бор эди: «М ресторанигача – бир километр». Камина энди овқат қаердан топишни билади. Бунинг устига бепул!

Станцияни тарк этиб, катта М ни излаб кетаман. Бир-иккита одамдан сўраб ва, ниҳоят, бозор майдонининг ўртасида керакли ҳарфни топдим. «Макдоналдс»нинг пўрим кийинган официантлари менга шубҳали нигоҳ ташлашяпти, бироқ оҳори тўкилмаган оқ кўйлак ва американча жинси кийган болани тўхтатишга бари бир журъат қилишолмайди. Орқа эшикдан чиқиб, ёғоч ахлат

қутиси ёнида тўхтадим. Атрофга синчиклаб назар ташладим ва ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, бир нечта елим халтачаларни олдим. Ичида қовурилган картошка, чала ейилган суякчалар, озгина ириган мевалар бор экан.

Биринчи уриниш ўнгидан келди. Ҳаётда ҳар хил вазиятлар бўлади. Бунни яшаш учун кураш дейдилар. Ўша пайтда ахлат қутисидан топилган бу егуликларнинг мазаси мен учун ниҳоятда тотли эди. Ҳиндистон кўчаларидаги саёқ бола умрида ҳеч бўлмаса бир марта ахлат қутисидаги қолдиқлардан ижирганмай татиб кўриши керак, акс ҳолда тезда оёғини узатиб қолиши мумкин. Мен кондитер цеҳи ёнидаги ахлат қутисидан истеъмолга яроқсиз бўлган пишириқлар билан кун кўрадиган болаларни билардим. «Пепперони» пиццахонасининг мижозларидан қолган пицца бўлаклари учун жонини берадиган дайдилар ҳам бор эди. Аммо буларнинг ҳаммасидан кўра, тўйда қорин тўйдириш осонроқ. Салим бу борада ҳаммага ўрناق бўла оларди. Тўйда қийналмай қорин тўйдириш дўстимга чўт эмасди. Ясаниб кийинса бўлди. Келишгану кўркам эмасми, дарров бой хонадоннинг боласига ўхшаб қоларди. Тўйга келганлар уни куёв томондан, куёв томон эса, аксинча, келиннинг қариндоши, деб ўйларди. Ҳа, ҳаётда истарали қиёфага эга бўлиш ҳам бир омад. У ҳеч кимдан ҳайиқмай, икки лунжини тўлдириб, мазали овқатларни тановвул қилиши мумкин. Истаганича, яхна ичимликлар ичиб, ширинликлардан тўйиб ейди. Қўшимчасига менга ҳам ул-бул олиб келади. Афсуски, Наримон Пойнтдаги бир нохуш воқеадан сўнг, дўстим бу фойдали одатини ташлади. Ўша тўйда икки томон негадир келишолмай, тортишиб қолишибди. Маросим катта жанжалга айланиб кетган. Ўша

кун тўйга келган икки томоннинг сархуш йигитлари бир-бирини аччиқ мушт билан сийлабди. Тўс-тополонда Салим ҳам бу зарбалардан бебаҳра қолмаган.

Очликни ўлдириб, ён-атрофни ўрганиш учун кўчаларни пиёда кезаман. Одамлар кўп бўлган пиёдалар йўлакчалардан юриб, шаҳарнинг тарихий обидаларига, бойлар яшайдиган уйларга ҳавас билан қарайман. Вегетарианлар учун махсус кабоб тайёрланадиган Дхабадан¹ таралаётган ёқимли ифдордан роҳатланаман. Шаҳарнинг деярли барча кўчаларида ҳар қадамда улкан паннолар осилган. Уларда янги чиққан фильмлар анонслари, сайловга номзоди қўйилган ўткир қарашли сиёсатчиларнинг суратлари акс этганди. Аградаги бойлар мрамрдан қурилган ҳашаматли саройларининг хавфсизлигини таъминлаш масаласида деҳшлик ва мумбайлик қондошларига икки томчи сувдек ўхшашаркан. Баланд деворлар ва жимжимадор панжаралар билан ўралган уйларнинг атрофига махсус сигнал тизими ўрнатилган. Бунинг устига забардаст соқчилар содиқ итдай хўжайинларининг уйини туну кун қўриқлашарди.

Харобалар ҳам ўшандай. Шаҳарнинг саратонга учраган ҳудуди... Қум кўчалар кутилмаганда дарёга олиб борди. Чиркин сувининг ранги сарғиш ва қорамтир яшил тусга кирганди. Қуриб қолган соҳилларга қараб, анчадан бери ёмғир ёлмаганини сезиш қийин эмасди. Сувнинг юзида турли чиқиндилар сузиб юрарди. Анча вақтгача дарёдан кўз узмай ўтирдим. Хаёлимда бу шаҳарга келганимга гўё бир аср бўлгандай эди.

¹ Дхаба – кичик ошхона.

– Кечирасиз, айтолмайсизми, нариги соҳил бўйидаги ҳу анави ҳашаматли иморат қандай бино? – деб сўрадим биринчи учраган йўловчидан.

Ўрта ёшлардаги эркак худди жиннига қарагандай тикилиб турди-да:

– Бу обиданинг нималигини билмасанг, нега унда Аграга келдинг? – дея тўнғиллади. – Ахир бу Тожмаҳал-ку!

Тожмаҳал – дунёнинг етти мўъжизасидан бири. Мен у ҳақда эшитгандим, бироқ расмини сира кўрмагандим. Осмонда сузиб юрган булутларнинг акси мраммарда намоён. Улар қуёш нурлари остида ҳар хил тусда товланади. Бу фаройиб манзарага бутун умр тикилсанг ҳам тўймайсан. Бўлди, қарор қилдим. Бугун қиладиган ягона ишим бу – Тожмаҳалнинг гўзаллигидан баҳра олиш бўлади. Иложи борича яқиндан, албатта. Ўттиз дақиқа қизил дарвозага етиб келдим. Оқ устундаги ёзув диққатимни тортди.

«Тожмаҳални зиёрат қилиш ҳиндистонликлар учун – йигирма рупий, хорижликлар учун эса – йигирма доллар. Душанда – дам олиш куни. Жума куни – бепул».

Қўлимдаги соатимга қарайман. Йигирма тўққизинчи июнь – жума. Яшасин! Афтидан бугун менинг куним. Ичкарига киришим билан Тожмаҳал бор гўзаллигини менга намоён этди. Фаройибу ажойиб боғ, фавворалар, ялтиллаб турган йўлакчалар, девордаги кўзгуларнинг чиройи кўзни қамаштиради. Обиданинг ичида қанча вақт юрганимни билмайман. Фақат энди атрофимда ёшу қари сайёҳларни, бойу камбағал одамлар обидани зиёрат қилиб юришганини сезаман. Ҳар томондан шиқиллаб фотоаппарат-

ларнинг чироғи ялтиллайди. Жиддий қиёфадаги миршаблар баланд овозда шовқин қилаётганларни тинчлантириб, тартиб ўрнатишга ҳаракат қилишарди. Тожмаҳал бўйлаб бемақсад кезишдан сўнг жанубдан келган бой сайёҳлар гуруҳи ёнида тўхтадим. Бўғиқ товушли йўл кўрсатувчи Тожмаҳал тарихи ҳақида сўзлайди:

– Бу обиданинг меъморчилигидан хабардор бўлдингиз, рухсатингиз билан сизга унинг тарихи ҳақида қисқача сўзлаб бераман: Бир минг олти юзу еттинчи йили Бобурийлар салтанатининг шаҳзодаси Хуррам Деҳли бозорини айланиб юриб, шойи ва билагузук сотаётган ёшгина қизни кўриб қолди. Қизнинг гўзаллиги уни мафтун этди ва у бир қарашда ошиқу беқарорга айланди. Бироқ уларнинг тўйлари олти йилдан кейин нишонланди. Ўша пайтда келин ўн тўққиз, куёв эса йигирма ёшда эди. Бу мафтункор чеҳра соҳибасининг асл исми Аржуманд Бону Бегим, бироқ бўлажак Мумтоз Маҳал. Мумтоз Бегим Жаҳонгирнинг хотини Нуржаҳоннинг жияни эди. Ўз навбатида Эрон қироличаси Билгис Бегимга ҳам қариндош бўлган. Ўн саккиз йиллик турмуш давомида у ўн тўрт фарзандни дунёга келтирган. Мумтоз бегим эрининг энг яқин маслакдоши, барча жангу жадалларда ҳамроҳи бўлган. У турмуш ўртоғига садоқатли ва ниҳоятда ақлли аёл эди. Манбалардаги битикларга қараганда, қиролича императорни ўз халқига меҳрибон бўлишга ундаган. Бир минг олти юз ўттизинчи йили Бурханпурда Мумтоз Маҳал охирги фарзандини дунёга келтираётиб, оғир кечган туғруқ азобларидан сўнг жон берди. Ўшанда Шаҳзода Хуррам Шоҳжаҳон номи билан тахтга ўтирганига атиги уч йил бўлганди. Мумтоз бегим жон бераётиб, буюк шоҳни тўртта қасам ичишга мажбур қи-

лади. Биринчиси – унинг гўзаллиги билан чин маънода тенглаша оладиган мақбара қурдириш, иккинчиси – ҳеч қачон уйланмаслик, учинчиси – болаларига меҳрибон бўлиш ва, ниҳоят, тўртинчиси – ҳар йили унинг қабрини зиёрат қилиш.

Қироличанинг бевақт ўлими императорнинг юрагини пора-пора қилди. Унинг сочлари бир кечада оқарди. Буюк муҳаббатга тимсол бўладиган мақбара қурдириш ишлари Шоҳжаҳон банд этди. Қурилиш ишлари бир минг олти юз ўттиз биринчи йилда бошланди ва нақ йигирма йил давом этди. Бу мақбарани бунёд этишга йигирма мингдан ортиқ уста қатнашган. Робиндранат Тагор «Мангулик юзида қотган ёш» дея таърифлаган обида ана шундай дунё юзини кўрди.

Калта юбка кийган қиз:

– Кечирасиз, ким у Тагор? – дея сўради.

– Нобель мукофоти соҳиби, машҳур ҳинд шоири ва ёзувчиси. Уни ўзимизнинг Уильям Уордсуорт, дея таъриф берсак хато бўлмайди.

– Уильям ким у? – қайта сўрайди яна сайёҳ қиз.

– Ҳеч ким, бу гапимга эътибор берманг, – таъби тирриқ бўлганини яширмай жавоб берди йўл кўрсатувчи. – Тожмаҳал мажмуаси беш комплексдан иборат: асосий дарвоза, манзарали боғ, мачит, сайёҳлар учун меҳмонхона ва, ниҳоят, мақбара. У Тожмаҳалнинг ичкари қисмида жойлашган. Ҳозир бир неча дақиқадан кейин у ерни кўрамиз. Мумтоз Маҳал қабри узра қўйилган тошга Аллоҳнинг тўқсон тўққиз номи ўйиб ёздирилган, шунингдек, Шоҳжаҳоннинг қабри устидаги тошда эса буюк император тимсоли туширилганига шоҳид бўласиз. Мақбаранинг майдони етти квадрат метр. Марказий гумбазнинг ҳажми етмиш сантиметр, баландлиги ҳам қирқ метрдан кам эмас. Тўрт томонида ўрнатилган миноралар

обидани тўлдириб туради. Неча юз йил олдин қад кўтарган иморат бу қадар муҳташаму мустаҳкам бунёд этилганига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Марҳамат, тошлардаги ёзувларга боқинг, бир хил катталиқда ҳарфлар маҳорат билан ўйиб ёзилган. Наққош ниҳоятда гўзал ҳуснихат эгаси бўлганлигини тан олиш керак. Дунёда абадий ва ўлмас муҳаббат тимсоли сифатида эътироф этилган мақбара бу туйғунинг асл моҳиятини англаган ва уни қадрлай олган инсонгагина ўз сирларини очади. Тожнинг чорси шаклда қурилиши гўзал аёлнинг тўрт томондан турли боқишига қиёсдир... асосий дарвозалар эса юзини яшириб турган келинчакка ўхшайди гўё. Нақшлар ва рангли тасвирлар ҳам сирли шивирлайди. Деворлардаги нақшлардан илк никоҳ кечасида куёв келинга секингина яқинлашиб, юзидаги парда кўтараётган ё қўлига никоҳ узугини тақаётган бахтли лаҳзаларнинг гўзал тасвирларини илғаш қийин эмас. Тожмаҳалнинг ҳали ечилмаган сир-асрорлари бисёр. Унинг мраммалари эрталаб – бинафшарангда, кечга яқин – худди сут каби, ярим тунда эса – олтин рангда товланади. Илтимос, пойабзалингизни ечиб, остонада қолдиринг.

Сайёҳлар оёқ яланг ичкарига киришди. Мен эса хаёл суриб қолдим, ўзимча Неелима Кумарининг Мумтоз Маҳал билан ўхшашлик жиҳатларини излардим. Кимдир келиб, елкамдан туртди ва мен қўрқа-писа ортимга ўгиридим. Кўзойнак таққан хорижлик сайёҳ турарди. Қўлида видеокамераси бор эди. У:

– Кечирасиз, сиз инглизчани биласизми? – деб сўради.

– Ҳа.

– Илтимос, менга Тожмаҳал ҳақида гапириб беролмайсизми? Биз Япониядан келган сайёҳлар-

миз. Бу шаҳарга биринчи келишимиз. Тўғрироғи, эрталаб етиб келдик.

Мен ҳам сайёҳга оғиз жуфтлаб, у каби бу шаҳарга бегоналигимни айтмоқчи эдим, бироқ каминага жавдираб тикилиб турган кўзлардаги умид учқунини сўндирмаслик учун ўзимни бу сўзни айтишдан тўхтатиб қолдим. Йўл кўрсатувчининг хотирамда муҳрланиб қолган гапларини такрорлайман.

– Демак, император Хуррам Тожмаҳални бир минг олти юзу ўттиз биринчи йили Нуржаҳон, Мумтоз Бегим номи билан машҳур бўлган маликанинг шарафига қурган. Улар бозорда танишиб, бир-бирларини севиб қолишган экан, лекин келин ҳали ёш бўлгани сабаб, ўн тўққиз йилдан кейин турмуш қуришган. Қиролича император билан барча жангларда иштирок этиб, жанг майдонида елкама-елка туриб, биргаликда курашган ва ўн тўрт йилда ўн тўққизта фарзандни дунёга келтирган...

– Ўн тўққизта? – галати оҳангда сўрайди сайёҳ. – Ўн тўрт йилда-я? Ишончингиз комилми?

– Албатта, – жиддий жаҳлим чиққанини билдириб қўяман мен. – Одамларда экизаклар ҳам туғилади-ку. Нима бўлганда ҳам Мумтоз Бегим Султонпурда охирги фарзандини дунёга келтираётди, ўн олтинчи июнь куни вафот этган экан. Бироқ у ўлаётди, эридан тўрт ваъдани олибди. Биринчиси – Тожмаҳални қуриш, иккинчиси – ҳеч қачон болаларни урмаслик, учинчиси – сочини оқартириш, тўртинчиси... нима эди-я, эсимдан чиқди. Ҳа, майли, бу унча муҳим ҳам эмас. Кўриб турганингиздек, Тожмаҳал дарвоза, боғ, меҳмонхона ва мақбарадан иборат.

Япониялик боши билан тасдиқлайди:

– Ҳа-ҳа, биз дарвоза ва боғни кўрдик. Меҳмонхона қани?

Мен қиёфамга жиддий тус бериб:

– Сизга ҳақиқий мақбара ер остида эканлигини айтмадим-а? Демак, меҳмонхона ҳам ўша ерда. Мақбаранинг ичида икки қабрга кўзингиз тушади. Бири императорники, иккинчиси эса Мумтозники. Деворларда Худонинг элликта исмини ёзилганини кўрасиз. Бир хил ёзув ва бир хил катталиқда ҳарфлар. Бу чиндан ҳам ғаройиб, шундай эмасми? Айтганча, Тожмаҳалга ҳар томондан қарасангиз, тўй олдидан келиннинг нозла-нишини эслатади. Эсимдан чиқай дебди-я, Нобель мукофоти совриндори Тагор, бизнинг машҳур шоиримиз бу обидани «Уильям Уордсуортнинг юзига тушган тарсаки», дея таърифлаган экан.

– Шунақами? Бу жуда қизиқ.

Ажнабий хотинига қайрилиб, ўз тилида нима-ларнидир тушунтирди. Кейин менга қайрилиб, хотинининг гапларини етказди:

– Мен айтган хотинимга. Бизнинг дўстимиз жуда ҳам ақли ва кўп нарсани биладиган йўл кўрсатувчи экан. Бу яхши. Бизга ҳаммасини айтиб берганингиз учун биз сиздан миннатдор бўлган.

У менга қўлини чўзди. Мен ҳам қўл чўздим. Эркак жилмайиб, охири марта:

– Миннатдорман, Аригато! – деб қўлимни сиқиб қўйди.

Сайёҳлар кетиши билан қўлимдаги элик рупийни гижимлаб қўйдим. Бу атиги ўн дақиқа учун.

Мен икки нарсани аниқ биламан. Тожмаҳал жойлашган шаҳарда яшаш бахт – бу бир. Йўл кўрсатувчи бўлиш ёмон эмас экан бу – икки.

Уфқ қизариб, қуёш аста-секин ботаётганди. Тун чўкмасидан илгари обидадан чиқдим. Бирор жойдан қўналга топиш керак. Пиёдалар йўлакчасидан юриб бораётган тенгдошимни тўхтатдим.

– Кечирасан, биродар, – дейман унинг елкаси-га қўл ташлаб.

Бола менга қайрилди ва дунёдаги энг беғубор кўзлар менга тикилиб турганини қалбим сезди. Бу кўзлар Салимнинг кўзларидан ҳам беғуборроқ эди назарида. Унинг нигоҳидан қизиқиш, меҳр ва қувончни ҳис қиламан.

– Кечирасиз, – такрорлайман мен. – Қаердан ётиш-га жой топсам бўлади? Мен бу шаҳарга меҳмонман.

Бола:

– Й-д ч-н-р-д-и... е-с-в-с-ю-к-к ... и-к-ш-ш-с.

– Тушунмадим? – ҳайратландим мен. Бирор марта бунақа галати сўзлашиш услубини эшит-магандим.

– У-й-у ... н-д-ир-с... й-д-й-ч... н-р-д-и... е-с-в-с-ю-к-к... и-к-ш-ш-с, – дейди у қўлларини бир-бирига ишқалаб.

– Мен бу тилни билмайман. Ташвишга қўйга-ним учун узр! Бошқа кишидан сўрарман.

– Ч-с-ш-г-к-й-б, – бола қўлимдан етаклаб, мени бозор томонга етаклайди.

Унинг қўлидан қўлимни бўшатиб кетишим мумкин эди, бироқ боланинг шунчалар меҳрли боқувчи беғубор кўзлари бор эдики, нимадир унинг ортидан боришимга ундаётганди. Биз тор ва жин кўчалардан юриб бордик, хаёлимда лабиринтдан чиқиш йўлини излаётганларга ўх-шаймиз. Ўн беш дақиқадан сўнг биз маҳобатлию мафтункор сарой олдида тўхтадик. Дарвоза-га осиб қўйилган тахтачадаги ёзувга қарайман: «Свапна қасри». Бола мени ичкарига олиб кир-ди. Кичик ўтзор катта боққа олиб чиқди. У ерда иккита боғбон ишларди. Сал нарироқда ҳайдов-чи машина артарди. Бу ерлик хизматчилар уни яхши танишади, шекилли, ҳар қалай ҳеч ким болани тўхтатмайди. У нақшинкор ёғоч эшикка

яқинлашиб, қўнғироқ тутмасини босди. Бир оз ўтмай, остонада ёшгина ва, ҳатто, чиройли хизматкор қиз пайдо бўлди.

– Сенмисан, Шанкар? – дейди у шеригимга. – Нега сен бу ерга ҳадеб келаверасан? Хоним сени бу ерда кўрса, норози бўлади.

Бола менга ўтирилди.

– К-и-б... р-б-м-р-д... е-с-и-р-д-ш-д.

Аёл менга бошдан-оёқ разм солди.

– Тушунарли, Шанкар, бу ерга янги ижарачини бошлаб келдингми? Менимча, бизда бўш хона қолмаган. Яхшиси, хонимни чақириб келаман.

Кўп ўтмай, қаршимизда бир тонна тилла тақинчоқларни тақиб, шоҳи матодан сари кийган ўрта ёшлардаги аёл пайдо бўлди. Юзи қалин упа билан чапланган. Неелима Кумаридан фарқли ўлароқ, бу аёлнинг истараси совуқ ва юзи «аммамнинг супраси»дай оппоқ эди. Майин лабларидан унинг инжиғу баджаҳд аёллиги сезилади. Хонадон бекаси бир қарашда менда ёқимсиз таассурот қолдирди. Аммо Шанкар ҳажонланиб:

– Ч-ш-к-ф-ч... П-и-ф-п-и... и-д-ъ-с-я-о-д, – бидирлайди у қулоғигача жилмаяркан.

Хоним унга эътибор ҳам қилмайди.

– Кимсан? Нега у билан бирга келдинг? – сўрайди у уст-бошимга диққат билан разм соларкан. Совуқ нигоҳ билан у мени еб қўяй, дейди. Мени энгил титроқ босди ва шу тобда «Макдоналдс»-нинг ҳожатхонасига боргим келиб қолди.

– Менинг исмим Ражу Шарма.

Бегона шаҳар ва бегона одамларга асл исмимни айтмасам яхшироқ бўлади, деб ўйладим. Бунинг устига поездда бир одамни ўлдирганимдан сўнг полиция Рам Муҳаммад Томасни излаб юргандир. Эҳтиёт шарт, деб бошқа исмимни айтдим.

– Демак, браминмисан? – кўзларидан шубҳалари баттар ортганини сезаман. – Қора танли брамин, ғалати-ку!

– Аграга биринчи келишим. Яшаш учун жой излаётгандим.

– Ижарачилар учун қулайликларга эга хоналаримиз кўп. Бироқ бу ерда эмас, қаср ортида уларга алоҳида жой ажратилган, – дейди аёл хонимларга хос виқор билан. – Аммо айни дамда бўш хонамиз йўқ. Бир ҳафта кутсангиз бўлиб қолар ёки унгача бирор нима ўйлаб топарсиз. Бир ойлик ижара пули тўрт юз рупий. Ҳар бир ой учун ижара пулини олдиндан оламан. Агар бу шарт сенга маъқул бўлса, Лайжванти сизга хоналарни кўрсатиб чиқади.

– Миннатдорман, хоним, – соф инглиз тилида сўзладим мен. – Шу ердан ижарага хона олишга розиман, бироқ тўрт юз рупийни келаси ҳафта тўлайман.

Инглиз тилида сўзлашим аёлнинг қаҳрли ва жиддий юзини бир оз юмшатди.

– Майли, хона бўшагунча Шанкар билан бирга туринг. Лайжванти, янги ижарачимизни кузатиб қўй!

Музокара тугади. Қаср ортидаги алоҳида жой шимолий Ҳиндистондаги харобаларнинг ўзгинаси экан. Фақат кичкинароқ. Унинг ўттизтача хонаси бўлса керак. Шанкарнинг хонаси шарқий йўлакнинг ўртасида экан. Бола эшикни очди ва мен таниш ҳолатни кўрдим. Тор хонанинг бир бурчаги ошхона. Гхаткопардаги хонамизга икки томчи сувдек ўхшайди. Ҳатто каваклар ҳам бир хил. Лайжванти каминага ўз хонасини кўрсатди. Хоним бир ҳафтадан кейин ўша ерга кўчишимни мўлжаллаётган экан.

Хизматкор кетмоқчи бўлди, мен эса шошиб ундан сўрадим:

– Кечирасиз, Шанкар ким ўзи? Мен уни Тожмаҳал олдида учратдим.

Хизматкор секингина уҳ тортиб қўйди.

– Етим. Биз унга жуда ҳам боғланиб қолганмиз. Бечорагинанинг ақли жойида эмас, шунинг учун тўғри сўзлашолмайди. Кун бўйи шаҳар бўйлаб бекор кезиб юради. Бизнинг хоним олижаноблик қилиб, унга хона ва еб-ичиши учун ҳар ой озгина пул бериб туради. Акс ҳолда, болани алақачон руҳий касаллар шифохонасига олиб кетишарди.

Ишонгим келмайди. Қанақасига? Шанкар шунчаки оддий ва кулгили бола бўлиб туйилганди, бироқ уни ақлан заиф деб бўлмасди. Хоним борасида ҳам адашганга ўхшайман. Ҳеч кими йўқ етимчага ёрдам бераётган аёл бир четдан қараганда жаҳддор ва қаҳрли кўрингани билан аслида олижаноб бўлиб чиқди.

– Сизнинг хоним қандай аёл? Илтимос, менга у ҳақида сўзлаб беринг.

Лайжванти қиёфасига тарихчиларга хос тарзда жиддий тус бериб, ўзининг иш берувчиси ҳақида гапира кетди:

– У чиндан ҳам Свапна Деви қасрининг қиролчаси, биз уни «Хоним» ёки «Рани-соҳиба» деб атаймиз. Хонимнинг отаси Ража Шивнатх Сингх Роторе сулоласининг қироли бўлган. Она томондан бўлган бобоси Дхарели қироли (Агра яқинида) Ража Рави Пратап Сингх, бу қасрнинг биринчи хўжайини бўлган. Свапна Деви йигирма ёшга тўлганида у Бхадоби қиролининг ўғлига турмушга чиққан. Гаутамлар сулоласининг вакили Кунвар Пратап Сингх. Хоним Банорас қасрига келин бўлиб тушган. Афсуски, тўйдан икки йил ўтиб, ёш шаҳзода вафот этган. Хоним эса қайта турмушга чиқмади. Унинг бобоси Ража Рави Пратап

Сингхнинг вафотидан сўнг, васиятга кўра Свапна Деви шу мулкка меросхўр бўлди. Охирги ўн йил бекам шу ерда, Аграда яшади.

– Болалари-чи? – қизиқиб сўрайман мен.

Хизматкор аёл ғамгин бош чайқайди.

– Йўқ, хонимнинг меросхўри йўқ. Шунинг учун у хайр-эҳсон қилишни яхши кўради ва тез-тез кечалар уюштириб туради. Айтишларича, у Агранинг энг бой аёли. Унинг таниш-билишлари ҳам кўп. Ҳар ҳафта бизникида полиция комиссарлари, судьялар овқатланади. Шундай экан, бекамни алдайман, деб овора бўлма. Пул тўламансанг, ўша оннинг ўзида бу ердан учиб кетасан. Буни яхшилаб қулоғингга қуйиб ол!

Кеч тушди. Шанкар кечки овқат тайёрлаб, мени меҳмон қилди ва ўз ўрнини менга бўшатиб берди. Ўзи эса зах ва совуқ тош ерда ётди. Унинг бу меҳрибончилигидан кўзларимга ҳатто ёш келди. Одатда соғ одамларда шу телба болада бўлганчалик оқибатни тополмайсан. Мен, ахир, бор-йўғи тўрт соатгина олдин у билан танишдим! Биз иккимиз ҳам етиммиз. Қисқа муддат ичида бизни боғлаган туйғу бу – қайғу ва раҳм-шафқат. Бу дўстликдан ҳам қариндошлик ришталаридан, дунёдаги барча туйғулар ва сўзлардан ҳам муҳимроқ ҳамда буюк-роқдир. Кечқурун Аграда ёмғир ёғди...

Шундай қилиб, бир ҳафта ичида мен тўрт юз рупий топишим керак эди. Мен вақтимни беҳуда сарфламай, талаб қилинаётган пулни ишлаб топишга киришдим. Сайёҳ берган элик рупий ва Шанкар қарзга олган ўн рупий билан обида-ни уч марта айланиб чиқдим ҳамда йўл кўрсатувчиларнинг нутқини диққат билан тингладим. Ҳар бир санани эслаб қолишга ҳаракат қилдим. Мен Тожмаҳални севиб қолдим. Қисқа вақт ичида шунча кўп маълумот билиб олдимки, менинг

нутқимни эшитганлар Мумтоз Маҳални каминанинг онасига катта буви бўлган бўлса керак, деб ўйларди. Ҳеч қачон кўрмаган отамни Бобурийлар сулоласининг вакили десам чиппа-чин ишонарди. Мен Тожмаҳалнинг асосий дарвозаси тагида ўтириб, июннинг жазирамасига қарамай, саёҳатга келган сайёҳларга ўз хизматимни таклиф қилардим. Офтобда қорайган британиялик талабалар менинг илк мижозларим бўлишди. Қизлар ҳар бир гапимни эслаб қолишга ҳаракат қилиб, ортиқча савол бермасдан тинимсиз суратга туширардилар. Кейин улар менга ўн фунт қолдиришди. Бироқ фойдамнинг уч фоизини пулни алмаштириб берадиган виждонсиз бюро хўжайини олди. Маълум бўлишича, топган пулим етти юз рупийга тенг экан. Бу қарийб икки ойлик ижара пули. Бироқ шу етти кун ичида мен Шанкарнинг мутлақо телба эмаслигини, ҳамма гапни бинойидек тушуна олишини англадим. Чапатини жонидан ортиқ кўришини, бақлажон ва карамни эса кўргани кўзи йўқлигини билдим. Унинг ўйинчоқ ўйнашга хуши йўқ эди, бироқ у жуда чиройли расм чизарди. Шанкар хаёлий тасаввурларни ҳам, кўрганларини ҳам аниқлик билан қоғозга тушира оларди. Кечалари мен каби унинг тушига ҳам онаси кирар, баъзан «Ойи! Ойижон!» дея бақириб ўйғонарди.

У билан бирга яшаш менинг руҳиятимга ҳам таъсир қилди. Бир кун кечаси тушимда бўйи баланд аёл кирибди. Қўлида боласи бор экан. Шамол аёлнинг узун сочларини ўйнарди ва юзини яширарди. Бола онасининг юзига тикилиб: «Ойи... Ойижон...» демоқчи бўларкан, аммо у бу сўзлар ўрнига: «Ч-ш-к-ф-ч... П-и-ф-п-и... ш-з-р-с-о» дея тушунарсиз тилда йиғларкан. Ўрнимдан отилиб турдим ва биринчи бўлиб сўзлаша оламанми, йўқми, шуни текшириб кўрдим.

Аграда бир йил ўтди. Мен нафақат Тожмаҳал, балки Мумтоз Маҳал ҳақида етарлича маълумотга эга бўлдим. Қироличанинг ўн тўртинчи фарзандининг номи Гаухарар экан. Тожмаҳалнинг қурилишига мамлакат хазинасига тўрт юз олтмиш етти килограмм ва беш юз эллик грамм олтин сарфланган. Бундан ташқари қирқ бир миллион саккиз юзу йигирма олти минг рупий, септи анн¹ ва олти пай² кетган. Мен дунё мўъжизаларидан бири ҳисобланган бу обидани қурилиши ҳақидаги фикрлар билан танишдим. Италиялик заргар Жеронимо Веронео бу обиданинг тилла безаклари тўғрисида ёзган уйдирмаларини билиб олдим. Тожмаҳалнинг иккинчи нусхаси борлиги ҳақидаги афсонани ва ер остида яширилган учинчи қабр тўғрисидаги миш-мишларни эшитдим. Ҳозир меъморий обида деворлардаги *pietra dura*³ услуби тўғрисида соатлаб суҳбатлашим мумкин эди.

Инглиз тилида бемалол суҳбатлаша олишим менинг бахтим ва омадим бўлди. Хорижликлар соф инглиз тилида суҳбатлаша олишим сабаб, тўда-тўда бўлиб ёнимга келишарди. Янги йўл кўрсатувчи Ража тез орада машҳурликка эришди. Хуллас, камина чиндан ҳам меъморчилик ва тарихни оз мунча тушунадиган ва фикрлайдиган бўлиб қолди. Менда маълумот бор эди, лекин билим эмас. Йўл кўрсатувчи Ража бошқалардан эшитганларини жой-жойига қўйиб, тўтиқушдай сайрарди, холос.

Вақт ўтиши билан мен япон тилида «Коничива», рус тилида – «Досвидания», қўли очиқ испанларга «Мучос грациас» деб миннатдорчилик билдириб хайрлашни ўргандим. Афсуски, бирор-

¹ Анн – ҳинд тангаси. Бир анн – 1.16 рупийга тенг.

² Пай – энг кичик ҳинд чақаси. Бир пай – 1.12 аннга тенг.

³ «Пиетра дура» ёки «мустаҳкам тошлар» – ўрта асрларда мармарларни бир-бирига жипслаштириш учун қўлланилган услуб.

та австралияликни учратиб, елкасига дўстларча шапатилаб: «Қалайсиз, окахон!» деб саломлашиш насиб этмади.

Асосийси, чўнтагимга пулнинг ўзи оқиб келаётганди. Албатта, бу катта бойлик эмасди-ю, бироқ ётоқ учун тўлашга, баъзи-баъзида «Макдоналдс»да овқатланишга, пиццахўрлик қилишга ва, ниҳоят, қора кунларга ҳам оз мунча жамғариб қўйишга етарди. Баъзи-баъзида қизил «жип»нинг милтиллашини айтмаганда, мени деярли ҳеч нарса безовта қилмасди. Шу ёшимда каминани икки одамнинг ўлимида айблаб қамоққа тиқишлари мумкин эди, ахир. Биринчиси – Шантарамнинг, иккинчиси – поезддаги номаълум қароқчининг ўлимида, ким билади, балки Неелиманинг уйида ишлаганимни билиб қолишса, унда ҳам айблаб, анча вақтга қамаб қўйишлари ҳеч гап эмас.

Бизнинг хароба кулбаларимизда олис қишлоқлардан келган камбағал талабалар, давлат хизматчилари, кир ювувчи, оқсоч, боғбон, фаррош, киракашу мардикорлар туришарди ва, ҳатто, улар орасида бир шоир ҳам бор эди. Мен кўпчилик билан аҳил-иноқ бўлишга эришдим. Император Шоҳжаҳон ва Мумтоз Маҳалнинг муҳаббати бу шаҳардаги ягона гўзал севги қиссаси эмас экан.

Лайжванти бизга янгиликларни етказиб турувчи асосий хабарчимиз эди. У қулоғини деворга қўйиши билан қўшни хонада бўлаётган ишларни дарров билиб оларди. Оқсоч қиз харобалардаги барча оиласига хиёнаткорларни, уй зўравонларини, пиёниста ва порахўрларни бир қарашда биларди. Тил ўлгур бесуяк-да, баъзи-баъзида ўзи истамай, бир нималарни гуллаб қўяди. Хизматкор аёл қасрдаги ишларни ҳам ҳеч кимга оғиз очмаслик шарти билан қистириб ўтарди.

Илк маротаба ундан Свапна Девининг қора ўтмиши ҳақида эшитдим. Миш-мишларга қараганда, қаср бекасининг бир вақтлар собиқ эрининг укаси Кунваром Махендрой Сингх билан ишқий саргузаштлари бўлган экан, бироқ кейинчалик у жазмани билан уришиб қолган ва барча муносабатларни узган. Айтишларича, уларнинг ноқонуний ишқий учрашувларидан қиз фарзанд дунёга келган, лекин чақалоқнинг қаердалиги ҳозирда маълум эмас экан.

Бир куни кечқурун камбағал талабалардан бири Шакил хонамга чиқиб:

– Ражу бхай, сиздан бир нима илтимос қилсам бўладими? – деб сўради у.

– Нима бўлди? Тинчликми? – гап нима ҳақида боришини тахмин қилаётгандим.

– Биласизми, қишлоқда нимадир бўлганга ўхшайди. Дадам пул юбормади. Душанбагача тўлаб қўймасам, мени ўқишдан ҳайдашлари мумкин. Элик рупий қарз бериб туropolмайсизми? Келаси ойда уйдан пул келиши билан, албатта, қайтараман.

– Албатта, Шакил! Майли... буюк шоир Нажми мендан элик рупий, Гопал юз рупий қарз олганди... Кўйлак олиш ниятида эдим, бироқ эҳтиёжингни қондиришинг учун пул мендан кўра сенга кўпроқ зарур экан. Майли, борини ола қол, – дедим.

Лайжванти мени ва Шанкарни кечки овқатга таклиф қилди. У турмушга чиқмаган, шу боис ёлғиз яшайди. Остонадан ичкари киришим билан кўзга хонанинг ниҳоятда озодалиги ташланади. Умрим бино бўлиб бунчалар тоза-озода, саранжом-саришта ва дид билан безатилган хизматчининг хонасини кўрмагандим. Биз курсига ўтирдик, ўзи эса каравотга чўкди ва ҳаяжон билан Аградан ўн саккиз чақирим олисда жойлашган қишлоқда қолган ўн тўққиз ёшли сингли-

си Лакшми ҳақида сўзлади. Тўғрироғи, унга мос куёв излаши кераклигини билдирди.

– Сен-чи? Ахир оиланинг тўнғич қизисан, шундайми? Таомил бўйича сен биринчи бўлиб турмушга чиқишинг керак эмасми? – ҳайратланиб сўрадим мен.

– Тўғри, – жавоб берди Лайжванти. – Бироқ бизнинг ота-онамиз беш йил олдин вафот этишган. Мени унинг учун ҳам она, ҳам ота бўлдим. Одам фақат ўзи ҳақида ўйламаслиги керак. Лакшмини узатишим билан ўзимга мос келади-ган шаҳзодамни топаман, албатта.

– Синглингни тўйини қандай ўтказишни иста-япсан?

– Ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Икки ой олдин газетада эълон ўқигандим. Дурга маъбудаси мени қўллаётганга ўхшайди. Буни қаранг, қанча жавоб олдим.

У бир даста хат олиб, уларнинг ичидан олтига расмни стол устига қўйди.

– Айтинг-чи, бу ёш йигитлардан қай бири менинг Лакшмига мос келади?

Шанкар ва мен бу масалага жиддий ёндашиб, расмларга диққат билан тикилдик. Ҳар бирининг қандайдир қусури ёки камчилигини топардик. Биринчиси қари. Иккинчиси эса ёқимсиз жилмаяди. Учинчиси хунук. Тўртинчисининг эса чандиғи бор. Бешинчисининг сурати эса «Диққат, қидирув» тахтасига осиб қўйиладиган жинойтчиникига ўхшайди. Ниҳоят, олтинчиси қолади. У келишган, чиройли кийинган, ёш йигитнинг сурати эди.

– Мана буниси ҳаммасидан яхшироққа ўхшайди, – дедим мен.

Шанкар ҳам жонланиб, фикримни тасдиқлайди:

– И-р-к... Р-а-д-ж-у... ш-ш-ч... ь-ш-с-ш.

Лайжванти бизнинг танловимиздан боши осмонга етди.

– Менга ҳам у ёққанди. У кўринишидан ҳаммасидан кўркам ва ўзига тўқ оиладан эканлиги сезилиб турибди. Бунинг устига давлат корхонасида бошлиқ лавозимида ишлайди.

– Ростданми? Нима иш қилади?

– Ҳудуд нозирининг ёрдамчиси экан. Бу одам билан Лакшми қироличалардек яшайди. Бу оила билан музокара олиб боришни бошлашим ва Дурга маъбудасига ибодат қилишим керакка ўхшайди.

– Албатта, кечиктирмай!

Бизни ажойиб кечки овқат кутади: пури, качори, картошка ва чечевица. Олдимизга қўйилган идишлар шунчалар тозаки, уларда, ҳатто ўз аксингни кўришинг мумкин. Овқат еяётганда санчқи билан уни тирнаб қўйишга қўрқасан киши. Ниҳоят, мен журъат қилиб:

– Лайжванти, уйни тозалашу йиғиштиришга қачон улгурасан-а ёки оқсочинг борми? – деб сўрадим.

– Кулгимни қистатма, – кулиб жавоб қилди мезбон. – Оқсоч! Оддий хизматкорнинг-а? Туя ҳаммомни орзу қилибди, деган иборани эшитганмисан. Мен болалигимдан тозаликка ўрганганман. Ерда битта ушоқ тушиб ётган бўлса ҳам, ё пиёлада битта нуқта доғ кўрсам ҳам чидаб туролмайман. Чойшаб фикимланиб турганини кўрсам ҳам касал бўламан. Раҳматли онам ҳам доим: «Бизнинг Лайжванти бир текис осилиб туриши учун дарахтдаги барғни ҳам дазмоллаб, текислаб қўяди, дердилар». Мана шунинг учун ҳам Рани-соҳиба менинг хизматимни қадрлайди. У комиссарнинг хотининга «Лайжванти – дунёдаги энг яхши оқсоч. Ундан ҳеч қачон воз кечмайман!» деганини ўз қулоғим билан эшитдим. Қизнинг юзида мағрур табассум пайдо бўлди.

– Чиндан ҳам сен ҳаммадан яхши оқсочдирсан, – дейман мен ўйланиб. – Фақат, илтимос сендан, ҳеч қачон менинг хонамга кирма, бўлмаса касал бўлиб қоласан.

Шанкар чиндан ҳам бизнинг Лайжванти ҳаммадан яхшилигини тасдиқлайди.

– Ч-п-и-ф-п-и... П-д-ц-й-м-г-д-р-ш-у, – дейди у ўзича маъқуллаб қулоғигача жилмаяркан.

Бугун Деҳлидан келган бой талабалар гуруҳи менинг охириги тингловчиларим бўлишди. Қиммат кўзойнак, охириги урфдаги тор жинси шим кийган бу ёшлар Тоғмаҳални бўлар-бўлмас гаплар билан масхара қилишарди. Уларга тоқат қилиш қийин эди, албатта, бироқ саёҳат охирида улар нафақат керакли миқдордаги пулни беришди, балки мақтанишга арзийдиган чойчақа билан сийлашди.

Кечга яқин талабаларни олиб кетгани микроавтобус келди. «Истасанг, Ражу, биз билан юр. Сенга қувноқ ҳаёт нималигини кўрсатамиз!» – дея таклиф қилишди йигитлар. Мен одоб юзасидан юмшоққина қилиб рад этдим, бироқ талабалар бир оёқда туриб олишди. Бу сафар қўли очик мижозларнинг таклифини қабул қилмасам одобсизлик бўлади, деб микроавтобусга чиқдим. Биз, энг аввало, беш юдузли «Палас» меҳмонхонасига кириб бордик. Илк марта оёғим шу меҳмонхонанинг остонасини кўрди. Ичкаридаги ҳашаматдан бошим айланиб кетди. Йигитлардан бири:

– Тортинма, Ражу. Нима хоҳласанг шуни олавер, – дея туртди.

Нархларга қараб, ҳушим бошимдан учди. Қовурилган товуқ гўштининг бир товоқчаси олти юз рупий. Шу ерда мен англаб етдимки, бундай меҳмонхоналарда мижозлар нафақат овқатга, балки шароитларга ҳам алоҳида тўлашаркан.

Ҳамроҳларим мен учун менюдаги барча таомларни ва шотланд вискисини буюришларига оз қолди. Бу ҳашаматдан кутилмаганда мазам қочиб қолди. Хотирамга Мумбайга дўстим билан таклифномасиз бир тўйга борганимиз ва бизни ўласи қилиб уришгани тушиб кетди. Бироқ бу сафар ҳаммаси бошқача, атрофдаги барча одамларни кўздан қочирмай, бир-бирларни туртиб, мазах қилаётган тарбиясиз талабалар бир он кўзимга дунёдаги энг қадрли қондошларимдек туйилди. Бутун вужудимни таниш туйғу қамраб олди. Уларнинг қилиқлари кўзимга энди бачкана кўринмай қолди. Улар мендек нотаниш болани меҳмон қилиш, унга оз бўлса-да, завқ бағишлаш учун борини аямаётганликларини кўриб, кўнглим ийиб кетди. Мен ўзгарганимни ҳис этдим. Қизиқ шу йигитларга ўхшаб бегаму беташвиш яшасам, эртани ўйламай пул сарфласам нима бўларкин, деб ўзимга ўзим савол бердим. Менга шунақа ҳаёт ёққан бўлармиди? Серҳашам ва ташвишсиз яшаш, қашшоқ ҳамда оч қолишдан яхшироқ бўлса керак? Хаёлимда шундай саволлар айланади, бироқ жўяли жавобларни топишга қийналаман. Виски ичиб, кайфи ошиб қолган йигитлар мени автобусга қараб судрайдилар.

– Кейинги манзил қаер? – қизикдим мен.

– Қўрасан! – бараварига кулишди улар.

Ҳайдовчи газни босди. Микроавтобус Агранинг гавжум кўчаларини ортда қолдириб, шаҳар чеккасидаги ғалати «Бўза маҳалла» деган жойида тўхтади. Муюлишдаги тахтачада: «Сиз қизил чироқлар чегарасига қадам қўйдингиз. Ҳимоя воситасидан фойдаланишни унутманг. ОИТС тарқалишининг олдини олиш билан бирга сиз ўзингиз ва бошқалар ҳаётини асраб қоласиз», деб ёзиб қўйилган ёзувга кўзим тушди. «Қизил чироқлар»

борасида ҳеч нима тушунмадим. Ахир, барча уйлардаги хоналарда оддий чироқлар сарғиш нур сочарди. Кўп қаватли уйлар ёнида тўхтаган юк машиналар кам эмаслигини пайқадим. Қоронғи тушганига қарамай, кўчада яланг оёқ болалар иштончан югуриб юришибди, негадир уларнинг оналари кўринмайди. Талабалар шу ғалати маҳаллага тушишга қарор қилишди ва каминани ҳам қўярда-қўймай судрашди.

Кўз олдимда ёқимсиз манзара намоён бўлди. Бу ерда одам мен ўйлаганимдан кўра кўпроқ экан. Эшик олдида хунук эркаклар тикка туришибди. Зиналарда эса ёрқин бўянган ҳар хил ёшдаги қизлар очиқ-сочиқ кийиниб, ўзларини кўз-кўз қиларди. Баъзилари уятсиз қилиқлари билан эркакларни чорлардилар. «Қизил чироқлар» макони қандай жой эканини англагандай бўлдим. Бу – фоҳишаларнинг маскани. Тўғриси айтганда, мен Мумбайнинг Фолкленд йўлидаги ва пойтахтнинг «Жи Би роуд» кўчалари ҳақида эшитгандим. Йигитлар қочиб кетмаганимга ишонч ҳосил қилгач, ифлос тор йўлакдан ичкарига олиб киришди. Охири бахайр бўлсин-да, деб истамайгина ичкарига қадам босдим. Бизни ёш ва ўйноқи кўзли келишган йигит кутиб олди.

– Марҳабо, хуш келибсиз, жаноблар! Сиз аниқ манзил бўйича тўппа-тўғри келибсизлар! Агранинг энг мафтункор, онаси ўпмаган навниҳол, сулув қизларини шу ердан топасиз! – дейди у сохта такалуф билан.

Талабалар бир четга чиқиб, ёнларида қанча пуллари борлигини ҳисоб-китоб қилишди ва пуллар қўлдан-қўлга ўтди.

– Биз сен учун ҳам тўлаб қўйдик. Қани энди, бор, боравер, ҳаётдан завқ ол! – ҳамроҳларим хоналарга тарқалишдан олдин шундай дейишди.

Мен журъатсизлик билан йўлакда тош қотдим. Бир истараси совуқ қари аёл келиб қўлимдан тортиб, зиналардан юқорига олиб чиқди. Яшил эшик ёнида тўхтаб, ичкарига киришни буюрди. Ўзи эса ҳолдан тойган ҳолда зинадан пастга тушиб кетди. Нима қилишни билмай, ўйланиб қолдим, балки автобусга қайтсаммикан, дейман. Бир томондан билдирмай секин қочмоқчи ҳам бўлдим. Бир томондан эса ичкарига кириш истаги билан ёнардим. Болливуд фильмларида фоҳишалар ўз хоҳишига қарши шундай яшашга мажбур олтин юракли қизлар бўлишади. Кино охирида фоҳиша ҳаёт билан барча ҳисоб-китобларини қилиб, заҳар ичади. Балки тақдир мени бу ерга бежизга олиб келмагандир, деб ўйлайман. Балки қиз қаҳрамонини кутаётгандир, ўша қаҳрамон мендирман? Балки камина фильмнинг охирини ўзгартиришга эришарман? Уни заҳар ичишга қўймасман?

Хона жуда кичкина. Ўртада тўшак, хуллас, хонадаги жиҳозларнинг жойлашуви менга ёқишни бошлаганди ва, ҳатто, ниҳоятда қизиқ эди. Чунки тўшакда кўзни қувонтирувчи бинафшаранг сарида буғдойранг шаҳло кўзли гўзал қиз оёқларини қучиб ўтирарди. Унинг катта-катта кўзларига сурма тортилганди. Гунчани эслатувчи лаблари қалин қилиб бўялганди. Узун қора сочларига эса гуллар тақилганди. Бўйни ва қўллари ялтироқ тақинчоқларга тўла.

– Салом, қалайсан, – дейди у. – Яқинроқ кел, ёнимга ўтир.

Унинг ҳар бир сўзи қулоғимга худди пианинодан таралаётган ёқимли ва сирли куйни эслатарди. Оёқларимни судраб бордим.

– Қўрқма, тишлаб олмайман, – қиз уялаётганимни сезиб, масхара қилиб кулди. Ёнига секин-

гина ўтирдим, дарвоқе, чойшаб чиркин ва унда галати қизил доғлар бор эди.

– Демак, янги миждоз сенми? – деб сўрайди у бефарқлик билан. – Исминг нима?

– Рам Муҳаммад То... айтганча, кечирасан Ражу Шарма, – вақтида хатоимни тўғриладим.

– Исмингни ҳам унутиб қўйдингми, дейман?

– Йўғ-ей, ҳечам-да. Сенинг исминг нима?

– Нита.

– Давоми-чи?

– Ниманинг давоми?

– Исм-шарифинг, исминг бор экан, демак, отангинг номи ҳам борлиги аниқ. Шундай эмасми?

Париваш беўхшов кулди.

– Бу никоҳ уйи эмас, соҳиб. Бизга бу керак эмас, чунки биз фоҳишалармиз. Фоҳишаларга эса уй ҳайвонлари каби лақабнинг ўзи етади. Нита, Рита, Аша, Чампа, Меена, Леена... улардан қайси бири ёқса ўшанисини танлайвер. Ўша тун мен сен ис-таган қиз бўламан ва бундан сира овринмайман. Сабаби, фоҳишаларда юрак бўлмайди.

– Чинданам фоҳишамисан?

Қиз қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Осмондан тушганмисан, нима бало? Бу ерда ҳойнаҳой, онангни ё синглингни кўраман, деб ўйлаганмидинг?

– Неча ёшдасан?

– О, мана бу ерликнинг саволи. Ўн етти. Нега ҳайрон бўласан? Бу ерда мендан ҳам ёшроқлари ҳам топилади.

– Мен ҳам ўн етти ёшдаман. Бу иш билан қачондан бери шуғулланасан?

– Нима фарқи бор? Бокираманми, йўқми, шуни билмоқчимисан? Йўқ, акс ҳолда бу сенга тўрт баравар қимматга тушарди. Ишон, менга

шундай бўлгани ҳам яхшироқ. Мен ҳали ҳеч кимни норози қилган эмасман.

– Бирорта касаллик юқтириб олишдан қўрқмайсанми? Маҳаллага кираверишда ОИТС ҳақида огоҳлантириб қўйибди-ку.

Ўзалнинг жаҳди чиқди. Ғалати тарзда жилмайиб:

– Менга қара, бу ахир мен учун машғулот эмас, балки касб. Асосийси, топаётган пулим ҳозирча мени ва яқинларимнинг қорнини тўйдиришга етиб турибди. Шу ишим бўлмаганда оилам алақачон оёғини узатиб, очдан ўлган бўларди. Фоҳишаларнинг ҳаммаси, албатта, ОИТС ҳақида яхши билишади, бироқ биз таваккал қилишга мажбурмиз. Бошқа иложимиз ҳам йўқ. Очликдан ўлгандан кўра, эртагаёқ бу лаънати касалликни юқтирган яхши. Шундай гапириб тураверамизми? Вақт тугаши билан Шьям бошқа мижозни олиб келади. Билсанг, бу ерда менга талаб катта.

– Ким у Шьям?

– Даллол. Сен пул тўлаган одам. Майли, бўлди, мен ечинишни бошлайман.

– Йўқ. Тўхтаб тур. Яна битта савол берсам майлими?

– Бўлди, тушундим. Кимга ўхшаётганингни биласанми? Бу ерга яширинча диктафон ва камера кўтариб келган оқ танли журналистга ўхшайсан. Мен кўйлагимни ечишим билан йигит бу ерга нима учун келганини унутди. Диктафонга оҳ-воҳлардан бошқа ҳеч нима ёзилмади. Кўрамиз, сен ундан фарқ қилармикансан?

Худди шу ерда у дарров танини ёпиб турган сарисини ечди. Биласизми, дунёда аёл қоматидан гўзалроқ мўъжиза бўлмаса керак. Унинг дуркун кўкраклари Тожмаҳалнинг гумбазини эслатарди. Нафасим орқага қайтгандек бўлди. Юра-

гим ўзимга бўйсунмай тез урар, бутун вужудимни нимадир ёндираётганга ўхшарди.

– Эркакларнинг ҳаммаси бир гўр, – масхараомуз жилмайди қиз. – Аёлнинг танасини кўришларинг билан суякни кўрган итдай ювош тортиб қоласиз. Қани энди, ёнимга кел.

У мени ўзига тортди. Ҳаммаси кутилмаганда юз берди. Ўша пайтдаги ҳолатимни тасвирлашга ҳам ожизман.

Кейин биз дунёни унутган ҳолда ҳолдан тойиб, ёнма-ён ётардик. Мен унинг гул тақилган ёқимли сочларини ҳидлайман ва лабларидан беўхшов ўпаман.

– Нега бу сен учун биринчи марта эканлигини айтмадинг? – дейди у. – Мен мулойимроқ муносабатда бўлардим. Майли, Ражу жаноблари, вақтингиз тугади. Энди кетишинг керак!

Қиз дарров ўрнидан турди ва кийимларини кийишга тушди.

Кутилмаганда қўпол муносабатни кўриб, яшин ургандек, жойимда тош қотиб қолдим. Беш дақиқа олдин ўзимни бир аёлнинг суюкли ёри каби бахтиёр ҳис қилдим, бироқ бешафқат маҳбубам менинг ҳамма каби вақти ниҳоясига етган оддий мижоз эканлигимни англашиб қўйди. Қалбимни тўлдирган ажиб ҳислар қаергадир йўқолгандек бўлди. Мана энди, бу хонанинг асл кўринишини сеза бошладим. Хонадаги ҳамма нарса кўзимга чиркин ва расво кўринди. Улар қатори ўзимни ҳам ифлос бўлгандай ҳис қилаётгандим. Мен дарров кийимларимни кийдим.

– Чойчақа ташлаб кетмайсанми? – қўлини чўзди қиз.

Ҳамёнимдан эллик рупий олиб унга тутқаздим. Қиз бошини эгиб миннатдорчилик билдирди ва пулни яширди.

– Ёқдимми? Яна келасанми?

Мен индамай эшикни ёпиб, чиқиб кетдим. Микроавтобустга чиққандан кейин камина хайрлашув чоғидаги сўзлар ҳақида ўйлайман. Ёқдимми менга? Бу ерга яна келаманми? Юракни ҳали таниш бўлмаган туйғу эзади. Бошим айланади ва қалбимни соғинчга ўхшаган бир нима тирнайди. Мен яна ўша гўзални қўмсай бошлайман. Балки, бу муҳаббатдир-а? Билмадим, лекин илк марта аёл зотининг қармоғига илинганга ўхшайман. Ҳа, менимча, бу ерга келсам керак.

Аграда эпидимия. Қутурган итлар дастидан болалар вафот этишарди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси маҳаллий аҳолини огоҳликка чақирарди.

– Кўчада эҳтиёт бўлиб юр, – деб уқтирдим Шанкарга. – Итларга яқин йўлама. Яхшими?

Бола жилмайиб, бош чайқайди. Бугун Бихарининг навбати. Мендан қарз олмаган ягона одам у эди.

– Ражу, ўғлим Нанхей касал бўлиб қолди. Шифокор Аггарвал шахсий касалхонасида уни даволаяпти. Тезда дори сотиб олишим кераклигини талаб қиляпти. Улар эса ниҳоятда қиммат тураркан. Тўрт юз рупий йиғиб қўйгандим, етмаяпти. Қарз бериб туrolмайсанми?

Гарчи пулларим ҳеч қачон қайтмаслигимни билсам-да, Бихарига икки юз рупий бердим. Этикдўз керакли пулни жамғаришга улгурмади ва икки кун ўтмай олти ёшли Нанхей касалхонада вафот этди

Кечга яқин Бихари оқ матога ўралган ориқ, жонсиз танани қўлида кўтариб кириб келди. Эркак маст эди. Шу боис гандираклаб келарди. Маст этикдўз боласини авайлаб тошлар устига қўйди-да, унинг ўлимида кимни айблашни бил-

май, шоҳона қасрларда яшаётган барча бойларни бараварига лаънатлашга тушди. Ўлаётган бўлса-да, керакли пулни ота-онаси топиб келмаса, қўл қовуштириб турадиган шифокорларни, фақат қоғоздагина камбағалларнинг манфаатини ҳимоя қилаётган қонунларни, индамай қараб ўтирганимиз учун бизни ва, ниҳоят, бу шафқатсиз ҳаётни, ҳатто Яратганни ҳам аямади.

Эркак ярим соат қутуриб, барчани бўралаб сўкишда давом этди ва ерга йиқилиб телбаларча жонсиз таначани қучиб, ер уриб кўз ёш тўкди. Ўз хонамга қайтиб, ҳаёт ҳақида ўйлайман. Чиндан ҳам у шафқатсиз. Кўзим олдимда кечагина Нанхейнинг болаларча шўхликлари, югуриб юргани гавдаланади. Ҳа, ёш бўлсам-да, мурдаларни кўришга кўп тўғри келди. Оқ чойшабни бошимгача ўрайман ва уйқуга кетаман. Тушимда Тожмаҳал галати қизил тусда товланарди.

Бир ҳафта ўтмай, мен яна Нитанинг ёнига бордим. Бу сафар уч юз рупий тўлашимга тўғри келди. Ўша чиркин тўшакда яна гўзални бағримга босдим. Қизнинг кўнгли юмшаб қолгандай туйилди.

– Фоҳиша бўлиб ишлаш ёқадими сенга? – қизиқиб сўрайман ундан.

– Нима бўлибди? Бошқа касблардан қолишмайди.

– Мен негадир у ўзингга ёқмаса керак, деб ўйлардим.

– Нега энди? Сенга ўхшаган нотаниш эркаларнинг қучоғида эркаланиш ёқади ва ишлаб топаётган пулим оиламни моддий томондан таъминлашга ва ҳар пайшанба куни кинога боришимга етади. Қиз бола учун бундан бошқа яна нима керак?

Унинг кўзларига боқиб, алдаётганини ҳис қилиб турибман. Актриса каби ролини қойилмақом

қилиб ўйнаётганди. Фақат Неелима Кумарига насиб этган мукофотлар бу қизга ҳеч қачон насиб этмайди. Нита менга қанча сирли туйилгани сари, унинг кўнглидаги сирларига шунча кўп қизиқардим. Бу қиз менда мен ҳеч қачон ҳис этмаган муҳаббатга ташналик туйғусини уйғотарди. Афсуски, бу гўзал қоматнинг вақтинчалик эгаси эдим. Энди юрагимда унинг жисми ва қалбига бутун умр эгалик қилиш ҳисси уйғонганди. Тожмаҳал ёпиқ бўлган ҳар душанба кунларида биз учрашишни бошладик. Тўрт-беш марта кўришганимиздан кейин камина уни чин маънода ҳимоя қилиш истаги билан ёнади. Нита ўз яқинлари ҳақида айтиб берди. Ота-онаси тирик. Бир акаси ва омадли турмушга чиққан синглиси бор экан. У яшаётган жамиятнинг одатларига кўра, ҳар бир оила ўз қизларидан бирини фоҳишахонага топширади. Бунақаларни «бедна» деб атайдилар. Оила бошлиқлари бўлган эркаклар арақ ичиб, қарта ўйнаётган пайтда улар пул ишлаб топиб, яқинларини боқишлари керак экан.

– Қиз боланинг туғилиши бизда байрам, ўғил бола эса ортиқча даҳмаза саналади. Қабиланинг бедналарини меҳмонхоналар, юк машиналарининг тўхташ жойлари ва йўл бўйидаги ресторанларда кўплаб учратиш мумкин.

– Нега айнан сени танлашди. Синглингни беришса ҳам бўларди.

Нита киноли жилмайди. Унинг кўзларида гам-қайғу, алам акс этди.

– Чунки гўзал юз бу – фалокат!.. Иккаламиздан қай биримиз фоҳишахонага, қай биримиз эса эрга тегишимиз кераклигини онам ҳал қиларди. Агарда хунукроқ бўлиб туғилганимда бедна бўлиб ишламаган бўлардим. Ҳозир мактабда ўқиган, бир оиланинг бекаси ва шириндан-шакар

болаларнинг онасига айланган бўлардим. Бу гўзалликнинг оғир бадали. Шундай экан, мени гўзалсан, дея кўрма.

– Қанчадан бери бу иш билан шуғуллансан?

– Вояга етганимдан бери... бурнингга ҳалқа тақиб, қизил сари кийишга муносиб бўлдингми, демак, сени аёл ҳисоблашади. Хуллас, ўн икки ёшни қаршилаган куним менинг бокиралигимни пуллашди ва мана шу фоҳишахонага бутун умрга михлаб қўйдилар.

– Агар бундай тақдирга кўнмасанг, ўз ишингни қўйиб, турмушга чиқишинг мумкин-ку?

– Фоҳиша кимга керак? То ҳеч кимга кераксиз бўлиб қолгунимизга ёки бирор касалликни юқтириб олгунимизга қадар шу ишни қилишга мажбурмиз.

– Мен вақти келиб, бирор йигит сенга уйланишига ишонаман, албатта. Бир кун сен ўз шаҳзодангни учратасан... – унга шу сўзларни айтарканман, ўзимнинг кўзларимда ёш ялтирарди. Ўша кеча Нита чойчақадан воз кечди...

Кейинроқ охириги суҳбатимиз ҳақида ўйлайман. Нега ёлғон сўзладим. Алдашнинг нима фойдаси бор эди? Ахир у бошқа шаҳзодани учратишини истамайман-ку. Қандай севиб қолганимни ўзим ҳам билмайман.

Шу чоққача муҳаббат ҳақидаги тасаввурларим жуда жўн эди. Йигит билан қиз учрашишарди. Кўзлар кўзларга тўқнашарди ва бир-бирини севиб қолади. Шу билан тамом. Поездда учратган кўк саридаги қизни кўрганда ўшанга ўхшаш ҳолат менда ҳам рўй берган. Бироқ Нита ҳақиқий муҳаббат, севиш ҳақидаги ўй-фикрларимни мутлақо ўзгартириб юборди. Бу бахт қиш фаслида ва айнан Аграда насиб этди. Мен кино ва ҳаёт мутлақо бир-бирига бегона эканлигини англайман. Муҳаббат кутилмаганда қалбга ташриф бу-

юраркан. У сендан сўраб ўтирмайди. Ҳаётингни остин-устин қилиб юборади. Бу худди тунги момақалдироққа ўхшайди. Ундан кейин эса кўзлардан шўр ёмғир қуйилади. Ҳаётимни Нитасиз тасаввур қилолмасдим. Учрашувларимиз ниҳоятда қисқа ва шошилинч бўлар, ундан олисда эса соғинчдан ёнардим. Гўзал ҳар доим хаёлимда эди. У билан кечган ширин дамларимизни хотирларканман, қалбан ўша қиз менинг маликам эканлигини билардим. Келажагимни фақат у билан тасаввур этардим. Ниятим эса унга уйланиш эди. Фақат Нита менга турмушга чиқишга рози бўлармикан? Шу ҳақда ўйлардим. Мана шу ўй каминани ташвишга соларди...

Бизнинг харобаларимизга қизил чироқларини милтилатиб, машина келиб тўхтади. Ундан инспектор ва яна икки полициячи тушди. Уларни кўриб, бутун вужудим музлаб қолганини ҳис қиламан. Мен қилган жиноятлар сув юзига чиқибди, деб ўйладим. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганлари шу бўлса керак-да. Тамом, қўлга тушдим. Ҳаёт нақадар шафқатсиз! Ҳар сафар мен еттинчи осмонда учиб юрганымда тақдир учар гиламни оёғим остидан тортиб олиб қўяди. Ҳақиқий муҳаббатимни топганимда Шоҳжаҳон Мумтоз Маҳалнинг ишқида ҳижрон азобида қийналгани сингари мен ҳам энди зах ва совуқ камерада Нитамнинг хаёли билан яшаб, уни қўмсаб ўлиб кетаманми?

Инспектор машинадан овоз кучайтиргични олиб: «Рам Муҳаммад Томас қўлингизни кўтариб, ташқарига чиқинг!» деб буюриши ўрнига:

– Барчангиздан ташқарига чиқишни сўраймиз. Шаҳар банки ўмарилган. Биздаги маълумотларга қараганда ўғри шу ерда. Мен хоналарингизни тинтиб чиқишим керак! – деди.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Қувончдан кўзларим порлаб, бахтдан ҳатто бошим айла-ниб кетди. Севинганимдан инспекторни югуриб бориб қучоқлагим келди. Миршаблар навбат-ма-навбат хоналарни тинтиб кўришди. Ҳар бир ижарачининг ёши, нима билан шуғулланиши, атрофда бирорта шубҳали одамни кўрганмизми, йўқми сўрашди. Асил исмим ва Тожмаҳалда қонунга хилоф тарзда йўл кўрсатувчи бўлиб ишлаётганимни айтмайман. Бунинг ўрнига мен университет талабаси эканлигимни, бу ерга ўқиш ниятида келганимни айтдим. Бу жавоб миршабларни қониқтирди. Навбат Шанкарға етди.

– Исминг нима? – деб сўрайди инспектор.

– И-к-р-ч... н-с-г-б-ш... ю-д-р-о-д-в, – бир оз ноқулай аҳволга тушиб сўзлайди йигитча.

– Нима? Қани қайтар-чи!

– Ю-д-р-о-д-в.

– Ифлос, итвачча, мен билан ҳазиллашмоқчи бўлдинг? Ҳозир кўрсатиб қўяман! – жаҳл отига минган инспектор қўлидаги таёғи билан уни туширмоқчи бўлганди, улгурмади. Югуриб келиб қўлидан тутиб қолдим.

– Инспектор, Шанкар касал. У чиндан ҳам гапиролмайди.

– Шуни илгарироқ айтсанг ўласанми?! – бошлиқ шундай дея ёрдамчиларига ўтирилди. – Кетдик, давом эттираммиз. Бундан бари бир ҳеч нима билиб бўлмайди.

Уч соат ичра полициячилар ўттизта хонада тинтув ўтказишга улгурдилар. Охир-оқибат улар жамғарма пулларнинг яширин жойини аниқлашга эришдилар. Қаерда деб ўйлайсиз? Соқолми Нажми шоирнинг хонасидан. У бизни Болливуд учун қўшиқ ёзаман, деб алдаб юраркан-да. Ҳаммамиз ҳайратда эдик. Маълум бўлишича, у бўш

вақтларда банкларни тунаш билан шуғулланаркан. Ташқи кўриниш қанчалар алдамчи-а. Чиндан ҳам барча ҳайратда мендан бўлак. Менинг ўтмишим ҳам ахир уникидан яхши эмас! Бу ердагилар билишса, даҳшатга тушишлари аниқ!

Дурга ибодатхонасига бориб келган Лайжванти ладу¹ кўтариб кириб келди. Хизматкор ниҳоятда ҳаяжонда.

– Ширинликлар нима муносабат билан? Ойлик маошингни кўтаришдимиз? – қизиқиб сўрайман мен.

– Бу ҳаётимдаги энг бахтли кун. Дурга маъбудасининг ўзи мени қўллаяпти ва мурувватини аямаяпти. Прокурор ёрдамчиси менинг Лакшми-имни хотинликка олишга рози бўлди. Энди синглим маликалардай яшайди. Мен ҳали ҳеч ким кўрмаган тўй қиламан...

– Сепи-чи? Наҳотки, куёв бўлмиш пул сўрамаган бўлса?

– Йўқ, деярли ҳеч нима сўрамаяпти. Ниҳоятда андишали оила экан. Уларни кўп нарса қизиқтирмаяпти. Рўзфорга керакли бир нечта майда-чуйларни ҳисобга олмаганда ҳеч нарса талаб қилишмаяпти ҳам.

– Масалан, нима?

– «Бажаж» моторолери, «Сумит» миксери, бешта «Раймонд»² костюми ва озгина тилла тақинчоқлар, холос. Мен шундоқ ҳам уларни Лакшмига совға қилмоқчи эдим.

Тепа сочим тикка бўлди.

– Лайжванти, ахир буларнинг бари роса қиммат туради-ку. Камида бир лакх керак бўлади. Бунча пулни қаердан оласан? Майда-чуйдалармиш...

¹ Ладу – новвотдан тайёрланган ширинликлар.

² «Раймонд» – эркаклар кийимларини тикадиган Ҳиндистондаги энг машҳур фирма.

– Мен анчадан бери синглимнинг тўйига деб пул йиғаман. Ҳозиргача элик минг рупий жамғардим. Етмаганига хонимдан қарз олмоқчиман.

– Хоним қарз беришига ишончинг комилми?

– Албатта. Мен ахир дунёдаги энг яхши оқсочман, ахир...

– Унда омад тилайман.

Биз олдинги каби Нита билан учрашишда давом этамиз. Кўзлари ўйнаб турадиган ўша Шьямга пул тўлаш ифлосликдай туйилди. Жума кунлари у кинога борарди. Энди у ерга иккаламиз бирга борамиз. Гўзал қиз бодроқни ниҳоятда яхши кўради. Мен унга энг катта қадоғини сотиб оламан. Биз энг охиридаги ўриндиқлардан бирига ўтирамыз. У кино кўради, мен эса уни бағримга босаман. Камина кинотеатрдан шолғомга ўхшаб қизарган ҳолда чиқиб келади. Комедия кўрдимми, драма кўрдимми билмайман. Сабаби, ҳамроҳимдан сира кўз узолмайман. Бизнинг саргузаштларимиз аста-секин ишқ қиссасига айланиб борарди.

Шанкар ёнимга йиғлаб келди.

– Нима бўлди? – қўрқиб сўрадим, унинг қонанган тиззаларини кўриб. – Қандай қилиб бундай жароҳат олдинг? Йиқилиб тушдингми?

Кўшним йўқ дегандек бош чайқади.

– И-ъ-к-р-ч ... б-о-б-ш-у-п-д... ш-с-ф-д-о-д.

Нега Шанкар тўғри гапиролмайди-а?

– Кечирасан, биродар, тилингни тушунмайман-да. Кел, яхшиси, сен билан бирга ташқарига чиқамиз. Ўша воқеа юз берган жойни кўрсатиб берасан.

Бола қўлимдан тутиб, мени болалар ўйнайдиган майдончага олиб борди. У ерда арғимчоқда учаман, деб йиқилиб тушган кўринади.

– Г-у-й-у-ю-э г-с-р... с-р-д... б-о-б-ш-у-п-д и-ъ-к-р-ч ш-и-й-д, – дейди Шанкар тиззасини кўрсатиб.

Мана энди тушунарли. У арғимчоқ учаётиб, кутилмаганда йиқилиб тушган.

– Кетдик, – Лайжвантининг яхшигина дори қутичаси борлиги эсимга тушди. Мен сал наррироқдаги қора доғли оғзидан сўлаги оқиб ётган қутурган итни сезмабман.

Янги йил кириб келди. У ҳар доимгидек қалбимизда янги умид ва орзуларни уйғотди. Нита билан мен ўн саккиз ёшга тўлдик. Бу ёшда қонун турмуш қуришимизга рухсат беради. Илк марта келажак ҳақида хаёллар сураман. Чиндан ҳам келажаким бўлар. Ёнимда гўзал ва латофатли Нита билан албатта. Бугун жума, бунинг устига осмонда тўлин ой жилмайиб турибди. Бу камдан-кам бўладиган ҳодиса ва ажойиб уйғунлик назаримда. Мен Нитани кинога эмас, балки Тожмаҳалга боришга кўндираман. Кечқурун биз мрамор устида ўтириб, ой нури остида кўзни қамаштирадиган даражада ёниб турган Тожмаҳалнинг ҳусн-тароватидан кўз узолмай қоламиз. Ҳа, чиндан ҳам бетакрор мафтункор манзара. Жамна дарёсининг юзида дунё мўъжизасининг акси ўйнайди. Биз атрофда минглаб сайёҳлар борлигини унутиб, қувончдан чапак чалиб юбордик. Ҳамроҳимни Тожмаҳал бўйлаб айлантираман. У ниҳоятда бахтиёр эди. Кўзларидан ёш оқарди. Бу гўзал чеҳра эгасининг менга аталган кўз ёшларини кўриш учун ҳам яшаса арзийди, ахир.

Камина бу дақиқаларга тайёр эмас эди, деб айтолмайман. Нажми қамалишдан илгари урду тилида ёзилган бир шеърини тўпламни менга совға қилганди. У илтимос қилганим учун, ҳатто Нитанинг шарафига атаб тўрт мисра шеър битиб берганди.

*Сенинг гўзаллигинг гўё малҳамдек,
Мен гариб етимга ҳаёт баҳи этди.
Бахтиёр эт, жоним, севгим қабул эт,
Абадий ёрим бўл, энди вақт этди.*

Бундан ташқари кинолардаги ишқ саҳналарида айтилган таъсирли нутқларни ёдлаб олгандим, бироқ ёрим билан қарама-қарши ўтирарканман, ҳамма-ҳаммасини унутдим. Шунчаки кўзларига боқиб:

– Мени севасанми?

Қиз қисқагина қилиб:

– Ҳа, – деб жавоб берди.

Шу биргина сўз қалбим қувончга тўлдирганини англайман. Муҳаббатимиз чегара билмайди. Кўзларимизга дунё жаннатга ўхшаб туйилади.

Шанкар хонамга югуриб келди.

– Т-с-ю-п-у ш-о-с-в-к-к... д-ц-й-м-г-д-р-ш-у... т-п-д-я-к-ш, – дейди у Лайжватининг хонасига ишора қилиб.

Хизматкор қиз йиғларди. Унинг кўз ёшлари оппоқ ва тоза чойшабни ҳўл қилганди.

– Нима бўлди, Лайжванти? – сўрайман мен. – Нега йиғлаяпсан?

– Свагна Деви учун у менга қарз беришдан бош тортди. Лакшмининг тўйини қандай ўтказсам экан? – аччиқ кўз ёшларини тўкиб йиғлайди у.

– Ўйлаб кўриш керак. Бу ерда яшайдиганларнинг бирортасида бунча пул йўқ. Балки банкдан олиш керакдир?

– У ерда оддий оқсочнинг дардини эшитадиганлар топилармикан? Фақат бир йўли бор.

– Қандай? Фотиҳани бузасанми?

Унинг кўзлари ғазабдан ёнди.

– Ҳеч қачон! Яхшиси, Нажмининг йўлини тутаман. Ўғрилиқ қиламан.

Даҳшатдан ўрнимдан отилиб турдим.

– Жинни бўлганмисан нима бало? Лайжванти бу ҳақда ўйлама. Сен уни қандай олиб кетганларини кўрмадингми?

– Сен қўрқоқсан. Хавотир олма, бенуқсон режа тузганман. Фақат бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нима дема, ҳатто Шанкарга ҳам. Мен Свапна Деви қаерда тиллаларини яширишини билиб қолдим. Ҳайкалнинг ортида сейфда бор. Калитни эса ётадиган ўрнининг чап томонига яширади. Бир марта хоним темир қутини очаётганини кўриб қолгандим. Унда тилла тақинчоқ ва пуллар тиқилиб ётибди. Пулларга тегмайман. Чунки хоним буни тез англаб етади. Тилла тақинчоқлари эса бисёр, йўқолганини сезмаса ҳам керак. Нима дейсан?

– Лайжванти, Лайжванти, тўхта. Бир укалик маслаҳатимни тингла! Бу бўлмағур фикрларни бошингдан чиқариб ташла. Бари бир яхшиликка олиб келмайди. Акс ҳолда тўйда эмас, қамоқда кўрасан ўзингни.

– Бас қил! Мен қарор қилиб бўлдим. Синглимининг тўйи учун ҳаммасига розиман! Мен дунёга қўл силаб бўлдим. Оқибат деган тушунчалар йўқ экан. Хонимга ўхшаган бойлар билан ёнма-ён яшаб, уларга хизмат қилгандан кўра қамоққа тушганим минг марта афзал. – Унинг кўзларидаги қатъиятни кўриб фикридан қайтариш осон эмаслигини англадим. Ноилож чўнтагимдан тангани оламан.

– Яхши, Лайжванти. Менга ишонмайсанми? Майли. Мана бу танга сенга тўғрисиани айтади. Бу синалган усул. Агар бургут тушса, сен бу йўлингдан қайтасан. Акси бўлса, ўзинг биласан, дедим. Бўладими?

– Бўлади.

Тангани отдим. Бургут. Оқсоч қиз чуқур оҳ тортди.

– Тақдир ҳам бу ишимга қаршига ўхшайди. Нима қилмоқ керак? Қишлоққа бораман. Оқсоқол билан маслаҳатлашай, ота-онамизнинг хотираси ҳурмати у менга бир йўлини қилишга ёрдам берар. Гапларим ҳақида унут.

Уч кун ўтиб, Лайжванти бир ҳафтага хонасига катта қулф осиб, ишдан жавоб олиб қишлоққа қайтди.

– Фоҳиша бўлиб ишлаганинг етар, – дейман мен Нитага.

Қиз ҳорфин бош чайқайди:

– Радха йигирма ёшга кирмай ўлиб кетди. Мен ҳам бундай яшашни хоҳламайман. Ражу, мени бу ердан олиб кет.

– Албатта. Шьям билан гаплашайми?

– Ҳа, унинг розилигисиз бу ердан кетиб бўлмайди.

Кечқурун мен даллолни бир четга тортдим.

– Шьям, мен Нитани севиб қолдим ва унга уйланмоқчиман, бироқ у фоҳишахонадан кетади.

Эркак менга худди суваракка қарагандай тикилди.

– Шунақами? Бошингдаги бўлмағур ўйлардан халос бўлишинг керакка ўхшайди, йигитча. Менга қара, итвачча, ҳали ҳеч ким бу ердан бизга тегишли қизларни олиб кетамаган. Яхшиси, маслаҳатимга қулоқ сол. Нитага уйланаман, деб хом хаёлларга берилма. Бизда бунга асло рухсат берилмайди. Мен бор эканман ҳеч ким Нитани бу ердан олиб кетолмайди. У биз учун тилла тухумларни кўтариб юрадиган товукдек гап. Шундай экан, Нита остона ҳатлаб ташқари чиқмайди.

– Уни бахтли қилмоқчиман, ахир. Нита ўн саккиз ёшга тўлди. Ҳаёти учун энди ўзи хўжайин. Шьям, унинг турмушга чиқишига рухсат бер. У ҳам бахтли бўлишга ҳақли.

– Бўпти, кўндирдинг. Мали, Нитанинг сен билан кетишига розиман.

– Ростданми? – бахтиёрликдан шу кўзлари ўйнаб турадиган даллолни қучоқлашимга оз қолди.

– Рухсат бераман, фақат бир шарт билан.

Бу гапдан сўнг, чеҳрамда ўйнаб турган табасум ўз-ўзидан сўнди. Кўз қарашларимдан «Қандай шарт?» деганимни уққан Шьям давом этди:

– Бўлажак куёв товон тўлаши керак бўлади... – деди у айёрона илжаркан.

– Ҳўш, қанча?

– Дейлик, тўрт юз лакх. Менга шунча пулни топиб келтира олсанг, у сеники, – бу сафар даллол оғзини катта очиб кулди ва мени ҳайдаб юборди.

Хонамга қайтиб, йиққанларимни санаб кўрдим. Бор-ёғи тўрт юзу саксон беш сўм рупий. Атиги уч юз минг беш юзу йигирма беш сўм етмайди.

Жаҳд отига минганимдан ярамаснинг башарасини уриб ёргим келди-ю, аммо начора, бу ерда у хўжайин.

– Шьям ҳеч қачон оила қуришимизга рухсат бермайди, – дедим ўртамиздаги суҳбатдан Нитани хабардор қиларканман. Ягона йўл – бу ердан бошимиз оққан томонга қочиб кетиш.

– Фақат бу эмас! – қўрқиб кетди қиз. – Унинг каллакесарлари бизни ернинг остидан бўлса ҳам топиб олишади. Ўтган йили Чампа бир эркак билан қочиб кетишга уринганди. Уларни тутиб олишди. Ҳалиги одамнинг оёқларини уриб синдиришди. Қизни эса ўн кун оч қолдириб азоблашди.

– У ҳолда мен ўша Шьямни ўлдираман!!! – дедим алам билан.

– Кераги йўқ! – Нита қўллари билан оғзимни ёпди. – Ҳеч қачон бундай қилмасликка сўз бер!

– Нимага?

– Чунки у менинг ўз акам...

Яна қизил чироқларнинг милтиллаши ва полициячиларнинг овози харобаларда яшайдиганларнинг тинчини бузди. Овоз кучайтиргич билан яна ташқарига чиқишимизни сўрайдилар.

– Менга қаранг, ишەқмаслар! – эълон қилди янги инспектор. – Свапна Девининг олмос кўзли тақинчоғи йўқолибди. Сизлардан бирингиз ўғирлаганингизга тўла асосимиз бор. Шундай экан, яхшиликча тан олинг, акс ҳолда ўзим топсам, ит кунини бошингизга соламан.

Миямга келган бу фикрдан, ҳатто ўзим ҳам қўрқиб кетдим. Лайжванти! Қулф турган эшикка боқиб, енгил нафас олдим. Яхшиямки, у фикридан қайтган. Агар у қилганида полиция дарров ҳозиргига ўхшаб кириб келган бўларди.

Яна сўроқ бошланади ва яна Шанкарнинг камчилиги уларнинг газабини келтирди.

– Исминг нима? – қўпол оҳангда сўрайди инспектор.

– Ю-д-р-о-д-в, – жавоб берди у.

– Нима дединг?

– Ч Шодндп, Иъкрч Нсгбш Юдродв.

– Нима, устимдан куляпсанми, итвачча?

Полициячи қутуради, лекин мен унга дўстимнинг аҳволини тушунтиришга интилдим. У Шанкарнинг ёнидан худди зараркунандадан қочгандай нари кетди. Бу сафар полициячилар қуруқ қўл билан қайтишди, ва ҳатто, гумондорни ҳам топа олишмади. Кечқурун Тоғмаҳал олдида қора доғли, қутурган, дайди ит ўлди. Бироқ ҳеч кимнинг у билан иши йўқ.

Эртасига Лайжванти қишлоқдан қайтди ва уни дарров қамоққа олишди. Миршаблар қизнинг қўлига кишан тақиб, қизил чироқли «жип»-га ўтқазилди-ю, олиб кетишди. Бахтсиз оқсоч қиз эса йиғлайди.

– Абдул, уни нега олиб кетишяпти? – гап нима-далигини аниқлаш учун боғбоннинг ёнига бориб сўрадим. – Рани-соҳиба уни ҳимоя қилмадимми? Ахир, у дунёдаги энг яхши оқсоч-ку!

– Хонимнинг ўзи қизни полицияга топширди, – деди у.

– Нега?

– Чунки айнан Лайжванти олмос кўзли тақинчоқни ўғирлаган экан. Тилла тақинчоқни унинг қишлоқдаги уйдан топишган.

– Свапна Деви бунга қардан билибди? Ахир, тақинчоқ йўқолганида хизматкор бу ерда йўқ эди-ку!

– Лайжванти ўзидан кейин из қолдирган. Гап шундаки, у ҳеч қарга кетмаган экан. Аграда қолиб, кечқурун уйга кирган. Хоним ўша кун меҳмондорчиликка жўнаган. У сочини турмак-лаб тароқ, тақинчоғу ва атирларини тўшаги устида қандай бўлса шундайлигича қолдириб, йиғиштирмай чиқиб кетган. Кечқурун у меҳмондорчиликдан қайтиб келса, ҳаммаси жой-жойига тартиб билан жойлаштириб қўйилган эмиш... Бу эса Свапна Девини дарров ҳушёрликка чорлаган. У сейфни текшириб кўриб, олмос кўзли тақинчоғи йўқлигини пайқабди. Хоним учун хонага ким ўғрилиikka кирганини англаш қийин бўлмаган экан.

Мен пешанамга қўлимни уриб, бизнинг Лайжванти чиндан ҳам дунёдаги энг яхши оқсоч, у, ҳатто жиноятга бораётиб ҳам бунга унутмабди-да, – деган хаёлга бораман.

Мен бекадан қарорини ўзгартиришни илтимос қилиб сўрайман, бироқ Свапна Девининг қалбида раҳм-шафқат уйғотиш ақлга сифмайди.

– Бу обрўли одамларнинг уйи. Ўғриларга раҳм-шафқат қиладиган меҳр-мурувват уйи эмас! – деди у қатъий. – Ўзи бир хизматкору, тагин ба-

давлат хонадон бекаларидай катта тўй қилгилари келиб қолибди, бу кишимнинг. Сиз ҳаммангиз камбағалсиз. Кўрпангизга қараб оёқ узатмасангиз мана шундай аҳволга тушасиз!

Ўша онда мен қаср бекасини чиндан ҳам ёмон кўриб кетдим. Бир ҳисобда у ҳақ. Ҳар ким кўрпасига қараб оёқ узатиши керак. Лайжванти чиндан ҳам катта хатога йўл қўйди. У бизнинг жамиятда ёзилмаган, бироқ катта кучга эга бўлган қонунни бузмаслиги керак эди. У бойлар ва камбағалларнинг чегарасини бузмоқчи бўлди. Мана, оқибати. Лайжвантининг қамоққа олинишидан сўнг, ҳали ўзимга келмасимдан тақдир менга яна бир зарба берди.

Шанкар хонамга кириб, тўшакка беҳол бўлиб йиқилди. У кўринишидан касалга ўхшарди.

– Ч-н-д-ф-с-п-к-п, – ўз тилида шикоят қилди у.

Юзига кафтимни босдим. Йигитчанинг ҳарорати ниҳоятда баланд эди.

– Шамоллабсан-ку, Шанкар. Мен дорига бориб келаман. Хонангга бориб ёт, – дедим.

Дўстим аранг қадам ташлаб, хонаси томон юрди. Кўнглим ғаш, хаёлимда бирор кўнгилсиз воқеа содир бўладигандай эди. Дорихонадан қайтиб, унга оғриқ қолдирувчи дориларни бердим, бироқ аҳволи баттар ёмонлашди. Эртасига Шанкарнинг тили калимага келмайди. Бечора оғриқдан бақиради. Чироқни ёқиб, унинг ҳароратини ўлчайман. Ўттиз тўққизу тўрт даража. Ваҳимага тушиб, шифокорни дарҳол чақириш кераклигини англадим. Шанкарнинг давлат касалхонасигача олиб боришнинг иложи йўқ, чунки у анча олис эди. Шунинг учун хусусий касалхонагача боришга тўғри келди. Ўн саккиз рупий эвазига терапевт Шанкарни кўриб қўяди ва мендан у яқинда жароҳат олганмиди, йўқми деб сўрайди.

Қонаган тиззасини эслайман. Шифокор бошини чайқаб, ташхисни эълон қилди. Шанкар қутуриш касаллигини юқтириб олибди. Шифокорнинг фикрича, дайди ит уни ўша кун тишлаб олган бўлиши керак. Агар ўша пайтнинг ўзида унга қутуришга қарши вакцина юборилганида, ҳаётини асраб қолишнинг имкони бўларкан, бу ёғи энди бефойда, вақт ўтиб кетган экан. Унинг аҳволи ниҳоятда жиддий. Бемор ўзини ғалати тутишни бошларкан. Кўзига нималардир кўринади, сувни кўрса жаҳли чиқади. Кейин тутқаноқ тутиб, хушсиз йиқилади. У умуман гапиришдан тўхтайдиган ва, ниҳоят, икки кун ичида у ўларкан. Шифокор барча қўрқинчли тафсилотларни тасвираб бераркан, бир туки ҳам қилт этмайди. Бу бегона шаҳарда каминага меҳр-мурувват кўрсатган қалби пок боланинг дунёни тарк этишини ва уни умуман қайта кўролмаслигимни ўйласам юрагимни ваҳима эгаллайди.

– Наҳотки, ҳеч нима қилиб бўлмайди? Бирор иложи топилар, илтимос, унинг ҳаётини асраб қолинг, – дея ялиниб-ёлвораман мен шифокорга.

– Тўғриси айтганда, – аста-секин сўзлашни бошлайди у, – ўтган ойда америкаликлар қандайдир вакцинани юборишган, бироқ у ҳали синовда. Бу дори фақат «Гупта фарма» дорихонасида сотилади...

– Мен унинг қаердалигини биламан.

– Бироқ у қиммат, чўнтагинг кўтармаса керак..

Юрагим тўхтаб қолгандек туйилди.

– Шунчалар қимматми?

– Тахминан тўрт лакх.

Ғалати тасодиф. Шьям Нитанинг озодлиги тўрт юз минг талаб қилганди, шифокор ҳам Шанкарнинг ҳаётини асраб қолишга худди шунча сўрапти. Чўнтагимда атиги тўрт юз рупий.

Кимга ишлатишни эса ўзинг танла! Мен бунча пулни қисқа вақт ичида қаердан топаман, бироқ ҳеч қачон дўстимни бундай аҳволда ташлаб кетмайман. Уни қўлимда кўтардим. Шанкар билан деярли тенгдошмиз. Бироқ уни дард енгибди. У шунчалар енгилки, ҳатто қўлларим оғирлигини ҳис этмайди. Бир бурдагина бўлиб қолганди. Мен гўё одамни эмас, латта қўғирчоқни кўтариб олгандай эдим. Шанкарни каравотга ётқиздим. Ўзим эса зах полга ўтирдим. У менга икки йил олдин кўрсатган мурувватига муносиб жавоб қайтариш фурсати етди, ахир. Кечқурун Шанкар ўзини отиб чиқади. Унинг азобланаётганига қўл қовуштириб қараб туриш осон кечмайди. Озгина мудрасам ҳам тушимга қутурган дайди итлар киради. Ўзимнинг овозимдан ўзим чўчиб уйғониб кетаман:

– Ойи! Ойижон!

Кўзларимни очиб, дўстимнинг ёнига бораман. Шанкар тинчгина ухларди. Унинг терлаб кетган юзини артишга тушаман. Шу икки йилда ҳаётимиз қанчалар ўзгариб кетди-я, деб ўйлайман. Лайжванти, Шанкар, мен ва Нита. Кўзларимга ёш келади. Қисмат олдида инсон қанчалар ожиз.

Йигитнинг жуссаси кўзларим олдида кичрайиб борарди. Кўзлари косасидан чиққандек эди. Унинг тез орада жон беришини билардим, аммо қалбимни умид тарк этмаганди. Хаёлимда у шунчаки шамоллагану, эртасига оёққа туриб кетадигандек эди. Кеч тушди. Шанкарнинг бутун танаси иситмадан ёнарди. Бечора, ҳатто сув ичмай қўйди. Севимли овқати бўлишига қарамай, атиги биттагина чаппати ва чечевица еди. Кўзларининг ости ҳам қорайиб кетганди.

– Ч-р-к... е-с-я-б... б-и-у-в-д-ш-э... в-д-й-м-б, – дейди бола ва йиғлайди.

Уни қўлимдан келганча овутамаман. Ўзида ишонч, умид бўлмаган ва азобланаётган одам бошқада умид уйғотиши қийин. Кечқурун мени яна ўтмишдаги воқеалар қийнайди. Тунги соат иккиларда Шанкар ғалати товуш чиқарди. Нима бўлаётганини англамай ўрнимдан туриб, бемор ёнига бордим. Кўзлари юмилган ва фақат лаблари титрарди. Ҳушдан кетишимга озгина қолди. Чунки лабларининг қимирлашидан: «Онажон, илтимос, мени урманг!» деб такрорлаётгани уқдим.

– Шанкар! Шанкар! – уни елкасидан тутиб, ўзига келтирмоқчи бўлдим. – Нималар деяпсан, биродар, кўзларингни оч.

Бироқ бечорагина мени умуман эшитмасди. У ўз оламида кезиб юрганди. Шанкарнинг кўкраги шишиб кетди. Оғзидан эса қора сўлак оқарди. Бироқ у энди менга тушунарли тилда сўзлай бошлаганди.

– Нега мени ҳайдаб юбордингиз, онажон? Тақиллатмасдан кирганим учун кечиринг. Ичкарида амаким борлигини билмабман. Сизни яхши кўраман. Ҳар куни сизнинг расмингизни чизаман. Кўк дафтаримни кўринг, у ерда сизнинг суратларингиз кўп. Мен сизни яхши кўраман. Урманг мени, онажоним, ваъда бераман, ҳеч кимга айтмайман. Фақат урманг... Онажон, жонимсиз...

Дўстимнинг овози олти ёшли боланикидек чиқарди. У ўтмишга, барча соғлом болалар каби соғлом сўзлай оладиган вақтларига қайтганди. Хаёлан онаси ёнида бўлган даврларида яшаётган эди. Шифокор уни умуман гапиролмайди, деганди, лекин у аниқ ва тиниқ сўзлаётти-ку. Мен бу мўъжизага жавоб топишни истамайман. Мўъжизани кўрдингми, жим тур, дейди ички сезги.

Шанкар сукут сақлайди, бошқа ҳеч нима сўзламайди. Эрта тонгда у яна ўн олти ёшар йигит

бўлиб уйғонди. У яна тушунарсиз тилда гапирди. Аммо мен кўк дафтар ҳақида унутмайман. Дўстимнинг хонасини остин-устин қилиб, ўша кўк дафтарни топдим. Ҳар бир варағида жуда гўзал аёлнинг суратлари чизилганди. Улар худди тирикка ўхшарди. Каминани рассомнинг маҳорати эмас, уларда ким тасвирлангани мени ҳайратга солди. Бу суратлар Свапна Девиники эди.

– Биздан шунча вақт нимани яширганингни билиб олдим, – кўк дафтарни Шанкарга кўрсатдим. – Қаср бекаси сенинг онангми?

У кўркүвдан дағ-дағ титрайди. Бола мендан дафтарни тортиб олмоқчи бўлди.

– Г-к-в-р-у... и-с-и... ш-к-ш-в-д-й-о-б!

– Мен бунинг ҳақиқатлигини биламан. Сен унинг чиркин сирини билиб қолгансан ва шунинг учун ҳам ўз туғилиб-ўсган уйингдан қувилгансан. Айни ўша пайтда сен ҳамма каби сўзлашни унутгансан. Шу йиллар мобайнида у сенга шу ерда хона ажратгани ва арзимаган чақаларни кун кўришинг учун бериб юрганидан уялгандир. Мени ички сезги алдамаган экан. У худбин, ҳаёсиз ва шафқатсиз аёл. Шундай бўлса-да, онагинингни бир бора зиёрат қилишимга тўғри келади. Мен у ойимчани сен учун вакцина сотиб олишга мажбур этаман.

– Р-к-ш, Р-к-ш, Р-к-ш, е-с-й-у и-ъ-с-к-ц и-ъ-д-и-с-я-о-к! – йиғлаб бормаслигимни ялиниб сўрайди у.

Бироқ мен қасрга боришга қатъий қарор қилгандим. Хоним билан очиқча гаплашиб олишнинг фурсати етди. Бошида Рани соҳиба мени қабул қилмайди. Шу сабаб, икки соат остонада кутишимга тўғри келди. Ниҳоят, у мени қабул қилишга мажбур бўлди.

– Нима гап? Нега келдинг? – кўрслик билан сўрайди у.

Мен унинг юзига дафтарни отиб юбордим:

– Мен сизни фош қилдим, Свапна Деви. Шанкар ўғлингиз эканлигини ҳаммадан яширгансиз.

Совуқ қиролича бир муддат ниқобини ечди. Унинг ранги оқарганини ҳис этдим. Бироқ кўп ўтмай, аввалги қиёфасига қайтди. Мени ўз қўллари билан бўғиб ўлдиришга тайёр одамдай ёнимга яқинлашди:

– Сен ким бўлибсанки, ўз уйимга келиб дағдаға қилияпсан? Итвачча, у менга ҳеч ким. Етим бир бола. У билан ўртамизда ҳеч қандай қариндошлик ришталари йўқ. Бизни ҳеч нима боғламайди, тушундингми? Ҳали уни меросхўр сифатида тан олинг, деб талаб ҳам қиларсан? Ҳайдаб чиқармасимдан бу ердан йўқол!

– Мен кетаман, бироқ ҳозирнинг ўзида тўрт юз минг беришингизга тўғри келади. Шанкарни даволаш учун тўрт лакх керак. Унинг ҳаёти хавф остида.

– Жинни бўлдингми? – илон каби вишиллаб овоз чиқаради Рани-соҳиба. – Бунча пул менда бўлганида ҳам ололмайсан!

– Агар вакцина сотиб олмасангиз у ўлади. Атиги 24 соатдан кейин.

– Нима қилсанг қил, менга бари бир! Ўладиган бўлса тезроқ ўлсин! Менга деса отамдан нари кетмайдими! Одамлар орасида ҳозирги гапларингни сиртингга чиқарма! Бўлмаса терингга сомон тикаман!!!

Бу сўзлар дунёдаги энг шафқатсиз сўзлар эди. Остонада тош қотдим. Кўз ёшларим томоғимдан хиппа бўғаётганди. Менинг онам туғилишим билан мени ташлаб юборган. Бечора Шанкарни эса ўз уйдан эс-ҳушидан айириб, қувиб солишган. Мана ҳозир туққан онаси уни қутқариб қолиш учун бармоғини ҳам қимирлатишни истамайди.

Нега ҳаёт бу қадар шафқатсиз, нега одамлар бу қадар юраксиз ва инсофсиз... Қуруқ қўл билан қайтиш жуда ҳам оғир, айниқса, онасининг юрагида меҳр-муҳаббат уйғонишига умид қилаётган дунёга тўймаган беғубор кўзларга боқиш қанчалар қийин. Свапна Девининг шафқатсиз сўзлари қулоғимга худди темирчининг болғасидай урилади. Она ҳам шунақа бўладими? Ўз ўғлига дайди ит каби ташқарида, дарвозанинг тагида ўлиб кетишни раво кўряпти. Ҳеч қачон қашшоқлик мени ҳозирги каби эзмаганди. Шанкарнинг тиззасини тишлаб олган ўша қутурган итни кўрганимда, бировга ташланишидан илгари унинг вакцина сотиб олишга пули етадим, йўқми, деб бир ўйлаб кўришини маслаҳат берардим.

Эртасига мен охириги ўн йилда қилмаган ишимни қиламан. Бозордан гул сотиб олиб, аввало, Дурга ибодатхонасига бордим. Ундан кейин эса Авлиё Ионн черковида шам ёқдим ҳамда Кали мачитига қадам босиб, бошимни жойнамозга теккиздим. Шанкарнинг ҳаётини асраб қолишни Яратгандан умид қилиб сўрадим. Аммо дуоларнинг кучи ҳам дард олдида ожиз. Кун бўйи бола оғриқдан қийналиб чиқди. Нафас олиши қийинлашиб борарди. Тун чўқди. Свапна Девининг қасри чироқлар нури билан ёруғ эди. Қиролича полиция комиссари, судья, ўнлаб тадбиркорлар, журналисту ёзувчилар шарафига базм уюштирарди. Деразалардан мусиқа садолари, қадаҳларнинг чиқиллаши, кулги ва рақсга тушаётган оёқларнинг товуши эшитилади. Менинг хонамда эса гамгин сукунат ҳукмрон. Бу сукунатни ожизгина, истеъдодли рассом боланинг дард дастидан инграётгани ва оғир нафас олиши бузади, холос. Унга қараб қийналиб кетаман. Дард ҳар ярим соатда хуруж қилар ва оғзидан қоп-қора сўлак

келарди. Қутуриш – барча касалликлар ичида энг даҳшатлиси бўлса керак. Ҳатто саратонга чалинганлар ҳам охирги дақиқаларгача умиддан айрилмайдилар. Қутуришга йўлиққан одам эса фақат ўлимни кутади. Ҳар дақиқа уни қабрга яқинлаштиради. Кўз олдимда аста-секин шам каби сўниб бораётган Шанкарнинг қанчалар азоб чекаётганини кўриб, онасининг бағритошлигини кечиролмайман. Бу ерда ўғли жон беряпти, у бўлса ўз уйида етти ёт бегоналар учун базм уюштиряпти. Яхшиямки, ўша куни тўппончани дарёга отибман, акс ҳолда яна бир одамнинг хунини елкамда кўтариб юришимга тўғри келарди. Тун давом этади. Шанкар эса тинмай чинқиради ва оғзидан сўлак оқади. Охирги дақиқалар яқинлигини англаб боряпман. Аградаги энг яқин дўстим соат миллари ўн иккию ўттиз еттини кўрсатганда қўлимда жон берди. Сўнгги нафаси чиқишидан олдин у:

– Ражу... – дейди, кейин чизган расмлариниғижимларкан. – Она! Онажон! – деб чақирди ва кўзларини юмиб, мангу уйқуга кетди.

Агра ўлим шаҳрига айланди. Менинг тўшагимда жонсиз тана. Қўлимда эса кўк дафтар. Ундаги тасвирланган дунёдаги энг шафқатсиз аёлнинг суратларини бемақсад варақлайман. Уни она деб аташ аслида ер юзидаги барча оналарни ҳақоратлаш билан баробардир.

Энди бу ёғига нима қилишни ҳам билмайман. Мен ҳам этикдўз сингари дунёни бошимга кўтариб, ҳаммани қарғайми? Қўлимга тушган нарсани синдириб, барча нарсани остин-устин қилайми? Нима фойда? Негадир кўзларимга ҳам ёш келмаяпти. Қалбимни эгаллаган газаб ҳам аста-секин денгиз сувидай тинчиб қолди.

Мен дафтардаги барча расмларни майда-майда бўлакларга бўлиб, йиртиб ташладим. Ўрнимдан туриб, Шанкарни қўлимда кўтариб, йўлга тушдим. Формадаги соқчилар менга ноилож йўл беришди. Гилам ёзилган йўлакдан аста-секин одимлаб, безатилган шоҳона меҳмонхонага кириб бордим. Бу пайтда меҳмонларга ширинлик берилаётганди. Ташрифим барчанинг диққатини тортди ва гурунглар тинди.

Шанкарнинг жонсиз танасини ширинликлар, яхна ичимликлар, торт қўйилган стол устига қўйдим. Ўзларини йўқотиб қўйган хизматчилар жойларида ҳайкалдек тош қотдилар. Дид билан кийинган тадбиркорлар йўталиб қўйишди, аёллар қўрқувдан чинқириб юбордилар. Полиция комиссари ва судья югуриб келиб, қўлимдан тутдилар. Тиллага бурканган хонадон бекаси эса ҳужумга шайланаётган илон каби ўқдай ёнимга учиб келди. У бундай зарбани кутмаганди. Бағритош аёл оғзини очди, аммо гапиролмади. Чунки овози чиқмай қолди. Мен унга ғазаб ва нафрат билан тикилдим ҳамда ҳаммага эшиттириб:

– Миссис Свапна Деви, бу қасрнинг қироличаси, меросхўрингиз, ўғлингиз шаҳзода Кунвар Шанкар Сингх Паутамнинг мурдасини қабул қилиб олинг. У ярим соат олдин харобаларда жон берди. Узоқ вақт уни омманинг кўзидан яшириб келдингиз. Мана энди, беркитишингизга ҳожат қолмайди. Чунки у энди ўлди. Оналик бурчини унутиб, унга, ҳатто дори олиб беришга ҳам ярамаган онасини чақира-чақира жон берди. Дайди итга ўхшаб, бу оламини тарк этган жигарбандингизни ҳеч бўлмаса, одамга ўхшаб кўмарсиз, деган умидда олиб келдим! – дедим ва совуқ сукунат чўккан меҳмонхонани тарк этдим.

Дўстимнинг вафоти мени бутунлай ларзага солди. Қўлимдан келгани бу – йиғлаш ва яна ҳам-масини унутиш учун уйқуга кетиш. Тожмаҳалга ҳам борганим йўқ. Нита билан ҳам учрашмадим. Кинога ҳам бормадим. Икки ҳафта мен ўз ҳаётимнинг танаффус тугмасини босиб, яраланган шердай Аграни ҳолсиз ва бемақсад кезаман. Шаҳарда қиш ҳукмрон. Гавжум шаҳар аста-секин чўлга ўхшаб боряпти. Ўзимни қўлга олишим ниҳоятда қийин бўлди.

– Ражу, Ражу, Нита қўнғироқ қилди! – хонага қайтишим билан эшик олдида ютиниб-ютиниб сўзларди Шакил. – У Сингханиядаги жонлантириш бўлимнинг интенсив терапия палатасида экан. Сени чақираётган экан...

Юрагим нақ чиқиб кетаётгандек тез урарди. Оёғимни қўлимга олиб касалхонага қараб югурдим. Остонада шифокор билан тўқнашиб кетишимга оз қолди. Менга ҳайрат билан тикилиб турган ҳамширадан:

– Нита қани? – деб сўрадим.

– Мен шу ердан, Ражу.

Бу товуш ниҳоятда сокину ғамгин эшитилди. Қиз парда ортидаги ўринда ётарди. Оёқларим тортмаётган бўлса-да, ичкарига кирдим ва қўрққан-нимдан бақариб юборишдан ўзимни аранг тийдим. Унинг юзи кўкариб, оғзидаги тишлари қонаб ётарди. Чап кўзи эса шишиб, юмилиб қолганди.

– Ким бундай қилди? – деб сўрайман, ҳатто ўз овозимни ҳам танимай.

– Мумбайдан келган бир одам, – аранг овоз чиқариб сўзлайди у. – Шъям мени «Палас» меҳмонхонасига юборди. Ичкарига киришим билан у қўлларимни боғлади. Юзим ҳеч нарса эмас.

Қиз шундай дея кўйлагининг тугмаларини ечди. Қандай ҳушдан кетмадим, ҳайронман.

Озгингина тана тамаки қолдиғи билан куйдириб ташланганди. Айниқса, кўкракларига қараб бўлмасди. Мен бунақа ишни аввал ҳам кўргандим. Ҳайвон! Ичимдаги ҳайқириқни ташқарига чиқаришдан аранг ўзимни тийдим. Қоним қайнаб қўлларим мушт бўлиб тутилди.

– Нита, мен у одамни танийман. Унинг исмини биласанми? Мен уни топиб ўлдираман!

– Билмайман. Исмини айтмаганди. Баланд бўйли ва...

Шу пайт палатага елим халтачаниғим билан Шьям кирди. У мени кўриб, худди занжирини узган қопагон итдай ташланди.

– Ифлос! Бу ерга нима учун келдинг? Ўлдираман?! – қичқирди даллол кўйлагимнинг ёқасидан олиб.

– Жинни бўлганмисан? – деб итариб ташладим.

– Йўқ, сен аслида жиннисан! Қизнинг бошини айлантириб, бу иш билан бошқа шуғулланмасликни уқтирибсан. У мижозларга қаршилиқ кўрсатадиган бўлган. Бу одам қанча тўлаганини биласанми? Нақд беш минг рупий! Синглим сенга ишониб, буйруққа бўйсунмай қўйди. Мана қара, бу нимага олиб келди? Хуллас, йигитча, гап шу. Агар Нитани кўрмоқчи бўлсанг, тўрт юз минг тўлайсан! Кейин нима қилсанг қил! Унгача кўзимга кўринма! Агар яна касалхона атрофида айланиб юрсанг, тамомсан, билдингми? Энди бу ердан йўқол!

Мен Шьямни ўз қўлларим билан ўлдиришим мумкин эди. Бу ғурури йўқ эркакнинг кўзларини ўйиб олиш керак эди аслида. Бироқ севгимга сўз бергандим. Азизамнинг юзига бошқа тикилиб туролмайман. Шуни сени биламанки, мен тўрт лакх топишим зарур! Қанча тез бўлса шунча яхши!

Ниҳоят, режа тайёр. Фақат Свапна Девининг бирор жойга кетишини кутиш керак эди. Икки

кун ўтиб, Рани-соҳиба танишларининг уйидаги навбатдаги базмга жўнайди. Лайжвантининг айтган гаплари эсимда эди. Тунда Свапна Девининг ётоқхонасига кириб, калитни у айтган жойдан топдим ва шошилиб деворга ўрнатилган қутини очдим. Аммо мени янги зарба кутиб турарди. Сейф деярли бўш эди. Тилла ва олмос кўзли тақинчоқлардан асар йўқ. Атиги юпқагина тўрт боғлам пул. Бир нечта ҳужжатлар ва чақалоқнинг оқ-қора суратлари... Бир қарашда расмларда кичкина Шанкар эканлигини биламан. Мени негадир виждон қийнамайди. Пулларни чўнтагимга суқиб, дарров сейфни қулфладим ва калитни жойига қайтардим. Барча ўғрилар каби ишни битиргач, туёғимни шиқиллатиб қолдим. Хонамга келишим билан дарҳол пулларни санайман. Қўлимдаги бир юз эллик олти рупий билан роппа-роса тўрт юз минг бўлди. Афтидан Дурга маъбудасининг ўзи мени қўлаганга ўхшайди. Қўлимда хатжилдни сиққанча касалхонага қараб югурдим. Кираверишда бир эркак билан тўқнашиб кетдим. Қўлимдаги хатжилд қўлимдан учиб кетди ва пуллар полга сочилди. Ҳалиги киши худди ёш боладай эгилиб, қалтираб-қалтираб пулларни терарди. Бир муддат ўзимни йўқотиб қўйдим, бироқ нотаниш одам пулларни йиғиб, қайта хатжилдга солди ва ёнимга келиб, икки қўли билан ялинишга тушди.

– Мана пулларингиз, жаноб, – дейди у ва худди кўчадаги тиланчиларга ўхшаб. – Илтимос, менга қарз бериб туринг. Жон, укажон, ўғлимнинг ҳаётини асраб қолайлик. У энди бор-йўғи ўн олти ёшга тўлди. Мен унинг ўлимини кўтаролмайман.

Хатжилдни қўлимга сиқаркаман, бу кўзойнакни одамдан қутулишни билмайман.

– Ўғлингизга нима бўлди?

– Уни қутурган ит тишлаб олди. Агар қутуришга қарши вакцина ўтказилмаса, у ўлади. У фақат «Гупта фарма» дорихонасида сотиларкан. Вакцина тўрт лакх туради. Оддий ўқитувчида бунча пул нима қилади? Илтимос, болагинамнинг ҳаётини асраб қолинг. Умримнинг охирига қадар қулингиз бўлай... – худди онасидан калтак еган боладай йиғлайди муаллим.

– Бу пуллар мен учун қадри бир инсоннинг даволаниши учун керак. Мени афв этинг, жаноб, иложим йўқ. Йўл беринг, ўтиб кетай, – дедим виждоним қийналиб.

Эркак оёғимни қаттиқ қучиб, кўз ёш тўқади.

– Илтимос, бир дақиқа тўхтанг. Мана бу суратга қаранг. Бу менинг ўғлим. Агар у ўлса, эртага қандай яшайман? – ўқитувчи ёшгина йигитнинг суратини қучиб, юм-юм йиғлайди.

Чиройли қора кўзлар ва лабида беғубор табасум. Иссиқ чеҳрага боқиб, Шанкарни эслайман. Аммо кўзларимни чирт юмдим-да, ортимга ўгирилишга ўзимда куч топишга улгурдим.

– Мени афв этинг, аммо бу пуллар менга ҳам жуда керак. Узр, мени тинч қўйинг.

Палатага қандай кирганимни билмайман. Нитанинг юзи дока билан ўраб ташланганди. У ухлаётганга ўхшарди. Шъям ва унинг шотири худди қопағон ит каби курсида ўтириб, Нитани қўриқлашарди.

– Хўш? – даллол ўрnidан ирғиб турди. Оғзидаги паанни тинмай чайнарган, менга яқинлашди. – Яна нима учун келдинг? Мени тушунмаганга ўхшайсан?

– Мен пулни топдим. Тўрт лакх. Мана, қара!

Пулни унинг кўзлари ёнида ўйнатдим. Шъям ҳайратдан ҳуштак чалиб юборди.

– Қаердан ўғирладинг?

– Ишинг бўлмасин. Узумини егину, боғини сўрама. Мен Нитани олиб кетгани келдим. У мен билан кетади.

– У ҳеч қаерга кетмайди. Шифокорларнинг фикрича, синглимни тўрт ой даволаш керак экан. Ҳаммасига сен айбдорсан. Уни аввалги ҳолатига қайтариш учун пластик жарроҳлик керак экан. Хуллас, буларнинг ҳаммасига жуда қиммат туради. Икки лакх. Агар мен ва дўстим танобингни тортиб қўйишимизни истамасанг, яна олти лакх келтир ва синглимни олиб кетавер!

Унинг ёнидаги ҳамроҳи чўнтагидан пичоқни чиқариб, қўллари билан тинмай айлангириб ўйнатади ва паан қолдиқлари ёпишиб қолган тишларини кўрсатиб маймунга ўхшаб иршаяди.

Ўша пайт мен Нита ҳеч қачон меники бўлмаслигини тушундим. Шьям бирга бўлишимизга имкон яратмайди. Бўғзимга нимадир қадаалди. Фикрлаш қобилиятимни йўқотгандай, нима қилишни билмай қотиб қолдим. Онгим қоронғилик қаърига чўкиб кетгандек эди. Ўзимга келиб, ерда ҳўл бўлиб ётган газетани олдим. Биринчи саҳифанинг пастида қўйидаги эълон берилганди:

«Дунёдаги энг гаройиб шоуга хуш келибсиз! Телевидение тарихидаги ҳақиқий қизиқарли викторина! «КМИ» – «Ким миллиардер бўлишни истайди?» шоусида иштирок этишни хоҳласангиз қўйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг ва белгиланган манзил бўйича хатларингизни йўлланг! Омадингизни синаб кўринг! Дунёдаги энг катта жек-потни ютишни истайсизми?» Манзилимиз: «Прем Студиоз, Кхар, Мумбай».

Ўша онда энди мен қаерга боришни аниқ билардим.

Палатадан чиқишим билан йўлакда ўтирган кўзойнакли ўқитувчига кўзим тушди. Касалхонанинг ҳиди кўнглимни айнитаётган бўлса-да,

ўқитувчини ёнимга чорладим. Бечора аллақачон ўғлининг ўлимига кўниккандек туйилди.

– Мана буни олинг, – дейман мен унга хатжилд-ни узатиб. – Бу ерда сиз сўраган ўша тўрт юз лакх. Боринг, ўғлингизнинг ҳаётини қутқариб қолинг.

Ўқитувчи хатжилдни олиб, оёғимга йиқилиб йиғлайди.

– Сиз одам эмас, балки авлиёдирсиз-а! – дейди.

Мен кулиб юбордим:

– Агар авлиё бўлганимда касалхонада ҳеч ким ётмаган бўларди. Қаршингизда авлиё эмас, балки қалбида улкан орзулари бўлган сайёҳларнинг собиқ йўл кўрсатувчиси турибди.

Чиқиш эшиги томон йўналдим, бироқ яна кўз-ойнак таққан ўқитувчи йўлимни тўсиб, чўнтагидан чарм ҳамёнини олди ва ташриф қоғозини чиқарди.

– Мен сизнинг олдингизда қарздорман. Агар бирор ёрдам керак бўлса, қўнғироқ қилинг...

Ўйчан ҳолда жавоб бердим:

– Менга ёрдамингиз керак бўлармикан? Энди Аграда менга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Чунки мен Мумбайга кетяпман.

Ташриф қоғозини чўнтагимга солиб, дориларнинг ҳиди бўғаётган касалхонадан чиқиб кетдим. Эркак ҳўл бўлган кўзойнагини тақиб, яқин орадаги «Гупта фарма» дорихонасига қараб югурди. Касалхонанинг остонасидаёқ сиренанинг овозини эшитдим ва қизил чироқларнинг милтилашини эътиборимни тортганди. Ҳойнаҳой, каминани излаб юришганга ўхшайди. Жипдан инспектор ва икки миршаб югуриб тушди. Мен уларни танидим. Свапна Девининг уйдаги ўша базмда кўргандим. Улар билан бирга хонимнинг кошонасидаги соқчи ҳам бор эди. Қонун ҳимоячиларнинг ортидан боғбон Абдул ҳам тушди.

– Инспектор, мана шу – Ражу бўлади. Хонимнинг уйига ўгриликка тушган йигит.

Бошлиқ югурдаklarига менинг қўлимдан тутишни буюрди:

– Хонасидан ҳеч нарса топилмади. Демак, пулар унинг ёнида. Тинтинг, бу ярамасни!

Миршаблар чўнтаklarимни тинтиб чиқдилар. Бир қути сақич, озгина майда пул ва омад келтирувчи тангадан бўлак ҳеч нарса тополмадилар. Бундан эса сира фойда йўқ.

– Соҳиб, у тоза. Пул йўқ, – дейди ёрдамчилардан бири.

– Шундайми? – дейди инспектор. – Бари бир уни машинага ўтқазинглар. Идорага олиб кетиб, сўроқ қиламиз. Кечқурун қаерда бўлганлигини сўраш керак.

– У-ш-ш-с-в-у-ч... П-п-ф-г-у? – тутилиб-тутилиб сўзлайман мен.

– Тушунмадим? Нима дединг? – ҳайрон бўлди бошлиқ.

– Ч-ш-о-д-н-д-п... я-ш-с... ш-с-с... т-в-у-й-б-в-с-о.

– Жиннимисан, нима бало, – жаҳл қилди полициячи. – Мени майна қияпсанми? Ҳозир сенга полицияни масхара қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!

У қўлидаги таёғи билан туширмоқчи бўлганди, бахтимга Абдул унинг қўлидан тутиб қолди.

– Инспектор, урманг уни, илтимос. Бечора дўстининг ўлиmidан кейин жинни бўлганга ўхшайди. Шанкар ҳам худди шундай сўзларди.

– Нега унда уни гумондорлар рўйхатига тиркаб қўйдинглар бўлмасам. Бу жиннидан нима фойда? Бари бир ҳеч нима айтолмайди. Юринглар, кетдик. Сени безовта қилганимиз учун кечирасан, йигит. Уйга қайтишинг мумкин, – дейди инспектор ва бир имо билан ёрдамчиларига мени қўйиб юборишларини буюрди.

– Ш-т-д-ш-у-ф-с, – жавоб бердим мен. – Ф-с-п-э-ю-с-к... ш-т-д-ш-у-ф-с.

Смитанинг каравотига ўтириб, ёш боладай хўнг-хўнг йиғлайман. Қиз меҳрибонлик билан қўлимдан тутди. Унинг кўзлари ҳам ёшланганди.

– Бечора Шанкар. Айтиб берганингга қараганда у буюк истеъдод соҳиби бўлган, аммо онаси уни эс-ҳушидан айирган. Бу гуноҳсиз бола бу қадар даҳшатли ўлимга муносиб эмасди. Томас, чиндан дўзах азобларини босиб ўтишинга тўғри келган экан. Аслида сен ҳам бу азобларга муносиб эмасдинг, назаримда!

– Бироқ менинг азобларим Нитанинг чеккан уқубатлари олдида ҳолва. Бечорагина ўн икки ёшидан бери қанчалар азоб-уқубатларга гирифторлигини тасаввур қиляпсанми?

Смита бош чайқайди:

– Тасаввур қиляпман. Севгилинг ҳамон Аградами?

– Балки. Аниғини билмайман. Биз у билан тўрт ойдан бери хабарлашганимиз ҳам йўқ. Мен у ҳақида бирор янгилик эшитмадим. Эртага учрашамизми, йўқми, билмайман ҳам. Шундай кунлар насиб қилармикан?

– Худо хоҳдаса, албатта, учрашасизлар. Кел, яхшиси, кейинги саволни кўрамиз.

Студияда сукунат ҳукмрон. Гарчи мухлислар мени олқишлаган бўлса-да, ўн миллион рупийни таваккал қилган аҳмоққа қарагандай, ўйиннинг охирини сабрсизлик билан кутишарди. Бошловчи камерага тикилиб:

– Ўн биринчи савол. Унинг нархи юз миллион рупий деб белгиланган! Ҳозир сизнинг қандай аҳволда эканлигингизни тасаввур қиляпман. Бунча пулни эшитиб, танангизга титроқ киргандир-а, мистер Томас, ҳаяжонланяпсизми?

– Йўқ.

– Тан олишим керакки, сизга қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Ўн миллион рупийдан кечиб, таваккал қилдингиз-а? Ҳатто бир тукингиз ҳам қилт этмади. Бироқ эсингизда бўлсин! Битта саволга нотўғри жавоб берсангиз борингиздан айриласиз! Акси бўлса, юз миллион чўнтагингизда. Ҳатто лотереяда ҳам ҳеч ким бунча пулни ютмаган. Ўн биринчи савол... – Прем Кумар атайин тўхтаб, менга синовчан кўз қирини ташлади ва давом этди. – Савол инглиз адабиётидан бўлади!

Ёзув тахтасида «Олқишлар!» деган ёзув ёнди.

– Айтинг-чи, мистер Томас, инглиз ёзувчиларидан бирортасини биласизми? Пьеса, ишқий роман ё шеърый тўпламларини ўқиганмисиз ҳеч?

– Сизга қўзичоқ ҳақидаги шеърни айтиб беришим мумкин?

Томошабинлар қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди.

– Тўғриси айтганда, мен бу асардан жиддийроғини кутгандим. Тахминимча, сиз Шекспир ҳақида эшитгансиз?

– Шекс... давоми қандай эди?

– Машҳур драматург, ўлмас асарлар муаллифи. Университет саҳнасида, бўш вақтларда Шекспир пьесаларида ўйнардим. Оҳ, олтин даврлар эди. Эсимда ўша онлар... Гамлет эсингиздами?

Ўша асарда бош қаҳрамон образини талқин қилиш менга ёқарди.

Майли, ўзим ҳақимда сўзлаганим етади. Ахир бу савол менга эмас, балки жаноб Томасга аталган-ку. Жавоб беришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат бераман. Битта нотўғри жавоб ва сиз юз миллион рупийдан айриласиз! Шекспир асарларининг қайси бирида Башка исми қаҳрамон учрайди? Вариантлар: а) «Қирол Лир», б) «Венециялик савдогар», с) «Натижасиз муҳаббатнинг кучайиши» ва д) «Отелло».

Муסיқа садолари янграйди. Мен нима қилишни билмай бошловчига тикилиб турибман.

– Мистер Томас, сир бўлмаса, гап нима ҳақида бораётганини оз бўлса ҳам англаяпсизми?

– Йўқ.

– Йўқ? Хўш, бу вазиятда қандай йўл тутмоқчисиз? Истаган жавобни тахминий танлайверинг. Омадга ишонинг, нима бўлса бўлар. Тасодифан юз миллион рупийга эга бўласиз. Хўш, қандай қарорга келдингиз?

Бошида бирорта фикр миямга келмайди. Мана, ниҳоят, каминани бурчакка тақаб қўйишди. Ярим дақиқа нима қилишни билмай, бошловчининг юзига тикилиб турдим.

– Адашмасам, менинг икки имкониятим бор. Шундан фойдаланаман.

Бошловчи бундай жавобни кутмаганди, шекилли? Энди эс-ҳушини йўқотиш навбати унга етди. Ниҳоят, мана у ўзига аста-секин келяпти. Ўйиннинг қоидалари энди эсига тушди.

– Имконият? Дарвоқе, сиз улардан ҳали фойдаланганингиз йўқ-ку? «Эликка элик» ва «Дўстга қўнғироқ». Хўш, қай бирини танлайсиз?

Камина яна ўйланиб қолди. Салим бу борада мендан ўзиб кетолмайди. Гаров бойлайман Шекспир деганлари «Жимминикида» барининг хўжайинининг ҳам, у ерда ишлайдиганларнинг ҳам, ҳатто, тушига ҳам кириб чиқмаган бўлса керак. Агар Тимоти ота тирик бўлганида бирор жўяли жавоб айтиши тайин эди-ю, аммо начора? Ўтганларнинг жойи жаннатда бўлсин. Балки «Эликка элик»ни танларман-а? Чўнтагимдан омад келтирувчи тангамни изламоқчи бўлиб қўл суқдим. Қўлимга қандайдир қаттиқ қоғоз илинди. Чироқ ёруғида «Уптал Чаттержее, инглиз адабиёти фани ўқитувчиси, Авлиё Иоанн мактаби, Агра». Паст-

да эса телефон рақами ёзилганини ўқидим. Бу ташриф қоғози қаердан пайдо бўлиб қолганига ақлим етмайди. Ким эди бу? Бирдан ярқ этиб, кўз олдимда касалхона гавдаланди. Кўзойнакли бахтсиз отанинг қиёфасини кўргандек бўлдим. Қувонч ва ҳайратдан ўрнимдан сакраб туришим ва ҳайқириб юборишимга оз қолди.

– Кечирасиз, нима дедингиз? – оғзимга тикилди Прем Кумар.

Ташриф қоғозини маҳкам қўлимга сиқиб:

– Дўстимга қўнғироқ қиламан. Мана шу одамга!

Бошловчи ташриф қоғозини қўлига оларкан, уни асабий айлантирди.

– Тушунарли, демак, сизда бу саволга жавоб бера оладиган танишингиз бор. Бу жуда қизиқ... – у етти ёшли боладай нима қилишни билмай продюсерга боқди.

Узун сочи рок юлдузи бошини қимирлатиб, рухсат берди. Прем Кумар стол остидан телефон аппаратини чиқараркан, мулла минган эшакдай бўлиб, уни каминага узатди.

– Марҳамат, истаган саволингизга жавобни сўрашингиз мумкин. Унутманг, сизда атиги икки дақиқа бор, холос. – у шундай дея соатига қаради. – Мана, ниҳоят, вақт кетди.

Мен дарҳол ташриф қоғозидаги рақамларни тердим. Аграда эса телефон жиринглайди, жиринглайди, жиринглайди. Ҳеч ким унга қўл теккизмайди. Ярим дақиқа ўтди. Мухлислар дамини ичига ютган. Улар аллақачон ўйинга яқун ясаб, худди ўзлари бой бераётгандай юз миллионга аза тутиб ўтиришарди. Уларнинг олдида мен дорга арқонсиз чиққан дорбозга ўхшайман. Битта нотўғри ҳаракат қилса тамом. Ерга йиқилиб, ўша дақиқанинг ўзида жон таслим қиладигандекман.

Сабримни йўқотяпман. Ичимга титроқ кирди. Яна тўқсон сония ва камина юз миллиондан айрилиб қолиши тайин. Мен аллақачон умидимга қабр қазиб, уни кўмдим ва устига юз миллион рупийлик гулдастани қўйиб ҳам бўлгандим, бироқ кутилмаганда гўшакдан овоз эшитилди.

– Алло?

Бир дақиқадан сал камроқ вақт қолганди.

– Алло, – шошилиб жавоб бердим мен. – Мистер Уптал Чаттерджее?

– Ҳа, ҳа.

– Мистер Чаттерджее, бу Рам Муҳаммад Томас.

– Рам Муҳаммад... ким-ким?

– Томас. Сиз исмимни билмайсиз. Сингхания касалхонасида сизга ёрдам берган йигит эсингиздами? Ўша мен бўламан.

– Худойим! – худди бир қоп олтин топиб олгандек суҳбатдошимнинг товуши ўзгарди. – Мен сизни тўрт ойдан бери излайман. Яратганга беҳисоб шукрки, ўзингиз қўнғироқ қилиб қолдингиз. Сиз туфайли ўғлим тирик қолди...

– Мистер Чаттерджее, узр, менинг вақтим оз, телевикторинада қатнашяпман. Бир саволга жавоб олишим керак

– Истаганингизни сўрайверинг.

Ўттиз сония вақт қолганди. Студиядаги барча кўзлар соатга қадалган.

– Шекспирнинг қайси пьессасида Башка исмли қаҳрамон учрайди. Вариантлар: а) «Қирол Лир», б) «Венециялик савдогар», с) «Натигасиз муҳаббатнинг кучайиши» ва d) «Отелло».

Соат охириги сонияларга ишора қилиб чиқилайди.

– Мистер Чаттерджее, жавобини биласизми? Атиги ўн беш сония қолди.

– Билмадим.

Мен жавобни эшитиб жойимда қотиб қолдим.

– Қанақасига?

– Кечирасиз. Чиндан ҳам билмайман, бир оз иккиланияпман. «Венециялик савдогар» ва «Отелло»да аниқ йўқ. Демак, ё «Қирол Лир»да ёки «Натижасиз муҳаббатнинг кучайиши»да шундай образ бўлиши керак.

– Менга фақат битта жавоб керак.

– Унда иккинчисини танлай қолинг. Аммо тўлиқ ишончим комил эмас, балки...

Прем Кумар худди шу ерда гўшакни қўлимдан олиб, жойига илди.

– Минг афсуски, мистер Томас, икки дақиқа ниҳоясига етди. Жавобни кутяпман.

Студиядаги офир мусиқа энди нафақат юрагимни сиқаётганди, балки эговга ўхшаб миямни эговлаётгандай эди. Бир оз иккиланиб, жавоб беришга шошилмайман.

– Мистер Томас, мистер Чаттерджеени анчадан бери биласизми? – сўради бошловчи.

– Биз бир марта учрашганмиз.

– Нима? Атиги бир мартами? Хўш, унинг ёрдамига таяна оласизми?

Бир оз ўйланиб:

– Биласизми, одатда мен ички сезгига таянман ва у шу чоққача мени алдамаган. Фикримча, мистер Чаттерджее ҳақ. Мен с жавобини танладим. Бу «Натижасиз муҳаббатнинг кучайиши», – дедим қатъий.

– Жавоб беришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат берардим. Агар нотўғри жавобни танлаган бўлсангиз, юз миллион рупийни тушингизда ҳам кўрмайсиз.

– Нима бўлса бўлар жавоб – с.

– Сиз чиндан ҳам шу тўғри жавоблигига ишончингиз комилми?

– Ҳа.

– Саволни қайтараман. Чиндан ҳам шу тўғри жавоблигига ишончингиз комилми?

– Ҳа.

Дўмбиранинг овози студияни тўлдиради ва маълумотлар ойнасида тўғри жавоб ялтиллайди.

– Худойим, тўғри жавоб чиндан ҳам с! «Натижасиз муҳаббатнинг кучайиши», сиз юз фоиз ҳақ экансиз!

Кутилмаганда ҳиссиётларга берилган Прем Кумар ўрнидан туриб, қўлимни сиқиб қўйди.

– Табриклайман, Рам Муҳаммад Томас! Сиз викторинамизда юз миллион рупий ютиб олган ягона одамсиз. Хонимлар ва жаноблар, бу тарихий онларни эсда сақланг! Бизга рекламали танаффус жуда ҳам керак!

Томошабинлар ўрнидан туриб, студияни бошларига кўтариб, тиним билмай олқишляпти. Ким ҳуштак чалади. Ким ҳақимга мақтовлар ёғдиради. Мен эса ҳамон ҳайратдаман. Бошловчининг қизарган юзи эса тердан ялтиллайди.

– Ўзингизни қандай ҳис этаяпсиз? – сўрайди у.

– Т-в-с-ш-ш-с.... н-д-и-к-я-д-ш-к-п-э-р-с!

– Кечирасиз, нима дедингиз? – ҳайратланди Прем Кумар. – Мен гапингизни тушунмадим.

– Ажойиб!

Мен шундай дея юқорига қарадим. Хаёлимда осмондан туриб, Шанкар жилмайиб турганга ўхшарди. Дурга маъбудасининг ўзи ҳам қўлляпти чоғи... мен энди ростакамига жилмайдим. Бунга жилмаймай бўладими ахир?

МИЛЛИАРД РУПИЙ: ЎН УЧИНЧИ САВОЛ.

Танаффуc ҳали ниҳоясига етмабди. Прем Кумар бир бурчакда узун сочли продюссер билан нималарнидир жиғибийрон бўлиб муҳокама қиларди. Мен эса атрофга боқаман. Чироқларни, ҳар хил камераларни, овоз ёзиш аппаратларини кўздан кечираман. Ўз навбатида студиядагилар ҳам мени зимдан кузатишаётганини ҳис қилиб турибман. Уларга ҳозир камбағаллар ва бойлар чегарасини бузишга интилаётган жасур телба нималар ҳақида ўйлаётгани қизиқ бўлса керак-а?

Бошловчи продюсер билан шивир-шивирини тугатиб, ёнимга яқинлашди.

– Томас, шунча саволга қандай жавоб топдинг билмайман-у, аммо бу сафар аниқ оғзингни юмиб қўяман.

– Кўрамыз.

– Мен яхшиси, ҳаммасидан қандай айрилганингни кўраман. Тайёрлан, – дея ваъда берди у.

Студияда яна чироқлар ёнди. Томошабинлар ўринларидан туриб, тинмай қарсақ чалишди. Прем Кумар камерага қараб:

– Хонимлар ва жаноблар! Сиз билан биз муҳим бир тарихий воқеанинг остонасида турибмиз. Мумбайдаги кичик рестораннинг ўн саккиз ёшли официанти Рам Муҳаммад Томас, телевикторинамиз тарихида янги саҳифани очди. Агар у ҳозир охириги саволга жавоб берса, ер юзидаги энг катта жек-потни қўлга киритган бўлади. Миллиард рупий. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бунча катта ютуқ шу омадли йигитга насиб этармикан? Келинг, буни бир неча дақиқадан сўнг

билиб оламиз. Шундай экан, ҳал қилувчи дақиқаларда бугун ўзини муносиб кўрсата олган ажойиб ўйинчимизни биргаликда олқишлаймиз. Студияда барча ўрнидан турди, ҳатто бошловчи ҳам. Бу ердан одамни бир тийинсиз чиқариб юборишдан олдин уни осмонга чиқариб қўйиш – нима ҳам дердим, фаройиб тактика. Фаройибдан-фаройиб...

Мана, мен қўрқиб кутаётган ўша дақиқалар келди. Чуқур нафас олиб, келажагимнинг кўзларига тик қарашга тайёргарлик кўряпман.

– Хонимлар ва жаноблар, яна бир оздан сўнг охириги ўн иккинчи саволни ҳам маълум қиламиз. Ўйинга дунёдаги энг катта жек-пот миллиард рупий тикилган. Кўрамиз, жаноб Томас, шу ютуқнинг соҳиби бўлармикан? Борди-ю, у саволга нотўғри жавоб берса, студиядан бир тийинсиз чиқиб кетади. Майли, вақтни беҳуда сарфламайлик. Ниҳоят, ўн иккинчи савол: Томас, охириги саволни тингланг! У Ҳиндистон тарихи ҳақида бўлади. Аградаги Тожмаҳал обидаси император Шоҳжаҳон томонидан суюкли хотини Мумтоз Маҳал шарафига қурилганини биласиз-а? Хуллас, савол шундай: Мумтоз Маҳал отасининг асл исмини топинг. Вариантлар: а) Мирза Али Курибек, б) Сирожиддинлоҳ, с) Асафжаҳ ва д) Абдураҳимхон Ханан.

Яхшилаб бош қотириб, кейин жавоб беришни маслаҳат бераман, мистер Томас. Тарихий лаҳзалар остонасида турганингизни унутманг. Биламан, ўзингизни қўлга олиш учун вақт керак ва биз томошабинлар учун қисқагина рекламани танаффус қиламиз. Хонимлар ва жаноблар, кўп ўйлаб ўтирмай, қаршингизда турган мард ўйинчини олқишланг.

Прем Кумар «энди қалайсан!» дегандек масхраомуз тиржаяди.

– Бу саволга жавоб бериш учун камида ўрта асрлар тарихи бўйича магистр бўлишинг керак. Юз миллионинг етим қолаётганига афсусланяпман. Тўғриси айтсам, мен бир кун айнан сени кўргани «Жимминикида» барига бораман ва иккаламиз юзма-юз ўтириб, ўша юз миллионга аза тутамиз, нима дединг? – шивирлаб кулиб қўйди у.

Мен эса фахр билан жилмаярканман, бошловчининг кўзига тик қараб:

– Албатта, мен ўрта асрларнинг магистри эмасман, бироқ жавобни жуда яхши биламан, – дедим.

– Ҳазиллашяпсанми?

– Бу ҳақда ўйлаганим ҳам йўқ. Император отасининг исми Асафжах.

Бошловчининг кўзи қўрқувдан қинидан чиқиб кетай дейди.

– Қаердан... қаердан биласан?

– Мен ахир икки йил Тожмаҳалда сайёҳларга йўл кўрсатувчилик қилганман.

Бошловчининг юзи кўкариб, қизариб ва, ҳатто, оқариб кетди. Эркак илк марта менга шундай совуқ тикилдими, юрагим музлаб қолай, деди.

– Афсунгармисан нима бало? – у шундай дея кўчадаги болалардан калтак еб, отасининг ёнига югуриб борган боладай, яна ёрдам сўраб продюсери томон ўқдай учди.

Улар мен томонга қараб, ташвишга тушиб шивирлайдилар. Улардан бири китобни олиб, ниманидир излашарди. Энди мухлислар ҳам безовта бўлишаётганди. Ниҳоят, бошловчи келиб, жойига ўтирди. Ичини ит тирнаётгани юз қиёфасидан сезилиб турарди. Яна «Олқишлар!» деган ёзув ялтиллайди.

– Хонимлар ва жаноблар! Рекламали танаффусдан илгари биз Мумтоз Маҳал отасининг ис-

мини сўрагандик. Бу охирги савол деб кўнглингиздан ўтган бўлиши табиий, бироқ адашдингиз.

Залдагилар нима бўлаётганига тушунишмади. Мен эса улардан ҳам баттар аҳволдаман. Наҳотки, саволларни шу тарзда ўзгартиришнинг иложи бўлса... Тўғриси айтсам, ҳайратда эдим. Бу номардликни қандай изоҳлашни билмасдим. Прем Кумар эса жонланиб қолди:

– Тожмаҳал ҳақида гап бошлаганимизнинг сабаби, телевикторинамизнинг ҳомийларидан бири «Мумтоз» чойи шарафига эди. Реклама учун нималарга тайёр бўлмайсан киши.

Залдагилар ҳайратдан ҳайқириб юборишди.

Кимдир:

– Бизни болаб лақиллатдингиз, мистер Кумар! – залдаги ҳолат яна ўз аслига қайтди. Ҳамма кулди, мендан бўлак. Афтидан бу ерда барча қаллоблар тўпланиб олишганди. Томошабинлар тинмай қарсак чалишарди

– Хонимлар ва жаноблар, мана энди сизга миллиард рупий турадиган саволни эълон қиламан. Мистер Томас учун охирги саволимиз... мумтоз мусиқа ҳақида! Бетховеннинг йигирма тўққизинчи сонатаси бир юз олтинчи опус, «Ҳаммерклавир соната» номи билан ҳам машҳур асар қайси тонда ёзилган? Вариантлар: а) си бемоль мажор, б) соль минор, с) ми бемоль мажор ва d) до минор.

Ўз жавобингизни яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат бераман, мистер Томас. Биргина қарорингиздан кўп нарса ҳал бўлади. Ўйлаб олишингиз учун, албатта, вақт берилади. Сиз бош қотиргунингизча, қисқагина рекламани танаффус эълон қиламиз. Хонимлар ва жаноблар, илтимос, жойингиздан жилманг. Мистер Томас инсоният тарихидаги энг катта жек-пот соҳиби бўлармикан ё йўқми, шуни биргаликда кўрамиз.

Бошловчи эслатмаса ҳам, мухлислар ўтирган жойидан қўзғалмай, ўйиннинг охирини қандай яқунланишини кутиб туришарди. Прем Кумар ўз ўрнидан турди.

– Мен бир неча дақиқага ташқарида бир ша-моллаб келмасам бўлмайди. Ҳозир қайтаман, – деди у.

– Ҳожатга чиқишим керак, – мен ҳам ўрним-дан турдим.

– Унда биргаликда чиқамиз, – дейди бошлов-чи. – Қоидага кўра, ўйинчи зални ёлғиз ўзи тарк этмаслиги керак.

Студиянинг ҳожатхонаси ниҳоятда тоза. Де-разаларидан тушиб турган қуёш нурлари эса ич-карини ёритиб турарди. Деворлар ҳам ҳар хил ҳаваскор рассомларнинг суратларидан ё ёзув-ларидан холи. Ҳожатхонада биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бошловчи менга эътибор қилмай, ишини бажаради. Кутилмаганда у мен томонга ўгирилиб:

– Нега ўйланиб ўтирибсан? Топшириқларни ўйлайвериб, миянг алжиб қолдим, нима бало? Ҳожатхонага нега кирганингни унутдингми, дейман? – у бошини чайқаб маза қилиб кулди. – Майли, хафа бўлма, мен студиядагиларга айта-ман, ресторанда ҳеч бўлмаса чой ичишинг учун бирор минг сўм бериб туришади.

– Ўрнингда бўлганимда, бошқанинг ғамини егандан кўра, аввало, ўз жонимни асраб қолиш ҳақида ўйлардим!!! – кутилмаганда қатъият би-лан сўзладим мен.

– Қанақасига? – ҳайрон бўлди бошловчи.

– Сизга нима учун бу викторинага келганим-нинг асосий сабабини айтиш фурсати етди, ҳур-матли соҳиб Прем Кумар, Рам Муҳаммад Томас шоуда пул учун эмас, аслида қасд олгани келди.

Мақсадим – қасос. Ҳа, қассос! – энди овозим ўзгарганини ўзим ҳам ҳис қилдим.

Эркакнинг юзида қотиб қолган табассум аста-секинлик билан йўқолди.

– Қасос? Тушунмадим? Кимдан қасос оласан?

– Сендан! – шундай дея секингина белимдан пахта яшириб қўйган кичкина тўппончани оламан. Бу матоҳни кўрган бошловчининг юзидан қон қочади.

– Сиз... сиз адашяпсиз, мистер Томас. Биз илгари ҳеч ҳам учрашмаганмиз, – аранг шивирлайди у.

– Йўқ, худди мана шу ерда сен адашяпсан, биродар. Катта хато қиялман. Биз сен билан илгари Неелима Кумарининг уйи яқинида кўришганмиз. Ўша пайтда тонг энди ёришаётганди. Сен уйдан кўк жинси шим ва оппоқ кўйлақда чиқиб келгандинг. Кўзларинг эса қизариб кетганди. Қўлингда бир боғлам пул бор эди, эсингдами? Неелима Кумарини эрта хазон қилганинг каммиди? Бунинг устига Нитани қандай аҳволга солдинг?

– Нита? – Прем Кумарнинг мўйлови тиккайди.

– Бу исмни энди эшитиб турибман.

– Бечора қиз Агра касалхонасида жон беришига озгина қолди. – Мен энди тўппончани маҳкамроқ сиқиб, отишга шайланаётган одамдай рақибимга яқин келдим.

Бошловчи мўъжизага ишониб, вақтни чўзишга ҳаракат қиларди.

– Агра? Мен ўша шаҳарга бормаганимга юз йил бўлди.

– Ҳозир эсингни киритиб қўяман. Тўрт ой олдин «Палас» меҳмонхонаси ёдингдадир. Хотирангда бўлмаса, мана бу ёдингга солиб қўйишга уста! Кичкина бўлса ҳам катта қудратга эга. Бечора қизни чақириб, бошига Неелиманинг кунини солибсан. Бир ожизанинг қўлларини боғлаб,

шафқатсизларча калтаклаб кейин... кейин...
Ифлос! Баданига тамакини босганингдан соғ
жойи қолмаган экан. Итвачча! Ҳайвон! Йиртқич!
Мана, кимсан!

Эркакнинг пастки лаби сезиларли даражада
титрайди.

– Э Худойим, ҳали бир фоҳиша учун!.. Сен
мени ўлдирмоқчи бўляпсанми? Ахир унинг хў-
жайини мендан беш минг рупий олганди... – дей-
ди у нописандлик билан.

Мен тўппончани тўғри юрагига тўғрилайман.

– Фоҳиша бўлса ҳам сендан пок. Сен ҳайвон
ва ифлоссан. Агар билсанг мен уни севаман. Ўша
қиз тортган азоблар учун ўч оламан!

– Кераги йўқ... – Прем Кумар беихтиёр ортга ти-
сарилди. – Отма! Бу матоҳни туширгин, илтимос.

Бошловчининг оёқ-қўли титрайди.

– Мен Нитага қасос олишга сўз берганман. У
менинг суюкли ёрим. Бироқ сени қандай топиш-
ни билмасдим. Аграда гезета саҳифасида худди
ер юзидаги ягона маймунга ўхшаб кулиб турган
расмингни кўриб, шу телешоуда қатнашишни
дилимга тутиб қўйдим. Мабодо, бирор саволга
жавоб беролмай қолсам, ўша лаҳзадаёқ, сени
отиб ўлдирмоқчи эдим, аммо мўъжиза содир бў-
либ, топшириқларга жавоб топдим. Менга омад
кулиб боққани, аслида сенга тақдирнинг туҳ-
фаси эди. Сабаби, оз бўлса ҳам умринг чўзилди.
Бироқ барча ишнинг ибтидоси бўлганидек, ин-
тиҳоси ҳам бор. Ҳаёт билан видолашавер. Чунки
вақтинг тугаб боряпти. Мана энди Неелима Ку-
мари ҳамда Нитага берган азобларинг учун жа-
воб берасан!

– Менга қара, – хириллайди Прем Кумар, – Не-
елима ва ўша Аградаги фоҳиша қизга нисбатан
номардик қилганимни тан оламан, бироқ мени

ўлдиришдан сенга нима фойда? Бу сенга наф келтирмайди. Агар тўппончани туширсанг, мен жек-потни олишингга ёрдам бераман, чин сўзим. Бу пулнинг миқдори ҳақида ўйла.

Мен қулиб юбордим:

– Бу миллиардлар билан нима қиламан? Бир бурда нонга қорним тўяди. Бахтли бўлиш учун пул шарт эмас.

Бу гапимдан кейин бошловчининг афт-ангори ўзгарди. У қизариб-бўзариб, иштонига айб иш қилиб қўйган боладай, юзимга гуноҳкорона тикилди. У қўли билан юзларини ёпиб:

– Илтимос, отма, ялиниб сўрайман, сени қотиллик учун қамашади ва дорга осадилар. Биз иккимиз ҳам ўлиб кетамиз.

– Нима бўлибди? Мен фақат қасос учун яшайман.

– Тўхтаб тур, бир оз ўйлаб олай. Томас, қасам ичиб айтаман, агар мени аясанг, охирги саволнинг жавобини билиб оласан ва тарихда энг катта ютуқ соҳиби сингари қоласан.

– Мен викторинага қайтмайман.

Бошловчи бутунлай англаш қобилиятини йўқотгандай эди. Аёлларга азоб берувчи бу мақтанчоқ Прем Кумар аслида қўрқоқ экан. У ёнимда ўлимни тан олган қўйи боши қуйи солиб турибди. Икки ой кутилган мана шу дақиқаларни тасаввур қилиб яшадим. Мана, ниҳоят, вақт етди. Нитани қийнаган номард қаршимда, қўлимда эса тўппонча. Муҳими, ўқ мўлжалга тегиши керак. Бу ифлосни тирик қўймайман.

Болливуд фильмларида қотиллар жуда осон одам ўлдирадилар-да. Бах, бах, бах, тамом. Одамлар дарров қип-қизил бўёққа бўялиб ётиб оладилар. Фақат бош қаҳрамонларгина узоқ гапириб, кейин ўлади. Ҳатто бирор марта ҳам қўлига қу-

рол тутмаган қахрамон бир отганда ўнта жиноятчини ер тишлатади. Ҳаётда эса ҳаммаси бошқача. Ўқданган қуролни бировга ўқташ осон, аммо отиш душвор. Ҳаёлингда ҳақиқий қурол ҳақиқий юракни тешиб ўтиши чарх уради ва оқ кўйлақда қип-қизил ранг эмас, балки ҳақиқий инсон қони бўлади. Шундай экан, тепкини босишга қўл бормайди, ҳадеганда жазм этолмайди, киши. Одам ўлдириш оғир. Аввало, ақлнинг овозини ўчириш керак бўлади. Бу ишда ё шиша, ё ғазаб қўл келади. Шу сабаб, мен бу ерга келгунга қадар юз берган энг оғир кунларимни, келишга мажбур этган воқеаларни эслаб, ўзимда ғазаб ўтини ёндиришга интиляпман. Кўз олдимда Неелима ва Нитанинг кўкарган, ғамгин чехралари намоён бўлади. Тамакидан куйган оппоқ баданларини эслайман, бироқ ғазаб ўрнига кўзларимда катта-катта ёшлар пайдо бўлади. Хуллас, ғазаб ўтини уйғотиш усули тўғри келмади. Ўзимда қатъиятни уйғотиш учун бошқа булоқ излайман. Энди шу кунгача эшитган таҳқирларим ва ҳақоратларим, йўқотганларим ҳақида ўйлайман. Мана Тимоти отанинг қонга беланган жасади. Мен дунёда билган энг буюк, мард, меҳрибон ва пок эркак. Шанкар – буюк қалбга эга ўспирин, бу дунёда хўрлик, азоб-уқубатдан бошқа нарсани кўрмаган дўстим, она меҳрини билмаган болакай... кўзларим олдида бошқаларга азоб бериб яшаганлар қиёфаси келади: Свапна Деви, Маман, Шантарам. Уларнинг ҳаммасини бир ерга тўпласам ҳам бари бир бу тўппончанинг тепкисини босишга керак бўладиган кучни йиғишга камлик қилмоқда. Қалбимдаги ғазаб ўти, қаршимдаги ҳеч нимага арзимас одамнинг жонини олишга етмади, бари бир. Тўғрисини айтсам, мен тепкини босолмаслигимни ҳис қилдим ва тўппончани туширдим.

Ўқ овозини эшитмагач, Прем Кумар кўзларини очди. Унинг пешанасидан тер оқарди. Бошловчи иккиланиб, тўппончага назарини қадади ва секин бошини кўтариб, кўзларимга боқди. Ғазабга тўлган кўзлардан сизиб чиқаётган ёшларни кўргач, кўнгли бир оз тинчиди. Аччиқ кўз ёшлар юзларимни куйдираётганди.

– Мени аяганинг учун катта раҳмат, Томас, – деди чуқур нафас олиб. – Мен миннатдорчилик билдирмоқчиман. Бундай олганда сен галабага эришганинг аслида. Ҳозирги саволга жавобни топишга мен сенга ёрдам бераман.

– Охирги дақиқада саволни ўзгартирмасликларингга қандай ишонсам бўлади?

– Тўппончанинг ёнингда қолсин. Аммо ишонч билан айтишим мумкинки, сенга у керак бўлмайди. Миллиард рупийни охирги чақасигача олишингга ёрдам бераман.

Илк марта бойиб кетиш фикри мени мафтун қилиб қўйди. Бунча пул билан кўп иш қилиш мумкин, ахир. Нитани озод қилиш, Салимни ўзи истаганидек актёр сифатида машҳур қилиш, менга ўхшаган дайди ва етим болалар ҳаётини яхшилаш ва ўзимга, ҳатто қизил «Феррари» сотиб олишим мумкин. Ниҳоят, қарор қабул қилдим. «Ҳа» – миллиардер бўлишга розиман, «Йўқ» – қотиллик қилишга қаршиман.

– Яхши. Саволнинг жавоби қайси?

– Ҳозир... – Прем Кумар ерга қараб жим бўлиб қолди.

– Нима бўлди?

– Биласанми? Мен сенга саволнинг жавобини айтишим ўйин қоидаларига зид. Сенинг галабангни ҳақиқий деб ҳисоблашмайди, – у бошини сарак-сарак қилди. – Йўқ, иложим йўқ.

Ўзимни йўқотиб қўйганимдан нима қилишни билмай қолдим. Бошловчининг қон югурган юзида табассум ўйнайди.

– Ҳа, бироқ оз-моз ёрдам бериш мумкин. Диққат билан тингла! Мен съёмкалардан кейин вокзалга бораман. Мени тўртта энг яқин дўстларим меҳмонга чақиринган. Биринчиси Оллоҳободда яшайди. Иккинчиси эса – Бародада, учинчисининг қаерда яшаши муҳим эмас, тўртинчиси, дейлик, Деҳлида яшайди. Аммо мен фақат бириникига боришим керак. Шундай экан, Оллоҳободни танлайман. Сангамга¹ гуноҳларимни ювгани бормоқчиман. Тушундингми?

– Тушунарли, – дейман мен.

Биз бирга ўз жойимизга қайтдик. Прем Кумар мен томонга ташвишли нигоҳ ташлайди. Қизиқ, у гапида турармикан?

Томошабинлар биргаликда олқишлашда давом этадилар. Мен эса чўнтагимдаги тўппончадан қўлимни олмайман. Бошловчи каминага томонга қайрилди:

– Эслатиб ўтаман, мистер Рам Муҳаммад Томас, танаффусдан олдин сиз ўн иккинчи саволни тинглагандингиз. Миллиард рупийлик қийматга эга бўлган топшириқни такрорлайман! Бетховеннинг йигирма тўққизинчи сонатаси бир юз олтинчи опус «Хаммерклавир соната» номи билан ҳам машҳур асари қайси тонда ёзилган? а) Си бемоль мажор, б) соль минор, в) ми бемоль мажор ва д) до минор. Тўғри жавобни айтишга тайёرمىсиз?

– Йўқ.

– Йўқ?

– Мен жавобни билмайман.

¹ Сангам – ҳинд тилида бирлашиш маъносини беради. Шунингдек, Ҳиндистонда икки дарё – Ганга ва Жамнанинг бирлашган жойи.

Камера менинг юзимни катта планда кўрса-тади.

– Мистер Томас, нималар деётгангизни биласизми? Миллиардер бўлишингизга атиги бир қадам қолганда саволга жавобни билмайман ва тайёр эмасман, дейиш эриш туйилмаяптими ўзингизга? Балки, таваккал қилиб, тахминий жавоб берарсиз, нима дедингиз? Биргина жавоб – ё сиз пулнинг ҳаммасини оласиз, ё ҳаммасидан айриласиз.

– Мен охирги имкониятдан фойдаланмоқчиман.

– Охирги имконият. Ҳа-ҳа, албатта, бунга тўлиқ ҳақингиз бор. «Эликка элик». Ўйин қоидасига кўра, учта нотўғри жавобдан иккитасини олиб ташлаймиз. Мана, марҳамат, кўриб турганингиздек, иккита вариант қолди: ё а, ёки с. Улардан бирини танлашингизга тўғри келади.

Чўнтагимдан бахтли тангамни олдим.

– Бургут тушса а, танганинг нариги томони тушса с, бўладими? – дейман мен. Мухлислар менинг бу бебошлигимдан оғизлари очилиб қолди. Бошловчи эса бошини чайқади. Прем Кумарнинг кўзлари аввалгидек порлайди.

Мен тангани олдим. У юқорига қараб учди ва секингина стол устига пастлаётганди. Хаёлимда омад туморим миллиард рупий турадиган ягона танга эди. Стол устига тушгандан кейин ҳам у бир муддат жойида айланиб турди. Прем Кумар бўйнини чўзиб:

– Бургут! – деди.

– Демак, жавоб – а.

– Ишончингиз комилми? Ҳали ҳам кеч эмас, балки яхшилаб ўйлаб кўрарсиз. Балки тўғри жавоб унисидир.

– Мен оғзимдан чиққанини қайтиб олмайман. Қарор қилиб бўлдим.

– Ишончингиз комилми?

– Ҳа, юз фоиз.

Дўмбира садолари қулоқни қоматга келтиради. Экранда охирги марта тўғри жавоб ялтиллайди.

– Буни қаранглар! Мана буни мўъжиза деса бўлади! Ҳақиқий мўъжиза! Чиндан ҳам тўғри жавоб: а! Юз фоиз ҳақсиз, мистер Рам Муҳаммад Томас! Сиз тарихда бир миллиард – ҳа-ҳа, бир миллиард рупийга эга бўлган биринчи фолиб сифатида қоласиз! Қисқа вақт ичида Ҳиндистон миллиардерига айланган, дунёдаги энг катта ютуқ соҳибини олқишланг! Хонимлар ва жаноблар, мана ўша миллиардер қаршингизда турибди! – Прем Кумар ўрнидан туриб, мухлисларга қўшилиб қарсак чаларди.

Юқоридан ширинликлар ёғила бошлади. Студия яшил, қизил, сариқ, кўк чироқлар остида жуда чиройли товланарди. Икки дақиқа ҳамма ўрнидан тик турган ҳолатда мени олқишлайди. Кимдир ҳуштак чалар, ким: «Яшавор, азамат!» деб бақриб-чақирарди. Бошловчи эса мўъжиза кўрсатиб, қойил қолдирган масхарабоздай, каминага кўзини қисиб қўйди. Мен бунга жавоб бермадим. Кутилмаганда продюсер Прем Кумарни четга олиб чиқди. Бир қарашда уларнинг ўртасида кечаётган суҳбат кўпроқ тортишувга ўхшаб борарди.

Хьюстон, бизда чин маънода жиддий муаммолар бор.

Смита ўрнидан туриб, соатига қарайди.

– Ҳа, мана буни тун, мана буни шоу ва мана буни ҳикоя деса бўлади, – деди. Қандай қилиб, миллиард рупийни ютиб олганинг маълум бўлди. Танга билан боғлиқ сўнгги саҳна шунчаки, спектакл эдими? Сен жавобни билармидинг?

– Албатта. Мен ҳеч нима яширмадим. Барча сирларимни очдим. Энди катта ютуққа муносибманми ёки йўқ, қарорни ўзинг қабул қил!

– Тўғриси айтсам, сен миллиард рупийни олишга тўла ҳақлисан, деб биламан. Кўнглингдан бу қиз қаердан ва нима учун полиция маҳкама-сига келди, деб ҳайрон бўлаётгандирсан?

– Ҳа, бироқ мен ҳамиша мўъжизани кўрдингми, ортиқча саволлар берма, деган нақлга амал қиламан!

– Мен – Гудия. Харобалардаги қизалоқ. Вақтида сен менга катта ёрдам бергансан. Отамни ўйлаб кўнглинг хижил бўлмасин. Сен уни ўлдирмагансан. Отам оёғини синдириб олди, бироқ мияси жойига тушди. Ўшандан бери у мени бошқа бевозта қилмади. Узоқ йиллар ўз отамдан қутқарган қутқарувчимни изладим, бироқ у ер остига кириб кетгандек эди гўё. Тополмадим. Ниҳоят, газеталардан Рам Муҳаммад Томас исми йигит қамалгани ҳақида ўқиб қолдим. Бу дунёда фақат биттагина Рам Муҳаммад Томас бор, бу ҳам мен ўша билган меҳрибон қўшним бўлса керак, деб ўйладим ва полиция идорасига ўқдай учиб бордим. Бу ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, сен туфайли. Қарзимни узгани келдим.

Қалбимни ғалати туйғулар эгаллаб олди. Яна кўзларга ёш келди. Мен қизнинг қўлидан тутиб, майин ва нозик кафтини силадим. Биз шунча йиллик айрилиқдан кейин кўришган қадрдонлардек қучоқлашдик.

– Сен айна менга керак пайтда ёрдамга келдинг, бундан хурсандман. Мана энди, менинг ҳимоячим, дўстим ва опам бор.

– Бугундан бошлаб, сенинг қайғуинг меники ҳамдир, – дейди Смига кўзлари чарақлаб. Уларда қатъият ялтиллади. – Мен сен учун курашаман, Рам Муҳаммад Томас, бир вақтлар сен мен учун курашганингдек.

ХОТИМА

Ўша узоқ ва ғаройиб тундан сўнг олти ой ўтди. Смига ўз сўзида турди ва она ўз боласи учун курашганидек, қўлидан келганча, охиригача ғалаба қозонишга интилди. Биринчи бўлиб у полиция билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал қилди. Тўғрироғи, миршабларга мени қамоқда ушлаб туришларига ҳеч қандай асос йўқлигини исботлади. Шунингдек, у поездда ўлдирилган қароқчининг ўлими билан боғлиқ ниҳоясига етмай қолган иш бор ёки йўқлигини аниқлади. Маълум бўлишича, бу иш бўйича ҳеч қачон тергов олиб борилмаган экан. Ундан кейин адвокат викторина ҳомийси бўлган компания билан қарши курашга киришди. Бошида компания мени қаллобликда айблади, бироқ Смига DVDдаги ёзув орқали қонун йўли билан мен голиб бўлганимни икки марта исботлаб берди. Фақат тўрт ойдан кейингина компания ғалабамни тан олишга мажбур бўлди.

Албатта, мен миллиард рупий олганим йўқ. Ундан озгина камроқ пул берилди. Майли, бори-га барака. Қанчадир қисмини ҳукумат олди. Бу лойиҳани ишлаб чиққан компания катта пулни тўлагандан кейин умуман кўринмай қолди. Шундай экан, «КМИ»нинг биринчи ва сўнгги голиби сифатида турихда қолдим.

Икки ой олдин Прем Кумар ўлди. Тергов хулосасига кўра, у ўз машинасида газдан заҳарланиб, жон берган ва бу ўз жонига суиқасд, деб қайд қилинган, бироқ газетачилар бу ўз жонига суиқасд эмас, балки қотиллик, деб башорат қилишяпти. Бунга каминага тўғри жавобларни топишга ёрдам бериб тургани сабаб бўлган эмиш...

Мен эса шоуга ҳомийлик қилган компания ундан қасос олган, деган фикрдаман. Яна ким билади?

Бир вақтлар бошқалар ҳисобига бойиган ва шу йўл билан митти қалбларнинг юрагидаги орзуларини тортиб олаётган ҳайвонлар дунёси кўз олдимида тасодифан очилганди. Мен шу йиллар давомида ўша вақтдаги даҳшатни унутолмадим. Бу шафқатсизликка қарши курашадиган қулай фурсат етди, деб ўйладим. Пуллар бизнинг замонамизда катта қудратга эга экан, у ҳатто атрофда бўлаётган ноҳақликларни кўрса-да, кўрмасликка оладиган кўзи ожиз қонун ҳимоячисининг кўзларини ҳам мошдай очиб қўяркан. Мен ўтган ойда Горегаонда полициячиларнинг ташрифига кетадиган харажатни тўладим. Кичкина боғига эга бўлган маҳобатли қасрда беш эркакни қўлга олишган. Миршаблар ўттиз бешта ногирон болани машҳур халқаро ташкилот ҳимоясидаги етимхонага топширган.

Лайжвантининг озодликка чиқиши учун қўлимдан келганини қилдим. Ҳозир у Мумбайда – менинг ёнимда. Ўтган ҳафта пойтахтда синглисининг тўйини ўтказиб қайтди. Лакшми Ҳиндистондаги нуфузли ташкилотда юқори лавозимда ишлайдиган кишига турмушга чиқди. Куёвнинг оиласи қалин ҳақида ҳеч нима демаган бўлса-да, бироқ Лайжванти куёвга «Тойота королла» автомобили, «Сони» телевизор, йигирмата «Раймонд» костюмлари ва қарийб бир килограмм келадиган тилла тақинчоқларни совға қилди.

Салим анчадан бери кутаётган Чимпу Хавананинг фильмида ўн етти ёшли талаба ролини олди. Ҳозирда у «Мемхуб» студиясидаги съёмкалар билан банд. Дўстим фильм продюсернинг исми Муҳаммад Бхатг эканлигига ишончи комил. Аслида бу мен. Менинг муҳаббатим ҳам Мумбайга

келди. Ҳозир у каминанинг қонуний хотини ва муносиб исм-шарифга эга: Нита Муҳаммад Томас.

Смита ва мен шошилмай Марин драйв бўйлаб яёв кезамиз. Майин ва ёқимли шабада юзларимизни сийпалайди. Уммоннинг улкан тўлқинлари қояларга келиб урилади. Бизнинг ортимиздан тошбақага ўхшаб, «Мерседес»ни секин бошқараётган ҳайдовчи изма-из келарди. Унинг орқасида «Энди менинг қизил «Феррари»м ҳам бор!» деган ёзув бор.

– Биласанми... мен бир нарсани...

– Нега жимиб қолдинг? Сўрайвер, – рухсат этди қиз.

– Ўша кеча полиция идорасига келганингда нега асл исмингни дарров айта қолмадинг?

– Чунки ҳикоянгни эшитмоқчи эдим. Қаршимда ҳали ким турганлигини билмасдим, бироқ мен ҳақимдаги ҳикоянгдан кейин, бир вақтлар ука тутинган болани танидим. Фақат шу йўл билан ҳақиқатнинг тагига етаман, деган фикрда эдим. Ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни... Энди менинг навбатим. Нега ўша тунда суҳбатни бошладимдан илгари танга ташладинг? – дея сўради Смита.

– Сенга ишониш ё ишониш мумкин эмаслигига шубҳам бор эди. Омадли тангам ҳамиша тўғри қарор қабул қилишимга ёрдам берарди. Бургут тушса, ҳаммасини айтаман, акси бўлса индамайман.

– Демак, танганинг нариги томони тушса, мен ҳеч қачон ҳақиқатни билолмас эканман-да?

– Бунақаси ҳеч қачон бўлмасди.

– Тушунмадим. Сен омадга шунчалик ишонасанми?

– Омаднинг бунга нима алоқаси бор? Мана бунга қара. – Чўнтагимдан тангани олиб, суҳбат-

дошимга кўрсатдим. У тангани қўлига олди ва орқасини ўгирди. Кейин яна бир марта айлантриб кўрди.

– Ахир... икки томони ҳам бир хил-ку!

– Ҳа, худди шундай. Бу менинг, фақат менинг омадли тангам. Шундай экан, бу ерда омаднинг сира алоқаси йўқ. Қиз индамайгина тангамни қайтариб берди. Мен уни қўлимга олиб юқорига отдим. Танга ҳавода айланиб, кейин уммон қаърига фарқ бўлди.

– Нега омад туморингни ташлаб юбординг?

– Ўйлайманки, энди у менга керак бўлмайди.

МИННАТДОРЧИЛИК

Бу китоб Питер Букманнинг ташаббуси билан дунёга келди. Йўл кўрсатувчи дўстимдан ҳам миннатдорман. Шунингдек, Розмари ва Жессика Букманларга ҳам раҳмат айтаман. Илк асарим уларнинг ёрдами билан халқаро миқёсда тан олинди. Жейн Лоусон билан ҳамкорлик қилиш мен учун ҳақиқий бахт эди. Олисдан бўлса ҳам телефон орқали мулоқотларимиз бу китобнинг дунё юзини кўришига сабаб бўлди.

Генерал С.К.Шарма «Ҳарбий зобит ҳикояси» қисмига катта ёрдам берди. Надвип Сури, Хэмпфри Хаксли, Патрику Френчу, Теджиндер Шарма, Морину Тревислар ҳам омон бўлишсин. Британиянинг янги Google тизимидаги электрон кутубхоналари ёрдами учун ҳам раҳмат. Энг аввало, бу китоб учун мен чин маънода ижод қилишимга шароит яратиб берган хотиним Апарна, ўғилларим Адитья ҳамда Варунга миннатдорчилик билдиришни лозим топдим. Улар китобни ниҳоялашимда қўлдан келганча ёрдамларини аямадилар.

ҲАР БИР САВОЛ ҚИЙМАТИ, ҲАР БИР ЖАВОБ ҚАДРИ БОР...

Викас Сваруп – 53 ёшда. У ташқи ишлар вазири К Натвар Сингхга тегишли офис директори. Касби дипломат. Сваруп 18 йил мобайнида ташқи ишлар вазири билан бирга кўплаб хорижий мамлакатларда хизмат қилди. Шунингдек, Вашингтон, Лондон, Туркия ва Эфиопияда ҳам самарали фаолият олиб борди.

Машҳур ношир жаноб Шила Бат мазкур асарнинг дунёга келиши ҳақида сўзлар экан, «Сваруп ҳинд тилида сўзлашишни маъқул кўрадиганлардан. У ўз она шахрига қайтганида хотини машҳур рассом Апарна, фарзандлари Адитья ҳамда Варун билан Оллоҳобод шевасида сўзлашади. У бир пайтнинг ўзида жаноб дипломат ёхуд иқтидорли ёзувчи шляпасини кийиб, бир-бирига номутаносиб одамлар қиёфасида намоён бўла олишини ўз кўзим билан кўрдим», – дейди.

– Нега ёзувчиликни айнан роман ёзишдан бошладингиз?

– Мен ўз касбини чин дилдан суйиб ардоқлайдиганларданман. Тўғриси айтганда, ёзувчи бўлиш хаёлимда ҳам йўқ эди. 2003 йилда мен Лондонда ёлғиз қолдим. Сабаби, оилам Ҳиндистонга йўл олди. Табиийки, бўш вақтим ҳам бир оз кўпайди ва мен бадий асар ёзишга ҳаракат қилсаммикан, деб ўйланиб қолдим. Хоҳиш пайдо бўлгани билан ишни қандай бошлашни билмасдим. Мен, аввало, гоёни ўйлаб топдим ва уни ривожлантириш ҳақида бош қотирдим. Асарда ўз ҳаётимда содир бўлган ва ташқи дунёда кўрган-кечирганларимдан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Аввалига ёзиш учун илҳом-

лантирувчи сабаб топилмади. Ижод қилиш учун муносиб жой танлаш керакмидан, деб ўйланиб қолдим. Балки шунда илҳом келиб қолар, деган умидда эдим. Лондон менинг иккинчи уйимдай гап. У доим диққат марказимда бўлган. Европа адабиёти менга таъсир кўрсатганини тан оламан. Кейин ўзимча, ноширлар шу ерда, агентларим, дўстларим шу ерда бўлса, демак, ижод қилиш учун жой танлаш ҳақида бош қотиришга ҳожат йўқ. Асарни Лондонда ёзишим керак, деган қарорга келдим.

Мен саргузаштга бой детектив жанридаги асарлар ўқишни ёқтираман. Чэс (Жэмс Ҳадли), Веллэйс (Эдгар) сингари жуда кўп ёзувчиларнинг асарларини мутолаа қилганман, лекин менинг романим ўзига хос услубга эга ва уларнинг асарларидан мутлақо фарқ қилади. «Саволларга жавоблар»ни детектив жанридаги асар дейиш мумкин, бироқ аслини олганда ҳали ҳануз бу бадиий асаримга тўғри таъриф топилганича йўқ. Хуллас, романнинг ибтидоси, имтиҳоси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда камолотга етказилган.

Ноширимнинг айтишича, ҳали ҳам бу бадиий асарга талаб катта ва у ўз салмоғини ҳали-бери йўқотмайди. Ёзувчи асарини омманинг холис назарига тақдим этишидан олдин, унга ўз қарашларини, кечинмаларини сингдира олиши керак ва бу ўқувчини ҳаяжонга солсагина муаллиф мақсадига етган бўлади.

Тўғриси айтишим керакки, қўлимга қалам олганда мен сира ҳам фойда келтирувчи мақсадларни кўзламаганман. Асосийси, қалбимда йиллар давомида йиғилган дарду аламни қоғозга тушириш эди. Бу менинг илк асарим бўлса-да, аммо меҳнатимга ва жон куйдирганимга яраша муносиб жавоб олдим, ҳатто керагидан ортиқ... Шунинг учун бўлса керак, ўзимни худди еттинчи осмонда юргандай ҳис қиляпман. Асарни ёзиш жараёнида

мен қаҳрамоним билан бирга ташвишландим, хурсанд бўлдим, қамоққа тушдим, йиғладим, кулдим, буларнинг барини сўз билан эмас, балки ҳис-туйғуларим билан ифодаладим. Мен унга Ғарб адабиёти таъсирида ёзилган асар, дея тамға босишларини истамайман. Сабаби, бу ҳақиқий ҳинд романи. Унда ҳиндларнинг миллий руҳи акс эттирилган. Асардаги анъаналар ҳам ҳинд қадриятларининг илдизига бориб тақалади. Бу ҳиндистонлик йигитнинг ҳиндча ҳикоясида ҳинд табиати ва ҳинд муҳити сезилади.

– Ноширни қандай топдингиз?

– Мен асарнинг асосий қисмларини ёзиб бўлганимдан кейин қўлёзмани яқин дўстларим ва агентларимга кўрсатдим. Уни қандай нашр қилдириш мумкинлигини сўрадим. Уларнинг тавсияси билан Лондондаги ўнта нашриётга қўлёзмани юбордим. Ниҳоят, ўн биринчи нашриётдан менинг веб-сайтга жавоб келди. Улар асаримни кўриб чиқишган экан. Эртасига Оксфорддан Питер Букманнинг шахсан ўзи уйимга ташриф буюрди. Дўстимларим у келишидан илгари менга кўп маслаҳатларни беришганди. Энг биринчи навбатда агар у китобни нашр қилдириш учун пул таклиф қилса, рад этмасликни уқтиришганди (дейди жилмайиб).

Шундай қилиб, мен илк мижозни топдим. У биринчи учрашувдаёқ асарим реал воқеаларга асослаб ёзилганини тан олди ва унда янгича руҳ борлигини эътироф этди. Кутилганидек, асарни бозорга чиқариш учун, албатта, яхшигина қалам ҳақи ҳам таклиф қилди.

2003 йилда мен Ҳиндистонга қайтдим ва асарнинг охириги қисмларини ўша ерда ёзиб тугатдим. Романнинг тўлиқ вариантини мен 11 сентябрь куни Букманга юбордим. У чўзиб ўтирмай 2003 йилнинг 11-12 сентябрь, яъни атиги икки кун ичида уни китоб ҳолида нашр қилдирди.

– Телевикторинадаги қийин саволларни ўйлаб топиш, у ерда содир бўладиган оммага номаълум ноҳақликларни ёритишдек оғир юкни бўйнингизга олиб ёзишга сизни нима мажбур этди?

– Асарни бошламасимдан илгари миямда айқаш-уйқаш, ҳар хил фикрлар чарх урарди. Қаламга олмоқчи бўлган мавзуларим шу қадар кўп эдики, асти қўяверасиз. Шундай қилиб, мен викторина билан боғлаб, асар ёзишга қарор қилдим. Чунки бу гоё бошқаларидан анчайин устунлик қилди. Ҳар бир одамнинг қалбида яширин саволлар ва бу саволларга жавоблар бўлади. Қаҳрамоним мактаб кўрмаган бўлса-да, берилган барча саволларга жавоб топди. Сабаби, у ҳаёт мактабида тарбия кўрганди. Албатта, асар тасаввурларимнинг маҳсули, лекин унинг остида ҳақиқат бор. Орамизда Рамга ўхшаб, бир неча дақиқада давлатмандга айланиб қолишни орзу қилмайдиган одам бўлмаса керак. Ҳеч нима тасодифан рўй бермайди. Ҳар бир саволнинг жавоби бор. Фақат инсон юрагига қулоқ солишни билиши керак.

Газетадан ҳиндистонлик саводсиз кўча болаларининг мобил телефон ва мобил интернетдан фойдаланишни бошлаганлари ҳақидаги хабарни ўқиб, асар гоёсини ўйлаб топганман. Биз паст назар билан қарашга одатланган ўша кўча боласи аслида ҳаёт ҳақида биздан кўра кўпроқ ҳақиқатни билади. Улар шафқатсиз ҳаётни эрта таниганлар ва уни борича қабул қилганлардир. Фақат тирик қолиш! Ҳаётда кимдир бўлиш учун эмас, балки тирик қолиш учунгина курашадилар. Хўш, айтинг-чи, бутун мактаб кўрмаган ўша юзлаб, минглаб болаларнинг қалбига қулоқ солиб кўрганмизми? Ҳаётнинг бор шафқатсизлигини кўрган етим-есирларнинг қалбидаги дардини аритиб, саволларига жавоб топиб бера оламизми?

Телевикторинадаги саволларга жавоб бор, бироқ қалби ўксикларнинг жумбоқди савола-

рига жўяли жавоб топилармикан? Ҳаммамиз бу ҳақиқат олдида кўзларимизни юмишга одатланганмиз, сабаби, бир нима дейишга ҳам қийналамиз, тўғрироғи, оғиз жуфтлаб икки оғиз сўзни айтишга ожизмиз. Дилимиздагиларни сиртимизга чиқаришга журъатимиз етмайди ҳам. Чунки ҳақиқат ҳамиша аччиқ. Тахир ҳақиқатни эса ҳамма ҳам оғзига олавермайди.

– Қаҳрамонингиз ҳақида нималар дея оласиз?

– Рам Муҳаммад Томаснинг табиатида ўзимни кўраман, десам янглишмайман. Асаримда унинг туғилганидан тортиб, 18 ёшгача кўрган-кечирганлари тасвирланган. Бироқ 18 ёшли кўча боласи бошқалардан анча фарқ қилади. У тенгдошларига қараганда эрта вояга етган. Одатда кўча болалари ҳаётдаги ноҳақликларни кўравериб, шафқатсиз бўлиб улғаядилар. Энг золим жиноятчилар ҳам улар орасидан етишиб чиқади. Томас буюк қалб эгаси. Қаҳрамонининг чеккан азоблари унинг пок қалбига зарар етказмаслиги, у раҳмсиз махлуққа айлантирмаслиги керак эди ва шундай ҳам бўлди ҳам. Зулмат ортида ҳамиша нур бор. Рамга ўхшаган болалар умидсизлик гирдобига тушиб қолмасликлари керак. 18 ёшли қаҳрамоним бунга тимсол бўла олади, деб ўйлайман. Бу асарим билан Рамга ўхшаганлар қалбида оз бўлса-да, эртанги кунга умид, ишонч ва муҳаббат уйғота олган бўлсам, бундан бахтиёрман.

– Асарда Ами табх Баччан номини кўп тилга олгансиз. Бунга сабаб нима?

– Мен кўп актёрларнинг номини зикр этганман. Бироқ улар орасида Ами табх Баччанга ҳурматим бўлакча. У Оллоҳбоддаги ўғил болаларни ўқитишга ихтисослашган мактабга келган эди. Бу инсон билан кечган қизиқарли суҳбат ҳали ҳануз хотирамда. Ҳиндистонда қиёси бўлмаган актёрга ҳавас қилганман ўшанда. Ҳозир ҳам у билан маҳорат

бобида бўйлаша оладиган актёрни топиш мушкул. Салим образи орқали кино санъатига ҳавасманд ёшларга: «Арман Алидек эмас, камида Баччанга ўхшаб, машҳур ва буюк актёр бўлишни орзу қил!» деган фалсафа яширинган, аслида.

– Бугун ҳолис бўлиб, ўз асарингиз ҳақида танқидий фикрларни билдира оласизми?

– Албатта. Бу менинг илк асарим бўлганлиги сабаб, баъзи жойларида тажрибасизлигим панд берган бўлиши ҳам мумкин. Истамасам-да, бу тижорат мақсадида ёзилган асарлар қаторида эътироф этилди. Бироқ ёзаётганда мен бу фикрдан йироқ эдим. Гап асарнинг шўхрат топганида ҳам эмас, менга катта даромад келтирганида ҳам эмас, балки ҳамма гап ҳаёлимдаги яширин орзуларимни қоғозга тушириб, одамларга етказа олганимда. Ўйлайманки, бу роман яқин орада театр сахналарида ҳам қўйилади. «Саволларга жавоблар» фақат ёзув тасмаларида қолиб кетишини истамайман. Адабиётга даъво қилиш фикридан йироқман, аммо бугун жамятда рўй бераётган адолатсизликларга бефарқ қараб туролмайман. Адабий танқидчилар менинг асаримга муносиб баҳо беришларига ишонаман. Бу асар ҳинд йигити ҳақида экан, уни ҳинд тилига ҳам таржима қилишни истайман.

– Хулоса ўрнида нималар дея оласиз...

– Миллион долларлик саволга – муносиб жавоб... Умид билан яна бошқа мавзуларда романлар ёзаман. Ўзга орзулар, ўзга дунё, ўзга одамлар, ўзга қаҳрамонлар қиёфасида бугунги замон ҳақида дардларимни, ички туйғуларимни қоғозга битсам, дейман. Ёзувчи сифатида қалам тебратишда давом этаман. Битта асар билан тўхтаб қолмоқчи эмасман. Менинг ишимда нуқталар бўлмайди. Жавобсиз саволлар ҳам... Ҳар бир саволнинг қиймати ва ҳар бир жавобнинг қадри бор. Қаршингизда турган одам дипломат, шу билан бирга ёзувчи ҳамдир...

ЁЗУВЧИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Викас Сваруп Ҳиндистоннинг Оллоҳобод шаҳрида ҳуқуқшунослар оиласида дунёга келган. Болалигида ҳам унинг кичик ҳикоялар ёзишга иштиёқи баланд эди, лекин у бу қобилияти билан бутун дунёга машҳур бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаганди. Викас ўғил болалар ўқитиладиган мактабни тамомлаб, Оллоҳободдаги университетга ўқишга кирди. У тарих, психология ва фалсафадан чуқур билим олди. 23 ёшида Викас Сваруп Ҳиндистон ҳукуматининг ташқи ишлар вазирлиги хизматига олинди.

У хизмати тақозоси билан жуда кўп жойларда бўлди. Узоқ вақт Жанубий Африка Республикасида яшади, ҳозирда эса мамлакатнинг Япония элчихонасида фаолият кўрсатади. Ўзининг илк романини у 45 ёшида ёзган. Ушбу китоб ёзувчига мисли кўрилмаган шуҳрат олиб келди. Китоб чиққан йили у 14 тилга ўтирилган бўлса, бугунги кунда 40 дан ортиқ тилларга таржима қилинганини эътироф этмоқ жоиз.

Сварупнинг асари енгил юмор орқали етимлар ва харобаларда яшайдиган аҳолининг аянчли ҳаёти тўғрисидаги ҳақиқатни очиб ташлайди. У ўқувчини жойи келганда кулдиради, жойи келганда йиғлатади ҳам.

«Харобаликларга – компьютер» меҳр-мурувват лойиҳаси асосида ёзувчи мактабда ўқиш имкониятига эга бўлмаган ёшларга компьютер улашиб, дунёни шу йўл билан кўрсатишга қарор қилган. «Ҳиндистон аҳолисининг учдан бир қисми кунига атиги бир доллар топади ва шу билан кун кечиришга мажбур. Бундай оилаларда улғаяётган

7 миллион бола мактабга қатнаш имкониятидан маҳрум. Аллоҳ ҳаммага қобилиятни бир хилда улашган. Фақат биз ҳар хил шароитларда вояга етамиз. Компьютер орқали ҳам илм ўрганиш мумкин. Ким билади, қаҳрамонимга ўхшаб бир кун келиб, улар орасида телевикторинада ғолиб чиқиб, бой бўлиш имкониятини қўлга киритадиганлар етишиб чиқар?» – дейди ёзувчи Викас Сваруп.

Ёзувчининг иккинчи романи – «Олти гумондор» 2008 йилда чоп этилган. Бу асар ҳам унинг илк романи каби жуда кўп тилларга таржима қилинган, бироқ биринчиси каби рекорд натижаларга эришганича йўқ. Ҳозирги кунда Японияда фаолият олиб бораётган Викас Сваруп япон ёзувчиларининг асарларини кўп ўқияпти. Маҳорат бобида Харуки Муракамига ҳавас қилади. Кейинги асарини ёзувчи мазкур сирли мамлакатга атаб ёзиш ниятида.

Викас Сваруп оилали, икки фарзанднинг отаси.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Минг рупий: қаҳрамоннинг ўлими	29
Икки минг рупий: руҳонийнинг оғир вазифаси	44
Беш минг рупий: оғалик қасами	63
Ўн минг рупий: ногиронлар ҳақида ўйла	82
Элик минг рупий: австралча шевада гаплашишни биласизми?	116
Юз минг рупий: тугмаларингга эҳтиёт бўл	143
Икки юз минг рупий: жанубий экспрессдаги қотиллик	164
Беш юз минг рупий: ҳарбий зобит ҳикояси	185
Миллион рупий: қотилликка рухсатнома	215
Ўн миллион рупий: трагедия қироличаси	238
Юз миллион рупий: чин муҳаббат қиссаси	268
Миллиард рупий: ўн учинчи савол	333
Хотима	347
Миннатдорчилик	350
Ҳар бир савол қиймати, ҳар бир жавоб қадри бор. <i>Муаллиф билан суҳбат</i>	351
Ёзувчи ҳақида қисқача маълумот	357

Адабий-бадиий нашр

ВИКАС СВАРУП

**САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР ЁХУД
ХАРОБАДАН ЧИҚҚАН МИЛЛИОНЕР**

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Мусахҳиҳ
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компютерда саҳифаловчи
Нигора УМАРҚУЛОВА

Лицензия рақами: А№ № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 2015 йил 17.09да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 11,25. Шартли босма тобоғи 18,9.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 177.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор – 8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278–30–52;

Маркетинг бўлими – 128–78–43. факс – 273–00–14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru